

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ЦИКЛИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ САФДОРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАР БИЛАН БОШЛАНҒИЧ КАСБИЙ
ТАЙЁРЛАШ КУРСИНИНГ “ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК”
МОДУЛИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ 2023

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Илмий кенгашида маъқулланган.*

Тузувчи:

Н.З. Тасимов Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

Н.А. Юнусов ИИВ Жанговар ва жисмоний тайёргарликни таъминлаш
бошқармаси бошлиғи;

И.Х.Махмудов ИИВ Академияси Ҳарбий фанлар кафедраси
бошлиғининг ўринбосари.

Ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органларининг сафдорлик лавозимларига қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёрлаш ўқув курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун қуролсиз саф усулларини бажариш тартиби, махсус воситаларнинг турлари, тактик-техник хусусиятлари, қўллаш тартиби ва қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари, махсус операция тушунчаси, турлари, ўқ отиш тайёргарлиги, унинг ички ишлар органларидаги роли ва ўрни ҳамда қуролларнинг турлари, жанговар хусусиятлари ёритиб берилган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

УДК _____

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Модул бўйича дарслар тақсимоти.....	7
8.1.1-мавзу: “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат, Интизом, Гарнизон ва қоровуллик хизматлари, Саф низомлари”	9
8.1.2- мавзу: “Қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари.....	24
8.2.1-мавзу: “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари ва ҳуқуқий асослари”	31
8.2.2-мавзу: “Макаров пистолетининг қўлланилиши ва жанговар хусусиятлари.....	41
8.2.3-мавзу: Макаров пистолетининг асосий қисм ва механизмлари (<i>тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш</i>).	45
8.2.4-мавзу: Калашников автоматининг қўлланилиши, жанговар хусусиятлари.....	50
8.2.5-мавзу: Калашников автоматининг асосий қисм ва механизмлари (<i>тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш</i>)	56
8.2.6-мавзу: Макаров пистолетини асосий қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш (<i>меъёрлар бўйича</i>)	60
8.2.7-мавзу: Макаров пистолетидан амалий ўқ отишга тайёргарлик.	62
8.2.9-мавзу: Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта қайта йиғиш (<i>меъёрлар бўйича</i>).	67
8.2.10-мавзу: Калашников автоматидан амалий ўқ отишга тайёргарлик.....	70
8.2.12-мавзу: Ички ишлар органларида мавжуд ўқотар қуроллар.	77
8.2.13-мавзу: Калашников автомати ва макаров пистолетининг асосий қисм ва механизмлари.....	91
8.3.1-мавзу: Махсус воситаларнинг турлари ва тактик-техник тавсифи. Махсус воситаларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари (<i>шио тўғрисидаги қонуннинг 21, 23 моддалари</i>).	98
8.3.2-мавзу: Махсус воситалар билан жанг қилиш усуллари.	106
8.3.3-мавзу “АИР М-140”, “Скорпион” ва “Скала” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник таснифи, қўллаш тартиби.	111
8.3.4-мавзу: Махсус воситаларни қўллаш тартиби ва жанг қилиш усуллари	129
8.3.5-мавзу: “ИИО фаолиятида алоқа воситалари (“Ҳайтера, Моторола, Посбон қўлда олиб юрилувчи ҳамда Кадан стационар радиоалоқа станцияси”)нинг тактик-техник таснифи, фойдаланиш тартиби	132
8.3.6-мавзу. “Махсус операция” тушунчаси, турлари, босқичлари ва шахсий таркибнинг тактик ҳаракатлари”	183
8.3.7-мавзу: “ИИВнинг оператив режаларининг мазмуни ва жалб этиладиган гуруҳларнинг вазифалари”.....	191
Мавзулар бўйича тахминий тест саволлари.....	199
Глоссарий.....	201
Адабиётлар.....	206

КИРИШ

Ҳозирги вақтда дунёнинг турли узоқ-яқин ҳудудларида юз бераётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг минтақамизда, ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка қандай қатта таҳдид туғдираётгани ҳақида ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган куйидаги етти устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кундаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони билан қабул қилинди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳасининг “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги такомиллаштиришни тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” номли иккинчи йўналишида ҳамда “Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш” номли еттинчи йўналишида ҳуқуни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали химоя қилишга хизмат қилишига йўналтирилган. Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш юзасидан, маъруза машғулотиимиз норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари асосида ходимларни кундалик хизмат фаолиятида моҳирона бошқарувини таъминлаш, мураккаб вазиятларга қисқа фурсатларда мослашиш, кескин ва фавқулудда вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга қаратилган юқори жанговар, ахлоқий-маънавий ва руҳий фазилатлар ҳамда хусусиятларни ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлиши ҳақида гапирганда, кейинги пайтда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қуролли тўқнашувларда кўзга ташланаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб ўртасидаги йўқотишларнинг асосий қисми кучли руҳий таъсир ва зарбалар билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда. Бундай руҳий жароҳатларни ҳатто тинч шароитида ҳам даволаш жуда мураккаб масаладир. Бу борада асосий эътиборни ҳарбий-амалий масалаларни ҳал этишга йўналтириш лозим. Ҳарбий хизматчилар ҳар томонлама соғлом ва чидамли бўлиши, ҳар қандай мураккаб жисмоний ва руҳий синовларга бардош бериши керак”, деб таъкидлаганлар.

Ҳурматли тингловчилар! Бугунги машғулотиимизда “Қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари” мавзусини кўриб чиқамиз ва ушбу мавзу бўйича олган

билимларни мустаҳкамлаб борамиз. Мавзу бўйича бугун қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, қад ростлаб туриш, жойда туриб бурилиш, ҳаракат, юриш давомида бурилиш, қурол билан бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, сафдан чиқиш ва сафга қайтиш усуллари. Бошлиқнинг олдига бориш ва унинг олдидан кетиш усуллари ўрганамиз.

Саф тайёргарлиги модулининг мақсади ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, қад ростлаб туриш, жойда туриб бурилиш, ҳаракат, юриш давомида бурилиш, қурол билан бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, сафдан чиқиш ва сафга қайтиш усуллари ҳамда бошлиқнинг олдига бориш ва унинг олдидан кетиш усуллари ҳамда уларнинг касбий интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, куч ва воситаларни самарали бошқариш, шунингдек ходимларда хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимлар беришдан иборат.

Саф тайёргарлик модулининг вазифалари:

- тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларга қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;

- тингловчиларда юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

- юқори даражада жанговар ва жисмоний, маънавий-ахлоқий ва руҳий тайёргарликни ҳар томонлама таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

- тингловчиларнинг блок-модуль тизими асосида малакасини оширишни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

- тингловчиларга қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, қад ростлаб туриш тартибларини ўргатиш;

- тингловчиларга жойда туриб бурилиш, ҳаракат, юриш давомида бурилиш, қурол билан бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, сафдан чиқиш ва сафга қайтиш усуллари ўргатиш;

- тингловчиларга бошлиқнинг олдига бориш ва унинг олдидан кетиш усуллари ўргатиш;

- ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотида ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳолашнинг замонавий усуллари ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усуллари самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

- мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимига кирувчи асосий фаолият йўналишларидан бўлган жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича тўпланган илғор иш тажрибасини ўргатишдан иборат.

- Ички ишлар органлари учун ходимларни махсус касбий тайёрлаш курсида назарий ўқув жараёнларининг амалиёт билан боғлиқлигини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш” ни ўз хизмат бурчини сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмада эканлигини англаши;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, қонунчилик соҳасидаги ислохотлар, шунингдек “Ички ишлар органлари ходимларининг ахлоқ-одоб қоидалари ҳақида” ги қўлланма талабларини;

Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратга;

махсус операцияларни амалга ошириш фаолиятининг ҳуқуқий асослари, субъект ва объектлари тўғрисидаги билимларни;

саф тайёргарлиги элементларини;

бошлиқ олдига келиш ва бошлиқ олдидан кетиш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ИИВ Низомларининг умумий қоидаларини, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқларини, мажбуриятларини **билиши ва билимларга** эга бўлиши керак;

Тингловчи:

ўз фаолиятини режалаштириш;

ўз фаолиятига тааллуқли ахборот билан ишлаш;

ахборот-таҳлил фаолияти методларини аниқлаш;

саф тайёргарлиги бўйича амалий кўникмага эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ИИВ Низомларига амал қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши зарур;

Тингловчи:

мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

жамоат жойларда жиноятчиларни гуруҳ бўлиб ҳамжиҳатлик билан қўлга олиш;

саф тайёргарлиги элементларига доимо риоя қилишни;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Ички ишлар вазирлиги Низомлари талабларига риоя қилиш **малакаларига** эгаллаши лозим.

МОДУЛ БЎЙИЧА ДАРСЛАР ТАҚСИМОТИ:

8.	Ҳарбий тайёргарлик							
		Умумий юқлама ҳажми	жами	маъруза	семинар	амалий	мустақил	назорат
		104	64	20		8	2	
1	2	3	4	5				
8.1	Саф тайёргарлиги	11	6	2				
8.1.1	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми, Интизом, Гарнизон ва қоровул хизмати, Саф низомлари	3	2	2				
8.1.2	Қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари	6	4					
2.1-2.2-мавзулардан оралик назорат		2						
8.2	Ўқ отиш тайёргарлиги	53	34	6		4	7	
8.2.1	ИИО ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари ва ҳуқуқий асослари. (ИИО тўғрисидаги қонуннинг 21, 24 моддалари)	6	4	2				
8.2.2	Макаров пистолетининг қўлланиши, жанговар хусусиятлари	3	2					
8.2.3	Макаров пистолетининг асосий қисм ва механизмлари (тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш)	3	2					
8.2.4	Калашников автоматининг қўлланиши, жанговар хусусиятлари	3	2	2				
8.2.5	Калашников автоматининг асосий қисм ва механизмлари (тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш)	3	2					
2.1-2.5-мавзулардан оралик назорат		2						
8.2.6	Макаров пистолетини асосий қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш (меъёрлар б ўйича)	3	2					
8.2.7	Макаров пистолетидан амалий ўқ отишга тайёргарлик	3	2					
8.2.8	Макаров пистолетидан амалий ўқ отиш	3	2					
8.2.9	Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш (меъёрлар б ўйича)	3	2					
8.2.10	Калашников автоматидан амалий ўқ отишга тайёргарлик	3	2					
8.2.11	Калашников автоматидан амалий ўқ отиш	3	2					

8.2.12	Ички ишлар органларида мавжуд ўқотар қураллар	6	4	2	2			
8.2.13	Калашников автомати ва Макаров пистолетининг асосий қисм ва механизмлари	6	4					
8.2.14	Амалий ўқ отиш	3	2					
8.3	Махсус воситалар ва алоқа тайёргарлиги	40	24	<i>10</i>	2	2	2	
8.3.1	Махсус воситаларнинг турлари ва тактик-техник тавсифи. Махсус воситаларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари (ИИО тўғрисидаги қонуннинг 21,23 моддалари)	6	4	2	2			
8.3.2	Махсус воситалар билан жанг қилиш усуллари	6	4					
8.3.3	“АИР М-140”, “Скорпион” ва “Скала” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник таснифи, қўллаш тартиби	6	4	2				
8.3.4	Махсус воситаларни қўллаш тартиби ва жанг қилиш усуллари	6	4					
8.3.5	ИИО фаолиятида алоқа воситалари (“Хайтера”, “Моторола”, “Посбон” қўлда олиб юрилувчи ҳамда “Кадан” стационар радиоалоқа станцияси)нинг тактик-техник таснифи, фойдаланиш тартиби	6	4	2				
3.1-3.5-мавзулардан оралиқ назорат		2						
8.3.6	“Махсус операция” тушунчаси, турлари, босқичлари ва шахсий таркибнинг тактик ҳаракатлари	3	2	2				
8.3.7	ИИБнинг тезкор режаларининг мазмуни ва жалб этиладиган гуруҳларнинг вазифалари	3	2	2				
Ҳарбий тайёргарлик– ўқув модулидан якуний назорат		2						

8.1.1-МАВЗУ: “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ИЧКИ ХИЗМАТ, ИНТИЗОМ, ГАРНИЗОН ВА ҚОРОВУЛЛИК ХИЗМАТЛАРИ, САФ НИЗОМЛАРИ”

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ РЕЖАСИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми
2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровул хизмати низоми.
4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми.

1–Ўқув саволи: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган.

Ушбу Низом Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг умумий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бригада мансабдор шахсларининг асосий мажбуриятларини, шунингдек, ички тартиб қоидаларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмларининг, штабларининг, бошқармаларининг, муассасаларининг, корхоналарининг, ташкилотларининг ва ҳарбий билим юртлирининг¹ барча ҳарбий хизматчилари ички хизмат Низомига амал қиладилар.

Низом қоидалари, шу жумладан бригада мансабдор шахсларининг мажбуриятлари ҳам барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчиларига тенг даражада тааллуқлидир. Мансабдор шахсларнинг Низомда зикр этилмаган мажбуриятлари тегишли қоидалар, қўлланма ва дастуриламалар билан белгиланади.

Низомнинг татбиқи чегара қўшинларининг ва миллий хавфсизлик хизмати қўшинларининг, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг, Ўзбекистон Республикаси бошқа тегишли вазирликлари ва идораларининг ҳарбий хизматчиларига ҳам жорий этилади.

Уруш давридаги дала шароитларида ва тинчлик давридаги ҳарбий хизматчиларни жангдаги амалларга ўргатиш бўйича ўқувларда ва машғулотларда ички хизмат жанговар низомлар, жанговар ҳаракатларни таъминлаш бўйича қўлланмалар, шунингдек мазкур Низом билан белгиланади.

Ушбу низом 12 та бобдан иборат.

1-боб. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

2-боб. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар.

3-боб. Бригадалар командирлари (бошлиқлари) ва асосий мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари.

Ички тартиб

4-боб. Ҳарбий хизматчиларнинг жойлашиши.

5-боб. вақтнинг тақсимланиши ва кундалик тартиб.

6-боб. Суткалик наряд.

7-боб. Тревога бўйича уйғотиш.

8-боб. Ҳарбий хизматчилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш.

Учинчи қисм

9-боб. Жанговар навбатчилик (жанговар хизмат).

10-боб. Парклардаги ички хизмат хусусиятлари.

11-боб. Қўшинлар полигонларда (лагерларда) жойлашган пайтда ички хизматнинг хусусиятлари.

12-боб. Қўшинларни ташиш пайтида ички хизматнинг хусусиятлари.

И л о в а л а р

Ҳарбий қасамёд қабул қилдириш маросими

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий қисмнинг Жанговар Байроғи тўғрисидаги Қоидалар

Ҳарбий қисмларга қисм Жанговар Байроғини ва орденларни топшириш маросими. Жанговар Байроқни сақташ, топшириш ва таъмирлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ҳарбий унвонларининг рўйхати

Фахрий меҳмонлар Китоби

Ҳарбий қисмнинг ҳар йилги байрами

Етиб келган мададни бўлинмалар бўйича тақсимлаш тартиби

Шахсий таркибга қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани топшириш тартиби

Ҳарбий хизматчиларни сўраб-билишни ўтказиш тартиби

Захирага ёхуд истеъфога бўшатиш ҳарбий хизматчиларни кузатиб қўйиш тартиби

Хоналар (жойлар)нинг суткалик наряд хизматни ўташ учун жиҳозланиши. Зарурий ҳужжатлар рўйхати

Бригада командирининг таълим давридаги буйруғида жанговар тайёргарлик, ички ва қоровуллик хизматларини ташкил этиш бўйича баён этиладиган масалаларнинг рўйхати

Ротада юритиладиган ҳужжатларнинг турлари

Хоналар эшикларидаги, биноларга киришдаги намунали ёзувларнинг рўйхати ва уларнинг безалиши

Навбатчилар учун кўкрак нишонларининг (енг боғичларининг) тавсифи

Бригада (бўлинма) лагерини куриш қоидалари

Ёнгин хавфсизлиги талаблари.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Умумий қоидалар

5. Ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятларни ва шартнома асосида Қуролли Кучларда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий тузилмаларида хизматни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳар бир ҳарбий хизматчига тегишли ҳарбий унвон берилади, у ўз навбатида кўшинга ва кемага оид бўлади.

6. Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликлардан ҳарбий хизмат шарт-шароитлари белгиладиган чекловлар билан ва амалдаги қонунларни ҳисобга олиш билан фойдаланадилар. Уларнинг зиммасига конституциявий, бошқа умумфуқаро мажбуриятлари, шунингдек, умумий мансаб ва махсус мажбуриятлар юкланади.

7. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларининг мундарижаси ва ҳажми ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этаётганлигига ёхуд этмаётганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳарбий хизматларнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиши дейилганда: жанговар ҳаракатларда иштирок этиш, хизмат мажбуриятларини ижро этиш, жанговар навбатчиликни (жанговар хизматни) ўташ; кун тартиби билан белгиланган хизмат вақти давомида ёхуд бу хизмат заруриятдан келиб чиққан бўлса, ҳарбий қисм ҳудудида бўлиш; хизмат сафарида ёхуд даволанишда бўлиш; хизмат жойига, даволанишга ёхуд аксинча қараб йўл босиш; ҳарбий йиғинларда иштирок этиш; асирга тушиш (ўз ихтиёри билан асир тушишдан ташқари), гаровга олинган ёхуд ҳайдаб кетилган аҳволида бўлиш; бедарак кетиш – ҳарбий хизматчи дараксиз ёқолган деб тан олинганига ёхуд амалдаги қонунларга мувофиқ ваффот этган деб элон қилинганига қадар; шахс ҳаёти, соғлиги, ор-номуси ва кадр қимматини ҳимоя қилиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш; ҳарбий хизматчиларнинг суд томонидан

жамият ва давлат манфаатлари йўлида содир этилган деб тан олинган бошқа хатти ҳаракатлар тушинилади.

Зарур бўлиб қолган пайтларда ҳарбий ҳизматчи командирнинг (бошлиқнинг) буйруғига кўра исталган вақтда ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишга киришиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш пайтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ва давлат муҳофазасида турган деб саналанади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари

8. Ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқлари ва улардан ҳарбий хизматнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Бирор киши ҳарбий хизматчиларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлардан чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

9. Ҳарбий хизматчиларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши жамиятнинг, давлатнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, ҳарбий хизматга, бошқа ҳарбий хизматчилар ва турли фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказмаслиги лозим.

10. Давлат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлайди, уларга етарли ва муносиб турмуш даражасини яратиш, хизмат ва маиший шароитини яхшилаш бойича чора-тадбирларни амалга оширади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва қўриқлаш давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ўрганларининг, судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, ҳарбий бошқарув органлари ва командирларнинг (бошлиқларнинг) зиммасига юкланади.

Ҳарбий хизматчи Ҳарбий қасамёдни қабул қилгунга қадар ҳарбий лавозимга тайинланиши, жанговар топшириқларни бажаришга (жанговар ҳаракатларда иштирок этишга, жанговар навбатчиликка, жанговар хизматга, қоровуллик хизматини ўташга) жалб этилиши мумкин эмас; ҳарбий хизматчига қурол аслаҳа ва ҳарбий техника бириктирилиши мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидан фойдаланиши бўйича мажбуриятларни бажармасликда айбдор бўлган командирлар (бошлиқлар) бунинг учун қонунларда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

11. Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида, зарур бўлган ҳолларда эса хизматдан ташқари вақтда ҳам қурол сақлаш, тақиб юриш, қўллаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматчиларнинг қурол сақлаш қоидалари ва қўллаш тартиби Низом билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар:

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан муҳофаза қилиш мумкин бўлмаса, қўриқланадиган ҳарбий ва давлат иншоатларига, шунингдек, ҳарбий қисм ва бўлинмалар қароргоҳларига, ҳарбий қисм иморатлари ва иншоатларига, ҳарбий эшалонга, машиналар калонналарига, якка транспорт воситаларига ва қоровулга тўда бўлиб ёхуд қуролли ҳужумни қайтариш учун;

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан муҳофаза қилиш мумкин бўлмаса, қурол ва ҳарбий техникани зўравонлик билан эгаллашга бўлган урунишларнинг олдини олиш учун;

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан муҳофаза қилишнинг иложи бўлмаса, ҳарбий хизматчиларни ва фуқароларни уларнинг ҳаётига ва соғлиғига тажавус қиладиган ҳужумлардан муҳофаза қилиш учун;

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан қаршиликни бостириш, жиноятчини ушлаш ёхуд қуролни тортиб олишнинг иложи бўлмаса, жиноят содир қилган ёхуд оғир ва хавfli жиноят содир қилиш устида қўлга юшганда қуролли қаршилик кўрсатган шахсни, шунингдек, қуролни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришдан бойин товлаган

қуролланган шахсни ушлаш учун энг сўнги чора сифатида қуролни шахсан ёхуд бўлинма таркибида қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

Қоровул таркибига ҳарбий хизматчи қуролни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровуллиқ хизматлари Низомида белгиланган ҳолларда ва тартибда қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Командир (бошлиқ), бундан ташқари, бўйсунувчининг бўйин товлаши Ватанга хиёнат қилишга ёхуд жанговар шароитларда жанговар топшириқлар бажарилишини барбод этишга қаратилган очиқ-ойдин хатти-ҳаракатларда намоён бўлганда интизом ва тартибни тиклаш учун қурол ишлатиш ёхуд қурол ишлатишга буйруқ бериш ҳуқуқига эгадир.

12. Қурол ишлатишдан олдин уни ишлатиш аҳди тўғрисида огоҳлантириш юз бериши лозим. қурол тўсатдан юхуд қуролли ҳужум чоғида, жанговар техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланилган ҳужум чоғида, камокдан қурол билан ёхуд транспорт воситаларидан фойдаланиб қолиш пайтида, шунингдек транспорт воситаларидан уларнинг ҳаракатланиши чоғида, тунда ёхуд кўриниш чекланган бошқа шароитларда ташлаб қочиш пайтида огоҳлантиришсиз ишлатилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг тревога ёхуд ёрдам чақириғи сигнали бериш, шунингдек, одамлар ҳаётига ёхуд соғлиғига тажовус қилувчи ҳайвонларга қарши қурол ишлатиш ҳуқуқига эга.

Қурол ишлатиш ва фойдаланиш чоғида ҳарбий хизматчи атрофдаги фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун иложи бўлган барча чораларни кўришга, зарур ҳолларда эса жабирланувчиларга тез тиббий ёрдам кўрсатишга мажбурдир.

Аёллар ва балоғат ёшига етмаганларга нисбатан, агар бошқа йўллар ва воситалар билан бундай ҳужум ёхуд қаршилиқни қайтаришнинг иложи бўлмаса, уларнинг ҳарбий хизматчи ва бошқа фуқароларнинг ҳаётига хавф солувчи қуролли ҳужумлари, қуролли қаршилиқ кўрсатиши ёхуд тўда бўлиб ҳужум қилиши ҳоллари бундан истесно, қурол ишлатиш мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчи ҳар бир қурол ишлатилиши ёхуд фойдаланиши тўғрисида командирга (бошлиққа) билдирув беради.

Ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари

13. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари хизмат фаолиятида қонунлар, ҳарбий низомларнинг талабларига амал қиладилар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларнинг фаолияти билан алоқадор бўлмасликлари лозим.

Ҳарбий хизматчи қуйидагиларга:

- Ҳарбий қасамёдга содиқ қолишга, ўз халқига фидойиларча хизмат қилишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини матонат, маҳорат билан, ўз сўнги томчи қони ва ҳатто ҳаётини аямасдан ҳимоя қилишга, ҳарбий бурчни бажаришга;

- ўз давлати конституциясига ва қонунларига қатъий риоя қилишга, ҳарбий низомларнинг талабларини бажаришга;

- Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизмат машаққатларига сабот билан чидашга;

- ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашга, ўз уқуви ва аскарӣ маҳоратини такомиллаштиришга;

- ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани билиш ва ишлатишга доимий шайлиқда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга;

- ҳалол, интизомли, жасур бўлишга, ҳарбий бурчни ижро этиш чоғида оқилона ташаббуслар кўрсатишга;

- командирларга (бошлиқларга) сўзсиз бўйсунуш ва уларни жангда ҳимоя қилишга, ҳарбий қисм Жанговар Байроғини қўриқлашга;

- аскарый биродарликни эъозлашга, ўз ҳаётини аямасдан ўртоқларини хавф-хатардан қутқаришга, уларга сўз ва иш билан ёрдам беришга, ҳар бирининг ор-номуси ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга, ўзига ва бошқа ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўполлик ва таҳқирлашларга йўл қўймасликка, уларни нолайик қилмишлардан тийиб қолишга;

- аскарый юриш-туриш одоби қоидаларига риоя қилишга ва ҳарбийча салом беришни бажаришга, ҳар доим русум бўйича, озода ва саранжом кийинишга мажбурдир.

14. Ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси ҳимоячиси олий унвонини шараф билан оқлашга, Куролли Кучларнинг, ўз ҳарбий қисмининг ор-номуси ва жанговар шон-шухратини ва ўз ҳарбий унвонининг обрўсини эъозлашга мажбурдир.

15. Ҳарбий хизматчи ватанпарварлик кўрсатишга, халқларнинг байналмилал дўстлигини қадрлашга, миллатлар ва элатлар ўртасидаги биродарликни мустаҳкамлашга имкон яратишга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида уларнинг миллий туйғуларига, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат кўрсатилиши лозим. Ҳарбий хизматчилар бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, командирларга (бошлиқларга) ва катталарга тартиб ва интизомни сақлашда кўмак беришга мажбурдирлар.

16. Ҳарбий хизматчи ўзига унинг мажбуриятларини ижро этишига таъсир кўрсатган барча содир бўлган воқеалар тўғрисида ва унга берилган танбехлар ҳақида ўзининг бевосита бошлиғига билдирув беришга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳарбий низомларда белгиланган қоидалари бузилганда, у зудлик билан тартиб ўрнатиш чораларини кўришга ва шунингдек, ўзининг бевосита бошлиғига билдирув беришга мажбурдир.

17. Ҳарбий хизматчи ҳарбий хизмат хавфсизлиги талабларига, касалланиш, жароҳат орттириш ва куйишдан огоҳлантириш тадбирларига риоя қилиши, ҳар куни жисмоний чиниқиши ва машқ кўрганлигини ўстириши, зарарли одатлардан (чекиш ва ичкилик ичишдан) тийилиши лозим.

18. Хизмат масалалари юзасидан ҳарбий хизматчи ўзининг бевосита бошлиққа ва унинг ижозати билан мақоми бўйича навбатдаги бошлиққа мурожаат қилиши лозим.

Шахсий масалалар юзасидан ҳам ҳарбий хизматчи ўзининг бевосита бошлиғига, ўта зарур ҳолларда эса катта бошлиққа мурожаат қилиши керак.

Таклиф, ариза киритаётганда ва шикоят бераётганда ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Интизом Низоми қоидаларига амал қилади.

19. Ҳарбий хизматчи ҳарбий ҳаракатлар юритиш, ярадорлар, беморлар, кема ҳалокатига учраган шахслар ва ҳарбий ҳаракатлар минтақасидаги аҳоли, шунингдек, ҳарбий асирлар билан муомала қилишнинг халқаро қоидаларини билишга мажбурдир.

20. Ҳарбий хизматчи жанговар ҳаракатлар пайтида, ҳатто ўз ҳарбий қисмидан (бўлинмасидан) йироқ ва тўла қуршовда қолган бўлса ҳам, асирга тушишдан қутулмоқ учун душманга ашаддий қаршилик кўрсатишга мажбурдир. У жангда аскарлик бурчини охиригача бажаришга мажбур.

Агар ҳарбий хизматчи, қаршилик кўрсатишнинг барча воситалари ва йўлларини батамом ишга солиб ёхуд қаршилик кўрсатишга имконияти бўлмай қолиб, асирга олинган бўлса, ўзини ва ўз ўртоқларини асирдан озод қилиш ва ўз қўшини сафига қайтишнинг ҳар қандай имкониятини излаши ва фойдаланиши лозим. Душман томонидан асирга туширилган ҳарбий хизматчи сўроқ пайтида фақат ўз фамилияси, исми, отасининг исми, ҳарбий унвони, туғилган санаси ва шахсий рақаминигина билдириш ҳуқуқига эгадир. У жангчи ор-номусини сақлаб қолишга, ҳарбий ва давлат сирини муқаддас тутишга, сабот ва матонат кўрсатишга, асирликка тушган бошқа ҳарбий хизматчиларга ёрдам беришга, уларни душман билан ҳамкорлик қилишдан тўхтатиб қолишга, душманнинг ҳарбий хизматчидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига зарар етказишда фойдаланишга уринишларини рад этишга мажбурдир.

Асир тушган, шунингдек, учинчи бетараф мамлакатда қуролсиз ушлаб турилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматчи мақоми сақланади. Ҳарбий қўмондонлик ва давлатнинг шунга вакил қилинган бошқа органлари халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда зикр этиб ўтилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси ва уларни Ватанга қайтариш бўйича чора тадбирларни кўришга мажбурдирлар.

Ҳарбий хизматчиларнинг лавозими ва махсус мажбуриятлари

21. Ҳар бир ҳарбий хизматчи эгаллаган лавозимига биноан унга топширилган ваколатлар ва вазифалар ҳажмини ва амалда бажариш чегарасини белгиловчи лавозим мажбуриятларига эга бўлади. Лавозим мажбуриятларидан фақат хизмат манфаатлари йўлида фойдаланилади.

Бу мажбуриятлар ҳарбий низомлар, шунингдек, мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ келувчи тегишли дастуриламаллар, қўлланмалар, қоидалар йўл-йўриқномалар ёхуд бевосита бошлиқларнинг ёзма буйруқлари билан белгиланади.

22. Ҳарбий хизматчилар жанговар навбатчиликда (жанговар хизматда), сутка ва гарнизон нарядида турганда, шунингдек, табиий офатлар оқибатларини тугатишга жалб этилганда ва бошқа фавқулодда ҳолатларда махсус мажбуриятларни бажарадилар. Бу мажбуриятлар ва уларни бажариш тартиби қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари ва улар асосида ишлаб чиқилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади ва одатда муваққат табиатга эга бўлади.

Ҳарбий хизматчилар махсус мажбуриятларни ижро этиш учун қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари билан белгиланган қўшимча ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлиги

23. Барча ҳарбий хизматчилар, уларнинг ҳарбий унвони ва мансабидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар ва ўзларининг ҳуқуқий мақомлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган жавобгарликни зиммаларига оладилар.

24. Ҳарбий хизматчилар ҳарбий интизом, ахлоқ ва аскарӣ ор-номус меъёрларини бузиш билан боғлиқ ноҳўя қилмишлари учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом Низомида белгиланган асосда ва тартибда интизомӣ жавобгарликка тортиладилар.

25. Ҳарбий хизматчилар Интизом Низомига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Йўл ҳаракатлари Қоидаларини, ов қилиш, балиқ овлаш ва балиқ захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун бундай шахслар умумӣ асосда жавобгарликка тортиладилар. Кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга эса жарима солиш чоралари қўлланиши мумкин эмас.

26. Ҳарбий хизматчи фуқаролик қонунларида кўзда тутилган мажбуриятларни ижро этмаслик ёхуд кўнгилдагидек ижро этмаслик учун қонунда кўзда тутилганидан бошқа ҳолларда ҳам давлатга, фуқароларга етказилган зарар учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигига тортилади.

27. Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида давлатга етказилган моддий зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ моддий жавобгарликка тортиладилар.

28. Ҳарбий хизматчилар содир этилган жиноят учун Ўзбекистон Республикасининг жиноят Кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

29. Ҳарбий хизматчилар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун, одатда, жавобгарликнинг битта турига тортиладилар.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун интизомӣ таъзирга тортилган ҳарбий хизматчилар бу ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарликдан озод этилмайди.

Моддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа турига тортилишидан ёхуд жамоат таъсири чоралари қўлланишидан қатъий назар зарарни тўлайдилар.

Жамоат таъсири чоралари ҳарбий хизматчиларга уларнинг ҳарбий интизом ва жамоат тартибини бузиши билан боғлиқ ноҳўя ҳаракатлари учун қўлланиши мумкин.

Жавобгарликка тортилаётганда ҳарбий хизматчиларнинг ор-номуси ва кадр-қимматини поймол қилишга йўл қўйилмайди.

2–Ўқув саволи: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган

Ушбу Низом ҳарбий интизомнинг моҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг унга риоя қилиш бўйича мажбуриятларини, рағбатлантириш ва интизомий таъзирларнинг кўринишларини, командирларнинг (бошлиқларнинг) уларни қўллаш бўйича ҳуқуқларини, шунингдек, таклиф, ариза ва шикоятлар бериш, уларни кўриб чиқиш тартибларини аниқлаб беради.

Ҳарбий қисмларнинг, кемаларнинг, штабларнинг, бошқармаларнинг, муассасаларнинг, корхоналарнинг, ташкилотларнинг ва ҳарбий билим юртларининг барча ҳарбий хизматчилари ўз ҳарбий унвонлари, мавқелари ва хизматларидан қатъий назар ушбу Низомнинг талабларига қатъиян риоя қилишлари лозим.

Низом Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари, миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, бошқа тегишли вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий хизматчиларига нисбатан бир хил кучга эгадир.

Бундан ташқари, Интизом низоми қоидалари ҳарбий хизматдан ҳарбий уст-бош кийиб юриш ҳуқуқи билан бўшатишга фуқароларга нисбатан ҳарбий уст-бош кийиб юрган пайтда ўз кучига эгадир.

МУНДАРИЖА

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Рағбатлантиришлар
- 3-боб. Интизомий таъзирлар
- 4-боб. Рағбатлантиришлар ва интизомий таъзирларнинг ҳисоб-китоби
- 5-боб. Таклифлар, аризалар ва шикоятлар тўғрисида

ИЛОВАЛАР

Ўзбекистон республикаси қуролли кучларининг турли типдаги ҳарбий хизматчилари интизомий ҳуқуқларининг қиёсий жадвали

Ҳарбий қисм (кема) ҳурмат китоби

Хизмат варақаси

Ҳарбий қисмнинг таклифлар, аризалар ва шикоятлар дафтари

Ҳарбий хизматчиларнинг интизомий тартибда банди қилишни ижро этиш тартиби

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ҳарбий интизом — бу барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий Низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этилишидир.

2. Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган **ҳарбий бурч** ва **шахсий масъулият**, ўз халқига **мислсиз садоқатини** ҳис қилишига асосланади.

Ҳарбий хизматчиларда юксак интизомни тарбиялашнинг асосий усули ишонтиришдир. Аммо ишонтириш ўз ҳарбий бурчига сидқидилдан ёндашмаганларга нисбатан мажбурий чоралар кўришни истисно этмайди.

3. Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчидан:

- Ҳарбий қасамёдга содиқ бўлишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституциясига қатъий бўйсуннишни;

- ўз ҳарбий бурчини моҳирлик ва жасорат билан бажаришни, ҳарбий ишни сидқидилдан ўрганишни, ҳарбий ва давлат мулкани асрашни;

- ҳарбий хизмат қийинчиликларини мардонавор енгишни, ҳарбий бурчини бажариш учун ўз жонини ҳам аямасликни;

- сергак бўлишни, ҳарбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни;

- ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлашни, жанговар биродарликни мустаҳкамлашни;

- командирларга (бошлиқларга) ва бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, ҳарбий салом-алик ва хушфёъллик қоидаларига риоя қилишни;

- жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни, номуносиб хатти-ҳаракатлардан ўзини ва бошқаларни тийиб қолишни ва фуқароларнинг ор ва номусини ҳимоя қилишни талаб этади.

4. Юксак ҳарбий интизомга:

- ҳарбий хизматчиларда юксак ахлоқий-руҳий ва жанговар фазилатларни тарбиялаш, командирларига (бошлиқларига) онгли тарзда бўйсунуш;

- ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз мажбуриятлари ва ҳарбий низомлар талабларини бажаришга шахсий масъулияти;

- ҳарбий қисмда (бўлинмада) ички тартибга бўйсунуш, барча ҳарбий хизматчилар томонидан кундалик режимга қатъий риоя қилиш;

- жанговар тайёргарликни пухта ташкил этиш ва у барча шахсий таркибни қамраб олиши;

- командирларнинг (бошлиқларнинг) ўз қўл остидагиларга кундалик талабчанлиги ва уларнинг ижрочилигини назорат қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг шаънини ҳурмат қилиш ва бу ҳақда доимий қайғуриш, ишонтириш, мажбурлаш, жамоатчилик таъсири каби омилларни тўғри уйғунлаштириш ва ўрнида қўллаш;

- ҳарбий қисмда (бўлинмаларда) зарур моддий-маиший шароитларни яратиш орқали эришилади.

5. Ҳарбий қисмдаги интизомнинг аҳволига командир ва унинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари жавобгардир, улар доимо юқори ҳарбий интизомни ушлаб турмоқдари, ўз қўл остидагилардан унга риоя қилишни талаб этишлари, муносибларни тақдирлаб, лаёқатсизларга қаттиқ, лекин адолатли таъзир чоралари кўрмоқлари керак.

6. Ҳарбий қисмда (бўлинмада) юқори ҳарбий интизом жорий этиш учун командир:

- қўл остидагиларнинг шахсий фазилатларини ўрганиши, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган қоидалар асосида қўллаб-қувватлаши; ҳарбий жамоани жипслаштириш, турли миллатга мансуб ҳарбий хизматчилар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаши;

- шахсий таркибдаги ҳарбий интизом ва ахлоқий-руҳий ҳолатни билиши, қўл остидагиларнинг командирлар (бошлиқлар) талаби ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича вазифа ва усулларини яхдил англаб етишларига эришиши, уларнинг ҳарбий интизомни мустаҳкамлашига раҳбарлик қилиши ва шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини билиши, рағбатлантириш ва интизомий таъзир чораларини қўллаш амалиётига ўргатиши;

- хизматни ўташ қоидаларининг бузилиши ҳолларини зудлик билан бартараф этиши, ҳарбий қисм (бўлинма) жанговарлигига раҳна солувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг қатъият билан олдини олиши, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориши ва жиноят, бошқа қор-қол ва хатти-ҳаракатларни оғохлантириш бўйича иш олиб бориши;

- қўл остидагиларни ҳарбий интизом талабларини сўзсиз бажариш ва юксак ижрочилик руҳида тарбиялаш, уларда шахсий ғурур, ҳарбий шаън ва ҳарбий бурч туйғусини ўстириши ва қўллаб-қувватлаши;

- ҳарбий қисм (бўлинма) да ҳарбий интизомнинг, айниқса ҳарбий хизматчилар орасида ўзаро муносабатларда Низом қоидаларининг, ижтимоий адолат кўринишларининг бузилишига муросасизлик кайфияти яратилиши ва бунда ошкоралиқдан кенг фойдаланиши;

- ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати ва ҳарбий интизомини мунтазам таҳлил қилиб бориши; ўз вақтида ва ҳолислик билан бу ҳақда ўзидан юқори лавозимдаги командир (бошлиқ)га ҳисобот бериши, жиноят ва қорхонларда эса зудлик билан хабар қилиши лозим.

Ҳарбий хизматчининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси тўғрисида қайғуриш, унинг шахсиятини, миллий ғурурини ҳурмат қилиш командир (бошлиқ)нинг муҳим вазифасидир. Ҳарбий интизомнинг бузилиши, жиноят ва бошқа хатти-ҳаракатларни ҳаспўшлашга хизмат қилган командир (бошлиқ) жавобгарликка тортилади.

7. Командир (бошлиқ) ўз қўл остидагиларга яқин бўлиши, уларнинг талаб ва эҳтиёжини билиши ва унинг қондирилишига эришиши, қўл остидагиларнинг шахсий ғурурини топталмаслиги ва ерга урилмаслигини таъминлаши, уларга доимо қонун, ҳарбий низом ва буйруқларни қатъий бажаришда намуна бўлиши, ахлоқий покизалик, ҳалоллик, камтарлик ва тўғрилиқда ўрнак бўлиши лозим. Ҳар бир ҳарбий хизматчи унинг ҳуқуқлари ва қонуний эҳтиёжларининг ҳимоя қилинишига тўла ишониши, командир (бошлиқ) томонидан унинг шахсиятига даҳлсизлик таъминланишига, ўз шаъни ва ғурури ҳурматланишига ғамхўрликни ҳис қилиши керак.

8. Командир (бошлиқ)нинг ҳарбий интизомни таъминлаш борасидаги фаолияти ҳарбий қисм (бўлинма)даги қонунбузарликларнинг умумий миқдори билан эмас, балки улар томонидан қонунлар ва ҳарбий низомларга тўла риоя қилиш, ўзининг интизомий ҳокимиятидан тўла фойдаланиши ва тартиб ўрнатиш учун ўз вазифасини бажариши ҳамда ҳарбий интизом бузилишининг ўз вақтида олдини олиши билан белгиланиши керак.

Ҳарбий интизомни бузган бирор кимса ҳам жавобгарликдан бўйин товламаслиги ва бегуноҳ бирор кимса ноҳақ жазога тортилмаслиги керак.

Ҳарбий интизом низоми тартиблари ва талабларига риоя қилиш учун зарур шарт-шароит яратиб бермаган, уларни амалга ошириш тадбирларини кўрмаган командир (бошлиқ) жавобгарликка тортилади.

Командир (бошлиқ) фаолиятининг бевосита натижаси сифатида юз бермаган жиноят, ҳодиса ва қор-ҳол учун ёки уларнинг олдини олиш тўғрисидаги огоҳлантиришидан сўнг ҳам чора кўрилмаган ҳолларда, у жавобгар бўлмайди.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи тартиб ва интизом ўрнатилишида командирга (бошлиққа) кўмакчи бўлиши керак. Бу ишдан бўйин товланган ҳарбий хизматчи жавобгарликка тортилади.

9. Яккабошлиқликнинг асосий принципи командир (бошлиқ)нинг буйруқ бериш ҳуқуқи ва унинг қўл остидагиларнинг сўзсиз бажаришига асосланади. Командир (бошлиқ)га очиқчасига бўйин эгмаслик ёки қаршилик кўрсатиш ҳоллари юз берганда, тартиб ва интизомни тиклаш учун у айбдорни қонун ва ҳарбий низом доирасида барча мажбурлаш чораларини қўллаш, ҳатто қамоққа олиши ва уни жиноий жавобгарликка тортиши мумкин. Бундай ҳолда қурол жанговар вазиятда, тинч даврда эса фавқулодда ҳолатларда, ноиложлик шароитида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ички хизмат Низоми талаблари доирасида қўлланиши мумкин.

10. Рағбатлантириш ва интизомий таъзирлар кўришга «алоҳида ҳолатларда интизомий таъзирлар кўриш» қисмида (3-боб) кўрсатилгани бўйича бевосита бошлиқ ва бошлиқларгина эга.

Кичик лавозимдаги бошлиқларга берилган интизомий ваколатлар ҳар доим катга бошлиққа ҳам тааллуқлидир.

11. Ушбу Низомда лавозимлари кўрсатилмаган командир (бошлиқ)лар (1-илова) қўл остидаги ҳарбий хизматчиларга нисбатан эгаллаб турган лавозими бўйича, ҳарбий унвонига кўра қуйидагича интизомий ҳокимиятга эга:

- а) кичик сержант, сержант, 2-даражали старшина, 1-даражали старшина - бўлим командири ҳукмида;
- б) катта сержант ва бош старшина - взвод командири ўринбосари ҳукмида;
- в) старшина ва кема бош старшинаси, прапоршчик ва мичман, катта прапоршчик ва катта мичман - рота (команда) старшинаси ҳукмида;
- г) кичик лейтенант, лейтенант ва катта лейтенант - взвод (гуруҳ) командири ҳукмида;
- д) капитан ва капитан-лейтенант - рота командири (4-ранг кема) ҳукмида;
- е) майор, подполковник, 3-ранг капитани ва 2-ранг капитани - батальон командири (3-ранг кема) ҳукмида;
- ж) полковник ва 1-ранг капитани - полк командири (кема бригадаси) ҳукмида;
- з) генерал-майор - бригада командири ҳукмида;
- и) генерал-лейтенант - корпус командири ҳукмида;
- к) генерал-полковник ва ундан юқори - Мудофаа Вазирининг ўринбосари ҳукмида.

Вақтинча вазифасини бажариш ҳолларида командир (бошлик)лар буйруққа кўрсатилган лавозим бўйича интизомий ҳокимиятга эга бўладилар.

12. Бўлинма, ҳарбий қисм ва қўшин командирининг ўринбосарлари, кема командирининг ёрдамчилари ўз қўл остидагиларга нисбатан интизомий ҳукм ўтказишда бевосита бошлиқларига нисбатан бир поғона паст ҳуқуқларга эгадирлар.

13. Бригада командири ўринбосари ва ундан қуйи лавозимдаги офицерлар бўлинмалар ё командалар билан бошлиқ сифатида сафарга чиққанларида, шунингдек, ўз қисми турган жойдан ташқарида ҳарбий қисм командири буйруғида белгиланган топшириқларни мустақил бажараётган ҳолларда ўзи эгаллаб турган лавозимидан бир поғона юқори интизомий ҳокимиятга эга бўлади.

Команда бошлиқлари томонидан тайинланган ҳарбий хизматчилар олдин кўрсатилган ҳолатларда қуйидаги интизомий ҳокимиятга эга бўладилар: аскарлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар - рота (команда) старшинаси ҳокимиятига; старшина, кема бош старшинаси, прапоршчик ва мичман унвонидагилар - взвод (гуруҳ) командири ҳокимиятига; взвод (гуруҳ) командири унвонидаги прапоршчиклар ва мичманлар - рота командири ҳокимиятига эга бўладилар.

14. Ҳарбий билим юртлари тингловчилари ва курсантларининг командирлари - офицерлари ўз қўл остидагиларга нисбатан интизомий ҳукм чиқаришда ўз лавозимларидан бир поғона юқори лавозим ҳокимиятига эга бўладилар.

15. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига нисбатан, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўз қўл остидаги қўшинлар ҳарбий хизматчиларига нисбатан ушбу Низомдаги интизомий ҳокимиятга тўла эгадирлар.

РАҒБАТЛАНТИРИШЛАР

16. Рағбатлантириш ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир.

Ҳар бир командир (бошлик) ушбу Низомда берилган ҳуқуқлар доирасида ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчиларни кўрсатган жасорати, фойдали ташаббуси, тиришқоқлик ва аъло хизмати учун рағбатлантириши лозим.

Агар командир (бошлик) ўрнак кўрсатган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш бўйича ўз ҳуқуқларини етарли деб ҳисобламаса, у рағбатлантириш бўйича ўздан катта командир (бошлик)га мурожаат қилиши мумкин.

17. Ҳарбий бурчини бажаришдаги жасорати ва мардлиги, қўшинларга намунали раҳбарлиги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлати олдидаги беқиёс хизматлари учун, жанговар тайёргарликдаги юқори натижалари, янги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг намуналарини аъло даражада ўзлаштирганлиги учун бошлиқлар бригада командири томонидан, унга тенглар ва ундан юқори лавозимдагилар, шунингдек, интизомий ҳокимиятга 11-моддага биноан эга бўлган батальон командири (3-ранг кема)

мавқеидаги алоҳида ҳарбий қисм командирлари ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчиларни давлат мукофотларига тақдим этиш учун тавсия бериш ҳуқуқига эгадирлар.

ИНТИЗОМИЙ ТАЪЗИРЛАР

45. Ҳарбий интизомни бузгани ва маъмурий қонунбузарлик учун ҳарбий хизматчи шахсан жавобгардир.

Ҳарбий хизматчи томонидан ҳарбий интизом бузилганда ёки маъмурий қонунбузарлик содир этилганда командир (бошлик) унинг масъулияти ва ҳарбий бурчи тўғрисида огоҳлантириш билан чекланиши мумкин, зарурат тақозо этганда эса интизомий таъзир бериши мумкин. Бунда у берилган таъзир интизомни мустаҳкамлаш ва ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш чораси сифатида содир этилган ножўя хатти-ҳаракати оғирлиги ва қилинган айби даражаси командир (бошлик) томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра мос келишини инobatга олиши керак.

46. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий интизомни бузиши, жамоатчилик муҳокамаси ва маъмурий қонунбузарлик хатти-ҳаракатларига йўл қўйганлиги командир (бошлик)нинг қарори билан қуйидаги тарзда кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади:

аскар ва матрослар - шахсий таркиб йиғилишида;

сержант ва старшиналар - сержант ва старшиналар йиғилишида;

прапоршчик ва мичманлар - прапоршчик ва мичманлар йиғилишида;

ҳарбий хизматчи аёллар - хатти-ҳаракати муҳокама қилинаётган ҳарбий хизматчи аёллар ҳарбий унвони (лавозими)дан паст бўлмаган ҳарбий унвон (лавозим)даги ҳарбий хизматчи аёллар йиғилишларида;

офицерлар - офицерлар йиғилишларида.

Бундан ташқари, офицерлар, прапоршчиклар, мичманларнинг хатти-ҳаракати офицерлар, прапоршчиклар ва мичманларнинг ўртоқлик номус судларида кўрилиши мумкин.

Офицерлар, прапоршчиклар ва мичманларнинг хатти-ҳаракатларни ўртоқлик номус судларида кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор суд ташкил қилинган ҳарбий қисм командирлари томонидан, шунингдек, уларнинг катта бошлиқлари томонидан қабул қилинади.

Офицер, прапоршчик, мичманларнинг ножўя хатти-ҳаракатини ўртоқлик номус судларида кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва уларга бир вақтнинг ўзида шу хатти-ҳаракати учун интизомий таъзир бериш тақиқланади.

47. Орқага суриб бўлмайдиган ҳолатларда зобитни ўз лавозимидан бўшатиш мумкин.

Офицерларни ўз лавозимидан бўшатиш, уларни шу лавозимга тайинлаш ҳуқуқи берилган командирлар (бошлиқлар) томонидан амалга оширилади.

Ўз қўл остидагини лавозимидан четлатган командир (бошлик) бу ҳақда зудлик билан командага лавозимдан четлатишга сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида батафсил баён этиб ҳисоб бериши лозим.

Қўл остидагини ўз лавозимидан етарли асоссиз четлатган командир (бошлик) бу учун жавобгарликка тортилади.

3–Ўқув саволи: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровул хизмати низоми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган

Ушбу Низом гарнизон ва қоровулаик хизматларини ташкил қилиш ва ўташ, ушбу хизматни ўтаётган гарнизон мансабдор шахслари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, қўшинлар иштирокида гарнизон тадбирлари ўтказиш тартибларини ўз ичига олади.

Низом чегара қўшинлари ва миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа шунга дахлдор вазирликлари ва идоралари ҳарбий хизматчиларига ҳам дастуриламалдир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмлари штаблари, бошқармалари, муассасалари ва ҳарбий билим юртларининг барча ҳарбий хизматчилари ва

мансабдор шахслари гарнизон ва қоровуллик хизматлари Низоми асосида фаолият кўрсатади.

МУНДАРИЖА

Умумий қоидалар

Б и р и н ч и қ и с м

Гарнизон хизматини ташкил этиш ва ўташ.

1-боб. Гарнизоннинг мансабдор шахслари ва уларнинг мажбуриятлари.

2-боб. Гарнизон наряди.

3-боб. Гарнизон ҳарбий автомобиль назорати.

Икинчи қисм

Қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ

4-боб. Қоровуллик хизматини ташкил этиш ва қоровулларни тайёрлаш.

5-боб. Қоровулнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

6-боб. Гарнизон нарядини тарқатиш ва алмаштириш.

7-боб. Қоровул бўлинмасида ички тартиб-интизом.

8-боб. Қоровул бўлинмаларини текшириш.

9-боб. Алоҳида жойлашган радиотехник, бошқа махсус бўлинмаларда ва қўшинларни ҳамда ҳарбий юкларни ташиш чоғидаги қоровуллик хизматининг ўзига хос хусусиятлари.

Учинчи қисм

Қўшин иштирокида гарнизон тадбирларини ўтказиш

10-боб. Қўшин парадлари.

11-боб. Ҳарбийча ҳурмат бажо келтириш.

12-боб. Фавқулодда ҳолатларни бартараф қилиш учун қўшинни жалб этиш.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Аҳоли пунктида ёки ундан ташқарида доимий ёки вақтинчалик жойлашган ҳарбий қисмлар гарнизонни ташкил қилади.

Катта гарнизонлар сафига, одатда, шу аҳоли пункти атрофида жойлашган барча ҳарбий қисмлар киради.

2. Ҳар бир гарнизонда гарнизон ва қоровуллик хизматлари ташкил қилинади.

Гарнизон хизматининг мақсади гарнизонда ҳарбий интизомни таъминлаш, қўшинларнинг ҳаёти ва тайёргарлиги учун зарур шароит, тревога бўйича уларнинг хатти-ҳаракат қилишини ҳамда қўшинлар иштирокида гарнизон тадбирлари ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Қоровуллик хизмати жанговар байроқларни, ҳарбий ва бошқа материаллар сақланадиган, курул-аслаҳа омборларини, ҳарбий ва давлат объектларини, шунингдек, гауптвахта ҳамда ахлоқ тузатиш батальонларида сақланаётган шахсларни кўриклаш учун ташкил қилинади.

3. Гарнизон хизмати ташкил этиладиган ҳудуд чегараси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири буйруғи билан белгиланади.

Бу чегарага қўшинлар жойлашган пунктлардан ташқари гарнизон ҳарбий қисми олдига қўйилган вазифаларни бажаришини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этадиган яқин атрофдаги бир неча аҳоли пунктлари ва туманлар ҳам кириши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ҳарбий Кучлардаги гарнизон ва қоровуллик хизматларига раҳбарлик Мудофаа вазири томонидан, гарнизон ҳудудида эса гарнизон бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Тинчлик ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Кучлари бошқа давлат чегарасига кирган пайтда гарнизон ва қоровуллик хизматларига раҳбарлик, гарнизон чегараси Ўзбекистон Республикаси ва ўша давлат ўртасида халқаро шартномага биноан Ўзбекистон қўшинларининг ўша давлатда бўлиши мақомида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Гарнизон ва қоровуллик хизматларининг ҳолатига жавобгарлик ўша қўшинларнинг бевосита бошлиқлари зиммасига юклатилади. Бошлиқлар бевосита ўзига қарашли қўшинларда гарнизон ва қоровуллик хизматининг ҳолатини доимий равишда текшириб туришга, шунингдек, гарнизонларнинг бошлиқлари ва ҳарбий комендантлар билан гарнизонларда ҳарбий интизом ва қоидаларни яна ҳам мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўтказиб туришга мажбурдир.

Гарнизон бошлиғининг гарнизон ва қоровуллик хизматини ташкил этиш ҳақидаги буйруғи шу гарнизон ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлари, жамоалари ва ҳар бир ҳарбий хизматчиси томонидан сўзсиз бажарилиши шарт.

5. Қўшинлар полигон ва лагерларда жойлашган пайтларда ҳарбий интизомга амал қилиш тадбирлари, полигон ва лагерларни кўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ички хизмат Низоми ва ушбу Низом асосида амалга оширилади.

6. Гарнизон ва қоровуллик хизматларини амалга оширишга гарнизон таркибига кирган ҳарбий қисмлар жалб этилади.

Бундан буён қисқача «ҳарбий қисм» деб юритилади

Гарнизон ва қоровуллик хизматларига жалб этилмайдиган ҳарбий қисмлар рўйхати Мудофаа вазирлиги Бош штаби томонидан эълон қилинади.

Гарнизон ҳарбий қисмлар томонидан навбатма-навбат гарнизон ва қоровуллик хизматларини ўташ тартиби қисмларнинг таркиби ва вазифасига қараб гарнизон бошлиғи томонидан белгиланади.

Ҳарбий-ўқув юртлири гарнизон ва қоровуллик хизматларига ўқув режасида кўзда тутилган вақтлардагина жалб этиладилар.

7. Ҳарбий хизматчи-аёллар ҳарбий хизматчиларни дафн этиш маросимида ҳарбий ҳурмат кўрсатишда, ёдгорликларга, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун ҳалок бўлган аскарлар қабрига гуллар қўйишда ҳамда гарнизон тадбирларидагина иштирок этадилар. Улар гарнизон ва қоровуллик хизматларига жалб этилмайди.

8. Ҳар бир ҳарбий хизматчи гарнизон ва қоровуллик хизматларини ўтаётганларга ёрдам кўрсатишга мажбур.

Патруль, ҳарбий автомобил назорати ёки қоровул хизмати пайтида қоида бузилганини сезган ҳарбий хизматчи бу ҳақда гарнизон ҳарбий комендантга ёки гарнизон навбатчисига (ҳарбий қисм навбатчисига, қоровул бошлиғига) ва ўзининг бевосита бошлиғига зудлик билан хабар бериши шарт.

3–Ўқув саволи: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми.

Саф Низоми Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2013 йил 28 октябрдаги 13/34/6/84-сонли қўшма қарори билан кучга киритилган.

Ушбу Низомда сафда туриш, қурол ва қуролсиз ҳаракат қилиш, кичик бўлинмалар ва ходимларнинг пиёда ва машиналарда саф тортиши, ҳарбийча саломлашишни бажариш, саф кўригини ўтказиш тартиби, Жанговар Байроғининг сафдаги ҳолати, уни олиб чиқиш ва элтиб қўйиш тартиби, ички ишлар ходимларнинг ҳамда ИИВ олий таълим муассасалари тингловчиларининг сафга туришдаги мажбуриятлари, уларни сафда туриш ва юришга ўргатиш талаблари шунингдек махсус тактика, ўқ отиш ҳамда махсус тайёргарлик машғулотларида ҳамда бошқа курслар бўйича зарур билимларни ўзлаштиришда ёрдам беради.

Саф тайёргарлиги машғулотлари ходимлар ва тингловчиларнинг иродасини мустаҳкамлаб, эпчил ва чаққон ҳаракат қилишга, ўзини ўзи бошқара олишга ўргатади.

Саф тайёргарлиги амалий машғулот ҳисобланади. Бажарилаётган ҳар бир усулнинг аниқ, пухта ва чиройли бажарилишига ҳар куни машғулотларда такрорлаш натижасида эришиш мумкин. Акс ҳолда ҳаракат малакаси сустлашиб, ўз аҳамиятини йўқотади.

1. Саф – ҳарбий хизматчилар, бўлинма ва ҳарбий қисмларнинг пиёда ва машиналарда биргаликда юриш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда жойлашуви.

2. Шеренга – ҳарбий хизматчилар бир чизиқда, белгиланган интервалга амал қилган ҳолда ёнма-ён турган саф.

Машиналар чизиғи – машиналар бир чизиқда ёнма-ён жойлашган саф.

3. Қанот – сафнинг ўнг (чап) томони. Саф бурилганда, қанот номи ўзгармайди.

4. Фронт – сафнинг ҳарбий хизматчилар юзланиб турган (машиналар олд томони билан қаратилган) томони.

5. Саф орти – сафнинг фронтга қарама-қарши томони.

6. Интервал – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги фронт бўйлаб масофа.

7. Дистанция – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги саф узунлиги бўйича масофа.

8. Саф эни – қанотлар ўртасидаги масофа.

9. Саф узунлиги – биринчи шеренга билан охириги шеренга (олдинда турган ҳарбий хизматчи билан ортда турган ҳарбий хизматчи) ўртасидаги масофа. Ҳаракат машиналар воситасида бажарилаётган бўлса, биринчи машиналар чизиғи билан охириги машиналар чизиғи (олдинда турган машина билан охирида турган машина) ўртасидаги масофа.

10. Икки шеренгали саф – биринчи ва иккинчи шеренга, деб номланадиган, иккинчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар биринчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар ортида, бир қадамга тенг дистанция қолдирган ҳолда (олдинда турган ҳарбий хизматчининг елкасига қафти қўйилиб узатилган қўл масофасида) турган саф. Саф бурилганида шеренга номи ўзгармайди.

Қатор – икки шеренгали сафда кетма-кет турган икки нафар ҳарбий хизматчи. Агар биринчи шеренгада турган ҳарбий хизматчи ортида ҳарбий хизматчи бўлмаса, бундай қатор тўлмаган қатор, деб номланади.

Икки шеренгали саф ортга бурилса, тўлмаган қатордаги ҳарбий хизматчи олдинги шеренгага ўтади.

11. Бир ёки икки шеренгали сафнинг ораси жипс ёхуд очиқ бўлиши мумкин.

Ораси жипс саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича ёнма-ён, тирсақлар орасида бир қафт энига тенг интервал қолдириб жойлашади.

Ораси очиқ саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича бир-биридан бир қадамга ёки командир томонидан тайинланган масофага тенг интервал қолдирган ҳолда жойлашади.

12. Колонна – ҳарбий хизматчилар ва бўлинмалар (машиналар) бир-бирининг ортида, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Бир, икки, уч, тўрт колонна ва ундан ортиқ колонна саф бўлиши мумкин.

Бўлинма ва ҳарбий қисмлар юриш сафида ҳаракатланиши ёки ёнма-ён тизилиши учун колонна қўлланилади.

13. Ёнма-ён тизилган саф – бўлинмалар бир ёки икки шеренгали сафга (машиналар чизиғига) фронт бўйлаб бир чизиқда тизилган ёхуд колонналар чизиғига, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган интервал қолдирган ҳолда тизилган саф.

Ёнма-ён тизилган саф йўқлама, саноқ, кўрик, парад ўтказиш учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

14. Юриш сафи – бўлинма колоннага тизилган ёки колоннага тизилган бўлинмалар кетма-кет, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Юриш сафи бўлинмалар марш давомида ҳаракатланиши, тантанали юриши, саф қўшиғи билан ўтиши учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

15. Етакчи – тайинланган йўналишда бош бўлиб бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина). Қолган ҳарбий хизматчилар (бўлинма ёки машиналар) ўз ҳаракатини етакчига қараб мослаштиради.

Охирда борувчи – колоннанинг охирида бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина).

Сафнинг бошқарув услублари

1. Сафни бошқариш амаллари оғзаки, сигнал воситасида ёки командир томонидан шахсан кўрсатиб бериладиган, шунингдек, техник ва ҳаракатчан воситалар орқали узатиладиган команда ва буйруқлар орқали бажарилади.

Команда ва буйруқлар колонна бўйича бўлинма командирлари (машина катталари) ва тайинланган кузатувчилар орқали узатилиши мумкин.

Машинада бошқариш амали оғзаки бериладиган ёки алоқа воситалари орқали узатиладиган команда ва буйруқлар орқали бажарилади.

Сафда катта командир саф бошқариш учун ўзига қулай бўлган жойда бўлади. Қолган командирлар командаларни мазкур Низомда белгиланган ёки катта командир тайинлаган жойда қолиб беришади.

Юриш сафидаги бўлинма командирларига сафдан чиқишга фақат команда бериб, унинг ижросини текшириш учунгина рухсат берилади.

2. Команда дастлабки ва ижро командаларига бўлинади. Фақат ижро командаси ҳам бўлиши мумкин.

Дастлабки команда аниқ, баланд ва сафда турганлар командир қандай ҳаракат бажарилишини талаб қилаётганини англаб етишлари учун чўзиқ берилади.

Сафда турган ходимлар ҳар қандай дастлабки командага биноан қад ростлайди, юриш давомида эса шахдам қадам ташлай бошлашади, сафдан ташқарида бўлишса, бошлиқ томон ўгирилиб, қад ростлаб туришади.

Ижро командаси (мазкур Низом матнида ижро командаси бош ҳарфлар билан ёзилган) дастлабки командадан кейинги танаффусдан сўнг, баланд, қисқа ва аниқ берилади. Ижро командаси зудлик билан, аниқ бажарилади.

Бўлинма ёки алоҳида ходимнинг эътиборини жалб этиш учун дастлабки командада, зарурат бўлса, бўлинма номи ёки ходимнинг унвони ва фамилияси айтиб чақирилади. Мисол учун, «**Гуруҳ, ТЎХТА**», «**Тингловчи Тўраев, орт-ГА**».

Саф амаллари қурол билан бажарилаётган бўлса, дастлабки командада, зарурат бўлса, қурол номи айтилади. Мисол учун, «**Автомат кўкрак-КА**», «**Пулемёт тасма-ГА**» ва ҳоказо.

Команда бераётган командирнинг овози саф эни ва узунлигига мутаносиб бўлиши, командани ижро этаётган ходим эса овозни кескин кўтармай, аниқ билдирув бериши лозим.

3. Сафни бошқариш ва машина бошқариш сигналлари мазкур Низомнинг 1- ва 2-иловаларида келтирилган.

Зарурат бўлса, командир кўшимча сафни бошқариш сигналларини жорий этади.

4. Барча бўлинмаларга тааллуқли командалар жамики бўлинма командирлари ва машина катталари (командирлари) томонидан қабул қилиниб, зудлик билан бажарилади.

Команда сигнал воситасида бериладиган бўлса, дастлаб «**ДИҚҚАТ**» сигнали узатилади. Агар команда бўлинмалардан фақат биттасига тааллуқли бўлса, тегишли бўлинма рақамини англатадиган сигнал узатилади.

Командани сигнал воситасида қабул қилишга шай ҳолат ҳам «**ДИҚҚАТ**» сигнали узатилган ҳолда билдирилади.

Сигналнинг қабул қилинганлиги, уни такрорлаш ёки ўз бўлинмасига тегишли сигнал узатиш орқали тасдиқланади.

5. Саф амалини бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш учун «**ҚАЙТАРИЛСИН**» командаси берилади. Ушбу командага биноан саф амали ижросига қадар бўлган ҳолат қабул қилинади.

6. Мазкур Низомда зикр этилган саф амаллари ва ҳаракатларининг ижросини ўзлаштириш мобайнида, уларни қисмларга бўлиб, санок остида, шу жумладан, тайёрлов

машқлари ёрдамида бажаришга йўл қўйилади, мисол учун: «**Автоматни кўкракка олиш, санок остида бажарилсин: амал – БИР, амал – ИККИ, амал – УЧ**», «**Ўнгга бурилиш санок остида бажарилсин: амал – БИР, амал – ИККИ**».

7. Терма командалар бўлинма бўйича саф тақсимоли бажарилиб тузилади. Тақсимланиш учун ҳарбий хизматчилар бир ёки икки шеренгали саф тортиб, мазкур Низомнинг 89-моддасида баён этилган каби, умумий рақамланиш бўйича саналиб чиқишади. Шундан сўнг, командадаги одам сонига боғлиқ ҳолда взвод ва гуруҳларга изчил тақсимланиб, ушбу бўлинмаларнинг командирлари тайинланади.

Парадда иштирок этиш ва шу каби, бошқа ҳолатларда, бўлинма, ўз командирининг буйруғига мувофиқ уч, тўрт ва ундан ортиқ колоннали умумий саф тортади. Бунда, ходимлар сафга, одатда, бўйма-бўй туришади.

8. Бўлинма «**САФЛАН**» командасига биноан саф тортади. Ушбу командадан олдин саф тортиш тартиби кўрсатиб ўтилади, мисол учун: («**Гуруҳ, бир шеренгага САФЛАН**»). Бундай командага биноан, ходимлар сафдаги ўз ўрнини белгиланган интервал ва дистанцияга амал қилган ҳолда эгаллаб, қад ростлаб туриши лозим.

Мустақил иш учун топширик:

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Ички Хизмат, Интизом, Гарнизон ва Қоровул хизматлари, Саф Низомларини дафтарларига ёзиб билимларини мустаҳкамлаш.

8.1.2- МАВЗУ: “ҚУРОЛСИЗ БАЖАРИЛАДИГАН САФ АМАЛЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИ”

Амалий машғулот мазмуни (2 соат)

Режа:

1-савол. Жойида бажариладиган саф ҳаракатлари.

2-савол. Саф қадами билан ҳаракатланиш ва саф қадами билан ҳаракатланаётганда бурилишларни бажариш.

1-машғулот.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-ўқув саволи: Жойида бажариладиган саф ҳаракатлари.

Қад «**САФЛАН**» ёки «**РОСТЛАН**» командасига биноан ростланади. Ушбу командага биноан ходим зўриқмасдан тўғри туриб, пошналарини бирга, оёқ учларини фронт бўйлаб бир чизиққа, оёқ кафти кенглигида қўяди, тиззасига зўр бермай, тўғри туттади, кўкрак кафасини бир оз кўтариб, танасини олд томон сал оғдиради, қорин соҳасини ичкарига тортади, елкасини тўғри тутиб, кафти танага қаратилган қўлини тушириб, бироз букилган бармоқларини сонининг ён томонига, ўртасига такайди, бошини баланд кўтариб, иягини олдинга чиқармай, тўғри туттади, тўғрига қараб, тегишли ҳаракатни зудлик билан бажаришга шай туради.

Жойида турганда, буйруқ бераётган ёки олаётганда, билдирув бераётганда, ҳарбийча салом бераётганда, команда берилаётганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилаётганида қад, командасиз рост тутилади.

Бош кийимсиз сафдан ташқарида турган ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилаётганида ўнг қўлини кўкрак соҳасининг чап томонига қўяди. Бунда, кафт кўкракка қаратилиб, узатилган бармоқлар бирга тутилади.

«**ЭРКИН**» командаси берилганда, ходим ўзини эркин тутиб, чап ёки ўнг тиззасини бўш қўяди, лекин жойидан жилмайди, гаплашмай, диққат-эйтиборини чалғитмай туради.

«**ТЎҒИРЛАН**» ёки «**ТЎҒИРЛАНСИН**» командасига биноан, ходим сафдаги жойини тарк этмаган ҳолда, ўз қуроли, кийими, анжом-аслаҳаларини тўғрилаб олади. Бунинг учун сафдан чиқиш керак бўлса, бевосита бошлиғига рухсат сўраб, мурожаат қилади.

«**ТЎҒИРЛАН**» ёки «**ТЎҒИРЛАНСИН**» командасидан олдин «**ЭРКИН**» командаси берилади.

Бош кийимни ечиш учун «**Бош кийим ЕЧИЛСИН**» командаси, кийиш учун эса «**Бош кийим КИЙИЛСИН**» командаси берилади. Зарурат бўлса, яқка турган ходим бош кийимини командасиз ечиб, кияди.

Ечилган бош кийим эркин туширилган чап кўлга, нишони олд томон қаратилган ҳолатда олинади (2- расм).

Бош кийимсиз ёки қурол «орқага» олинган ҳолатда бош кийим ўнг қўл билан, қурол «тасмага», «кўкракка» ва «оёққа» олинган ҳолатда чап қўл билан ечилиб, кийилади. Карабин «елкага» олинган ҳолатда бош кийим ечиладиган бўлса, карабин дастлаб «оёққа» ҳолатига келтирилади.

Жойда туриб бурилиш

Жойда туриб бурилиш амаллари «Ўнг-ГА», «Чап-ГА», «Орт-ГА» командаларига биноан бажарилади.

Ортга ва чапга бурилиш амаллари чап пошна ва ўнг оёқ учида турган ҳолда, чап қўл томон, ўнгга бурилиш амали эса ўнг пошна ва чап оёқ учида турган ҳолда, ўнг қўл томон бурилиб, бажарилади.

Бурилиш учун иккита амал бажарилади.

Биринчи амал. Тананинг тик ҳолати сақланиб, тиззани букмай бурилганча, тана вазни олдинда турган оёққа ўтказилади.

Иккинчи амал. Ортда қолган оёқ тўғри тортилиб, олдинги оёққа тақалади.

2-ўқув саволи: Саф қадами билан ҳаракатланиш ва саф қадами билан ҳаракатланаётганда бурилишларни бажариш

Ходим қадамлаб юриб ёки югуриб ҳаракатланади.

Қадамлаб юриш ҳаракати дақиқада 110 – 120 қадам тезликда бажарилади. Бунда, ҳар бир қадам узунлиги 70 – 80 см бўлиши лозим.

Югуриш ҳаракати дақиқада 165–180 қадам тезликда бажарилади. Бунда, ҳар бир қадам узунлиги 85 – 90 см бўлиши лозим.

Қадамлаб юриш ҳаракати шахдам қадам ва оддий қадам ташлаб юришга фарқ қилади.

Шахдам қадам ташлаш ҳаракати бўлинма тантанали юриб ўтаётганида, юриш давомида ҳарбийча салом берилаётганида, ходим бошлиқ олдига яқинлашаётган ёки ундан нари кетаётганида, саф тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнида сафдан чиқаётган ёки сафга қайтаётганда, шунингдек, тантанали ва мотамли ҳарбий таомиллар давомида бажарилади.

Полигон (жанговар тайёргарлик машғулотлари ўтказилаётган жой), жанговар машиналар парки ва бино ичида бошлиқ олдига яқинлашиш ёки ундан нари кетиш, сафдан чиқиш ёхуд сафга қайтиш амали оддий қадам ташлаб бажарилади.

Шахдам қадам ташлаш ҳаракати «**Шахдам қадам БОС**» командасига, оддий қадам ташлаб юрилаётганда «**Шахдам қадам БОС**» командасига, оддий қадам ташлаб юриш ҳаракати эса «**Қадам БОС**» командасига биноан бошланади.

Дастлабки команда берилганда тана бироз олдинга оғдирилиб, унинг асосий вазни, мувозанат сақланган ҳолда, ўнг оёққа олиб ўтилади. Ижро командаси берилганда ҳаракат чап оёқдан, тўлиқ қадам ташлаб бошланади.

Шахдам қадам ташлаб юрганда, учи олдинга узатилган оёқ 15–20 сантиметрга кўтарилиб, ерга бутун кафти билан босилади.

Қўлнинг елкадан бошланадиган ҳаракати тана яқинида бажарилади. Бунда:

олдинга чиқарилган қўл букилиб, панжаси камар тўқасидан бир кафт энида, танадан бир кафт узунлигида, тирсак панжа билан баробар тутилган ҳолда кўтарилади;

Орқага охиригача тортилган қўл тўғри узатилади. Бармоқлар ярим букилган бўлиб, бош тўғри тутилганча олдинга қараб борилади.

Оддий қадам ташлаб борилаётганда оёқнинг учи узатилмайди, олдинга эркин чиқарилиб, ерга, оддий юриб борилгандай, босилади. Қўл тана яқинида эркин ҳаракатланади.

Оддий қадам ташлаб юриш давомида берилган «**РОСТЛАН**» командасига биноан шахдам қадам ташлаш ҳаракатига, шахдам қадам ташлаш ҳаракати давомида берилган «**ЭРКИН**» командасига биноан эса оддий қадам ташлаб юриш ҳаракатига ўтилади.

Югуриш ҳаракати «**Югуриб қадам БОС (Югур¹)**», мисол учун, «**Гурух, югуриб қадам БОС**» командасига биноан бошланади.

Югуриш ҳаракати жойда турган ҳолатда бошланадиган бўлса, дастлабки команда берилганида тана олдинга оғдирилиб, бироз букилган кўл тирсаги ортга тортилади. Югуриш ҳаракати ижро командасига биноан, чап оёқдан бошланиб, кўл ҳаракати югуриш вазнида, эркин бажарилади.

Югуриш ҳаракатидан кадамлаб юриш ҳаракатига ўтиш учун «**Қадам БОС**» командаси берилади. Ўнг оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган ижро командасига биноан, яна икки кадам югуриб, чап оёқдан кадамлаб юриш ҳаракати бошланади.

Жойда кадам босиш ҳаракати «**Жойингда, қадам БОС**», командасига, юриш давомида эса «**ЖОЙИНГДА**» командасига биноан бажарилади.

Ушбу командага биноан жойда турган ҳолатда кадам босилиб, оёқ ердан 15 – 20 сантиметрга кўтарилади. Бунда, оёқ кафти ерга учидан бошлаб босилади, кўл ҳаракати кадам вазнида бажарилади (4- расм).

Чап оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган «**ТЎҒРИГА**» командасига биноан, ўнг оёқ билан жойда турган ҳолда яна бир кадам босилиб, ҳаракат чап оёқ билан тўлиқ кадам ташланганча бошланади. Бунда, дастлабки учта кадам шахдам босилади.

Ҳаракатни тўхтатиш учун, масалан: «**курсант Иброҳимов, ТЎХТА**» командаси берилади. Ерга ўнг ёки чап оёқ босилиши баробарида бериладиган ижро командасига биноан, яна бир кадам босилиб, оёқлар ёнма-ён тақалгач, қад рост тутилади.

Ҳаракат тезлигини ўзгартириш учун «**ЙИРИК ҚАДАМ БОС**», «**ҚИСҚА ҚАДАМ БОС**», «**ЯРИМ ҚАДАМ БОС**», «**ТЎЛИҚ ҚАДАМ БОС**» командалари берилади.

Якка турган ҳарбий хизматчи бир неча кадам четга сурилиши учун, масалан: «**курсант Иброҳимов. Ўнгга (чапга) икки кадам БОС**» командаси берилади.

Ушбу командага биноан, ходим ҳар кадам ташлаганда бир оёғини иккинчисига тақаб борган тарзда ўнгга (чапга) икки кадам ташлайди.

Юриш давомида бурилиш

Юриш давомида бурилиш амаллари «**Ўнг-ГА**», «**Чап-ГА**», «**Орт-ГА**» командаларига биноан бажарилади.

Ўнгга (чапга) бурилиш учун ижро командаси ўнг (чап) оёқ ерга босилиши билан бир вақтда берилади. Ушбу командага биноан, чап (ўнг) оёқ билан яна бир кадам босилиб, унинг учида ўнгга (чапга) бурилади ва ҳаракат, ўнг (чап) оёқ олдинга узатилганча, янги йўналишда давом эттирилади.

Ортга бурилиш учун ижро командаси ўнг оёқ ерга босилиши билан бир вақтда берилади. Ушбу командага биноан, чап оёқ билан яна бир кадам (бир саноғи бўйича) босилиб, ўнг оёқ ярим кадам олдинга, бироз чапга босилади ва иккала оёқ учида турганча, чап кўл томон кескин ортга (икки саноғи бўйича) бурилгач, чап оёқ билан (уч саноғи бўйича) ҳаракат давом эттирилади.

Бурилиш амаллари давомида кўл ҳаракати кадам вазнида бажарилади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

Саф тайёргарлиги машғулоти билан боғлиқ тушунчаларни ёдлаш ҳамда раҳбар ва ходим мажбуриятларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш.

¹ Сафдан ташқаридаги ҳарбий хизматчига берилади

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ (2-соат)

Режа:

1-савол: Сафда турганда ва сафдан чиққанда ҳарбийча саломлашиш.

2-савол: Ҳаракатланаётганда ҳарбийча саломлашиш.

2-машғулот.

АСОСИЙ ҚИСМ.

1-ўқув саволи: Сафда турганда ва сафдан чиққанда ҳарбийча саломлашиш.

Ҳарбийча салом бериш аниқ, мардона ва қадни ростлаш ва ҳаракат қилиш қойдаларига риоя қилган ҳолда бажарилади.

Бош кийимсиз, сафдан ташқарида ва бошлиқ (унвони катта киши)дан уч-тўрт қадам нарида турган вақтда ҳарбийча салом бериш учун қад ростланади, бошлиқ (унвони катта)нинг юзига қараб, бош у кетаётган томонга бурилади.

Агар бош кийим кийилган бўлса, ўнг қўлни энг осон йўл билан бош кийимга шундай теккизиш керакки, унда бармоқлар жипс, кафт тўғри бўлади, ўрта бармоқ бош кийимнинг қуйи қисмига (соябон ёнига) тегади, тирсак эса елка чизиғи ва баландлигида бўлади, бош бошлиқ (унвони катта) томон бурилганда, қўлнинг бош кийим ёнидаги ҳолати ўзгармайди.

Бошлиқ (лавозими катта) ҳарбийчасига салом бераётган ҳарбий хизматчининг ёнидан ўтиб кетаётганда, бошни тўғри тутиб, шу вақтнинг ўзида қўлини тушириш керак.

Сафдан ташқаридаги бош кийимсиз ҳаракат чоғида ҳарбийча салом бериш учун бошлиққа уч-тўрт қадам қолганда оёқни ерга қўйиш билан бир вақтда қўллар ҳаракати тўхтатилади, бош бошлиқ (унвони катта) томон бурилади, унинг юзига қараб, ҳаракат давом эттирилади. Бошлиқ (унвони катта)нинг ёнидан ўтиб бўлгандан сўнг, бош тўғри тутилиб, қўллар ҳаракати давом эттирилади.

Бош кийим кийилган пайтда оёқни ерга қўйиш билан бир вақтда ўнг қўлнинг учи бош кийимга тақалади, чап қўл эса ёнбошга теккизиб, ҳаракатсиз ушлаб турилади; бошлиқ (унвони катта)нинг ёнидан ўтиб бўлгач, бир вақтнинг ўзида чап оёқ ерга тегиши билан бош тўғри тутилиб, ўнг қўл пастга туширилади.

2-ўқув саволи: Ҳаракатланаётганда ҳарбийча саломлашиш.

Ҳарбийча саломлашиш бизнинг армиямиз ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг урф-одатларидан бири ҳисобланади. У ҳарбий хизматчиларда бир-бирига ҳурматни шакллантиради, уларни интизомли қилади, кундалик ҳаётда ўзини тўғри тутиш кўникмаларини шакллантиради.

Қуролсиз жойда туриб ҳарбийча саломлашишни ўрганишга киришишдан олдин секция (гуруҳ) командири шахсий таркиб билан биргаликда мустақил тай-ёргарлик вақтида Саф низомининг 66-моддасини ўрганишга мажбур.

Жойда туриб ҳарбийча саломлашиш қойдаларига ўргатиш аввалига бош кийимсиз, кейин эса бош кийими билан ўтказилади. Командир дастлаб ўрганувчи-лар билан «бош кийимлар — ечилсин», «бош кийимлар — кийилсин» (Саф низомининг 29-моддаси) усуллари бажарилишини такрорлаб чиқади.

Жойда туриб ҳарбийча саломлашиш қойдаларини ҳарбий хизматчиларга гапириб ва кўрсатиб бўлиб, секция (гуруҳ) командири уни икки ҳисобга ўрганишга «**Жойда туриб ҳарбийча саломлашиш учун, бошлиқ олд-да (ўнгда, чапда, орқада), бўлиб-бўлиб, бажар — БИР, бажар — ИККИ**» командаси бўйича киришади. «Бажар — БИР» ҳисоби бўйича секция ҳарбий хизматчилари бошлиқ томонга бурилишлари, ростлан ҳолатини қабул қилиб, унинг юзига қараши керак. Агар керак бўлса, секция (гуруҳ) командири бошлиқнинг чапдан ўнгга (ва унинг акси) ўтишини кўрсатиб туради. Бу командада секциянинг барча ҳарбий хизматчилари бошини чапдан ўнгга (ва аксига) буради, «бажар — ИККИ» ҳисобида эса бош тўғрига қаралади ва «эркин» қолати қабул қилинади. Шу алфозда ҳар хил йўналишлардан келаётган бошлиқлар билан саломлашиш командалари такрорланади.

Усулни бўлиб-бўлиб ўргангандан сўнг, секция (гуруҳ) командири жуфт-жуфт бўлиб машқ қилишни ташкиллаштирадики, бунда у бошлиқ ўрнига олддан, ёндан ва орқадан ўтувчи ҳарбий хизматчиларни ажра-тади.

Кийилган бош кийимда жойда саломлашиш усул-ларига ўргатиш ҳам худди бош кийимсиз тартибдаги-дай, бўлиб-бўлиб ўргатилади. Бунда бошида ҳарбий хизматчиларни кўлни бош кийимга тўғри олиб келиш-га ўргатилади. Бунинг учун командир кўл бош кийимга «Ростлан» ҳолати қабул қилингандан кейин энг қисқа йўл билан, бошлиқ томонга бурилганда эса орқадаги оёқни қўйиш билан бир вақтда олиб келини-шини кўрсатади ва гапириб беради.

Секция (гуруҳ) командири ҳарбий хизматчилар-нинг диққатини ўнг кўлнинг кафти тўғрилигига, бар-моқлари бирлашганлигига, ўрта бармоқ чаккага эмас, балки бош кийимнинг пастки четига тегишига, бунда тирсак бир чизикда елка баландлигида бўлишлигига қаратади.

Кўлни бош кийимга олиб боришга ўргатиш секция (гуруҳ) командирининг кўлни бош кийимга олиб бо-риш ва уи тушириш **«бажар — БИР»**, **«бажар — ИККИ»** командаси бўйича бошланади. «Бажар — БИР» х.исобида ҳарбий хизматчилар бир шеренгали ёйиқ сафда туриб, тезликда ўнг кўлини бош кийимга олиб борадилар, «бажар — ИККИ» ҳисобида ўнг кўлни тезда пастга туширадилар.

Бу машқ ойна олдида, жуфт-жуфт бўлиб, мустақил равишда ва барабан зарби остида такрорланиши мумкин.

Машқни бўлиб-бўлиб ўрганиб бўлгандан сўнг, секция (гуруҳ) командири аскарларга саломлашишни бу-тунлигича ўргатади.

Қуролсиз ҳаракатда саломлашиш.

Ҳаракатда қуролсиз бир-бири билан учрашганда ёки қувиб ўтилганда саломлашилади. Ҳаракатда бош кийим кийилганда ҳарбийча саломлашиш саккизгача санаш ҳисоби билан ўргатилади. Аввалига секция (гуруҳ) командири усулни бутунлигича, кейин эса бўлиб-бўлиб кўрсатади, яъни:

— «бажар — БИР» ҳисобида чап оёқ билан қадам қўйилади ва оёқ ерга тегиши балан бош бошлиқ то-монга бурилади, бир вақтда кўл бош кийимга олиб ке-линади. Чап кўл сон ёнига туширилади;

— «бажар — ИККИ», «бажар — УЧ», «бажар — ТЎРТ», «БЕШ», «ОЛТИ» ҳисобларида ўнг (чап) оёқлар-да қадамлар босилади;

— «бажар — ЕТТИ» ҳисобида чап оёқни ерга қўйишда бош тўғрига қарайди, ўнг кўл бош кийимдан пастга тушади;

— «бажар — САККИЗ» ҳисобида ўнг оёқ чапига жуфтлаштирилади, ўнг кўл эса сонга туширилади.

Ўрганувчилар усулни тўғри тушунганлигига ишонч ҳосил қилган секция (гуруҳ) командири секцияни бир колоннага тизиб, ўрганувчилар саноғи ёки барабан зарби билан машқ қилдиришга киришади.

Усулни бўлиб-бўлиб ва бутунлигича ўрганиб чиқ-қандан кейин, секция (гуруҳ) командири машғулот охирида секцияни бир колоннага тизиб, ҳар бирини ўз олдидан ўтказди.

Шулар билан бир қаторда офицерлар ва сержант-лар, ҳарбий билим юрти ва сержантлар тайёрлаш мак-таблари курсантлари яқка тартибдаги саф машғулотла-рида ҳаракатда саломлашишдаги ўз кўникмаларини уз-луксиз ривожлантиришлари керак.

Бош кийимсиз ҳаракатда саломлашиш учун секция 4 қадамга ажрайди. Бош кийимлар аввалдан ечиб қўйилади ва машғулот жойидан четроқда текис қилиб тахлаб қўйилади.

Секция (гуруҳ) командири бошлиқ жойда турганда ва қарама-қарши томондан келаётган бошлиққа қараб ҳаракатланаётган ҳарбий хизматчининг саломлашиш усулини кўрсатади.

Бошида секция (гуруҳ) командири бош кийимсиз ҳаракатда саломлашиш усулини кўрсатади.

Усулни бутунлигича ва бўлиб-бўлиб кўрсатиб бўлиб, командир бош кийимсиз ҳаракатда саломлашиш учун бошлиққа (каттага) 5—6 қадам қолганда оёқни ерга қўйиш билан бир пайтда кўллар ҳаракатини тўхта-тади.

Бошини у тарафга буради ва ҳаракатни давом этки-зади, унинг юзига қарайди; бошлиқдан ўтиб боши тўғрига қаралишини ва қўллар билан ҳаракатланиш давом эттирилишини тушунтиради.

Секция (гурух) командири бу усулни тўрт-олти ҳисобга бўлиб-бўлиб ўргатишни бошлайди. Агар бош-лиқ қарама-қарши томондан келса, усул тўрт ҳисобга, агар у жойида турса, усул олти ҳисобга бажарилади.

Усул «**Ҳаракатда саломлашиш, бошлиқ ўнгда (чап-да), бўлиб-бўлиб, бажар — БИР, бажар — ИККИ**» ва ҳоказо.

«Бажар — **БИР**» ҳисобида чап оёқ билан қадам ташланади, оёқ ерга қўйилиши бплан қўл билан ҳара-катланиш тўхтатилади ва бош бошлиқ томонга бурилади. «Икки, уч, тўрт, (беш, олти)» ҳисоби бўйича ҳаракат қўлларни қисиб, бошни буриб давом эттирилади.

Сафдан чиқиш ва сафга қайтиш.

Ходим сафдан чиқиши учун, масалан: «**Тингловчи Тўраев. Сафдан фалон қадам чиқинг**» ёки «**Тингловчи Тўраев, олдимга** (олдимга югуринг)» командаси берилади.

Ўз фамилиясини эшитган ходим «**Мен**» дея, сафдан чиқиш командасини эшитгач эса «**Хўп бўлади**», дея жавоб беради.

Биринчи командага биноан, ходим биринчи шеренгадан бошлаб санаганча, сафдан тайинланган қадамга шахдам юриб чиқади ва тўхтаб, саф томон юзланади.

Иккинчи командага биноан, ходим биринчи шеренгадан бошлаб бир-икки қадам ташлагач, юриш давомида бошлиқ томон бурилиб, унинг олдига қисқа йўл билан шахдам қадам ташлаб ёки югуриб боради. Бошлиқ олдига етишга икки-уч қадам қолганда тўхтаб, оёқларни ёнма-ён тақаш билан бир вақтда, ўнг қўлни чаккага келтирганча, етиб келгани ҳақида билдирув беради, мисол учун: «**Ўртоқ майор, тингловчи Тўраев буйруғингизга биноан келди**».

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ходим иккинчи шеренгада турган бўлса, сафдан чиқишдан олдин қўлини олдинда турган ходимнинг елкасига қўяди. Олдинги шеренгада турган ушбу ходим бир қадам олдинга ташлаб, ўнг оёғини чап оёғига тақамай, ўнг томон бир қадам ўтиб, сафдан чиқаётган ходимни олдинга ўтказиб юборади ва ўз жойини эгаллайди.

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ходим биринчи шеренгада турган бўлса, иккинчи шеренгада турган ходим унинг бўшаган ўрнини эгаллайди.

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ходим икки, уч (тўрт) колоннали сафда турган бўлса, сафнинг яқин қаноти томон ўнгга (чапга) бурилади. Унинг ёнида турган ходим эса ўнг (чап) оёғи билан бир қадам ёнга ташлаб, чап (ўнг) оёғини ўнг (чап) оёғига тақамай, бир қадам орқага ўтади ва сафдан чиқаётган ходимни ўтказиб юборгач, ўз жойини эгаллайди.

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ходим қуролланган бўлса, «елкага» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. «Елкага» ҳолатидаги карабин сафдан чиқишдан олдин «оёққа» ҳолатига туширилади.

Ходим сафга қайтиши учун, масалан: «**Тингловчи Тўраев. Сафга туринг**» ёки фақат: «**Сафга туринг**» командаси берилади.

Сафга юзланиб турган ходим дастлабки «**Тингловчи Тўраев**» командасига биноан, яъни ўз фамилиясини эшитгач, бошлиқ томон бурилиб: «**Мен**» дея, «**Сафга туринг**» ижро командаси биноан эса агар у қуролсиз ёки қуроли «орқага» ҳолатида бўлса, ўнг қўлини чаккага келтириб: «**Хўп бўлади**», дея жавоб беради. Шундан сўнг, юриш йўналиши томон бурилиб, биринчи қадам ташлаш баробарида қўлини чаккадан туширади. Қисқа йўл билан шахдам қадам ташлаб бориб, сафдаги жойини эгаллайди.

Агар фақат «**Сафга туринг**» ижро командаси берилган бўлса, ходим бошлиқ томон бурилмай, сафдаги ўз ўрнига қайтади.

Сафдан чиқиш амали қурол билан бажарилган бўлса, қурол, сафдаги ходимлар қуроли қандай ҳолатда бўлса, шу ҳолатга келтирилади.

Сафдан ташқарида бошлиқ олдига яқинлашаётган ходим бошлиққа беш-олти қадам қолганида шахдам қадам ташлай бошлайди ва икки-уч қадам қолганида тўхтаб, оёқларни ёнма-ён тақаш баробарида, ўнг қўлини чаккага келтиради ва етиб келгани ҳақида билдирув беради. Билдирув бериб бўлгач, қўлини чаккадан туширади.

Бошлиқ олдиға қурол билан яқинлашганда, «елкаға» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. «Елкаға» ҳолатидаги карабин бошлиқ қаршисида тўхталгач, «оёққа» ҳолатиға туширилади. Агар қурол «орқаға» ҳолатиға келтирилмаган бўлса, қўл чаккаға кўтарилмайди.

Бошлиқ олдидан кетадиган ходим, кетишға ижозат олгач, ўнг қўлини чаккаға келтириб: «**Хўп бўлади**», дея жавоб беради. Шундан сўнг, юриш йўналиши томон бурилиб, биринчи қадам ташлаш баробарида ўнг қўлини чаккадан туширади. Уч-тўрт шахдам қадам ташлагач, эркин юриб кетади.

Бошлиқ олдидан кетадиган ходим қуролланган бўлса, «оёққа» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. Агар зарур бўлса, ходим «**Хўп бўлади**», дея жавоб берганидан сўнг, қуролини бошқа ҳолатға келтиради.

Бошлиқ ходимға сафға қайтиш командасини ёки кетишға ижозат бераётганда, ўнг қўлини чаккаға келтиради. Команда (ижозат) бериб бўлгач, қўлини туширади.

Бошлиқ олдиға бориш ва ортға қайтиш.

Сафдан чиқишға, бошлиқ олдиға келишға ва сафға қайтишға ўргатиш қуйидаги тартибда ўтказилади:

- бошлиққа сафдан ташқарида бориш ва ундан қайтиш;
- сафдан команда бўйича чиқиш ва сафға қайтиш;
- сафдан чақириқ бўйича чиқиш ва сафға қайтиш. Бошлиққа сафдан ташқарида бориш ва ундан қайтишни ўргатишда секция (гурух) командири секция олди бўйлаб ҳаракатланиб, бошлиққа боришни кўрсатади.

Янада кўргазмали бўлиши учун биронта ҳарбий хизматчини сафдан чиқариб, бошлиқ сифатида шундай жойға қўйиш тавсия қилинадики, қолганлар сек-ция командирининг «бошлиққа» бориш ва ундан қайтиш ҳаракатларини кўриб турсин.

Бошлиқ олдиға бориш ва ундан қайтиш алоҳида бўлиб-бўлиб ўргатилади.

Бошлиқ олдиға боришни уч ҳисобға бўлиб-бўлиб ўргатиш тавсия этилади.

«Бажар — БИР» ҳисобида қадам тактиға мослаб қўлларини ҳаракатлантирган ҳолда чап оёқ билан шахдам олға бир қадам ташланади ва чап оёқ ҳолати шундайлигича сақланади, қўллар эса сонға тушган (10-а расм).

«Бажар — ИККИ» ҳисобида ўнг оёқ қўйилади ва бир вақтда ўнг қўл бош кийимға олиб борилади (10-б расм).

«Бажар — УЧ» ҳисобида қўл сонға туширилади. Бундан кейин машқ такрорланади. Бу ҳаракатларға ўрганиш учун секция бир шеренғаға ёки ҳарбий хиз-матчилар орасидаги интервал ва масофалари 2—3 қадам бўлган бир колоннаға тазилади.

Бошлиқ олдиға боришни тўрт ҳисоб билан олдиға уч қадам ташлаб ўргатишни «**Бошлиқ олдиға боришни, бўлиб-бўлиб, тўрт ҳисобға, уч қадам олға ҳаракатланиш билан — бош-ЛА**» командаси билан амалға ошириш мумкин.

«Бир, икки, уч» ҳисобида олға учта шахдам қадам ташланади, «тўрт» ҳисобида ўнг оёқ чапига келтирила-ди ва бир вақтда ўнг қўл бош кийимға олиб келинади.

Кейинги «бир, икки, уч» ҳисобида қўл бош кийим олдида ушлаб турилади, «тўрт» ҳисобида эса тушири-лади.

Шундай тартибда машқ бир неча бор такрорлана-ди.

Бошлиқ олдидан қайтишни тўрт ҳисоб билан ўр-гатишни «**Бошлиқ олдидан қайтишни, бўлиб-бўлиб, тўрт ҳисобға — бошла**» командаси билан амалға ошириш тавсия этилади.

«Бажар — БИР» ҳисобида секциянинг барча ҳарбий хизматчилари ўнг қўлларини бош кийимға қўядилар ва «Хўп бўлади», деб жавоб берадилар.

«Бажар — ИККИ» ҳисобида ортға (ўнгга, чапга) бу-риладилар ва ўнг оёғини қўядилар.

«Бажар — УЧ» ҳисобида биринчи қадамда (чап оёқни ерга қўйишда) қўл туширилади.

«Бажар — ТҶРТ» ҳисобида ўнг оёқни чапига олиб келинади. Шундай кетма-кетликда машқ секция (гуруҳ) командири саноғи билан, ундан кейин ўрганувчи-лар ҳисоби ва барабан зарби остида такрорланади.

Бунда орқага, ўнга ва чапга бурилиш кўникмалари ҳам мукамаллаштирилади.

Бошлиқ олдига бориш ва ундан қайтиш бўлиб-бўлиб ўрганилгандан кейин, бу ҳаракатлар комплекс-да ўрганилади. Машқ жуфт-жуфт бўлиб ўтказилади (11-расм).

Секция (гуруҳ) командири машқ пайтида ўрганув-чиларни навбат билан ўзига чақиради ва улардан ҳара-катларни тўғри ҳамда аниқ бажаришни талаб қилиб олади.

Ўрганувчиларга бошлиқ олдига бориш ва ундан қайтиш ҳаракатларидаги кўникмаларни мустақкам сингдириш мақсадида, уларни одатий суръатда саккиз ҳисобга машқ қилдириш тавсия этилади. Бунинг учун секция 1—2 қадам масофаси билан бир колонна ёки жуфт-жуфт бўлиб, қарама-қарши турадилар. Секция (гуруҳ) командирининг «Бошлиқ олдига бориш ва ун-дан қайтишни саккиз ҳисобга, овоз чиқариб санаш билан бош-ЛА» командаси бўйича ҳарбий хизматчилар биринчи уч санашда чап оёқдан бошлаб олға 3 қадам кўядилар.

«Тўрт» ҳисобида ўнг оёқни чапига келтириш билан биргаликда ўнг кўлларини бош кийимга келтирадилар.

«Беш» ҳисобида кўлларини туширадилар.

«Олти» ҳисобида яна кўлларини бош кийимга кел-тирадилар.

«Етти» ҳисобида ўнг оёқларини чапи ёнига кўяди-лар. Кейинги «саккиз» саноғида ўрганувчилар чап оёқда тескари йўналиш бўйича биринчи ҳаракат қадамини кўядилар, оёқни кўйиш билан кўллар туширилади ва машқ такрорланади. Секция (гуруҳ) командири бу вақтда ўрганувчилар ҳаракатларини кузатади ва улар йўл кўйган хатоларни бартараф этади.

Бу машғулотларда ҳарбий хизматчиларнинг сафдан ташқари пайтда бошлиққа мурожаати ёки бошлиқнинг унга мурожаатидаги ҳаракатлари ҳам кўрсатилади.

Команда бўйича сафдан чиқишга ва сафга қайтишга ўргатишни секция (гуруҳ) командири ёйиқ бир шеренгали, кейин икки шеренгали сафдан ва бир, икки, уч, тўртгалик колоннадан бошлайди.

ХУЛОСА: Хулоса ўрнида бугунги машғулотимиз давомида ҳарбийча салом бериш, бошлиқ олдига келиш ҳамда бошлиқ олдидан кетиш усулларини ўрганиб чиқдик. Ўртоқ тингловчилар ҳар бирингиз хизмат фаолияти давомида рағбатлантириласизлар. Шунинг учун бугунги усулларни яхши ўрганишингиз лозим.

Мустақил таълим учун топшириқ:

Сафдан чиқиш ва сафга қайтиш амалларини мустақил бажариш ҳамда бошлиқ олдига бориш ва ортга қайтиш амалларини мустақил бажариш.

8.2.1 - МАВЗУ: “ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҚУРОЛ ҚЎЛЛАШ ШАРТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ”

Режа:

1-савол. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари.

2-савол. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллашнинг ҳуқуқий асослари.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1 –ўқув саволи: Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари. (ИИО тўғрисидаги қонуннинг 5-боби 21-моддаси).

Ўқ отиш тайёргарлиги фанининг мақсади - ички ишлар органлари ходимларининг хизмат вазибаларини бажариш вақтида ёки ностандарт вазиятларда юксак жанговар маҳоратга эга бўлиши, қўлланиладиган қуроллардан моҳирона фойдалана билишлари, ҳар қандай шароитларда қурол билан тезкор ҳаракат қила олишлари учун керакли билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ўқ отиш тайёргарлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ИИО ходимларида табель қуроллардан ишончли фойдалана олиш кўникмасини хосил қилиш;

- бириктирилган табель қуролини қўллаш ва фойдаланишда хавфсизлик чораларига қаттиқ риоя қилишни ўргатиш;

- бириктирилган қурол ва ўқ-дориларнинг жанговар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва уни моҳирона қўллай олиш кўникмаларини шакиллантириш;

- турли хил шароитларда нишонни тўғри мўлжалга олиш ва уни қисқа муддатларда маҳв этишни ўргатиш;

- қалтис вазиятларда тўғри ва мустақил қарор қабул қилиш, ўт очишда фаоллик кўрсатишни ўргатиш;

- табель қуролига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш тартибларини ўзлаштирдан иборат.

Қурол-яроғларни ўрганишда орттирилган билимлар, маҳорат ва малакалар ички ишлар органлари ходимларининг амалий фаолиятида жуда катта аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда ички ишлар органларининг ходимлари қуйидагиларни эътиборга олишлари зарур:

– қурол-яроқлар ва ўқ-дориларнинг жанговар имкониятларини ва моддий қисмларини, ўқ отиш асослари ва қоидаларини пухта билиш;

– қуролларни ва ўқ-дориларни ўқ отишга тайёрлаш, нишонларни кузатиб разведка қила олиш, уларгача бўлган масофаларни тўғри аниқлаш, нишонларни тўғри кўрсатиш, турли хил усулларда ва мустақил равишда мерганлик билан ўт оча билиш;

– қурол билан муомалада бўлишда ва ўт очиш қоидаларини қўллашда, ҳар қандай шароит ва об-ҳавода ўт очишда автоматизм ҳолатига келтирилган малакаларга эга бўлиш. Ўқотар қуролларни мукамал ўрганиш ва самарали қўллай билиш учун улар билан бажариладиган машқларни доимо такрорлаб ривожлантириб бориш зарур.

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари тингловчи ва тингловчилари ҳамда амалиёт ходимларида экстремал вазиятларда табель қуролини самарали қўллай олиш техникаси шаклланган бўлиши керак, бу сифатлар уларнинг касбий тайёргарлик кўрсаткичи, жанговар тайёргарлиги ва малака кўникмасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ички ишлар органи ходими ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

Ички ишлар органи ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт. Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли сертификат берилади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаган ички ишлар органи ходими эгаллаб турган лавозимга мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун мазкур моддада ҳамда ушбу **Қонуннинг 23 ва 24-моддаларида** назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида ички ишлар органилари прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходимининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, ички ишлар органи ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар ички ишлар органи ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ички ишлар органи ходими ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

2– ўқув саволи. Ички ишлар органи ходимлари томонидан қурол қўллаш ҳуқуқий асослари (ИИО тўғрисидаги Қонуннинг 5-боб 24-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органилари тўғрисида”ги қонунининг 5-бобида “Ички ишлар органилари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш” талаблари кўрсатиб ўтилган.

24-модда. Ўқотар қуролни қўллаш.

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

-фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда;

-гаровдагиларни озод қилишда;

-ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

-ички ишлар органиларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

-фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органиларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юқларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;

-қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, захарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

-жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

-агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

-инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

-қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан унинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади:

- аёлларга;

- ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга;

- ёши аниқ кўриниб турган кекса инсонларга;

- ёши маълум вояга етмаганларга нисбатан.

Қуйидаги келтирилган ҳолатларда, яъни фуқаролар томонидан қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари бундан мустасно.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Ички ишлар органлари қуроллантириладиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ушбу рўйхатга кирмайдиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари билан ички ишлар органларини қуроллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

ИИВнинг 2017 йил 15 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, ўқ отар қуроллар ва махсус воситаларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи талаблари мазмун-моҳияти.

3-боб. Ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш ва қўллаш шартлари

Ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш

Ходимлар томонидан хизмат фаолияти давомида ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш тартиби ва муддатлари ички ишлар органи бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида белгиланади.

Ҳудуддаги тезкор ва криминоген вазиятни инобатга олиб ички ишлар органи бошлиғи томонидан ходимга ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга рухсат этилиши мумкин.

Ўқотар қурол ходимларга уларнинг шахсий жавобгарлиги остида берилади.

Тўппончалар ғилофларда, тасмаси тақилган ҳолатда олиб юрилади. Битта ўқдон тўппонча дастагида, иккинчи захира ўқдон ғилофда сақланади.

Автомат ва милтиқлар «Тасмага» ҳолатида олиб юрилади. Ўқдонлари ўқдон халталарида сақланади. Ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга эҳтиёж бўлмаганда, ўқотар қурол ички ишлар органлари навбатчилик қисмига ёки омборига топширилади.

Ўқотар қуролни қўллаш

Қуйидаги ҳолатларда ходим шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда;

гаровдагиларни озод қилишда;

ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида қўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;

қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантиради, бундан унинг ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Ходим ўқотар қуролни қўллашдан олдин қуйидагиларга мажбур:

шахсни «Тўхта! Отаман!» деб ҳайқариб огоҳлантиришга;

шахс огоҳлантиришдан кейин ҳам ходимнинг талабларига бўйсунмаса, юқорига огоҳлантириб ўқ отишга.

Қуйидаги ҳолатларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилади:

ходимнинг ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф таҳдид солаётганда; тўсатдан қуролли ҳужум қилинганда;

жанговар техника, транспорт воситалари, учувчи аппаратлар, дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда ҳужум уюштирилганда;

махкумлар, ҳибсга олинган ёки ушланган шахслар қурол билан ва транспорт воситасида ёхуд транспорт воситаларининг ҳаракати вақтида қочганда;

террорчилик ҳаракатлари содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда;

инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда.

Аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ўқотар қуролларни қўллаш тақиқланади. Ушбу шахслар томонидан қуролли ҳужум қилинган, қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқароларнинг ёхуд ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ходим кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари билан ходимларни қуроллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

Ички ишлар органининг ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари ва ҳуқуқий асослари бўйича мавзунини мустақил ўқиш.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИНИНГ МАЗМУНИ (2 соат)

Режа:

1-савол. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари.

2-савол. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллашнинг ҳуқуқий асослари.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1 –ўқув саволи: Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари. (ИИО тўғрисидаги қонуннинг 5-боби 21-моддаси).

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибini сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибini сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўйганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида сўнги уч йил давомида Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан жуда катта ишлар олиб борилмоқда, бунга мисол қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан: 2016 йил 12 август куни Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган ва 2016 йил 24 август куни Сенат томонидан қабул қилинган Ички ишлар органлари тўғрисида Қонунни айтиш мумкин. Ушбу қабул қилинган қонунда Ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган асосий вазифалари аниқ белгиланиб ўтилди ва улар қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

Иккинчидан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрель кундаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибini, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сонли Фармони.

Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб ўтилди.

Учинчидан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрь кундаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ушбу қарорда Ички ишлар органларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом ва Ички ишлар органларининг Интизом Устави қабул қилинди.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида қуйидаги келтириб ўтилган қуроллардан моҳирона ва самарали фойдаланишни ўрганиш, қуролдан фойдаланган вақтда ҳафсизлик чораларига риоя қилишни ўргатиш, қисқа муддатларда нишонни заб этишни ўргатиш ва қуролларга бўлган кўникмаларни шакллантириш учун ички ишлар органлари ходимларига Ўқ отиш тайёргарлиги фанидан дарс машғулотлари олиб борилади. Шунингдек Ўқ отиш тайёргарлиги ходимларнинг жанговар тайёргарлигининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Ўқ отиш тайёргарлиги фанининг мақсади - ички ишлар органлари ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида ёки ностандарт вазиятларда юксак жанговар маҳоратга эга бўлиши, қўлланиладиган қуроллардан моҳирона фойдалана билишлари, ҳар қандай шароитларда қурол билан тезкор ҳаракат қила олишлари учун керакли билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ўқ отиш тайёргарлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ИИО ходимларида табель қуроллардан ишончли фойдалана олиш кўникмасини ҳосил қилиш;

- бириктирилган табель қуролини қўллаш ва фойдаланишда ҳафсизлик чораларига қаттиқ риоя қилишни ўргатиш;

- бириктирилган қурол ва ўқ-дориларнинг жанговар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва уни моҳирона қўллаш олиш кўникмаларини шакллантириш;

- турли хил шароитларда нишонни тўғри мўлжалга олиш ва уни қисқа муддатларда маҳв этишни ўргатиш;

- қалтис вазиятларда тўғри ва мустақил қарор қабул қилиш, ўт очишда фаоллик кўрсатишни ўргатиш;

- табель қуролига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш тартибларини ўзлаштирдан иборат.

Қурол-яроқларни ўрганишда орттирилган билимлар, маҳорат ва малакалар ички ишлар органлари ходимларининг амалий фаолиятида жуда катта аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда ички ишлар органларининг ходимлари қуйидагиларни эътиборга олишлари зарур:

– қурол-яроқлар ва ўқ-дориларнинг жанговар имкониятларини ва моддий қисмларини, ўқ отиш асослари ва қоидаларини пухта билиш;

– қуролларни ва ўқ-дориларни ўқ отишга тайёрлаш, нишонларни кузатиб разведка қила олиш, уларгача бўлган масофаларни тўғри аниқлаш, нишонларни тўғри кўрсатиш, турли хил усулларда ва мустақил равишда мерганлик билан ўт оча билиш;

– қурол билан муомалада бўлишда ва ўт очиш қоидаларини қўллашда, ҳар қандай шароит ва об-ҳавода ўт очишда автоматизм ҳолатига келтирилган малакаларга эга бўлиш. Ўқотар қуролларни мукамал ўрганиш ва самарали қўллаш билиш учун улар билан бажариладиган машқларни доимо такрорлаб ривожлантириб бориш зарур.

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари тингловчи ва тингловчилари ҳамда амалиёт ходимларида экстремал вазиятларда табель қуролини самарали қўллаш олиш техникаси шаклланган бўлиши керак, бу сифатлар уларнинг касбий тайёргарлик кўрсаткичи, жанговар тайёргарлиги ва малака кўникмасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ички ишлар органи ходими ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

Ички ишлар органи ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт. Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли сертификат берилади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаган ички ишлар органи ходими эгаллаб турган лавозимга мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун мазкур моддада ҳамда ушбу **Қонуннинг 23 ва 24-моддаларида** назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида ички ишлар органлари прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходимининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, ички ишлар органи ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

2– ўқув саволи. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш ҳуқуқий асослари (ИИО тўғрисидаги Қонуннинг 5-боб 24-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 5-бобида “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш” талаблари кўрсатиб ўтилган.

24-модда. Ўқотар қуролни қўллаш.

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

- фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда;
- гаровдагиларни озод қилишда;
- ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

-ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

-фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;

-қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

-жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

-агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

-инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

-қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан унинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади:

- аёлларга;

- ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга;

- ёши аниқ кўриниб турган кекса инсонларга;

- ёши маълум вояга етмаганларга нисбатан.

Қуйидаги келтирилган ҳолатларда, яъни фуқаролар томонидан қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари бундан мустасно.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

ИИВнинг 2017 йил 15 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, ўқ отар қуроллар ва махсус воситаларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи талаблари мазмун-моҳияти.

3-боб. Ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш ва қўллаш шартлари

Ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш

Ходимлар томонидан хизмат фаолияти давомида ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш тартиби ва муддатлари ички ишлар органи бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида белгиланади.

Худуддаги тезкор ва криминоген вазиятни инобатга олиб ички ишлар органи бошлиғи томонидан ходимга ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга рухсат этилиши мумкин.

Ўқотар қурол ходимларга уларнинг шахсий жавобгарлиги остида берилади.

Тўппончалар ғилофларда, тасмаси тақилган ҳолатда олиб юрилади. Битта ўқдон тўппонча дастагида, иккинчи захира ўқдон ғилофда сақланади.

Автомат ва милтиқлар «Тасмага» ҳолатида олиб юрилади. Ўқдонлари ўқдон халталарида сақланади.

Ўқотар қуролни қўллаш

Қуйидаги ҳолатларда ходим шахсан ўзи ёки бўлирма (гуруҳ) таркибида ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда;

гаровдагиларни озод қилишда;

ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг кўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;

қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиритишда.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантиради, бундан унинг ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Ходим ўқотар қуролни қўллашдан олдин қуйидагиларга мажбур:

шахсни «**Тўхта! Отаман!**» деб хайқириб огоҳлантиришга;

шахс огоҳлантиришдан кейин ҳам ходимнинг талабларига бўйсунмаса, юқорига огоҳлантириб ўқ отишга.

Қуйидаги ҳолатларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилади:

ходимнинг ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф таҳдид солаётганда;

тўсатдан қуролли ҳужум қилинганда;

жанговар техника, транспорт воситалари, учувчи аппаратлар, дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда ҳужум уюштирилганда;

махкумлар, ҳибсга олинган ёки ушланган шахслар қурол билан ва транспорт воситасида ёхуд транспорт воситаларининг ҳаракати вақтида қочганда;

террорчилик ҳаракатлари содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда;

инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда.

Аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ўқотар қуролларни қўллаш тақиқланади. Ушбу шахслар томонидан қуролли ҳужум қилинган, қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқароларнинг ёхуд ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳолатлар бундан мустасно. Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ходим кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари билан ходимларни қуроллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари ва ҳуқуқий асослари бўйича мавзунини мустақил ўқиш.

8.2.2- МАВЗУ: “МАКАРОВ ПИСТОЛЕТНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ЖАНГОВАР ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

1-савол. Макаров пистолетининг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари.

2-савол. Макаров пистолети асосий қисм ва механизмларининг тузилиши.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-савол. Макаров пистолетининг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари.

9 мм МАКАРОВ ПИСТОЛЕТИ (ПМ)



Николай Фёдорович Макаров
(09.05.1914-13.05.1983)

9 ммли Макаров пистолетини
умумий кўриниши

9 мм ПМ пистолети 1948-йилда Николай Фёдорович Макаров томонидан яратилган бўлиб, 1951-йилда Собиқ Иттифоқнинг катта офицерлар таркибини куроллантириш мақсадида куролланишга қабул қилинган.

9 мм ПМ пистолети шахсий таркибнинг хужум ва химоя курали бўлиб, душманнинг жонли кучини яқин масофаларда яқсон қилиш учун мўлжалланган.

Пистолетдан 50 метргача масофада мўжалга олиб отиш анча юқори самара беради.

9 мм ПМ пистолетининг жанговар хусусиятлари

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	9 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	315 м/с
3.	Жанговар отиш тезлиги	30 ўк/дақ
4.	Ўқнинг жароҳатлаш масофаси	350 м
5.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	50 м
6.	Пистолетни патронсиз оғирлиги	730 гр
7.	Пистолетни 8 та патрон билан оғирлиги	810 гр
8.	Пистолетни узунлиги	161 мм
9.	Стволнинг узунлиги	93 мм
10.	Кесиклар йўлининг узунлиги	75 мм
11.	Пистолетни баландлиги	126,75 мм
12.	Пистолетни эни	30,5 мм
13.	Кесиклар сони	4 та.
14.	Ўқдоннинг сиғими	8 патрон
15.	Патрон	9x18
16.	Патрон оғирлиги	10 гр
17.	Ўқнинг оғирлиги	6,1 гр
18.	Порох зарядини оғирлиги	0,25 гр
19.	Гильзанинг узунлиги	18 мм
20.	Ўқнинг узунлиги	12 мм
21.	Индекс ГРАУ	56-А-125
22.	Ишлаб чиқарилган завод	ИЖМЕХ

**2-савол. Макаров пистолети асосий қисм ва механизмларининг тузилиши.
9 мм ПМ пистолетининг асосий қисм ва механизмлари**




1 – Стволли асос туширилувчи ҳалқа билан; 2 – затвор; 3 – қайтарувчи пружина; 4 – Зарбдор - тепки механизми; 5 – Дастак бурама мих билан;
6 – Затвор тутқичи; 7 – Ўқдон.

9 мм ПМ пистолетининг асосий қисм ва механизмларининг вазифалари:

1. Стволли асос туширилувчи ҳалқа билан – стволли асос уч қисмдан иборат бўлиб: булар, ствол, пистолет асоси ва туширилувчи ҳалқадан иборат;	
1.1. Ствол – ўқнинг учишига йўналиш бериш учун хизмат қилади.	
1.2. Асос – пистолетнинг барча қисмларини бириктириш учун хизмат қилади.	
1.3. Туширилувчи ҳалқа – тепки ҳалқасини беҳос босилиб кетишдан асрайди.	
2. Затвор – патрондонга ўқдондан патронни етказиб бериш, отишда ствол каналини ёпиш, гильзани ушлаб туриш (чиқариб олиш) ва тепкини жанговар ҳолат (взвод)га келтириш учун хизмат қилади.	
2.1. Турткич – пистонни чақиш учун хизмат қилади.	
2.2. Улоқтиргич – қайтаргич билан учрашгунча гильзани затвор косачасида ушлаб туриш, улоқтириш учун хизмат қилади.	

<p>2.3. Сақлагич – пистон билан муомала қилишда хавфсизликни таъминлайди.</p>	
<p>3. Қайтарувчи пружина – отишдан кейин затворни олдинги ҳолатига қайтариш учун хизмат қилади.</p>	
<p>4. Зарбдор - тепки механизми: тепки ҳалқаси, тепки ҳалқасининг тортқичи взвод дастаги билан, тепки, жанговар пружина, жанговар пружина сургичи ва пружинали шептало киради:</p>	
<p>4.1. Тепки ҳалқаси – тепки тортқичидан тортиб тепкини ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади.</p>	
<p>4.2. Тепки ҳалқасининг тортқичи взвод дастаги билан – тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва тепки ҳалқасига босилганда тепкини жанговар ҳолатга келтириш учун хизмат қилади.</p>	
<p>4.3. Тепки – турткичга зарба бериш учун хизмат қилади.</p>	
<p>4.4. Пружинали шептало – тепкини жанговар ва сақлагич ҳолат (взвод)ида ушлаб туриш учун хизмат қилади.</p>	
<p>4.5. Жанговар пружина – тепкини ва тепки тортқичини ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади.</p>	
<p>4.6. Сургич – жанговар пружинани дастак асосига мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.</p>	
<p>5. Дастак бурама мих билан – Дастак пистолет асосини ёпиш ҳамда кўлда мустаҳкам ушлаб туриш учун хизмат қилади.</p>	
<p>6. Затвор тутқичи – ўқдонда ҳамма патронлар ишлатиб бўлинганидан кейин затворни орқа ҳолатида ушлаб туриш учун хизмат қилади.</p>	
<p>7. Ўқдон – патронларни сақлаш ва патрондонга етказиб бериш учун хизмат қилади. Ўқдон тўрт қисмдан иборат:</p>	
<p>7.1. Ўқдон асоси.</p>	
<p>7.2. Ўқдон пружинаси.</p>	

7.3. Узатгич.	
7.4. Ўқдон қопқоғи.	
<p>Ҳар бир пистолетга қўшимча ашёлар:</p> <p>а) ғилоф (кобура); б) захира ўқдон; в) тозалагич (протирка); г) пистолет тасмаси. <i>Қўшимча анжомлар ходимнинг ўзида сақланади.</i></p>	


9 мм ПМ пистолетида фойдаланиладиган Б.В. Семин ва Н.М. Елизаров томонидан ишлаб чиқарилган патронларнинг жанговар хусусиятлари.

<p>ПАТРОН ТАМГАСИ</p>  <p>завод раками ишлаб чиқилган сана</p>	<p>ПАТРОН ТУРЛАРИ</p>  <p>оддий патрон узаги пулатли патрон из колдирувчи ук</p>	<p>Патрон характеристикалари</p> <table border="1"> <tr> <td>Патрон огирлиги г</td> <td>10</td> </tr> <tr> <td>Ўқ огирлиги г</td> <td>6,1</td> </tr> <tr> <td>Патрон узунлиги мм</td> <td>25</td> </tr> <tr> <td>Ўқ узунлиги мм</td> <td>12</td> </tr> <tr> <td>Гильза узунлиги мм</td> <td>17,3</td> </tr> </table>	Патрон огирлиги г	10	Ўқ огирлиги г	6,1	Патрон узунлиги мм	25	Ўқ узунлиги мм	12	Гильза узунлиги мм	17,3
Патрон огирлиги г	10											
Ўқ огирлиги г	6,1											
Патрон узунлиги мм	25											
Ўқ узунлиги мм	12											
Гильза узунлиги мм	17,3											

9 мм пистолет патрони гильза, пистон, порохли заряд, ўқ, ўқнинг устки пўлат ва мис қобиғи, ўқнинг ичидаги пўлатдан ясалган ўзак ва ўқнинг ичидаги қўрғошинли қопламадан иборат.

Гильза - порохли зарядни жойлаштириш ва патроннинг ҳамма қисмларини бирлаштириш учун хизмат қилади. У порохли зарядни ва пистонни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади ва отиш вақтида ствол каналидан патрондон орқали газларнинг орқага ҳаракатланиш йўлини ёпиб туради.

- 1-гильза;
- 2-пистон;
- 3-порох заряди;
- 4- ўқ;
- 5- ўқнинг устки пўлат ва мис қобиғи;
- 6-ўқнинг ичидаги пўлатдан ясалган ўзак;
- 7-ўқнинг ичидаги қўрғошинли қоплама.



Патроннинг таркибий қўриниши.

Гильза тубида – пистон учун уя, пистонни турткич зарбасидан кейин тешувчи сандон, пистон таркиби ёнганидан кейин, унинг алангаси порохли зарядга ўтадиган иккита тешик

мавжуд. Гильза тубининг ташқи қисмида улоқтиргич тишчаси (илгаги) кириши учун айлана арикча бор.

Ўқ – пўлат ва мис қобиғли, кўрғошинли қоплама ва пўлат ўзакдан иборат. Ўқ гильзага сиқиб киритиш орқали ўрнатилади.

Порохли заряд – тутунсиз пироксилилли порохдан иборат.

Пистон – порохли зарядни ёндириш учун хизмат қилади. Пистон латун қалпқчадан, унга зичлаб солинган зарбли таркибдан ва зарбли таркибни беркитиб турадиган қалайли қопламадан ташкил топган.

Патронлар – ўқдонга бир қатор жойланади. Ўқдонни ўқлаш унга патронни қўл билан жойлаштириш орқали бажарилади. Патронлар махсус ёғоч кутиларга 2560 тадан жойланади. Улар бу яшиқларга иккита цинк кутига солиб жойланади. Патронлар жойлаштирилган бир яшиқ оғирлиги тахминан 33 кг ташкил этади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Макаров пистолетининг тактик-техник хусусиятини ёдлаш.
2. Макаров пистолети асосий қисм ва механизмларини такроран ўрганиш.

8.2.3-мавзу: МАКАРОВ ПИСТОЛЕТИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ (тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш).

Режа:

1-савол. Макаров пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби.

2-савол. Макаров пистолетига техник хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш тартиби.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-ўқув саволи МП ни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби.

Пистолетни нотўлиқ қисмларга ажратиш.

1. Дастакдан ўқдонни чиқариш. Пистолет дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўлнинг бош бармоғи билан ўқдон илгичи орқага итарилади; бир вақтнинг ўзида чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан ўқдон қопқоғининг бўртиқ қисмидан тортилиб, ўқдон дастакдан чиқарилади. Сақлагич байроқчаси пастга босилиб пистолет сақлагичдан ечилади, чап қўл билан затвор орқа ҳолатга тортилиб, патрондонга қаралади ва унда патрон йўқлигига ишонч ҳосил қилинганча, затвор қўйиб юборилади ҳамда пистолет хавфсиз томонга қаратилган ҳолда тепки ҳалқаси босиб юборилади.

2. Туширилувчи ҳалқани тушириш. Пистолет дастагини ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан туширилувчи ҳалқанинг олдинги қисмидан пастга тортиб туширилади, уни ихтиёрий равишда чапга ёки ўнгга оғдириб, асосга тираб қўйилади.

3. Затворни асосдан ажратиш. Чап қўл билан затвор орқа чекка ҳолатга тортилади ва орқа қисмини бироз кўтарган ҳолда унинг қайтарувчи пружина таъсирида олдинга ҳаракатланишига йўл қўйиб берилади. Затвор асосдан ажратилиб, туширилувчи ҳалқа жойига туширилади.

4. *Стволдан қайтарувчи пружинани ажратиш.* Ўнг қўл билан пистолет дастагидан ушлаган ҳолда, чап қўл билан қайтарувчи пружина олдинга сурилган ҳолда стволдан ажратиб олинади.



Нотўлиқ қисмларга ажратилган пистолетни йиғиш тартиби

1. *Стволга қайтарувчи пружинани кийдириш.* Пистолет дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, пружинанинг ўрамалари тор қисми билан стволга кийдирилади.



2. *Затворни асосга ўрнатиш.* Пистолет дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан затворни ушлаб, унга қайтарувчи пружинанинг озод томони киритилади ва ствол олди қисми затвор канали ичидан ўтадиган қилиб затвор орқага сурилади. Бунда ствол затворнинг олд қисмидан чиқиб туриши керак. Затвор орқа қисми асосга шундай қўйилиши керакки, бунда затворнинг узунасига бўртиқлари асоснинг ботиқларига тушиши керак, шундан кейин у қўйиб юборилади. Затвор қайтарувчи пружинанинг таъсирида куч билан олдинги ҳолатга қайтади.



3. *Туширилувчи ҳалқани жойига қўйиш.* Пистолет дастагини ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан туширилувчи ҳалқанинг олдинги қисмидан пастга тортилади ва уни ихтиёрий равишда қўйиб юборилади. Туширилувчи ҳалқа асосга ўрнашгандан сўнг пистолет сақлагичга қўйилади.



4. *Ўқдонни пистолет дастагига ўрнатиш.* Пистолетни ўнг қўлда ушлаган ҳолда чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан ўқдон дастакнинг пастки дарчаси орқали дастакка солинади. Бош бармоқ билан ўқдон қопқоғига босилади ва бунда олгич (жанговар пружинанинг пастки чеккаси) ўқдон деворидаги бўртиқдан қисиб қолиши керак; бу ҳолда шик этган товуш чиқади.

Макаров пистолетининг жанговар ҳолатга қўйилган сақлагичи ва ўқланган ўқдони билан биргаликдаги умумий кўриниши.



2-савол. Макаров пистолетига техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш тартиби.

Пистолетнинг доимо тоза ва соз ҳолда бўлишига уни ўз вақтида ва тўғри тозалаш ҳамда мойлаш, у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва тўғри сақлаш орқали эришилади. Пистолетни тозалаш, мойлаш ва кўздан кечириш учун нотўлиқ қисмларга ажратиб йиғилади.

Пистолет қаттиқ ифлосланган бўлса, қор ва ёмғирдан сўнг ёки сақлаш мақсадида мойлаш ва таъмирлаш ишларини ўтказиш учун тўлиқ қисмларга ажратиб йиғилади.

Пистолетни кўп мартта қисмларга ажратиб йиғиш тавсия этилмайди, чунки, кўп қисмларга тўлиқ ажратишда пистолетнинг қисм ва механизмлари ишдан чиқиши мумкин.

Пистолетни қисмларга ажратиб йиғиш мобайнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш шарт:

-пистолетни стол устида, дала шароитларида эса тоза мато устида ажратиш ва йиғиш керак;

-қисм ва механизмларни ажратилиши кетма-кетлигида асталик ва эҳтиёткорлик билан куч ишлатмай ажратиш лозим;

-пистолетни йиғиш вақтида эса диққат билан кетма-кетлигида ва қўйилган рақамларига эътибор бериб йиғиш керак ва бошқа пистолетлар қисмларига аралашиб кетмаслиги лозим.

Пистолетни тозалаш тартиби.

Ҳар бир ходим ўзига бириктирилган пистолетни қуйидаги вақтларда тозалаб туриши шарт:

- хизматда фойдаланган вақтда;
- жанговар вазиятларда, манёврларда ва узоқ ўқув машқларида.
- ҳар куни, жанг тўхтаган вақтда ёки машғулотлар оралиғидаги танаффусларда;
- нарядлардан, ўқ отиш тайёргарлиги машқларидан ва дала машғулотларидан

кейин;

- отишдан кейин, ўқ отиш тугаши билан (ўқ отиш майдонида, тирда, далада).

Ўқ отиш машғулотлари ўтказилган вақтларда олдин пистолетни ствол канали тозаланади, кейин қуруқ қилиб артилади ва мойланади; отишдан қайтиб келинганидан кейин пистолетни тўлиқ тозалаш амалга оширилади; кейинги 3-4 кун мобайнида пистолетни тозалаш такрорланади;

- агарда пистолет ишлатилмаётган бўлса, ҳар етти кунда бир марта тозаланиши керак.

Мой яхшилаб тозаланган юзага намлик таъсир этиб улгурмасидан зудлик билан суртилади.

Казармада ва лагерларда пистолетларни тозалаш махсус жиҳозланган столларда, жанговар ва юриш вазиятларида эса тоза матода, фанерда, тахтада амалга оширилади.

Пистолетни тозалаш, мойлаш ва артиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланилади:

Пистолетнинг стволида ва бошқа қисмларида порох газларининг таъсир этишидан ҳосил бўлган қурумларни бартараф этиш ёки юмшатиш учун қуйидаги мато ва мойлардан фойдаланилади:

милтиқ мойи пистолетнинг ҳамма металл қисмларини мойлаш учун; бу мой пистолет қисм ва механизмларини +5 °С дан паст бўлмаганда ишлашини таъминлайди;

- ***21 рақамли қишки мой*** пистолет қисмларини қишда мойлаш учун мўлжалланган бўлиб, бу мой - 40°С совуқликгача пистолет қисм ва механизмларининг ишлашини таъминлайди;

- ***замбарак мойи*** узоқ муддатга омборда сақлашга топширилаётган пистолетларни мойлаш учун;

- ***тоза пахта матоли латта*** - пистолет қисмларини артиш, тозалаш ва мойлаш учун; шунингдек, қаноп толаси - ствол каналини тозалаш учун.

Пистолетни тозалаганда қуйидагилар бажарилади:

- 1) Тозалаш ва мойлаш учун материаллари тайёрланади;
- 2) Пистолет қисмларга ажратилади;
- 3) Ствол канали тозаланади.

Тозалагичнинг уч қисмидаги тешигидан қаноп толаси ёки латта ўтказилади. Қаноп толасининг қалинлиги шундай бўлиши керакки, у бемалол ствол каналига кирадиган бўлсин.

Каноп толасига ишқорий қоришма шимдирилади ва тозалагич ствол каналининг олдинги қисмидан киритилиб, бир неча марта уни ствол канали бўйлаб олдинга ва орқага ҳаракатлантирилади. Каноп толаси янгиланиб, тозалаш такрорланади. Кейин ствол канали тоза каноп толаси ёки латта ёрдамида тоза ва қуруқ қилиб артилади. Латта кўздан кечирилади, агарда унда қурум ёки занг излари бўлса, ствол канали тоза бўлгунча тозалаш давом эттирилади. Юқорида кўрсатилган усулда патрондон ҳам тозаланади. Тозалаб бўлинганидан кейин ствол канали ва патрондон ёруғликка тутиб, кўздан кечирилади;

4) Пистолет асосини стволи ва туширилувчи ҳалқаси билан тозалаш. Қисмлари латта билан ифлос ва намликдан тоза бўлгунча қуруқ қилиб артилади.

Занглар ишқорли қоришма шимдирилган латта ёки каноп толаси ёрдамида тозаланади. Асосдаги ботикларни, уяларни ва тешикларни тозалашда ёғоч чўплар қўлланилади;

5) Затворни, қайтарувчи пружинани, затвор тутқичи ва зарбдор тепки механизмининг қисмларини тозалаш. Агарда тозалаш отишдан кейин амалга оширилаётган бўлса, затвор косачаси ишқорий эритма шимдирилган каноп толаси ёки латта билан қурумдан тоза бўлгунча тозаланади. Агарда пистолетдан отилмаган бўлса, затвор косачаси қуруқ латта билан артилади. Қўл етмас жойларини артишда ёғоч чўпдан фойдаланилади.

Бошқа металл қисмлари ифлос ва намликдан тоза бўлгунча латта билан қуруқ қилиб артилади.

Затвор, затвор тутқичи, зарбдор тепки механизмининг қисмлари отишсиз наряд ва машғулотлардан кейин йиғилган ҳолда тозаланади. Отишдан кейин ёки пистолет ёмғирда қолса, қисмларга ажратиб тозаланади;

6) Дастак қобиғи қуруқ латта ёки каноп билан артилади;

7) Ўқдонни тозалаш. Наряддан ва машғулотдан кейин ўқдон йиғилган ҳолда, отишдан кейин ва ёмғирда қолганда ёки кучли ифлосланганда эса қисмларга ажратган ҳолда тозаланади. Наряд ва машғулотдан кейин ифлос ва намлик қуруқ латта билан артилади, отишдан кейин эса узатгичдаги қурум ишқорий эритма шимдирилган латта ёки каноп толаси билан тозаланади;

8) Филовнинг ташки ва ички қисми қуруқ латта билан артилади.

Пистолетни мойлаш тартиби.

1) Ствол каналини мойлаш. Тозалагич тешигидан латта ўтказилади ва унга мой шимдирилади. Тозалагич ствол каналининг уч қисмидан киритилиб, бутун узунлиги бўйича бир неча марта силлиқ ҳаракатлантирилади. Бунда каналнинг кесим ва юзалари юпқа мой билан қопланади. Патрондон стволнинг орқа қисмидан мойланади;

2) Пистолетнинг бошқа металл қисм ва механизмларини мойлаш. Ташқи қисмлари мой шимдирилган латта билан мойланади. Ствол, уячалар ҳамда тешикчалари мой шимдирилган ва таёкчага ўралган латта ёрдамида мойланади. Мой юпқа қилиб сурилиши лозим. Ортиқча мойлаш пистолет қисмларининг ифлосланишига ва пистолетнинг ишлашидаги тўхталишларга сабаб бўлиши мумкин;

3) Мойлаш тугалланганидан кейин пистолет йиғилади, йиғишнинг тўғрилиги ва қисм ҳамда механизмларнинг ишлаши текшириб кўрилади.

Пистолетни қишки мойлашга ўтказишда милтиқ мойидан тўлиқ тозаланади. Агарда пистолет милтиқ мойидан тўлиқ тозаланмаса, у совуқда ишламайди.

Совуқдан иссиқ хонага олиб кирилган пистолет мойланмайди, балки у терлаганидан кейин қисм ва механизмлари қуруқ қилиб артилади ва мойланади.

Узоқ муддатга сақлаш учун топширилаётган пистолет тўлиқ тозаланиши ва замбарак мойи ёки 50 % замбарак ва 50 % милтиқ мойи аралашмаси билан қалин қилиб мойланиши зарур.

Пистолетни кўздан кечириш.

Пистолетни кўздан кечириш қуйидагиларга бўлинади:

1. Пистолетни йиғилган ҳолда кўздан кечириш;
2. Пистолетни қисмларга ажратилган ҳолда кўздан кечириш;
3. Жанговар патронларни кўздан кечириш.

Пистолетни жанговар ҳолатини ва созлигини аниқлаш мақсадида ички хизмат низомида кўрсатилгандек, вақтида кўздан кечириб турилади. Пистолет йиғилган ёки қисмларга ажратилган ҳолда кўздан кечирилади.

Пистолет билан қуроллангани ҳар бир ходим машғулотдан олдин, ўқ отишдан олдин ва уни тозалашда пистолетни кўздан кечириши шарт.

Машғулот ва отишдан олдин пистолет йиғилган ҳолда, тозалаш пайтида эса қисмларга ажратилган ҳолда кўздан кечирилади.

Пистолетни ҳар куни кўздан кечиришда қуйидагиларни текшириш зарур:

- металл қисмларда занг, ифлослик, тирналган жойлар, ёриқлар йўқлиги ва мойнинг ҳолати;

- затвор, ўқдон, зарбдор-тепки механизми, сақлагич ва затвор тутқичининг соз ишлаши;

- мўлжал билан мушкани созлигини;

- дастакка ўқдоннинг ушлаб турилишини;

- ствол каналининг тозаллигини.

Кўздан кечириш вақтида носозликлар аниқланса уларни тезда бартараф этиш лозим.

Пистолетни сақлаш тартиби.

Пистолет ҳар доим соз ҳолатда бўлиши керак. Пистолет ғилофни ва ускуналарни сақлаш пистолет бириктирилган ходимга юкланади.

Казармада ёки лагерда жойлашганда, пистолет ғилофдан чиқарилган ҳолда, ички хизмат низомида кўрсатилганидек, уяли шкафларда ёки қутиларда сақланади. Сақлашда пистолет ўқланмаган бўлиши керак.

Қисқа муддат аҳоли пунктларида, хонадонларда яшаганда пистолет ходимнинг ўзида сақланади. Дала машғулотларида, юришда ёки машинада кетаётганда, пистолет қайишга тақилган ғилофда олиб юрилади. Пистолет стволининг шишиши ёки ёрилишининг олдини олиш учун, унинг стволига бирон нарса тиқиш тақиқланади.

Отишдан бошқа ҳамма вақт пистолетнинг сақлагичи «сақлаш» ҳолатида бўлиши керак. Агарда пистолетни нам ғилофга солишга тўғри келса, биринчи имкон бўлганидаёқ пистолетни чиқариб артиб тозалаш ва мойлаш зарур.

Иссиқ ҳудудларда ҳавода чанг бўлганда, шунингдек, ҳаво намлиги кучли ҳудудларда пистолет махсус кўрсатмага биноан сақланади.

Пистолетга турғун кимёвий заҳарлаш воситалари таъсир этганда, уни дегазация қилиш ички ишлар органлари кимёвий хизматнинг махсус кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. 9 ммли Макаров пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартибига оид билимларни мустақил такрорлаш;

2. Кейинги машғулотга 9 ммли Макаров пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби бўйича норматив бажаришга тайёргарлик кўриш.

8.2.4-МАВЗУ: КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ, ЖАНГОВАР ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

1-савол. 7,62 ммли Калашников автомати (АКМ)нинг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари.

2-савол. 7,62мм ли Калашников автомати асосий қисм ва механизмларининг белгиланиши ва тузилиши.

АСОСИЙ ҚИСМ.

1-савол. 7,62 ммли Калашников автомати (АКМ)нинг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари.



Ўқотар қуроллар бўйича машҳур конструктор, техника фанлари доктори,
Генерал-лейтенант Михаил Тимофеевич Калашников
(10.11.1919 -23.12.2013)

7,62 мм Калашников автомати (АК) рус конструктори Михаил Тимофеевич Калашников томонидан 1947-йил яратилган. Кейинчалик такомиллаштирилган намунаси (АКМ ва АКМС) 1959 йилда яратилган ва қуролланишга қабул қилинган.



Такомиллаштирилган АКМ ва АКМС автоматларининг умумий кўриниши


7,62 мм Калашников автомати индивидуал қурол ҳисобланиб, душманнинг жонли кучи ва ўт очиш воситаларини яқсон қилиш учун мўлжалланган. Душманни қўл жангида маҳв этиш учун автоматга найза-пичоқ ўрнатилади.

**7,62 мм такомиллаштирилган АКМ ва АКМС автоматларининг
жанговар хусусиятлари**

Т/р	Тактик-техник тавсифи	Асосий кўрсаткичлари
1.	Калибр	7,62 мм
2.	Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	715 м/с
3.	Отиш тури	автоматик ва якка тартибда
4.	Отиш тезлиги	600 отиш дақиқасига
5.	Жанговар отиш тезлиги, якка тартибда	40 ўқ дақиқасига
6.	Жанговар отиш тезлиги, қаторасига отишда	100 ўқ дақиқасига
7.	Ўқнинг учиш масофаси	3000 м
8.	Мўлжалга олиб отиш масофаси	1000 м
9.	Кўкрак фигурали нишонга тўғри отиш узоқлиги	350 м
10.	Югурувчи нишонга отиш узоқлиги	525 м
11.	Жароҳатлаш кучининг сақланиш масофаси	1500 м
12.	Найза-пичоқсиз автоматнинг оғирлиги: -енгил қўймали ўқланмаган ўқдон билан биргаликда	3,1/3,3 кг
13.	Найза-пичоқ билан автоматнинг оғирлиги: -енгил қўймали ўқланган ўқдон билан биргаликда	3,6/3,8 кг
14.	Найза пичоқ оғирлиги -қини билан биргаликда -қинсиз	0,45 кг 0,26 кг
15.	Автоматнинг узунлиги: - ўрнатилган найза-пичоқ билан - найза-пичоқсиз - йиғилган қўндок билан	1020 мм 880 мм 640 мм
16.	Стволнинг узунлиги	415 мм
17.	Стволдаги кесиклар қисмининг узунлиги	369 мм
18.	Мўлжалга олиш линиясининг узунлиги	378 мм
19.	Мушканинг қалинлиги	2 мм
20.	Кесиклар сони	4 та
21.	Ўқдоннинг сиғими	30 та патрон
22.	Енгил қўймали ўқдон оғирлиги	0,17 кг
23.	Темир ўқдон оғирлиги	0,33 кг
24.	Патрон	7,62 x 39 мм
25.	Патрон оғирлиги	16,2 гр
26.	Ўқнинг оғирлиги	7,9 гр
27.	Порохли заряднинг оғирлиги	1,6 гр
28.	Патроннинг узунлиги	56 мм
29.	Гильзанинг узунлиги	39 мм
30.	Темир кути(цинк)даги патронлар сони	660 дона

*Автоматдан отиш учун 1943- йил намунасидаги
7,62 мм жанговар патронлар қўлланилади.*

**Жанговар
патроннинг
қўриниши**



**Жанговар патрон ўқ, порох заряди, гильза ва пистондан
иборат:**

1. **Ўқ** очик жойда жойлашган ва тўсиқ ортидаги душманнинг жонли кучини яқсон қилиш учун мўлжалланган.
2. **Гильза** патрон қисмларини бирлаштириш ҳамда порох зарядини ташқи воситалар таъсиридан ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Гильзанинг пастки қисмида айлана шаклида ариқча мавжуд, ариқча гильзани улоқтириш учун хизмат қилади.

3. **Порохли заряд** кучли газ босимини ҳосил қилиш ва ўқни ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади.

4. **Пистон** порохли зарядни алангалатиш учун хизмат қилади.

1943-йил намунасидаги патронлар оддий, из қолдирувчи ва махсус зирхтешар ёндирувчи патронлардан иборат бўлиб, ушбу патронларнинг бош қисми фарқловчи ранглар билан белгиланган.

Оддий ўқ душманнинг очик жойлашган ёки ўқ теша оладиган ҳимоя воситаси орқасидаги жонли кучини маҳв этишда қўлланилади.

Оддий ўқнинг ташқи қисми жезли қопама, ўртаси пўлат ўзакдан, улар оралиғи эса мис қобиқдан иборат.

Из қолдирувчи ўқ душманнинг жонли кучини маҳв этиш учун қўлланилади, у отилганда 800 м гача масофада ортидан ёритувчи из қолдиради. Бу из ёрдамида ўт очишга тузатиш киритиш ва душманни жойлашган жойини кўрсатиш мумкин.

Из қолдирувчи ўқнинг бош қисмида пўлат ўзак, таг қисмида эса из қолдирувчи таркиб зичлаб жойланган. Ўқ отиш вақтида порохли заряднинг алангаси из қолдирувчи таркибни ёндиради ва у ўқнинг учиши давомида кечаси ва кундузи яхши кўринадиган ярақлаган ёритувчи из қолдиради. Ўқнинг бош қисми яшил рангга бўялган.

Зирх тешар-ёндирувчи ўқ ёнувчи суюқликларни ёндириш ва 300 метргача масофадаги енгил зирх орқасидаги душманнинг жонли кучини маҳв этиш учун қўлланилади (113-расм). Зирх тешар-ёндирувчи ўқ куйидаги таркибдан иборат: жезли қобиқ, пўлат ўзак, мис қобиқ, мис ва ёндирувчи таркибдан иборат. Ўқ зирхга урилган пайтида ёнувчи таркиб аланга олади ва пўлат ўзак зирхни тешган тешиқдан ёнилғини ёндиради. Ўқнинг бош қисми қизил ҳошияли қора рангга бўялган.

1943-йил намунасидаги қуйидаги патронлар мавжуд:



Оддий ўқ (ранг берилмайди)



Оғир ўқ (сарик рангли)



Темир ўзакли ўқ (пушти рангли)



Ёндирувчи ўқ (қизил рангли)



Из қолдирувчи ўқ (яшил рангли)



Зирҳ тешар-ёндирувчи ўқ (қора рангга бўялган ҳамда қизил хошия тушурилган)

2-ўқув саволи: 7,62мм ли Автомат Калашниковнинг асосий қисм ва механизмларининг белгиланиши ва тузилиши:



Автоматнинг асосий қисм ва механизмлари:

1 – Ствол, ствол қутиси, мўлжал олиш мосламаси, пистолет дастаги ва кўндоқ билан биргаликда; **2** – Ствол қутисининг қопқоғи; **3** – Найза-пичоқ; **4** – Қайтарувчи механизм; **5** – Газ поршенли затвор асоси; **6** – Газ трубкаси ствол қопламаси билан; **7** – Затвор; **8** – Шомпол; **9** – Ствол ости қопламаси; **10** – Ўқдон; **11** – Пенал анжомлари.

Автомат тўпламига қуйидагилар киради: асбоб-ускуналар, тасма ва ўқдон учун сумка, булардан ташқари, АКМС тўпламига чўнтакли автомат ўқдони учун ғилоф ҳам киради.

Автоматнинг тузилиши ва ишлаши тўғрисида тушунчалар:

1. Ствол, ствол қутиси, мўлжал олиш мосламаси, пистолет дастаги ва кўндоқ билан биргаликда:

1.1 Ствол – ўқ учишини йўналтириш учун хизмат қилади;

1.2 Ствол қутиси – автомат қисм ва механизмларини бириктириш, затвор рамасини затвор билан биргаликдаги ҳаракатини йўналтириш, ствол каналини затвор билан ёпиш ва затворни ёпиш учун хизмат қилади;

1.3 Мўлжалга олиш мосламаси – автоматни (пулемётни) ўт очиш чоғи турли масофалардаги нишонларга тўғрилаш учун хизмат қилади;

1.4 Пистолет дастаги ва қўндоқ – ўт очиш мобайнида автомат (пулемёт) билан ҳаракатларни қулай бажариш учун мўлжалланган;

1.5 Зарбдор-тепки механизми – тепкини жанговар ҳолатдан халос этиш, зарбдорга зарба бериш, автоматик ва якка тарзда ўт очилишини таъминлаш, ўт очишни олдини олиш ва автоматни (пулемётни) сақлагичга қўйиш учун хизмат қилади.

2. Ствол қутиси қопқоғи – ствол қутисига жойлаштирилган қисм ва механизмларни ифлосланишдан асраш учун хизмат қилади.

3. Найза-пичоқ – душманга қўл жангида жароҳат етказиш учун хизмат қилади.

4. Қайтарувчи механизм – ўқ отилгандан сўнг затвор рамасини затвор билан биргаликда дастлабки ҳолатга қайтариш учун хизмат қилади.

5. Газ поршенли затвор асоси – зарбдор-тепки механизмининг ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади.

6. Газ трубкаси – газ поршени ҳаракатини йўналтириш учун хизмат қилади.

6.1 Ствол усти қопламаси – мерганни ўт очиш чоғида ствол қизиганда қўлларини куйишдан асраш учун хизмат қилади.

7. Газ камераси – стволдаги порох газларини затвор рамасининг газ поршенига йўллаш учун хизмат қилади.

8. Затвор қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Патронни патрондонга юборади;
- Ствол каналини ёпади;
- Капсюлни эзади;
- Патрондондан гильзани суғуриб олиш учун хизмат қилади.

9. Ствол ости қопламаси (дастаси) – курол билан ҳаракат қилиш вақтида қулайликни таъминлаш ҳамда мерганни ўт очиш мобайнида қизиқ кетган стволдан қўлларини куйишдан асраш учун хизмат қилади.

10. Ўқдон – патронларни жойлаш ва уларни ствол қутисига юбориш учун хизмат қилади.

11. Пенал – асбоб-ускуналарни сақлаш учун хизмат қилади.

Олов сўндиргич – отиш пайтида автоматнинг оловини камайтириш учун хизмат қилади;

Қин – найза-пичоқни бел камарида олиб юриш учун мўлжалланган.

Барқарорлаштирувчи (ДТК) - ўқ отишда нишонни самарали забт этиш ва отилган ўқларни нишонда бир жойга жамлаши ҳамда куролнинг силтаниш энергиясини камайтириш учун хизмат қилади.



Калашников автомати стволига ўрнатилиши мумкин бўлган ДТК лар



AK-47



AKM



AK-74



AK-47 да
муфта



AKM да
компенсатор



AK-74 да *ДТК*



AKS-74У да
*Олов
сўндиргич*

Автоматнинг каторасига ҳаракати порох газлари энергиясини қўллашга асосланган.

Ўқ отишда ўқнинг орқасидан йўналган порох газларининг бир қисми ствол тешиклари орқали газ камерасига ҳаракатланади ва газ поршенининг олдинги деворига босади ва уни затворли затвор асоси билан биргаликда орқага суради. Затвор орқага сурилганда гильзани илиб олиб, ствол каналини очади ва гильзани ташқарига улоқтиради, затвор асоси эса қайтарувчи пружинани сиқади ва тепкини жанговар ҳолат (уни автотепки ҳолати)га қўяди. Қайтарувчи пружина (механизм) таъсирида затвор асоси олдинга ҳаракатланади ва ўз йўлидаги навбатдаги патронни патрондонга олиб бориб жойлайди ҳамда ствол каналини ёпади. Затвор асоси эса шепталонинг автотепки бўртиқини автотепки ҳолатидан чиқаради. Затворни беркилиши, унинг ўнгга бурилиши ва жанговар бўртиқларининг ствол қутисининг жанговар таянчларига кириши орқали амалга ошади. Агар ҳолат ўзгартиргич (предохранитель) каторасига ўт очишга қўйилган бўлса, тепки ҳалқаси босилган ҳолда ўқдондаги ўқ тугамагунча ўқ отиш давом этади. Агарда ҳолат ўзгартиргич (предохранитель) якка тартибда ўт очишга қўйилган бўлса, тепки ҳалқаси босилганда, фақат бир марта отилиш юзага келади; навбатдаги отишни амалга ошириш учун тепки ҳалқасини қўйиб юбориш ва қайтадан босиш керак.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. 7,62 ммли такомиллатирилган Калашников автоматининг тактик-техник хусусиятларини ёдлаш.
2. 7,62 ммли такомиллаштирилган Калашников автоматининг асосий қисм ва механизмларини ёдлаш.

**8.2.5-МАВЗУ: КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМ ВА
МЕХАНИЗМЛАРИ (тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш)
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ (2-соат)**

Режа:

1-савол. Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби.

2-савол. АКМга хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш талаблари.

АСОСИЙ ҚИСМ.

1–ўқув саволи. Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби.

Бу саволни ўрганишда тингловчиларни асосий эътиборини қуролни қисмларга ажратишда, патрондонда патрон бор-йўқлигини текширишдан бошлаш зарурлигига қаратиш лозим. Бу қурол билан фойдаланишда асосий хавфсизлик чоралари бўлиб хисобланади.

Автоматни қисмларга ажратиш нотўлиқ ёки тўлиқ бўлиши мумкин. *Нотўлиқ қисмларга ажратиш* - автоматни тозалаш, мойлаш ва кўздан кечириш учун; *тўлиқ қисмларга ажратиш* - кучли ифлосланганда, қор-ёмғир остида қолганда ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилганда амалга оширилади. Автоматни керагидан ортиқча қисмларга ажратиш зарарли бўлиб, қисмлари ва механизмларининг ейилишига сабаб бўлади.

Автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш столда ёки тоза мато устида амалга оширилади; қисмлари ва механизмлари ажратилиш тартибида қўйилади. Автоматни йиғишда унинг қисмларидаги рақамларига эътибор берилади; ҳар бир автоматнинг стволидаги рақамига унинг бошқа қисмларидаги рақамлари мос келиши керак.

Автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш.

1. Ўқдонни ажратиш. Чап қўл билан кўндокнинг бўйнидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан ўқдон ушланади; бош бармоқ билан ўқдон қисқичини босган ҳолда ўқдоннинг пастки қисми олдинга сурилади ва ўқдон чиқариб олинади. Шундан кейин патрондонда патрон йўқлиги текширилади, бунинг учун ҳолат ўзгартиргич пастга босилиб, затвор асосининг дастаги орқага тортилади, патрондонга қаралади ва затвор асосининг дастаги қўйиб юборилади ва тепки ҳалқаси думига босилади.



2.Тозалагични ва пенал анжомларини чиқариш. Тозалагичнинг чеккаси нишон асосидаги таянчдан тортиб чиқарилади ва тозалагич суғуриб олинади. Кўндокдаги уя копқоғи бармоқ билан босилади. Бунда пенал пружинанинг таъсирида уячадан ташқарига чиқади. Йиғиладиган кўндокли автоматларда пенал ўқдон чўнтагида олиб юрилади. Пенал ичида тозалагич; ёршик, отвёртка, виколотка ва шпилька сақланади.



<p>3. Ствол қутиси қопқозини ажратиши. Чап қўл билан қўндоқ бўйнидан ушлаган ҳолда, шу қўлнинг бош бармоғи билан қайтарувчи механизмнинг йўналтирувчи стержени бўртиғига босилади, ўнг қўл билан қопқоқ тепага кўтарилади ва ажратиб олинади.</p>	
<p>4. Қайтарувчи механизмни ажратиши. Автомат қўндоғи бўйнидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан қайтарувчи механизмнинг йўналтирувчи стержени товончаси сурилади; йўналтирувчи стерженнинг орқа қисми бироз кўтарилади ва қайтарувчи механизм затвор асоси каналидан суғуриб олинади.</p>	
<p>5. Затвор асосини ажратиши. Автоматни ўнг қўлда ушлашни давом этган ҳолда, затвор асоси охиригача орқага тортилади ва бироз орқа қисми юқорига кўтарилиб ствол қутисидан ажратиб олинади.</p>	
<p>6. Затворни затвор асосидан ажратиши. Чап қўлда затвор асосини юқорига кўтариб ушланади; затворни йўналтирувчи бўртиғи затвор асосининг фигурали қирқимидан чиқадиган ҳолатда буралиб, затвор орқага сурилади, кейин олдинга сурилиб асосдан чиқариб олинади.</p>	
<p>7. Газ трубкасини ствол қобиғи билан ажратиши. Автоматни чап қўлда ушлаган ҳолда, Газ трубкаси байроқчаси вертикал ҳолатда тепага кўтарилади ва Газ трубкаси газ камераси оғзидан чиқариб олинади.</p>	

Нотўлиқ қисмларга ажратилган автоматни йиғиши.

1. Газ трубкасини ствол қобиғи билан автоматга ўрнатиши. Автоматни чап қўлда ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан Газ трубкасининг олдинги қисми газ камераси оғзига кийдирилади ва орқа қисми стволга босилади; Газ трубкаси беркитгичи қайд қилувчига киргунича пастга босилади.

2. Затворни затвор асосига ўрнатиши. Затвор асоси чап қўлга, затвор эса ўнг қўлга олинади ва затворнинг цилиндрли қисми асос каналига киритилади; кейин затворнинг йўналтирувчи бўртиғи затвор асосининг фигурали қирқимига кирадиган қилиб буралади ва олдинга сурилади.

3. Затвор асосини ствол қутисига ўрнатиши. Затвор асоси ўнг қўлга шундай олинадики, бунда затвор бош бармоқ билан олдинги ҳолатда ушлансин. Чап қўл билан қўндоқ бўйнидан ушлаб ўнг қўл билан затвор асоси ствол қутисидagi бўшлиққа киритилади ва затвор асосидagi ботиқларга ствол қутисининг бўртиқлари киритилиб олдинга сурилади.

4. Қайтарувчи механизмни ўрнатиш. Ўнг қўл билан қайтарувчи механизм затвор асоси каналига киритилади; қайтарувчи пружинани сиққан ҳолда йўналтирувчи стержень олдинга сурилади ва бироз пастга туширилиб, унинг товончаси ствол қутисидagi узунасига ботикқа киритилади.


5. Ствол қутиси қопқоғни ўрнатиш. Қопқоқ олдинги қисми билан мўлжал асосидаги ярим айлана қирқимига киритилади, йўналтирувчи стерженнинг бўртиғи қопқоқ тешигига қирадиган қилиб, қопқоқнинг орқа қисми пастга босилади.

6. Тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва сақлагичга қўйиш. Тепки халқаси босилади ва ҳолат ўзгартиргич охиригача юқорига кўтарилади.

7. Тозалагични ўрнатиш. Тозалагич орқаси билан тутқичдаги тешикка тикилади ва чеккаси нишон асосидаги таянчга ўрнатилади.

8. Қўндоқ уясига пенални жойлаш. Пеналга усқуналар солинади ва ёпилади, кейин пенал қўндоқдаги уяга жойлаштирилади. АКМС автоматида пенал ўқдонлар сумкаси чўнтагига жойланади.

9. Ўқдонни автоматга ўрнатиш. Автоматни қўндоғи ёки тутқичидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан ствол қутисидagi дарчага ўқдон илгаги киритилади ва ўқдоннинг таянч бўртиғи қискичга сакраб қирадиган қилиб, ўқдон орқага буралади.



2-ўқув саволи АКМга хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш талаблари.

Автомат тўла соз ҳолатда сақланиши ва қўлланишга шай туриши зарур. Бунга уни ўз вақтида тозалаш, мойлаш ва тўғри сақлаш орқали эришилади.

Бўлинмада сақланадиган автоматни тозалаш:

- ўқ отишга тайёргарлик кўришда;
- жанговар ва ўқув патронлари билан отишдан кейин;
- отиш майдонида ўқ отиш тугаган захотиёқ, ствол қутиси, ствол канали, газ камераси, газ поршени, ўқлагич асоси ва ўқлагич тозаланади ҳамда мойланади;
- автоматни тўлиқ тозалаш, ўқ отишдан қайтиб келгандан кейин 3-4 кун мобайнида ҳар куни амалга оширилади;
- агар автомат қўлланилмаган бўлса, ҳафтасига камида бир марта амалга оширилади.

Тозалашдан кейин автомат мойланади. Мой яхшилаб тозаланган ва қуруқ металл юзага намлик таъсир этиб улгурмасдан суртилиши лозим.

Автоматни қисмларга ажратиш, тозалаш ва мойлаш бўлинма командирининг назоратида амалга оширилади. У автоматни қисмларга ажратиш, тозалаш ва мойлаш

даражасини аниқлаши лозим. Зобитлар вақти – вақти билан автоматни тозалашни назорат қилишлари зарур.

Казармада ёки лагерда автоматни тозалаш махсус мослаштирилган столларда бажарилади, жанговар вазиятда ва дала машқларида эса тоза тагликда, фанерда, тахта устида тозаланади. Дала шароитида автоматни тозалаш ва мойлаш фақат суяқ милтиқ мойида амалга оширилади.

Автоматни тозалаш ва мойлашда қуйдагилар қўлланилади:

- суяқ милтиқ мойи – ҳаво температураси + 50 С дан – 50 С гача бўлганда, автоматнинг қисмлари ва механизмларини тозалаш ва мойлашда;

- милтиқ мойи ҳаво температураси + 5 С дан юқори бўлганда, тозаланган автоматнинг стволи, қисмлари ва механизмларини мойлаш учун;

- (КТК) қоришмаси - порох газлари таъсирида бўлган ствол каналларини, қисмлар ва механизмларини тозалаш учун ишлатилади.

Автоматнинг асбоб-ускуналари.

Асбоб-ускуналар автоматни қисмларга ажратиш, йиғиш, тозалаш ва мойлаш учун хизмат қилади. Асбоб-ускуналар тозалагич, ёршик, отвёртка, суриб чиқаргич, шпилька, пенал ва мой идишидан иборат.



Тозалагич автоматнинг ствол каналини ва бошқа қисмларини тозалаш ва мойлаш учун хизмат қилади. Тозалагичнинг бош қисмида суриб чиқаргич учун тешик, учида тозалагич ёки ёршикни бураб ўрнатиш учун резбали қисм ва латта ёки канопа толасини ўтказиш учун тешик мавжуд.

Тозалагич автомат ствол каналини ва бошқа қисмларини тозалаш ва мойлашда қўлланилади.

Ёршик ствол каналини (СТК) қоришмасида тозалашда қўлланилади.

Отвёртка, суриб чиқаргич ва шпилька автоматни қисмларга ажратиш ва йиғишда қўлланилади. Отвёртка чеккасидаги қирқим нишонни бураш, ўрта ёнидаги қирқим эса тозалагични шомполга қотириш учун қўлланилади.

Шпилька зарбдор тепки механизминини йиғишда қўлланилади.

Пенал асбоб-ускуналарни сақлаш учун хизмат қилади.

Мой идиши мойни сақлашга хизмат қилади ва у ўқдон сумкаси-нинг чўнтагида олиб юрилади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. 7,62 ммли такомиллаштирилган Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартибига оид билимларни мустақил такрорлаш

2. Кейинги машғулотга 7,62 ммли такомиллаштирилган Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби бўйича норматив бажаришга тайёргарлик кўриш.

8.2.6-МАВЗУ: МАКАРОВ ПИСТОЛЕТНИ АСОСИЙ ҚИСМЛАРГА АЖРАТИШ ВА ҚАЙТА ЙИҒИШ (меъёрлар бўйича).

Режа:

1-савол. Макаров пистолети патронларини ўқдонга жойлаштириш бўйича норматив талабларига кўра бажариш.

2-савол. Макаров пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғишни норматив талабларига кўра бажариш.

АСОСИЙ ҚИСМ.

1 – ўқув саволи: Макаров пистолети патронларини ўқдонга жойлаштириш бўйича норматив талабларига кўра бажариш.

Макаров пистолетидан норматив бажариш учун белгиланган меъёрлар:

Меъёрлар	Шартлар	Натижалар (сония)		
		аъло	яхши	қониқ
1	2	3	4	5
МАКАРОВ ПИСТОЛЕТНИ				
Тўлиқсиз қисмларга ажратиш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолетга ўқдон жойлаш-тирилган ва стол устига қўйилган.	7	8	9
Тўлиқсиз қисмларга ажратилган пистолетни йиғиш.	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолет қисмлари стол устида жойлашган.	9	10	11
Патронларни ўқдонга жойлаштириш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, 8 та патрон сочилган ҳолатда бўлади.	17	20	23

2–ўқув саволи: Макаров пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғишни норматив талабларига кўра бажариш.

Пистолетни нотўлиқ қисмларга ажратиши.

<p><i>1. Дастакдан ўқдонни чиқариши.</i> Пистолет дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўлнинг бош бармоғи билан ўқдон илгичи орқага итарилади; бир вақтнинг ўзида чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан ўқдон қопқоғининг бўртиқ қисмидан тортилиб, ўқдон дастакдан чиқарилади. Сақлагич байроқчаси пастга босилиб пистолет сақлагичдан ечилади, чап қўл билан затвор орқа ҳолатга тортилиб, патрондонга қаралади ва унда патрон йўқлигига ишонч ҳосил қилинган, затвор қўйиб юборилади ҳамда пистолет хавфсиз томонга қаратилган ҳолда тепки ҳалқаси босиб юборилади</p>
<p><i>2. Туширилувчи ҳалқани тушириши.</i> Пистолет дастагини ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан туширилувчи ҳалқанинг олдинги қисмидан пастга тортиб туширилади, уни ихтиёрий равишда чапга ёки ўнгга оғдириб, асосга тираб қўйилади.</p>
<p><i>3. Затворни асосдан ажратиши.</i> Чап қўл билан затвор орқа чекка ҳолатга тортилади ва орқа қисмини биров кўтарган ҳолда унинг қайтарувчи пружина таъсирида олдинга ҳаракатланишига йўл қўйиб берилади. Затвор асосдан ажратилиб, туширилувчи ҳалқа жойига туширилади.</p>

4. *Стволдан қайтарувчи пружинани ажратиш.* Ўнг қўл билан пистолет дастагидан ушлаган ҳолда, чап қўл билан қайтарувчи пружина олдинга сурилган ҳолда стволдан ажратиб олинади.



Нотўлиқ қисмларга ажратилган пистолетни йиғиш тартиби

1. *Стволга қайтарувчи пружинани кийдириш.* Пистолет дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, пружинанинг ўрамалари тор қисми билан стволга кийдирилади.



2. *Затворни асосга ўрнатиш.* Пистолет дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан затворни ушлаб, унга қайтарувчи пружинанинг овоз томони киритилади ва ствол олди қисми затвор канали ичидан ўтадиган қилиб затвор орқага сурилади. Бунда ствол затворнинг олд қисмидан чиқиб туриши керак. Затвор орқа қисми асосга шундай қўйилиши керакки, бунда затворнинг узунасига бўртиқлари асоснинг ботиқларига туриши керак, шундан кейин у қўйиб юборилади. Затвор қайтарувчи пружинанинг таъсирида куч билан олдинги ҳолатга қайтади.



3. *Туширилувчи ҳалқани жойига қўйиш.* Пистолет дастагини ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, чап қўл билан туширилувчи ҳалқанинг олдинги қисмидан пастга тортилади ва уни ихтиёрий равишда қўйиб юборилади. Туширилувчи ҳалқа асосга ўрнашгандан сўнг пистолет сақлагичга қўйилади.



4. *Ўқдонни пистолет дастагига ўрнатиш.* Пистолетни ўнг қўлда ушлаган ҳолда чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан ўқдон дастакнинг пастки дарчаси орқали дастакка солинади. Бош бармоқ билан ўқдон қопқоғига босилади ва бунда олгич (жанговар пружинанинг пастки чеккаси) ўқдон деворидаги бўртиқдан қисиб қолиши керак; бу ҳолда шик этган товуш чиқади.

Макаров пистолетининг жанговар ҳолатга қўйилган сақлагичи ва ўқланган ўқдони билан биргаликдаги умумий кўриниши.



Мустақил таълим учун топшириқ:

Макаров пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартибини мустаҳкамлаш.

8.2.7-МАВЗУ: МАКАРОВ ПИСТОЛЕТИДАН АМАЛИЙ ЎҚ ОТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК.

Режа:

1-савол. Макаров пистолетида нишонни мўлжалга олиш қоидалари.

2-савол. Макаров пистолетидан 1-машқни бажариш тартибини ўрганиш.


АСОСИЙ ҚИСМ:

1 – ўқув саволи: Макаров пистолетида нишонни мўлжалга олиш қоидалари.

Ўқ отиш тайёргарлиги машғулотларида керакли ва самарали натижаларга эришиш учун пистолетдан ўқ отиш вақтида нишонни тўғри мўлжалга олиш ва уни ишончли забт этиш жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Белгиланган нишонни аниқ забт этиш учун қуйидагиларга амал қилиш зарур:

- пистолет кўзлагичи ва мушканинг юқори қисми параллел ҳолатда бир хил баландликда бўлиши ва оралиқлари бир хил масофада туриши керак;
- тепки ҳалқасини бармоқнинг биринчи бўғини билан майинликда босиш;
- мўлжаллаш ва тепки ҳалқасига босиш жараёнида чуқур нафас олиб, нафасни ушлаб тепки ҳалқасини босиш;
- пистолет ўнг қўлда бўлса нишон ўнг кўз билан мўлжалга олинади, агар чап қўлда бўлса нишон чап кўз билан мўлжалга олинади.



а

б


в

г

д

Нишонни мўлжалга олиш турлари:

а) нишонни мўлжага олиш тўғри бажарилган; б) мушқа ўнг томонга оғиб кетган; в) мушқа чап томонга оғиб кетган; г) мушқа кўзлагичдан юқорида жойлашган; д) мушқа кўзлагичга нисбатан пастда жойлашган.



Нишонни тўғри мўлжалга олиш:

- 1) ўқ тегиш нуқталари; 2) қурол мушқаси; 3) қурол мўлжалли;
4) айланалар чизилган кўкрак шакли (4-нишон).




а

б

Тепки ҳалқасига босиш:

а) тепки ҳалқасига бармоқнинг иккинчи бўғими билан босилганда қуролни дастлабки мўлжалдан ўнг томонга оғиши; б) тепки ҳалқасига бармоқнинг учи билан босилганда қуролни дастлабки мўлжалдан чап томонга оғиши.



Тепки ҳалқасига тўғри босиш:

а) тепки ҳалқасига бармоқнинг биринчи бўғими билан босиш жараёни; б) нишонни тўғри мўлжалга олиш, тепки ҳалқасини бармоқнинг биринчи бўғини билан босиш ва нишонни аниқ забт этиш ҳолати.

Қуролни қўлда ушлаш ҳолатлари:

- а) чап қўлнинг бош бармоғи затвор йўналишига чиқиб кетган, бундай ҳолатда бош бармоққа жиддий шикаст етиши мумкин;
- б) чап қўл билан дастакни пастидан ушлаган ҳолда ўнг қўлни маҳкамлаб туриш;
- в) қуролни силтанишини камайтириш мақсадида чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи тушириладиган ҳалқа остидан ушлаб туриш.



НОТЎҒРИ



ТЎҒРИ



ТЎҒРИ

Қуролни қўлда ушлаш ҳолатлари.

Ўқ отиш машғулоти ўтказилганда хавфсизлик қоидалари:

Ўт очишда хавфсизлик аниқ ўқ отишни ташкиллаштириш, белгиланган хавфсизлик қоидалари талабларини аниқ бажарилишидан, шахсий таркибнинг интизомлилигидан таъминланади.

Хавфсизлик чораларини ўзлаштирмаган тингловчилар амалий ўқ отиш машғулотида қўйилмайди.

Шахсий таркибнинг белгиланган хавфсизлик қоидаларини аниқ бажарилиши умумий жавобгарлиги ИИБ бошлиқларининг зиммасига юклатилади.

Ўт очишга рухсатни фақат ўқ отиш раҳбари беради, яъни «ЎТ ОЧ» командасиндан кейин.

Ўт отиш ҳар бир тингловчи томонидан зудлик билан мустақил ёки раҳбар томонидан берилган команда бўйича тўхтатилади, агарда:

- нишонлар майдонида одамлар, машиналар ва ҳайвонлар пайдо бўлса;
- оқ байроқ (фонус) бошқарма пунктида кўтарилса;
- отиш майдонида ёнғин пайдо бўлса.

Отишни тўхтатиш учун «ТЎХТА» командаси берилади ва оқ байроқ (ёки тунда фонус ёқилади) қизил байроқ ўрнига қўйилади. «ТЎХТА» командасидан то «ЎТ ОЧ» командасига қадар қуролга яқинлашиш ва ўқ отиш маррасига бориш тақиқланади.

Ўқ отиш машғулоти давомида қатъиян тақиқланади:

- Ўқ отиш бўйича машғулот раҳбарининг рухсатисиз қуролни ғилофдан чиқариш;
- Қурол ўқланган ёки ўқланмаган бўлишидан қатъий назар одамларга ёки одамлар пайдо бўлиши мумкин бўлган томонларга қаратиш;
- Ўқ отиш бўйича раҳбарнинг рухсатисиз қуролни ҳақиқий ёки ўқув патронлари билан жанговар ҳолатга келтириш;
- Ўқ отиш раҳбарининг рухсатисиз ўқ отиш машқларини бажариш, бузуқ ҳолдаги қуролдан ўқ отиш машқларини бажариш, хавфли йўналишлар бўйича ўт очиш, бошқарув пунктида оқ байроқ кўтарилганда ёки оқ чирок ёнганда ўқ отиш;
- Ўқ отиш чизиғида ёки бошқа жойларда қуролни ўқланган ҳолатда қолдириш, бошқа шахсларга бериш.

2 – ўқув саволи. Макаров пистолетидан 1-машқ бўйича амалий ўқ отишни ўрганиш.

1 - чи ўқув ўқ отиш машғулоти машқларини бажариш учун ўқитувчи тингловчиларга биринчи навбатда тушунтиради, шахсан амалий кўрсатиб ўтади. Амалий тушунтириб кўрсатгандан сўнг шахсий таркиби билан амалий бажаришга ўтади.

Навбатдаги смена машғулоти раҳбарининг буйруғи билан ўт очиш чизиғига сафланади ва ўқ отишга тайёрлиги тўғрисида ахбарот беради.

Навбатдаги смена машғулоти раҳбарининг буйруғи ўт очиш маррасига сарфланиб, тайёргарлиги ҳақида баён қилади. Ўрганувчиларнинг тайёргарлигини текшириб, у «ЎТ ОЧ» командасини бериб, секундомерини ёқади. Бу команда бўйича ўрганувчилар ғилофни олиб, тўппончани чиқариб, патронни патронникка юборадилар.

Шундан сўнг ўт очиш учун ҳолатига туриб, раҳбарнинг бошқарувида ўрганувчилар нишонга 3 та ўқ отадилар. Белгиланган вақт тугагач, ўқ отиш раҳбари секундомерини ўчириб, «ТЎХТА», «ҚУРОЛЛАР ТЕКШИРУВГА» командаларни беради.

Ўрганувчилар ўқдонларни тўппончаларидан чиқаради ва текширув учун тўппончанингни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда тепага кўтариб кўрсатишади. «Ўқла» командасидан кейин тўппончанингни сақлагичини пастки ҳолатга ўрнатиб ва патронни патронникка юбориб, сақлагични дастлабки ҳолатга келтиради ва тикка туриб икки қўл билан отиш ҳолатига (нишон тарафга юзи билан қараб) тўппонча ўнг қўлида бўлса, чап қўли пастдан ўнг қўлининг панжасини шундай ушлаб ва ёрдам берадики, чап қўлининг катта бармоғи ўқлагичнинг чизигидан пастга бўлиши керак.

Шу ҳолатда туриб тайёргарлиги тўғрисида баён қилади. Ўқ отиш раҳбарининг «ЎТ ОЧ» командасидан сўнг, ўрганувчи сақлагични пастки ҳолатга ўрнатиб, тепкини жанговар ҳолатга солади ва мўлжалга учта ўқ отади.

Ҳамма тингловчиларнинг докладыдан кейин отишни тугатгани ҳақида команда берилади: «**ҚУРОЛЛАР КЎРИККА!**» Ўқдонни чиқариб, уни чап қўлига, тўппончани ўнг қўлига қўйиб ва уларни елка баландлигида кўтаришади. Команда берилади: «**КЎРИЛДИ**» Ўқлагични ўқлагич тутқисидан чиқаришади, нишонлар тарафга текширув отиш қиладилар, сақлагични ёпишади ва ғилофга солишиб текисланишади.

Макаров пистолетидан 1-машқ бўйича амалий ўқ отишни бажариш.

Ўқитувчининг фаолияти	Тингловчиларнинг фаолияти
1	2
<p>Тир бошлиғига команда берила-ди: <i>1-алмашувга</i> – 8 та МП ғилофлари билан 24 та ўқув патрон; <i>2-алмашувга</i> – 8 та ўқув МП ғилофлари билан 32 та ўқув патрон; <i>3-алмашувга</i> – 8 та ўқув МП, 24 та ўқув патрон ва 1 та секундомер; <i>тарқатувчига</i> – 80 та жанговар патрон.</p>	<p>Тир бошлиғидан ҳаммасини олиб, куролларни текшириб ўз ўқув жойларига чиқишади.</p>

1-ўқув машқ жойига дарснинг ўтиши.

Ўқитувчининг фаолияти	Тингловчиларнинг фаолияти
1	2
<p>Команда берилади: «Алмашув дастлабки чизиғга, сафлан!»</p> <p>«Ўқ-дори тарқатувчига алмашувга ҳар бирига учтадан патрон тарқатилсин».</p> <p>«Ўқдонлар ўқласин».</p>	<p>Бир қаторга дастлабки чизиғида сафланишади.</p> <p>Патронларни олишади, текшириша-ди ва ахбарот беришади: «Тингловчи Эргашев учтата жанговар патрон олди, текширди».</p> <p>Ўқ-дори тарқатувчи доклад қилади: «Ўртоқ майор, алмашувга қирқта жанговар патрон тарқатилди, ҳар бирига учтадан. Ўқ-дори тарқатувчи тингловчи Давронов».</p> <p>Ғилоф чўнтакчасидан ўқдонларни олиб ўқлашади.</p> <p>Ўқланган ўқдонларни ғилоф чўнтакчасига соладилар ва ғилофни тақиб қўядилар.</p>

1-МАШҚНИ БАЖАРИШДА

Ўқитувчининг фаолияти	Тингловчиларнинг фаолияти
<p>4-нишон, ҳаракатсиз; нишонгача бўлган масофа: 25 метр; патронлар миқдори: назорат ўқ отиш машқини бажариш учун – 3 та патрон; синов ўтиш машқини бажариш учун – 3 та патрон; ўт очишга ажратилган вақт: чегараланмаган; ўт очиш ҳолати: тик турган ҳолда.</p>	
1	2
<p>«Алмашув, чапдан ўнгга тартиб рақамини ол!».</p> <p>«Нишонлар ҳисоб бўйича».</p> <p>«Алмашув ўт очиш чизиғига қадам бос!»</p> <p>«Алмашув, ўқла!»</p>	<p>1 дан 8 гача саналишади.</p> <p>Ўт очиш чизиғига чиқишади.</p>

<p>Тингловчиларни отишга тайёргарлигини текширади, қуроллар нишон тарафга қараб туриш керак ва уларнинг қувурлари 60⁰ дан баланд бўлиши мумкин эмас. Кўрсаткич бармоқлар ҳар доим ҳалка устида, фақат «Ўт оч» командасидан кейингина бармоқ тепки ҳалқасига туширилади.</p> <p>«Алмашув, Ўт оч!» командаси берилади.</p> <p>Ҳамма тингловчиларнинг ахбаротидан кейин отишни тугатгани ҳақида команда берилади:</p> <p>«Қуроллар кўриқка!»</p> <p>Алмашувнинг орқасидан ўтиб, қуролларни текширади. Команда берилади: «Кўрилди».</p> <p>Нишонларни текшириш лозим топилса, команда берилади: «Алмашув, чапга, (ўнг-ГА) нишонлар олдига югуриб қадам бос!»</p> <p>Ҳамма нишонларни текшириб, урилган нишонларни белгилайди.</p> <p>Команда берилади: «Алмашув, чапга, дастлабки чизигга қадам бос!»</p> <p>Команда берилади иккинчи ва учинчи ўқув жойларга: «Машқ жойлари алмашилсин!»</p> <p>Команда берилади: «Қуроллар берилсин!». «Отиб бўлган алмашув чапга! Гильзалар йиғилсин! Ўқ-дори тарқатиш варақасига қўл қўй! Учинчи ўқув машқ жойига қадам бос!»</p>	<p>Ўқдон ва тўппончалар ғилофлардан олинади ва ўқланади, отишга тайёргарлик кўриб ва тайёргарлиги ҳақида ахбарот беришади: «Тингловчи Раҳматов отишга тайёр».</p> <p>Сақлагични тушириб, тепкини жанговар взводга қўйиб ва икки қўлдан (бир) қўлдан нишонлар томонга тепки ҳалқасини юмшоқ босиб мўлжал отиш қиладилар. Ҳар бир отишдан кейин кўрсаткич бармоқ тепки ҳалқасидан олиниб қўлларни (қўлни) тирсагидан эгиб, дам олишади ва ўзаро кейинги ўқ узишга вақт олишади. Патронлар тугаганидан кейин текисланишади, нишонларга қараб ахбарот беришади: «Тингловчи Каримов отишни тугатди».</p> <p>Ўқдонни чиқариб, уни чап қўлига, тўппончани ўнг қўлига қўйиб ва уларни елка баландлигида кўтаришади.</p> <p>Ўқлагични ўқлагич тутқисидан чиқаришади, нишонлар тарафга текширув отиш қиладилар, сақлагични ёпишади ва ғилофга солишиб текисланишади.</p> <p>Кетма-кет биттадан нишонлар олдига бориб, ўз нишонлари қаршисида уч қадам берида туришади.</p> <p>Ўқитувчининг келишга, ахбарот беришади: «Ўртоқ майор, тингловчи Умаров нишонни учта ўқ билан зарб этди, 26 – очко, баҳо - аъло».</p> <p>Алмашув кетма-кет биттадан дастлабки чизигга қайтишади.</p> <p>Тингловчилар учинчи ўқув машқ жойдан иккинчисига, иккинчидаги биринчисига ўтишади.</p> <p>Иккинчи ўқув машқ жойидан келган алмашув дастлабки чизигга бир қаторга сафланишади. Отиб бўлган алмашув дастлабки чизигга қайтиб келишади ва юзлари билан навбатдаги алмашувга қараб туришади.</p> <p>Қуролни беришади, гильзаларни тўплаб, таркатувчига топширишади, қўлланилган ўқ-дорилар учун тарқа-тиш варақасида имзо чекишади.</p> <p>Кетма-кет биттадан учинчи ўқув машқ жойига кетишади.</p>
--	--

Мустақил таълим учун топшириқ:

Макаров пистолетидан 1-ўқ отиш машғулотини бажаришда аниқ мўлжалга олишни ўрганиш.

**8.2.9-мавзу: КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИНИ ТЎЛИҚСИЗ ҚИСМЛАРГА АЖРАТИШ
ВА ҚАЙТА ҚАЙТА ЙИҒИШ (меъёрлар бўйича).**

Режа:

1-савол. Калашников автомати (АКМ) патронларини ўқдонга жойлаштириш бўйича норматив талабларига кўра бажариш.

2-савол. Калашников автомати (АКМ)ни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғишни норматив талабларига кўра бажариш.

АСОСИЙ ҚИСМ.

1 – ўқув саволи: Калашников автомати (АКМ) патронларини ўқдонга жойлаштириш бўйича норматив талабларига кўра бажариш.

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича меъёрлар

Меъёрлар	Шартлар	Натижалар (сония)		
		аъло	яхши	қониқ
	КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИ			
Патронларни ўқдонга жойлаштириш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, 30 та патрон сочилган ҳолатда бўлади.	35	40	45

Ўқитувчи ушбу машқни олдин ўзи амалий бажариб кўрсатиб беради, шундан сўнг қолган тингловчилар навбати билан бажариб чиқишади.

2–ўқув саволи: Калашников автомати (АКМ)ни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғишни норматив талабларига кўра бажариш.

Бу саволни ўрганишда тингловчиларни асосий эътиборини қуролни қисмларга ажратишда, патронникда патрон бор-йўқлигини текширишдан бошлаш зарурлигига қаратиш лозим. Бу қурол билан фойдаланишда асосий хавфсизлик чоралари бўлиб хисобланади. Ички ишлар органлари ходимларига белгиланган меъёрлар асосида автомат Калашниковни тўлиқсиз қисмларга ажратганда асосий эътибор уни стол устида ёки тоза чойшаб устида қисмларга ажратилади. Автоматнинг ускуналарини ажратганда улар билан эҳтиёт бўлиш лозим, уларни бир бирига урилиб кетишидан, қўшимча куч ишлатишдан сақлаш керак. Автоматни қисмларга ажратганда қисм ва механизмларни тартиб билан қўйиш лозим.

Автоматни йиғишда унинг қисмларнинг рақамини текшириш лозим: ҳар бир автоматнинг қувр қутичаси рақамига автоматнинг Газ трубкаси, ўқлагич асоси, ўқлагич, ствол қутичаси қопқоғи ва бошқа қисмларининг рақами тўғри келиши керак.


Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича меъёрлар

Меъёрлар	Шартлар	Натижалар (сония)		
		аъло	яхши	қониқ
	КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИ			
Тўлиқсиз қисмларга ажратиш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, автоматга ўқдон жойлаш-тирилган, пенал ажратилмайди.	16	20	24
Тўлиқсиз қисмларга ажратилган автоматни йиғиш.	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, автомат қисмлари стол устида жойлашган.	30	35	40

Автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш.

<p>1. Ўқдонни ажратиш. Чап қўл билан кўндокнинг бўйнидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан ўқдон ушланади; бош бармоқ билан ўқдон қисқичини босган ҳолда ўқдоннинг пастки қисми олдинга сурилади ва ўқдон чиқариб олинади. Шундан кейин патрондонда патрон йўқлиги текширилади, бунинг учун ҳолат ўзгартиргич пастга босилиб, затвор асосининг дастаги орқага тортилади, патрондонга қаралади ва затвор асосининг дастаги қўйиб юборилади ва тепки халқаси думига босилади.</p>	
<p>2. Тозалагични ва пенал анжомларини чиқариш. Тозалагичнинг чеккаси нишон асосидаги таянчдан тортиб чиқарилади ва тозалагич суғуриб олинади. Кўндокдаги уя қопқоғи бармоқ билан босилади. Бунда пенал пружинанинг таъсирида уячадан ташқарига чиқади. Йиғиладиган кўндокли автоматларда пенал ўқдон чўнтагида олиб юрилади. Пенал ичида тозалагич; ёршик, отвёртка, викалотка ва шпилька сақланади.</p>	
<p>3. Ствол қутиси қопқоғини ажратиш. Чап қўл билан кўндок бўйнидан ушлаган ҳолда, шу қўлнинг бош бармоғи билан қайтарувчи механизмнинг йўналтирувчи стержени бўртиғига босилади, ўнг қўл билан қопқоқ тепага кўтарилади ва ажратиб олинади.</p>	
<p>4. Қайтарувчи механизмни ажратиш. Автомат кўндоғи бўйнидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан қайтарувчи механизмнинг йўналтирувчи стержени товончаси сурилади; йўналтирувчи стерженнинг орқа қисми бироз кўтарилади ва қайтарувчи механизм затвор асоси каналидан суғуриб олинади.</p>	
<p>5. Затвор асосини ажратиш. Автоматни ўнг қўлда ушлашни давом этган ҳолда, затвор асоси охиригача орқага тортилади ва бироз орқа қисми юқорига кўтарилиб ствол қутисидан ажратиб олинади.</p>	
<p>6. Затворни затвор асосидан ажратиш. Чап қўлда затвор асосини юқорига кўтариб ушланади; затворни йўналтирувчи бўртиғи затвор асосининг фигурали қирқимидан чиқадиган ҳолатда буралиб, затвор орқага сурилади, кейин олдинга сурилиб асосдан чиқариб олинади.</p>	

7. Газ трубкасини ствол қобиги билан ажратиш. Автоматни чап қўлда ушлаган ҳолда, Газ трубки байроқчаси вертикал ҳолатда тепага кўтарилади ва Газ трубкига газ камераси оғзидан чиқариб олинади.



Нотўлиқ қисмларга ажратилган автоматни йиғиш.

1. Газ трубкасини ствол қобиги билан автоматга ўрнатиш. Автоматни чап қўлда ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан Газ трубкининг олдинги қисми газ камераси оғзига кийдирилади ва орқа қисми стволга босилади; Газ трубки беркитгичи қайд қилувчига киргунича пастга босилади.

2. Затворни затвор асосига ўрнатиш. Затвор асоси чап қўлга, затвор эса ўнг қўлга олинади ва затворнинг цилиндрли қисми асос каналига киритилади; кейин затворнинг йўналтирувчи бўртиғи затвор асосининг фигурали қирқимига кирадиган қилиб буралади ва олдинга сурилади.

3. Затвор асосини ствол қутисига ўрнатиш. Затвор асоси ўнг қўлга шундай олинадики, бунда затвор бош бармоқ билан олдинги ҳолатда ушлансин. Чап қўл билан қўндоқ бўйнидан ушлаб ўнг қўл билан затвор асоси ствол қутисидagi бўшлиққа киритилади ва затвор асосидagi ботикларга ствол қутисининг бўртиқлари киритилиб олдинга сурилади.

4. Қайтарувчи механизмни ўрнатиш. Ўнг қўл билан қайтарувчи механизм затвор асоси каналига киритилади; қайтарувчи пружинани сикқан ҳолда йўналтирувчи стержень олдинга сурилади ва бироз пастга туширилиб, унинг товончаси ствол қутисидagi узунасига ботикқа киритилади.


5. Ствол қутиси қопқоғни ўрнатиш. Қопқоқ олдинги қисми билан мўлжал асосидagi ярим айлана қирқимига киритилади, йўналтирувчи стерженнинг бўртиғи қопқоқ тешигига кирадиган қилиб, қопқоқнинг орқа қисми пастга босилади.

6. Тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва сақлагичга қўйиш. Тепки ҳалқаси босилади ва ҳолат ўзгартиргич охиригача юқорига кўтарилади.

7. Тозалагични ўрнатиш. Тозалагич орқаси билан тутқичдagi тешикка тикилади ва чеккаси нишон асосидagi таянчга ўрнатилади.

8. Қўндоқ уясига пенални жойлаш. Пеналга ускуналар солинади ва ёпилади, кейин пенал қўндоқдagi уяга жойлаштирилади. АКМС автоматида пенал ўқдонлар сумкаси чўнтагига жойланади.

9. Ўқдонни автоматга ўрнатиш. Автоматни қўндоғи ёки тутқичидан ушлаган ҳолда, ўнг қўл билан ствол қутисидagi дарчага ўқдон илгаги киритилади ва ўқдоннинг таянч бўртиғи қисқичга сакраб кирадиган қилиб, ўқдон орқага буралади.



Мустақил талим учун топшириқ:

7,62 ммли такомиллаштирилган Калашников автомати тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартибини мустақил такрорлаш.

8.2.10-МАЗЗУ: КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИДАН АМАЛИЙ ҶҚ ОТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК.

Режа:

1-савол. Калашников автомати (АҚМ)дан Ҷқ отишда хавфсизлик қоидалари.

2-савол. Калашников автомати (АҚМ)дан 1-машқни бажариш тартибини ӯрганиш.

АСОСИЙ ҚИСМ.

1 – Ҷқув саволи: Калашников автомати (АҚМ)дан Ҷқ отишда хавфсизлик қоидалари.

Амалий Ҷқ отишда хавфсизлик чоралари.

Ҷт очишда хавфсизлик аниқ Ҷқ отишни ташкилаштириш, белгиланган хавфсизлик қоидалари талабларини аниқ бажарилишидан, шахсий таркибнинг интизомлилигидан таъминланади.

Хавфсизлик чораларини ӯзлаштирмаган тингловчилар амалий Ҷқ отиш машғулотиға қўйилмайди.

Шахсий таркиб томонидан белгиланган хавфсизлик қоидаларини аниқ бажарилишининг умумий жавобгарлиги ИИБ бошлиқларининг зиммасига юклатилади.

Ҷт очишга руҳсатни фақат Ҷқ отиш раҳбари беради, яъни «ҶТ ОЧ» командасиндан кейин.

Ҷт отиш ҳар бир тингловчи томонидан зудлик билан мустақил ёки раҳбар томонидан берилган команда бўйича тўхтатилади, агарда:

- нишонлар майдонида одамлар, машиналар ва ҳайвонлар пайдо бўлса;
- оқ байроқ (фонус) бошқарма пунктида кўтарилса;
- отиш майдонида ёнғин пайдо бўлса.

Отишни тўхтатиш учун «ТЎХТА» командаси берилади ва оқ байроқ (ёки тунда фонус ёқилади) қизил байроқ ӯрниға қўйилади. «ТЎХТА» командасидан то «ҶТ ОЧ» командасига қадар қурол қолдирилган Ҷқ отиш маррасига бориш таъқиқланади.

Амалий Ҷқ отишда қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

- Ҷқ отиш бўйича раҳбарнинг руҳсатисиз қуролни ғилофдан чиқариш.
- Қурол ӯқланган ёки ӯқланмаган ҳолатларда одамлар ёки одамлар пайдо бўладиган томонға қаратилмайди.
- Ҷқ отиш бўйича раҳбарнинг руҳсатисиз қурол ҳақиқий ёки Ҷқув патронлари билан жанговар ҳолатға келтирилмайди.
- Ҷқ отиш раҳбарининг руҳсатисиз Ҷқ отиш машқлари бажарил-майди, бузук ҳолдаги қуролдан Ҷқ отиш машқлари бажарилмайди, хавфли йўналишлар бўйича Ҷт очилмайди, команда пунктида оқ байроқ кўтарилганда ёки оқ чироқ ёнғанди Ҷқ отилмайди.
- Ҷқ отиш чизиғида ёки бошқа жойларда қурол ӯқланган ҳолатда қолдирилмайди, бошқа шахсларға берилмайди.

Калашников автомати (АҚМ)дан Ҷқ отиш усуллари ва қоидаларини ӯрганиш.

А) Жанг майдонида қузатиш ва нишонни кўрсатиш.

Қузатиш жиноятчини (унинг жойлашишини, ҳаракатини) аниқлаш мақсадида амалға оширилади. Шунингдек жангда командирнинг сигнал ва белгиларни ҳамда ӯз Ҷт очишининг натижаларини қузатиб бориши зарур. Қузатиш қуролланмаган кўз билан ӯнғдан чапға ва яқиндаги предметлардан узоқдагилари томон олиб борилади. Дурбинни ӯз жойлашиш жойини сездириб қуймаслик учун фақатгина алоҳида предметларни ва маълум жойни қузатиш лозим. Жанг майдонида аниқланган нишонлар ҳақида тезда командирға ахборот бериб, улар жойлашган жойни оғзаки ва ялтировчи ӯқлар билан кўрсатиш зарур, масалан: «Ҷнғдан кенг бута, чапға–пулемёт»; ялтировчи ӯқлар билан эса – иккита қисқа автоматик Ҷқ отиш.

Б) Нишонни танлаш.

Жангда нишонлар кўзғалмас, қисқа вақтга пайдо бўлувчи ва ҳаракатланувчи бўлиши мумкин. Жангда автоматчилар командир томонидан кўрсатилган нишонни маҳв этиб ўт очадилар. Агарда жангда кўрсатилмаса, уни ўзи танлайди. Биринчи навбатда анча муҳим ва хавфли нишонларни маҳв этиш зарур. Иккита бир хил аҳамиятли нишондан эса – яқиндагисини ва отиш қўлай булганини биринчи бўлиб маҳв этиш зарур.

В) Мўлжалга олиш нуқтасини ва мўлжални танлаш.

Мўлжални ва мўлжалга олиш нуқтасини танлашда нишонгача бўлган масофани аниқлаш ва ўқнинг йўналишига ҳамда учуш узоқлигига таъсир этувчи ташқи шароитни ҳисобга олиш зарур. 300 метр масофага ўт очишда мўлжал «3» ёки «П» қуйилиб нишоннинг пастки чеккасига ёки нишон баланд бўлса ўртасига мўлжалга олиниб ўқ отилади. Узоқ масофаларга ўқ отишда нишоннинг ўртасига мўлжалга олинади ва мўлжал нишонгача бўлган масофага мос қилиб қўйилади.

Г) Пайдо булувчи кўзгалмас нишонларга ўт очиш.

Вазиятга ва нишонни ҳолатига боғлиқ равишда ўт очиш командирининг команда бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади. Ўт очишнинг натижаларини ўқнинг йўли ва жиноятчининг ҳатти-ҳаракатларига қараб кузатилади. Яққол кўрунувчи алоҳида нишонни уларнинг катталиги ва узоқлигига қараб қисқа ёки узун автоматик ўт очиш билан маҳв этилади. Нишон қанчалик хавфли ва узоқ бўлса, автоматик ўқ отиш шунчалик узун бўлади. Пайдо бўлувчи нишонларни маҳв этиш учун унинг пайдо бўлишини сезган захотиёқ тезда тайёрланиб, ўт очиши зарур. Нишонлар гуруҳини автоматик отишни биридан иккинчисига ўтказилиб, ўт очилади. 100 метр ва ундан яқин масофада хужум қилаётган жиноятчининг жонли кучига узоқ навбатли ўт очишни бутун отиш сектори бўйича ёйган ҳолда амалга ошириш зарур.

Д) Ҳаракатланувчи нишонларга ўқ отиш.

Ҳаракатланаётган нишонларга ўқ отишда улар ўқ ўзилиши пайтида эгаллайдиган масофага мос қилиб мўлжални ўрнатган ҳолда ўт очилади. Отиш текислигига бурчак ҳосил қилиб ҳаракатланаётган нишонларга отиш нуқтасини танлашда ўқ учиб етиб бориш вақтида босиб ўтадиган масофани ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарур.

Е) Ҳаво нишонларига ўқ отиш

150 м/сек тезликда паст учаётган самалётларга ўқ отиш командирнинг командаси бўйича ёки мустақил равишда мўлжални «3» га ёки «п» га ўрнатиб, бўлинма ёки взвод таркибида тузилган усулда амалга оширилади. Секин учаётган ҳаво нишонларига яъни вертолётлар ва транспорт сомонётларига кузатиббориш орқали ўт очилади.

Ж) Тоғ-тошларда отиш

Тингловчиларга текисликдаги ва тоғли ҳудудлардаги мўлжал ўрнатиш ва мўлжалга олиш фарқларини тушунтириш. Денгиз садхидан 2000 метр баландликдаги тоғли ҳудудларда 400 метрдан узоқ масофага отишда ҳаво зичлиги камайиши сабабли мўлжал бир бўлинмага камайтириб ўрнатилади. Агарда баландлик 2000 метрдан паст бўлса мўлжал қўйиш камайтирилмайди ва мўлжалга олиш нуқтаси нишоннинг пастки чекасидан танланади. 400 метрдан узоқ масофага пасдан юқорига ёки юқоридан пастга 30⁰ дан кам бўлган отиш бурчагида мўлжалга олиш нуқтаси нишоннинг пастки чекасидан танланади, 30⁰ дан юқори бурчак ҳосил қилган нишонга отишда мўлжал бир бўлимга қисқартирилади.

З) Чекланган кўринишли шароитларда отиш.

Кечаси ёритилган нишонларга отиш худди кундузгидек амалга оширилади. Агар нишонгача бўлган масофа 300 метрт бўса мўлжал «П» га қўйиб нишоннинг ўртаси мўлжалга олинади. Агарда нишон 300 метрдан узоқда бўлса унинг юқори қисми мўлжалга олинади. Ўқ отиш ялтирашидан аниқланган нишонларга ўт очиш ўқ отишнинг ялтираши мушка сақлагичи марказига ва мўлжал қиркимига мос келган ҳолда амалга оширилади. Тутун тўсиғи ортидаги ёкип ниқобланган нишонга ўт очиш учун навбат билан бутун ўт очиш сектори бўйлаб ёйилган ҳолда амалга оширилади.

И) Радиоактив, кимёвий ва бактериологик зарарланишлар шароитларида отиш

Ўқ отиш шахсий химоя воситаларида амалга оширилади. Мўлжал тахтачаси ва нишон қурилмаси, мўлжалга отиш қувири орқали амалга оширилади. Зарарланган майдондан чиқилганидан кегин биринчи имконият вужудга келганидаёқ автоматни дезактивизация қилиш зарур.

Яширинган ҳолда ва таянган ҳолда отиш усуллари.

Таянч нуқтасининг баландлигига қараб автоматчи ўқ отишнинг ётиб отиш, тиззада отиш ёки тик туриб отиш ҳолатини эгаллайди. Ётиб отишда автомат ушлагичини таянчга қўйиб чап қўли билан ўқдондан ёки тутқидан, ўнг қўл билан эса автомат дастагидан ушлаган маъқул. Агарда таянч қаттиқ бўлса, уни чим, плашь-палатка ёки шинель ўрамини қўйиб юмшатиш мумкин. Окопдан ва траншеядан туриб отишда гавда билан окоп деворига суюнилади ва иккала қўл тирсаги билан ерга тиралиб ўт очилади.

Ҳаракатланаётгандаги ўқ отиш усули

Ҳаракатлана туриб бирдан кўтариб отиш қисқача тўхташ орқали ёки тўхтамасдан туриб бажарилади, белдан отиш эса тўхташсиз бажарилади. Қуролни қайта ўқлаш ҳаракатини тўхтатмасдан туриб амалга оширилади. Агарда ўқ отиш ҳаракатланаётган БТРдан, автомобилдан амалга оширилаётган бўлса автоматнинг барқарорлигини ва қўшнилар хавфсизлигини таъминловчи харқандай қулай ҳолат эгалланади. Бунда кузов ичидаги ўриндиқлар ва бошқа предметлардан қўл, оёқ ва елка олди учун таянч сифатида фойдаланилади. Отиш тирқиши орқали отилаётганда мўлжалнинг кирими ортдан 5-7 см узоқликда бўлиши ва бошқа предметлар ўқлагич асоси дастагининг ҳаракатланишга ҳалақит бермаслиги шарт.

Ҳаводаги нишонларга ўқ отиш усули

Ҳаво нишонларига қарата очик майдонда туриб ўқ отишни ётиб, тик туриб ва тиззада отиш усуллари қўлланилади. Таянч сифатида маҳаллий предметлардан фойдаланилади. Автотранспортлардан туриб отишда эса юқоридаги отиш тирқишларидан фойдаланилади. Траншеялардан туриб ҳаво нишонларига отилаётганда траншея лошига чап елка олди ва ўқдон билан тиралиб отилади, агарда бунда ўт очиш бурчаги камлик қилса, бироз ўтириб чап оёқ траншеянинг олдинги деворига бел эса траншеянинг орқа деворига тиралган ҳолда ўт очилади.

2 – ўқув саволи. Калашников автомати (АКМ)дан амалий ўқ отишни ўрганиш.

1-чи ўқув ўқ отиш машғулот шартларини бажариш учун ўқитувчи тингловчиларга биринчи навбатда тушунтиради ва раҳбар томонидан шахсан амалий кўрсатиб ўтилади. Амалий тушунтириб кўрсатгандан сўнг шахсий таркиб билан амалий бажаришга ўтади. Ушбу машғулотни ўрганиш патронсиз бажарилади.



Команда берилгач смена ўт очиш маррасига чиқади ва «Ўқ отиш маррасига ётиб, жангга» буйруғи билан смена автоматларни тасмадан ўнг қўлига олади, ўқ отиш маррасига илон изи ҳолатида югуриб келади, ўнг оёқни олдинга қўяди ва чап қўлга таянган ҳолда чап томонга ёнбошлайди, сўнгра қорин билан ерга ётадилар.

Автоматни қўндоғини чап оёққа тираб чап қўл билан билан автомат тутқичини ушлаган ҳолда ўқдонни бириктириб, сақлагични энг пастки ҳолатга туширади ва затворни орқага тортиб қўйиб юбориб, сақлагичга қўяди.



Мўлжалга олиш планкаси АКМ, АКМС «3»га, ёки «П» (АК-74 да «4»га ёки «П») ҳолатига қўйиб ўқ отишга тайёрлиги ҳақида «Тингловчи Ахмедов ўқ отишга тайёр» деб маълумот беради.



Ўқ отиш раҳбари тингловчиларнинг тайёрлигини текшириб «СМЕНА ЎТ ОЧ» командасини беради ва бу команда бўйича тингловчилар сақлагични “якка тартиб” ҳолатига тушириб, нишонга мустақил 3 та ўқув ўқ отадилар. Вақт меъёри белгиланмаган.

Тингловчилар ўқ отишни тугатганидан сўнг қуролни сақлагичини ёпиб қуролни ўнг томонга оладилар ва ўқ отиш раҳбарига ўқ отишни тугатганлиги тўғрисида билдирги берадилар(мустақил равишда) «Тингловчи Ахмедов ўқ отишни тугатди».

Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Қуроллар текширувга» тингловчилар қуролни текширув ҳолатига қўядилар, яъни қуролдан ўқдон ажратилиб, сақлагич туширилиб ўқлагич тортиб турилади.



Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Текширилди» Тингловчилар дархол ўқлагични қўйиб юбориб қуролдан назорат отишни амалга ошириб сақлагични ёпадилар.

Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена ўрнингдан тур» Тингловчилар ўқдонларни қўлга олиб чап тизза олдинда ўрниларидан туришади.





Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена чапга, (ўнг-ГА) нишонлар майдонига югур!» Тингловчилар кетма-кет биттадан нишонлар олдига югуриб бориб, ўз нишонлари қаршисида туришади. Ўқитувчи тингловчининг рўпарасига келиши билан тингловчи билдирги беради: «Ўртоқ майор, тингловчи Ахмедов нишонни учта ўқ билан зарб этди, йиғилган очколар сони 27, баҳо - аъло». Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена чапга, (ўнг-ГА) дастлабки маррага югур!» Тингловчилар кетма-кет биттадан дастлабки маррага югуриб кетишади.

Калашников автомати (АКМ)дан 1-машқ бўйича амалий ўқ отишни бажариш.
МАШҒУЛОТ № 1.

1-машқ (ўқув). Кундузи ҳаракатсиз нишонга жойдан ўқ отиш:

нишон: доирали кўкрак шакли (4-нишон, 1-расм), нишон 0,75x0,75 метрли тўсиқда ерга тақаб ўрнатилган, ҳаракатсиз;

нишонгача масофа – 100 метр (АКС-74У - 50 метр);

патронлар миқдори – 3 та;

ўқ отиш вақти – чегараланмаган;

ўқ отиш ҳолати – ётган ҳолда тирсакка таяниб;

ўқ отиш тури – якка тарзда.

Машқни бажариш қоидалари.

Ўқ отиш раҳбарининг буйруғи билан дастлабки маррада смена патронларни олиб ўқдонга жойлаштиради. «Ўқ отиш маррасига ётиб, жангга» буйруғи билан смена автоматларни тасмадан ўнг қўлига олади, ўқ отиш маррасига илон изи ҳолатида югуриб келади, ўнг оёқни олдинга қўяди ва чап қўлга таянган ҳолда чап томонга ёнбошлайди, сўнгра қорин билан ерга ётиб чап қўл билан автомат тутқичини ушлаган ҳолда ўқдонни бириктириб, сақлагични энг пастки ҳолатга туширади ва затворни орқага тортиб қўйиб юбориб, сақлагичга қўяди. Мўлжалга олиш планкаси АКМ, АКМС «3»га, ёки «П» (АК-74 да «4»га ёки «П») ҳолатига қўйиб ўқ отишга тайёрлиги ҳақида ахборот беради. Майдондаги ўқ отиш раҳбари томонидан «Ўт оч» буйруғи берилгандан сўнг машқни бажарувчи сақлагични тушириб, якка тартибда нишонга учта ўқ отади.

Баҳо: «Аъло» – 25–30 балл; «Яхши» – 20–24 балл; «Қониқарли» – 15–19 балл.

БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

Ўқитувчининг фаолияти	Тингловчиларнинг фаолияти
Ўқ отиш раҳбари команда беради: сменага – 8 та КА ўқдони билан берилади;	Ўқ отиш раҳбарининг командасига биноан, куруллар текширилиб, ўқ отиш чизиқсига қолдирилади ва смена дастлабки чизиқда сафланадилар. Тингловчилар патронларни олиб, текшириб

<p>Ўқ-дори тарқатувчиси томонидан ҳар бир тингловчига 3 донадан 7.62 мм жанговар патрон берилади;</p> <p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена чапдан ўнга қараб тартиб рақамини ол»</p> <p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Ўқдонлар ўқласин».</p>	<p>ва билдирги қилишади: «Тингловчи Ахмедов учта жанговар патрон қабул қилди ва кўриб чикди».</p> <p>Тингловчилар чапдан ўнга қараб 1 дан 8 гача тартиб рақамини оладилар.</p> <p>Ўқдонни ўқдон халтачасидан олиб жанговар патронларни ўқдонга жойлайдилар.</p> <p>Ўқланган ўқдонларни ўқдон халтачасига соладилар.</p>
--	--

Амалий машғулотини бажарилиш тартиби.

Ўқитувчининг фаолияти	Тингловчиларнинг фаолияти
<p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена жойдан жангга»</p>	<p>Тингловчилар дарҳол 2-3 қадам ташлаб автоматнинг ёнига чап ёнбош билан ётиб қуролни ўқлайдилар ҳамда ўқ отишга тайёргарлиги тўғрисида ўқ отиш раҳбарига билдирги берадилар.</p>
<p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «битта – битталаб» «ЎТ ОЧ»</p>	<p>Тингловчилар қуролнинг сақлагичини “якка тартиб” ҳолатига тушириб аста-секинлик билан нишонга қарата ўқ отишни амалга оширадилар.</p>
<p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Қуроллар кўрикка»</p>	<p>Тингловчилар ўқ отишни тугатганидан сўнг қуролни сақлагичини ёпиб қуролни ўнг томонга оладилар ва ўқ отиш раҳбарига ўқ отишни тугатганлиги тўғрисида билдирги берадилар.</p>
<p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Қуроллар кўрилди»</p>	<p>Тингловчилар текширув ҳолатига қўядилар, яъни қуролдан ўқдон ажратилиб, сақлагич туширилиб ўқлагич тортиб турилади.</p>
<p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена ўрнингдан тур»</p>	<p>Тингловчилар дарҳол ўқлагични қўйиб юбориб қуролдан назорат отишни амалга ошириб сақлагични ёпадилар.</p>
<p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена чапга, (ўнг-ГА) нишонлар майдонига югур!»</p>	<p>Тингловчилар ўқдонларни қўлга олиб чап тизза олдинда ўрнларидан туришади.</p>
<p>Ўқ отиш раҳбари команда беради: «Смена чапга, (ўнг-ГА) дастлабки чизикга югур!»</p>	<p>Тингловчилар кетма-кет биттадан нишонлар олдига югуриб бориб, ўз нишонлари қаршисида туришади.</p> <p>Ўқитувчи тингловчининг рўпарасига келиши билан тингловчи билдирги беради: «Ўртоқ майор, тингловчи Ахмедов нишонни УЧТА ўқ билан зарб этди, тўпланган очколар сони 25, баҳо - аъло».</p> <p>Тингловчилар кетма-кет биттадан дастлабки чизикга югуриб кетишади.</p>

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўқ отишда хавфсизлик чораларини ўрганиш .
2. Калашников автоматидан амалий ўқ отишни ўрганиш.

8.2.12-Мавзу: Ички ишлар органларида мавжуд ўқотар қуроллар.

Режа:

1-савол: “9А-91” кичик ҳажмли автомати ҳамда “ВСК-94” мерганлик милтиғининг қўлланиш мақсади ва жанговар хусусиятлари.

2-савол: СВД ва ВСС мерганлик милтиғларининг қўлланилиш мақсади ва жанговар хусусиятлари.

3-савол: ”Glock-17” ва пистолетининг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-ўқув саволи: “9А-91” кичик ҳажмли автомати ҳамда “ВСК-94” мерганлик милтиғининг қўлланиш мақсади ва жанговар хусусиятлари.



УМУМИЙ КЎРИНИШИ

9мм ли кичик ҳажмли 9А-91 автомати душманнинг жонли кучи ҳамда, зирхли кийимда бўлган ва зирхсиз техникаларини 200 метргача бўлган масофада яқсон қилиш учун хизмат қилади.

9мм ли кичик ҳажмли 9А-91 автомати 1991 йилда махсус вазифаларни бажарувчи бўлинмалар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун Василий Грязев томонидан махсус ишлаб чиқарилган.

Замонавий ўзини туридаги қуролларга солиштирганда: хуфиёна олиб юриш учун қулайлиги, енгиллиги, кичик ҳажмлилиги, юқори кўрсаткичли овоз пасайтиргичли ва ўқининг кучли тешиб ўтиш хусусиятга эга эканлиги билан анчагина устун туради. Автоматик равишда газни йўналтириш тизими унга бўлган ишончни таъминлайди. Очик мўлжалга олиш мосламасидан ташқари, тунда кўриш учун электр (батарейка) билан қувватланадиган коллиматорли, оптик мўлжалга олиш мосламаси ўрнатилиши мумкин.

Ўқ отиш учун 9мм ли махсус СП-5, СП-6 ва ПАБ-9 патронлар қўлланилади. СП-5, СП-6 русумли ўқлари шовқинсиз ўқ узиш мосламаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

5.45, 5.56 ва 7.62 мм патронларга қараганда 9мм ли патронларнинг рикошет бўлиш эҳтимоли камрок.

9А-91 автоматининг қўндоғи ва тиргаги йиғилувчан хусусиятга эга.

9 мм ли кичик ҳажмли 9А-91 автоматни жанговар хусусиятлари.

-калибри-----	9х39 мм.
-мўлжалга олиб отиш масофаси -----	200 м.
-глушительсиз оғирлиги-----	2 кг.
-кувурнинг узунлиги _____	160 мм
-магазин сифими-----	20 та патрон.
-ўқнинг бошланғич тезлиги-----	270-285 м/с.
-отиш суръати-----	700-900 дона патрон.
-ресурси-----	6000.
-йиғилган қўндоғи билан узунлиги-----	383 мм
-жанговар тез отарлиги-----	30/90 дона ўқ.

-қўлланиладиган патронлар-----9х39 (ПАБ-9, СП.5, СП.6)
 -магазин оғирлиги 20 та ўқ билан -----0,67кг
 -кесиклар сони-----6 та
 -автоматнинг овоз пасайтирувчисиз ҳажми:
 узудлиги - 604 мм
 эни - 44 мм
 баландлиги -188 мм
 қайрилувчи қўндоқсиз узудлиги -372 мм

9 ММ ПАТРОНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Характеристика	СП-5	СП-6	ПАБ-9
Тури	Снайп	снайп	зирх теш
Узудлиги :			
Патрон	56.2	56.0	56.0
Гильза	39.0	39.0	39.0
Ўқ	36.0	41.0	42.7
Оғирлиги:			
Патрон	23.2	23.0	23.0
Ўқ	16.2	16.0	16.0



ВСК-94 мерганлик милтиғининг қўлланилиш мақсади ва жанговар хусусиятлари:



9мм ВСК-94 Грязев Василий Петрович томонидан 1994 йил ихтиро қилинган қурол бўлиб, мерганлик милтиғи яқкалаб олинган нишонларни йўқ қилиш учун мўлжалланган. Милтиғдан отиш учун СП-5, СП-6, ПАБ-9 патронлари фойдаланилади. Милтиққа очик ва оптик мўлжалга олиш мосламаси ўрнатилган.

Милтиққа тунги мўлжалга олиш мосламаси ўрнатса ҳам бўлади.

ВСК-94 жанговар хусусиятлари:

-калибри	- 9x39 мм
-оғирлиги магазинсиз мўлжалга олиш мосламаси билан	- 2,7 кг.
-магазин 20 патрони билан	- 700 гр.
- ўқнинг бошланғич тезлиги	- 270-285 м/с.
-отиш тўри	- автоматик ва якка тарзда
-тўғридан –тўғри отиш	- 400 м.
-магазин сиғими	- 20 дона.
- ўқ отиш суръати автоматик тарзда--	-700-900 ўқ /мин.
- узунлиги---	- 898 мм
-эни -----	- 44 мм
-буйи---	-188 мм.
-кесиклар сони	- 6 та
-ПКС-07-ни катталаштириш қобилияти	-7 карра
- ресурси –	- 6000 ўқ.
- ишлаш тартиби	- порох газлари ҳисобига.

9мм ли кичик хажмли 9А-91 автоматнинг тузилиши ва ишлатилиш тартиби.

Автоматнинг асосий таркибий қисмлари:



1. Қўндоқ асоси, қўндоқ тиргаги, гардан ва қопқоғи
2. Қайтарувчи пружина (пружина возвратная)
3. Затвор рамаси (рама затворная)
4. Затвор
5. Очиқ мўлжалга олиш мосламаси
6. Трубка
7. Ствол
8. Ствол қутиси (стволная каробка)
9. Зарбдор тепки механизми (механизм спусковой)
10. Ўқдон (магазин)
11. Пистолет дастаси (пистолетная рукоятка)
12. Ствол қопламаси (стволные накладки)
13. Гайка
14. Овоз пасайтиргич (глушитель) – 08.000
15. Ўтказгич (переводчик)
16. Коллиматорли оптик мўлжалга олиш мосламаси ПК – 01

Ғилоф ва унинг қисмлари:

1. Ғилоф (сумка)
2. Тасма (ремен)
3. Мойлаш мосламаси (маслёнка)
4. Тозалагич (протирка)
5. Ўқдон (магазин)
6. Калит (ключ)
7. Ғилоф (сумка)



Сурункали механизмнинг ишлатилиши, қувур каналдан чиқадиган порохли газлар энергиясидан фойдаланиш учун асосланган. Ўқ отилганида порохли газлар, газ чиқариш каналларидан қувурда қайтарувчи механизмни сиқиб, газ поршен, ўқлагич асоси билан таъсир этиб орқага улоқтириб ташлайди. Бундан мақсад отилган гильзанинг чиқиб кетиши турткини босганда, кейинги ўқ ўқдондан чиқиши ва ўқ отиш каналига жойлашиши. Қайтариш кучи билан пружина ўқлагич асосига келади, олдинги ҳолатга тиралиши қувур каналда қайта ўқлагич билан фигурали ҳолатда ўқлагич асосига келади. Автоматни ўқлаш учун ўқлагич асосини қайтариб, ушлагични ушлаб орқага охиригича босиб ва қўйиб юбориш керак. Ўқ отиш ҳолати тепкини босиш орқали вужудга келади.

ВСК-94 мерганлик милтиғининг асосий қисм ва механизмларига қўйидагилар кирди :

1. ствол қутиси.
2. қундоқ
3. гардан(қайтарувчи механизм,ствол қутиси қопқоғи).
4. затвор рамаси, газ поршени билан
5. затвор
6. зарбдор тепки механизми .
7. овоз сундирувчи
8. магазин.
9. стволнинг чап-ўнг қопламалари
10. оптик мўлжалга олиш мосламаси.
11. ўтказгич
12. тасма (ремен)
13. муфта
14. очиқ мўлжалга олиш мосламаси.

Автомат нотўлиқ ва тўлиқ қисмларга ажратилади. Нотўлиқ қисмларга уни тозалаш, ёғлаш ва кўриқдан ўтказиш учун ажратилади.

Тўлиқ қисмларга қурол қорда, ёмғирда қолганда ва таъмир талаб бўлганда ажратилади.

Автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш тоза таглик ёки тахта устига қўйиб амалга оширилади, ажратилганда қисм ва механизмларини бирини устига иккинчиси қўйилмайди, шунингдек, ортиқча куч ва кескин зарбалар қўлланилмайди.

9А-91 кичик хажмли автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Ўқдон автоматдан ажратиб олинади;
- Стволда ўқ бор ёки йўқлиги текшириб кўрилади;
- Оптик мўлжалга олиш мосламаси ажратилади;
- Гайка ёки овоз пасайтиргич ажратилади;
- Ствол қопламаси (стволние накладки) ажратиб олинади;
- Гардан (затильник) ажратиб олинади;

- Затвор рамаси олинади;
- Затвор остовдан ажратиб олинади;
- Затвор қисмларга ажратилади;
- Ўтказгич (переводчик) ажратиб олинади;
- Зарбдор тепки механизми ажратилади.

9А-91 кичик хажмли автоматни нотўлиқ қисмларга амалий бажариш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқдонни ажратиб бир қўлда автоматни ушлагичидан ушлаб, иккинчи қўл билан ўқдон, турткисини катта бармоқ билан босиб орқа томонга тортиб, ўқдон олинади. Бундан сўнгра патронникда патрон йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, кейин автомат учини тирик жон йўқ томонга қаратиб, оқ байроқни орқага айлантириб, (якка ўқ отиш). Кейин ўқлагич асосини орқага қайтариб, ўқлагич каналини кўриш керак. Сўнгра ўқлагич асосини қўйиб юбориб тепкини босиш керак (назорат ўқ отиш).

автоматдан оптик мўлжални ажратиб оқ байроқни айлантириб, ҳаракатланиш механизми қувур каропкасидан оптик мўлжални ажратилади. Гайкаларни ажратиб ёки овоз пасайтирувчини айлантириш йўли билан қувурдан ажратилади.

қувур накладкалари ажратилади

қўндокни ажратиб, бир қўл билан автоматни ушлаб ушлагичдан бошқа қўл билан қўндок ўтказилади, очик қисмидан 90 градусгача сўнгра катта бармоқ билан кўрсаткич клин ўтказиб, кесилган жойдан ўқлагич каропкасидан ва қўндокдан, ўқлагич каропкасидан ажратилади. Орқага ҳаракат орқали.

ўқлагич асосини ажратиб, автоматни ушлаб, ўқлагич асосини орқага қайтариб охиригача ва ундан йўналтирилган қувур каропкасига чиқзади.

қувурни ажратиб, оставдан қўл билан ушлаб қувурни олдинга итариб, фигурали ҳолатдан чиқазилади.

ўқлагични йиғиш учун (йиғиш ёпиқ жойда ўтказилади) баёқни итариб, ўқлагич каналдан айлантириб ичини, ташлаб юбориш учун 90 градус соат стрелкасига қарши ташлагични босиб, ўқлагичдан ажратиб, сўнгра пружинани ўқлагичдан ажратиб қўйиш керак.

ўтказувчини ажратиб, автошептолни айлантириб, уни кесиб қолган жойдан чиқазиб, тепки ва бармоқ билан босиб тепкини олдинга бошқа бармоқ билан босилади, пастки тепкини ва тепкини ташлаш ҳолатига келтириб (ўтказувчини байроғи шай ҳолатда туриши керак якка ўқ отганда)

туширилган ҳалқа ажратиб, бунга тепкини босган ҳолда калотка орқа қисмини кўтариб олдинги қисмини қисилган жойдан чиқазилади.

қувурнинг каропкасидан кейин тепага айлантириб тушириш механизмнинг тушиш тепкисидан чиқазилади, қувур ойнасининг каропкасига орқага ҳаракатланиб, қувур каропкасидан тушириш ҳалқаси чиқазилади.

Автомат нотўлиқ қисмларга ажратилди, йиғиш эса тескари тартибда амалга оширилади.

9А-91 кичик хажмли автоматни қайта йиғиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Зарбдор тепки механизми йиғамиз;
- Ўтказгич (переводчик) ни қайтариб жойига ўрнатамиз
- Затвор қисмларини йиғиш;
- Затвор остовга бириктирилади;
- Затвор рамаси бириктирилади;
- Гардан (затильник) бириктирилади;
- Ствол қопламаси (стволние накладки) бириктирилади;
- Гайка ёки овоз пасайтиргич бириктирилади;
- Оптик мўлжалга олиш мосламаси бириктирилади;

–Тепки халқаси босилиб автомат сақлагизга қўйилади

–Автоматга ўқдон ўрнатилади;

ВСК-94 мерганлик милтиғини нотўлиқ қисмларга ажратиш тартиби:

- магазинни ажратамиз.
- патрондонда патрон бор- йўқ эканлигини текшираамиз.
- оптик мўлжалга олиш мосламаси ажратамиз.
- овоз сундирувчини ажратамиз.
- ствол қопламаларини ажратамиз
- қўндокни ажратамиз.
- гарданни ажратамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан.
- затвор рамасини ажратамиз.
- затвор рамасидан затворни ажратамиз

Нотўлиқ қисмларга ажратилган ВСК-94 мерганлик милтиғини йиғиш тартиби:

- затворни затвор рамасига бириктираамиз
- затвор рамасини ствол қутисига бириктираамиз.
- гарданни бириктираамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан.
- қўндокни бириктираамиз
- ствол қопламаларини бириктираамиз
- овоз сундиргични бириктираамиз
- оптик мўлжалга олиш мосламасини бириктираамиз
- магазинни бириктираамиз.

2-ўқув саволи: СВД ва ВСС мерганлик милтиғларининг қўлланилиш мақсади ва жанговар хусусиятлари.

Ихтирочи: Евгений Фёдорович Драгунов



7,62 мм Драгунов мерганлик милтиғи оптик мўлжалга олиш мосламаси ва найза пичок билан.

7,62 миллиметрли Драгунов мерганлик милтиғи мерган қуроли ҳисобланиб, турли пайдо бўлувчи, ҳаракатланувчи, очиқ ва ниқобланган якка нишонларни йўқ қилиш учун мулжалланган. Мерганлик милтиғидан энг унумли ўт очиш масофаси 800 метр. Мерганлик милтиғидан ўт очиш учун оддий, ёритувчи, зиртешар – ёндирувчи ўқли патронлар ва мерганлик милтиғи патронлари қўлланилади. Мерганлик милтиғидан якка тарзда ўқ узилади. Ўт очиш мобайнида патронлар узатилуви, сиғими 10 дона патронли қутисимон магазиндан амалга оширилади.

Хусусиятлар номи

1. Калибр,
2. Кесиклар миқдори
3. Мўлжалга олиш масофаси, масофаси:
ПСО-1 билан

Курсаткичлари

- 7,62 мм
- 4 та
- 1300 метр
- 1200 метр

очик прицел билан	
4. Кукрак қиёфали нишонга қарата	430 метр
5. Югурувчи нишонга қарата эса	640 метр
6. Бош нишонга қарата	350 метр
7. Ўқнинг бошланғич тезлиги,	830 м/с
8. Жанговар ўт очиш тезлиги – бир дақиқада	30 донагача ўқ
9. Ўқнинг учиш масофаси,	3800 метр
10. Милтиқнинг оғирлиги: кундоқ юзи, оптик мўлжалга олиш мосламаси билан, тулдирилмаган магазин ва найза пичоқсиз,	4,3 кг
11. Ўқдон сиғими,	10 та
12. Милтиқ узунлиги,	1225 мм
найза пичоқсиз	
найза пичоқ билан	1370 мм
13. Патрон оғирлиги,	21,8 к.г
14. Пулат ўзакли оддий ўқнинг оғирлиги, гр	9,6 к.г
15. Порох заряди оғирлиги,	3,1 гр
16. Оптик мўлжалга олиш мосламаси катталаштириш қобилияти,	4 карра
17. Прицел куриш майдони, градус	6
18. ПСО-1 эни,	70 мм
19. ПСО-1 баландлиги,	132 мм
20. ПСО-1 оғирлиги,	616 гр
21. ПСО-1 оғирлиги: ғилоф ва ЗИП комплекти билан,	926 гр
22. Қувурнинг узунлиги	620 мм
23. Қувур кисмининг узунлиги	547 мм
24. Қувурдаги айланма ариқчаларнинг узунлиги	329 мм
25. Нишоннинг қалинлиги	2 мм
26. Мўлжалга олиш чизиғининг узунлиги	587 мм
27. Эни	88 мм
28. Баландлиги	230 мм
29. Найза пичоқнинг оғирлиги, қини билан	450 гр
30. Найза пичоқнинг оғирлиги, қинсиз	260 гр
31. Ўқдон оғирлиги	210 гр
32. ПСО-1 мўл. олиш мос. оғирлиги	580 гр
33. Ишлаб чиқарилган йили	1963 йил
34. Қуролли кучларга қабул қилинган йили	1963 йил 3 июль куни

• **СВД мерганлик милтиғининг таркибига қўйидаги асосий қисм ва механизмлар киради:**

- 1.Ствол,ствол қутиси ,очик мўлжалга олиш мосламаси кундоқ билан биргаликда.
- 2 Ствол қутисининг қопқоғи.
- 3.Қайтарувчи механизм.
- 4.Затвор рамаси.

5. Затвор
6. Газ трупкаси мослагич билан биргаликда.
7. Газ поршени.
8. Турткич, пружина билан биргаликда.
9. Ствол қопламалари.
10. Зарбдор тепки механизми.
11. Сақлагич.
12. Магазин.
13. Қўндоқ юзи.
14. Оптик мўлжалга олиш мосламаси.
15. Найза-пичоқ.

• **СВД мерганлик милтиғини нотулиқ қисмларга ажратиш тартиби:**

1. Магазинни ажратиш.
2. Оптик мўлжалга олиш мосламаси ажратилади
3. Қўндоқ юзи ажратилади
4. Ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан биргаликда ажратилади
5. Затвор рамаси затвор билан биргаликда ажратилади
6. Затвор затвор рамасидан ажратилади
7. Зарбдор-тепки механизми ажратилади
8. Ствол қопламалари ажратилади
9. Газ поршени ва турткич пружина билан биргаликда ажратилади

Нотулиқ қисмларга ажратилган СВД мерганлик милтиғини йиғиш тартиби:

- газ поршени ва турткич пружина билан биргаликда бириктириш.
- ствол қопламаларини бириктириш.
- зарбдор-тепки механизмни бириктириш
- затворни затвор рамасига бириктириш.
- затвор рамаси затвор билан биргаликда, ствол қутисига жойлаштириш
- ствол қутиси қопқоғини қайтарувчи механизм билан биргаликда ўрнатиш
- қўндоқ юзини ўрнатиш.
- оптик мўлжалга олиш мосламасини ўрнатиш.
- магазинни ўрнатиш.

СВД мерганлик милтиғларининг оптик мўлжалга олиш мосламалари (ПСО-1, ПКС-07) нинг тузилиши.

Оптик мўлжалга олиш мосламаси СВДни нишонга йўналтириш, жанг майдонини кузатиш, нишонгача бўлган масофани белгилаш ва ўт очиш йўналишларига тузатишлар киритиш учун мўлжалланган. Оптик мўлжалга олиш мосламаси мерганлик милтиғининг асосий нишонга йўналтириш мосламаси ҳисобланади.

Катталаштириш қобилияти—4 карра

Кўриш майдони -6

Оптик мослама механик ва оптик қисмларга бўлинади.

Механик қисм таркибига корпус, юқори ва ёнбош бурагичлар, мослама тўрини ёритувчи қурилма, ҳаракатланувчи қувур, резинали кўзлик ва қалпоқ киради.

Оптик қисм таркибига объектив, айлантурувчи тизим, тўр, люминесцентли экран ва окуляр киради.

Корпус, мўлжалга олиш мосламасининг барча қисмларини милтиққа ўрнатиш учун хизмат қилади.

Кронштейнда қуйдагилар мавжуд: оралиқлар, таянч, тиргак қисувчи винт, қисувчи винт дастаси, пружинали турткич ва регулировка гайкаси.

Корпусга, мўлжалга олиш мосламаси ўрнатмаларининг ва ёнбош тўғриланишларнинг кўрсаткичлари ҳамда объектив қолпоғи бириктирилган.

Юқори ва ёнбош бурагичлар гайкаларида, мил билан бурагичлар ёки гайкалар, керакли тўғриланишлар киритиш мобайнида, айлантуриш йўналишлари курсатилган (юқори

бурагичда – «ВВЕРХ СТП», «ВНИЗ СТП»; ёнбош бурагичда – «ВПРАВО СТП», «ВЛЕВО СТП»).

ПКС-07 жанговар хусусияти:

- катталаштириш қобилияти – 7 карра
- куриш майдони – 35°

ПКС-07 мўлжалга олиш мосламасининг тузилиши:

- объектив - окуляр
- юкори бурагич - кронштейн
- ёнбош бурагич - кронштейн болти
- корпус - резина кузлик
- батареякаси - резина қалпоқча.



9мм ВСС мерганлик милтиғи 1987 йил П.И. Сердюков томонидан ихтиро қилинган бўлиб, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг махсус вазифаларни бажарувчи бўлимлари учун махсус мўлжалланган ҳамда яққалаб олинган нишонларни, 6Б2, 2,3 даражадаги зирх ортидаги жонли кучи ва темир каскаларни 400 метр масофада йўқ қилиш учун мўлжалланган.

ВСС мерганлик милтиғининг жанговар хусусиятлари.

- калибри - 9x39 мм
- оғирлиги магазинсиз мўлжалга олиш мосламаси билан - 2,6 кг.
- оғирлиги ўқланган, мўлжалга олиш мосламаси билан - 3,7 кг
- ўқнинг бошланғич тезлиги - 280-295 м/с.
- отиш тўри - автоматик ва яққал тарзда
- мўлжалга олиб отиш масофаси - 400 м.
- самарали отиш масофаси - 250-300 метр
- магазин сифими каробкали - 10 ёки 20 дона.
- жанговар отиш тезлиги - 700 ўқ /мин
- яққал тартибда - 40 ўқ /мин
- сурункали отишда - 100 ўқ /мин
- кувурнинг узунлиги -200 мм
- узунлиги--- - 894 мм
- кесиклар сони - 6 та
- ПКС-07-ни катталаштириш қобилияти -7 карра
- ресурси – - 6000 ўқ.
- Милтиғдан отиш учун СП-5, СП-6, патронлари фойдаланилади.
- ишлаш тартиби - порох газлари ҳисобига.

ВСС мерганлик милтиғини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби.

- магазинни ажратамиз.
- патрондонда патрон бор- йуқ эканлигини текшираамиз.
- оптик мўлжалга олиш мосламаси ажратамиз.
- овоз сундирувчини ажратамиз.
- ствол қопламаларини ажратамиз
- қўндоқни ажратамиз.
- гарданни ажратамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан.
- затвор рамасини ажратамиз.
- затвор рамасидан затворни ажратамиз

*Нотўлик қисмларга ажратилган ВСС мерганлик
милтигини йиғиш тартиби:*

- затворни затвор рамасига бириктираамиз
- затвор рамасини ствол қутисига бириктираамиз.
- гарданни бириктираамиз, ствол қутиси қопқоғи қайтарувчи механизм билан.
- қўндоқни бириктираамиз
- ствол қопламаларини бириктираамиз
- овоз сундиргични бириктираамиз
- оптик мўлжалга олиш мосламасини бириктираамиз
- магазинни бириктираамиз.

Қўйдаги холларда ўт очиш зудлик билан тўхтатилади:

- нишонлар майдонида одамлар, транспорт воситалари ёки хайвонлар кўринганида, ўт очиш худуди устида самалёт ва верталётлар пайдо бўлганида;
- снаряд ва гранаталар хавфсиз худудлар чегараларнинг ташқарисига ёки одамлар бор блиндажлар яқинига тушганида;
- ўт очиш майдонида ёнғин содир бўлганида;
- тунги вақтларда ўт очиш мобайнида мўлжалдан адашганда.

Ўқ-дорилар билан ишлашда қўйдагилар тақиқланади:

- ўқ-дориларни қумга, мойга оловга тегиши ;
- белгиланмаган жойларда ўқ –дориларни сақлаш;
- ўқ-дориларни ўзга шахсларга бериш, шунингдек уларни ўт очишни тугатиш марраларида ва машғулотлар ўтказилган жойларда қолдириш;
- ўқ-дориларни қисмларга ажратиш ,улардан порохни олиб, оловга ташлаш;
- ўқ-дориларни магазин сумкаларида ва кийим-кечак чўнтакларида қолдириш.

3-ўқув саволи: “Glock-17” пистолетининг қўлланилиш мақсади ва жанговар хусусиятлари.

“Glock-17”



Пистолет Glock 17 Gen 4 четвертого поколения

Гастон Глок

(19. 07. 1929 йил. 90 ёшда)

Глок 17 пистолети шахсий қурол ҳисобланиб, ҳужум ва мудофаа мобайнида душманни жонли кучини қисқа масофалардан йуқ қилиш учун мўлжалланган.

Ихтирочи	Гастон Глок (Австрия)
Ишлаб чиқарилган йили	1980 йил
Қуролланишга қабул қилинган йили	1980 йил
Ишдаб чиқарилишда	1982 йилдан, ҳозиргача
Модель	Глок-17 4-авлод
Қурол тури	ўзини ўқлаш хусусиятига эга (самозарядный)
Калибр	9 мм
Ўқдон сифими	17-патрон 19 ёки 33
Ўлчамлари	186x30x138
Қувурнинг узунлиги	114 мм
Мўлжалга олиш линиясининг узунлиги	165 мм
Пистолет оғирлиги патронсиз	625 гр
Пистолетни оғирлиги патрон б-н	905 гр
Отиш самарадорлиги	50 метр
Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	375 м/с

Глок пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.



Неполная разборка пистолета Glock

1. Пистолетни текшириб олиш.
2. Пистолетни тўлиқсиз қисмларга ажратиш.
3. Ўқлагични қисмларга ажратиш.

1. Пистолетни текшириб олиш.

1. **Пистолетни хавфсиз томонга қаратиш.** Бехосдан чиқиб кетган ўқ сизга ва бошқаларга зарар еказмаслиги учун бармоқни тепки халқасидан узоқроқда ушлаймиз.

2. **Ўқдонни ажратиш.** Бош бармоқ билан пистолет қўндоғида жойлашган фиксаторни босамиз ва бўш кўлимиз билан пистолет дастагидан ўқдонни ажратиб оламиз.



3. **Ўқлагични очиш.** Пистолет қувурини хавфсиз томонга қаратилган ҳолда ўқлагични орқа томонга тортамиз ва ўқлагични тутқич ҳолатига қўямиз.




4. **Патрондонни текшириш.** Пистолет ўқлагични тутқич ҳолатига қўйилгандан сўнг патрондонда патрон бор ёки йўқлиги текширилади. Пистолетни тўлиқсиз қисмларга ажратишдан олдин керак бўлса уч маротабадан текшириш лозим.



2. Пистолетни тўлиқсиз қисмларга ажратиш.

1. **Кўз ойнак тақиш.** Глок пистолетининг бир нечта қисми пружиналардан иборат бўлиб кўзга зарар етказиши мумкин. Шунингдек кўз ойнак кўзни хар хил эритувчи ва мойли суюқликлардан асрайди.

2. **Ўқлагични ёпиш.** Ўқлагични орқага олдин тортиб оламиз ва тутқичдан озод қилингандан сўнг ўз холига қўйиб юборамиз ва турткични озод қилиш учун тепки халқасини босиб юборамиз.



3. Пистолетни ушлаш. Пистолетни бир қўл билан юқори қисмидан ушлаймиз, бунда тўрт бармоқ пистолет кувирида ва бош бармоқ билан пистолет дастагида бўлади.



4. Ўқлагични орқага тортиш. Ўқлагични юқори қисмидан ушлаб турган холда орқага 2 мм қайтарамиз. Агарда 2 мм дан кўпроқ қайтарилса, унда ўқлагични кўйиб юбориб қайтатдан бажарамиз.




5. Ўқлагич блокировкасини пастга тушириш. Бўш қўл билан ўқлагич блокировкасини икки томонидан пастга босамиз ва ўқлагични олдинга қараб сурамиз, токи пистолет ўқлагиси пистолет асосидан ажралгунча.




3. Ўқлагични қисмларга ажратиш.


1. Пружинани ечиш. Пружинани олдинга озгина тортилади ва енбошлатиб кувир асосидан чиқариб олинади. Пружина босим остида бўлганлиги сабабли уни ечишда эҳтиёт бўлиш зарур.



2. **Ўқлагичдан қувирни ечиб олиш.** Ўқлагични қалин бўртиғидан ушлаб қувирни озгина олдинга суриб юқорига кўтариш керак, шундан сўнг қувирни ўқлагичдан кўтариб ажратиб оламиз.



3. **Пистолетни тозалаш ва мойлаш.** Глок пистолети тўлиқсиз қисмларга ажратилганидан сўнг уни яхшилаб артиб тозалаб оламиз. Пистолетни хар доим тоза ва соз холатда сақлаш учун қолган қисмларини ажратиш шарт эмас.



4. **Пистолетни қайта йиғиш.** Тозалаш ва мойлаш ишлари тугаганидан сўнг пистолетни қайта йиғиш керак. Пистолетни қайта йиғиш тесқари тартибда амалга оширилади.



Пистолет тўлиқ жанговар холатга келтирилгандаги кўриниши

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. СВД ва ВСС мерганлик милтиғлари ҳамда Glock-17 пистолетининг қўлланилиш мақсади ва жанговар хусусиятларини мустақил ўрганиш.

8.2.13-МАЗУ: КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИ ВА МАКАРОВ ПИСТОЛЕТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ.

Режа:

1-савол. 7,62 мм ли Калашников автомати (АКМ)нинг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари, асосий қисм ва механизмларининг белгиланиши ва тузилиши.

2-савол. 9 мм ли Макаров пистолетининг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари, асосий қисм ва механизмларининг белгиланиши ва тузилиши.

АСОСИЙ ҚИСМ.

1-ўқув саволи. 7,62 мм ли Калашников автомати (АКМ)нинг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари, асосий қисм ва механизмларининг белгиланиши ва тузилиши.

Генерал-лейтенант Михаил Тимофеевич Калашников 1919 йил 10 ноябрь куни Алтайский Губернияда кўп оилали хонадоннинг 17 фарзанди бўлиб дунёга келган. Ушбу фарзандлардан 8 нафаригина тирик қолишган. 1938 йил армияга чақиртирилган ва кичик командирлар курсини тамомлаб механик танк хайдовчиси лавозимида хизматни бошлайди. 1941 йил август ойида танк командири катта сержант Михаил Тимофеевич Калашников урушига юборилади. Брянск шахрида бўлиб ўтган жангларда оғир ярадор бўлади ва госпитальга ётқизилади ва шу ерда унда узининг автоматик кўролини яратиш исгати пайдо бўлди. Духтирларнинг кўрсатмаси билан уни Московский авиационный институтига юборилади. Ўша вақтда бу институт Қозоғистон Республикасига кўчирилган эди. У шу ерда ўзининг биринчи намунадаги пистолет-пулемётни яратади ва Самарқанд шахридаги Ф.Э.Дзержинский номидаги Академия бошлиғи А.А.Благонравовга тақдим этади. Шу инсоннинг кўрсатмаси билан у ўқишга юборилади.

1945 йил бошларида Михаил Тимофеевич Калашников 1943 йил намунасидаги патронга мос автоматик қурол ишлаб чиқиш устида фаолият бошлайди. Ушбу муаммони тез орада ҳал қила олишига унинг кўзи етмаганди, бироқ 1947 йилда ўтказилган танловда Калашников автомати биринчи синовнинг ўзидаёқ ўзини оқлади.

Михаил Тимофеевич ихтиро қилган автоматни синовдан ўтказиш муваффақиятли якунланганидан сўнг, ўша ернинг ўзида ушбу автоматни Совет Армияси қуролланишига олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Дунё ўқотар қуроллари тарихида янги давр – автоматик қуроллар даври бошланган эди. Михаил Тимофеевич Калашников ушбу даврга биринчилар қаторида асос солди. АК-47 автомати унга қуроллар оламига йўлланма берди ва сайёрамиздаги ҳеч бир конструкторга насиб қилмаган шон-шуҳрат олиб келди.

1948 йилда артиллерия маршали Н.Н. Вороновнинг кўрсатмасига биноан, Михаил Тимофеевич Ижевск машинасозлик заводига хизматга юборилди. Бироз вақт ўтиб, 1949 йилда айнан шу ердан Собик иттифоқ кўшинларга АК-47 автоматларининг биринчи партияси жўнатилди.

1949 йил 1 сентябрда Михаил Тимофеевич Калашников "Ижмаш" бош конструкторлик бўлимининг штатида ишга қабул қилинди. У энг аввало АК-47ни келгусида такомиллаштириш устида ишлади. 1959 йилда Калашниковнинг бу автоматига 7,62 мм ли такомиллаштирилган автомат АКМ ва такомиллаштирилган йиғилувчи қўндокли автомат АКМС қўшилди.

1974 йилда эса 5,45 мм ли калибрга ўтилганидан сўнг, Калашников автоматининг катта оиласи – АК-74, АКС-74 ва қисқартирилган стволли АКС-74У – пайдо бўлди. .

Генерал-лейтенант Михаил Тимофеевич Калашников 2013 йил 23 декабрь куни 94 ёшда вофот этган.


7,62 мм КА шахсий қурол бўлиб, жиноятчиларни курашда махв этиш учун белгиланган. Жиноятчини яқка курашда махв этиш учун автоматга ханжар ўрнатилади.

Автоматдан отиш учун 1943 йилги наъмунадаги

- оддий ўқ
- пўлат ўқ
- из қолдирувчи ўқ
- зирх тешар ёндирувчи ўқли патронлар ишлатилади.


Жанговар патронлар

Жанговар патрон асосан 4 қисмдан, яъни ўқ, порох заряди, гильза ва пистондан иборат бўлади.



Патроннинг кесилган кўриниши: 1–ўқ; 2–порох заряди; 3 – гильза; 4 – пистон.

Патронлар оддий ва махсус (из қолдирувчи ва зирх тешар-ёндирувчи) ўқлар билан чиқарилади.



а – пўлат ўзакли оддий; б – из қолдирувчи (трассерли); в–зирхтешар-ёндирувчи. 1 – қобик; 2 – қўрғошин қобик; 3 – пўлат ўзак; 4 – қўрғошин ўзак; 5 – трассер стаканчаси; 6 – трассерли таркиб; 7 – мис ўзак; 8 – ёндирувчи таркиб; 9 – қўрғошин туб.

Оддий ўқ душманнинг очик жойлашган ёки ўқ теша оладиган ҳимоя воситаси орқасидаги жонли кучини махв этишда қўлланилади. Оддий ўқнинг ташқи қисми – мис қоплама, ўртаси – пўлат ўзак, улар оралиғи эса қўрғошин қобикдан иборат.

Из қолдирувчи (трассерли) ўқ душманнинг жонли кучини махв этишда қўлланилади, шунингдек, у 800 м гача масофага отилганида ҳавода ёритувчи из қолдиради. Бу из ёрдамида ўт очишга тузатиш киритиш ва нишонни кўрсатиш мумкин. Из қолдирувчи ўқнинг бош қисмига пўлат ўзак, таг қисмига эса из қолдирувчи таркиб зичлаб жойлаштирилган. Бошқа ўқлардан фарқ қилиши учун ўқнинг бош қисми яшил рангга бўялган.

Зирхтешар-ёндирувчи ўқ ёнувчи суюкликларни ёндириш ва 300 м гача масофада енгил зирх орқасида турган душманни махв этиш учун қўлланилади. Ўқнинг бош қисми қора рангга бўялиб, қизил хошия чизилган.

Гильза патроннинг ҳамма қисмларини ўзаро бирлаштириш, порохли зарядни ташқи таъсирдан ҳимоялаш ва порох газларини затвор томонга ўтказмаслик учун хизмат қилади. У порох заряди жойлаштириладиган асос, ўқ ўрнатиладиган оғиз ва тубдан иборат. Гильза тубининг ташқи қисмида улоқтиргичнинг илгаги учун мўлжалланган ҳалқасимон ариқча мавжуд. Гильза тубида пистон учун уя, сандон ва иккита тешик мавжуд.

Порохли заряд пироксилинли порохдан иборат бўлиб, ўққа илгарилама ҳаракат бериш учун хизмат қилади.

Пистон порохли зарядни алангалатиш учун хизмат қилади. У зарбдор таркиб зичлаб жойлаштирилган латун қалпоқча ва зарбдор таркибни беркитиб турувчи юпка қўрғошин қобикдан иборат. Патронлар ҳар бирига 700 тадан патрон кетадиган металл қутига нам ўтмайдиган қилиб жойланади. Бундай қутилар иккитадан қилиниб, ёғоч яшиқларга жойланади. Махсус патронлар жойлаштирилган яшиқларнинг ён деворларига ўқларнинг бош қисмидаги рангларга мос келадиган рангли хошиялар чизилади.

Автоматдан сурункали ёки якка тартибда ўт очилади. Автоматдан сурункали ўт очиш, ўт очишнинг асосий тури ҳисобланади. У қисқача (5 тагача) ва узун (10 тагача) кетма-кет ва узлуксиз отиш олиб борилади. Патронларнинг узатилиши ўт очишда ҳажми 30 та патрон бўлган қутичали ўқдондан олиб берилади.



7,62мм ли Автомат Калашниковнинг жанговар хусусиятлари:

Калибр.....	7,62 мм
Мўлжалга олиб отиш узоқлиги.....	1000м
Кўкрак фигурали нишонга тўғри отиш узоқлиги.....	350м
Отиш тезлиги	600 та ўқ/ 1 мин.
Жанговар отиш тезлиги:	
Якка тартибда отишда.....	40 та ўқ/ 1 мин.
Қаторасига отишда.....	100 та ўқ/ 1 мин.
Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	715м/с
Жароҳатлаш кучининг сақланиш масофаси	1500м
Ўқнинг учиш масофаси	3000м
Найза-пичоқсиз автоматнинг оғирлиги:	
Енгил қуймали ўқланмаган ўқдон билан биргаликда.	3,1/3,3 кг
Енгил қуймали ўқланган ўқдон билан биргаликда... ..	3,6/3,8 кг
Ўқдон сиғими	30 та патрон
Ўқдон оғирлиги:	
Енгил қуйилмадан.....	0,17 кг
Пўлатдан.....	0,33 кг
Найза - пичоқ оғирлиги (қини билан биргаликда)...	0,45 кг
Автоматнинг узунлиги см:	
Ўрнатилган найза-пичоқ билан.....	1020мм
Найза-пичоқсиз.....	880мм
Йиғилган қўндоқ билан.....	640мм
Стволнинг узунлиги.....	415мм
Ствол каналидаги ариқчалар сони.....	4 та
Патроннинг оғирлиги.....	16,2 гр

7,62мм ли Автомат Калашниковнинг асосий қисм ва механизмларининг белгиланиши ва тузилиши:



7,62 мм ли АКМ автоматининг асосий қисм ва механизмлари: 1 – ствол, ствол қутиси, зарбдор-тепки механизми, мўлжалга олиш мосламаси, қўндоқ ва пистолет дастаси билан; 2 – ствол қутисининг қопқоғи; 3 – найза-пичоқ; 4 – қайтарувчи механизм; 5 – затвор рамаси газ поршени билан; 6 – газ трубкаси ствол қопламаси билан; 7 – затвор; 8 – шомпол; 9 – ствол ости дастаси; 10 – ўқдон; 11 – асбоб-ускунали пенал. Автомат тўпламига қуйидагилар қиради: асбоб-ускуналар, тасма ва ўқдон учун сумка; булардан ташқари, АКМС тўпламига ўқдон учун чўнтакли автомат ғилофи ҳам қиради.

1. Ствол ва ствол қутичасининг белгиланиши ва тузилиши.

Ствол қутичаси қопқоғи, мўлжал, ствол қутичаси, ствол кўриниши, уларнинг тузилиши ва белгиланиши, автоматнинг кўрсатилган қисмларининг ажратилган ҳолати плакатини ўрнатиб, ўрганувчилардан тўлиқсиз қисмларга ажратилган автоматда ўқитувчининг ҳаракатларини қайтаришини талаб қилади.

Ствол – ўқини йўналтириш учун хизмат қилади. Ствол тузилиши, унинг ствол қутичаси билан резба орқали уланиши ҳақида сўзлаб беради.

Ствол қутичаси – автоматнинг қисм ва механизмларини уланиши, шунингдек ўқлагич билан ствол йўлини ёпишини таъминлаш учун хизмат қилади. Ствол қутичасида автоматнинг ҳаракатланувчи қисмлари, қайтарувчи ва зарбдор – тепки механизми жойлашади. Тепаси қопқоқ билан ёпилади. Ствол қутичасини белгиланиши ва тузилиши ҳақида сўзлаб беради. Сўзлашни автоматнинг моддий қисмида кўрсатиш билан ўтказиш даркор. Бунинг учун унга ўқлагич асосини ўқлагич билан ўрнатиб ва ўқлагич асосининг ҳар хил ҳолатларида қисмларнинг ўзаро жойлашишини кўрсатиш лозим. Шундан кейин яна ҳаракатланувчи қисмларини ажратиб, ствол қутичасида зарбдор-тепки механизми кўрсатиш керак, кейин автоматларни йиғиб гилзани улоқтиришини кўрсатиш керак.

2. Қайтарувчи механизм ва ҳаракатланувчи қисмларнинг белгиланиши ва тузилиши.

Ўқлагич асоси газ поршени билан-ўқлагич ва зарбдор–тепки механизмининг ҳаракатланишга олиб келиш учун хизмат қилади. Ўқлагич асосида қуйидагилар жойлашган: ичида-қайтарувчи механизм ва ўқлагич учун йўлакчалар, ортидан-сақловчи бортик, ён тарафларидан-ствол қутичаси букмалари бўйича ўқлагич асоси ҳаракатланиши учун йўлакчалар, ўнг тарафдан-авто қўйиб юборувчи ричаг ва автоматни қайта ўқлаш учун дастакни қўйиб юбориш учун буртик.

Ўқлагич – патронни патронникка йўнатириш, ствол йўлини ёпиш, патроннинг пистонига зарб этиш ва патроннидан гилзани чиқариш учун хизмат қилади. Ўқлагич тузилиши: турткич ва улоқтиргич асосидан. Турткични ҳаракатланиши учун асоси ичида йўлакчаси бор. Асосининг кесишмасида улоқтиргич пружинаси билан қотирилади.

Қайтарувчи механизм – ҳаракатланувчи қисмларни олдинги ҳолатга қайтариш учун хизмат қилади. Ўқнинг тузилиши: қайтарувчи пружинадан, йўналтирувчи найчадан, йўналтирувчи стержендан ва муфтадан иборат.

3. Зарбдор-тепки механизмининг белгиланиши ва тузилиши.

Зарбдор-тепки механизми - тепкини жанговор взводдан чиқариш, турткичга зарб этиш, сурункали ёки якка тартибда ўт очишни таъминлаш, ўқ отишни тўхтатиш, ёпилмаган ўқлагич ҳолатида отилиб кетишини олдини олиш учун ва автоматни сақлагичга қўйиш учун хизмат қилади.

Зарбдор – тепки механизми ствол қутичасида жойлашиб, учта ўқ билан қотирилади ва тузилган тепки жанговор пружина, тепки ҳалқаси, якка ўт очиш хамаги пружинаси, автохалқа пружинаси билан. Зарбдор - тепки пружина сурункали ҳамда якка тартибда отишни таъминлашини, ҳолат ўзгартирувчи билан фойдаланишни тингловчиларга тушунтириш ва кўрсатиш зарур.

4. Тутқич ва қайтаргич механизми, кўндок, ўқдон, газ найчаси, ствол қутичаси қопқоғининг белгиланиши.

Ствол қутичаси қопқоғи - ствол қутичасининг ичида жойлашган қисм ва механизмларни ифлосланишдан сақлаш учун белгиланган.


Газ найчаси - газ поршенини ҳаракатини йўналтириш учун хизмат қилади. Газ найчаси устида ствол қопламаси ўрнатилган, қўлни қуйиб қолишдан сақлайди. Кувур тагидан тутқич ўрнатилади, у ҳам шундай вазифани бажаради.

Кўндок ва пистолет дастаги – автомат билан фойдаланишда қулайлик яратиб бериш учун хизмат қилади.

Ўқдон – патронларни жойлаштириш ва уларни ствол қутичасига узатиш учун хизмат қилади. Ўқдон: асос, қопқоқ, турговуч тўсиқ, пружина ва узайтиргичдан иборат.

Автоматнинг асбоб-ускуналари

Асбоб-ускуналар автоматни қисмларга ажратиш, йиғиш, тозалаш ва мойлаш учун хизмат қилади. Асбоб-ускуналар шомпол, тозалагич, ёршик, отвёртка, суриб чиқаргич, шпилька, пенал ва мой идишидан иборат.



Асбоб-ускуналар: 1 – шомпол; 2 – тозалагич; 3 – ёршик; 4 – отвёртка; 5 – суриб чиқаргич; 6 – шпилька; 7 – пенал; 8 – қопқоқ; 9 – мой идиш.

Шомпол автоматнинг ствол каналини ва бошқа қисмларини тозалаш ва мойлаш учун хизмат қилади. Шомполнинг бош қисмида суриб чиқаргич учун тешик, учида тозалагич ёки ёршикни бураб ўрнатиш учун резбали қисм ва латта ёки канош толаси ўтказиш учун тешик мавжуд.

Тозалагичдан автомат ствол каналини ва бошқа қисмларини тозалаш ва мойлашда қўлланилади. Ёршик ствол каналини (ҚТК) қоришмасида тозалаш учун ишлатилади.

Отвёртка, суриб чиқаргич ва **шпилька** автоматни қисмларга ажратиш ва йиғишда қўлланилади. Отвёртка чеккасидаги қирқим нишонни бураш, ўрта ёнидаги қирқим эса тозалагични шомполга қотириш учун қўлланилади.

Шпилька зарбдор тепки механизмини йиғишда ишлатилади.

Пенал асбоб-ускуналарни сақлаш учун хизмат қилади.

Мой идиши мойни сақлашда хизмат қилади ва у ўқдон сумкасининг чўнтагида олиб юрилади.

2-ўқув саволи. 9 мм ли Макаров пистолетининг қўлланилиш мақсади, жанговар хусусиятлари, асосий қисм ва механизмларининг белгиланиши ва тузилиши.

9мм-ли Макаров пистолети шахсий таркибнинг хужум ва химоя куроли бўлиб, жиноятчини яқин масофаларда зарб этиш учун белгиланган.

Пистолетдан 50 метргача масофада мўжалга олиб отиш анча юқори самара беради.



9 мм ли Макаров пистолети

9 мм ли Макаров пистолетининг жанговар хусусиятлари

Калибр	- 9 мм.
Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги	- 315 м/с.
Жанговар отиш тезлиги	- 30 патрон (бир дақиқа).
Ўқнинг учиш масофаси	-350 м
пистолетни патронсиз оғирлиги	- 730 .г
пистолетни 8 та патрон билан ўқланган ўқдони билан биргаликдаги оғирлиги	- 810 г.
пистолетни узунлиги	- 161 мм.
пистолетни баландлиги	- 126,75 мм.
Қувурнинг узунлиги	- 93 мм.
Қесимлар сони	- 4 та.
Ўқдоннинг сиғими	- 8 патрон.
Патроннинг оғирлиги	- 10 г.
Ўқнинг оғирлиги	- 6,1 г.
Патроннинг узунлиги	- 25 мм.

Пистолетнинг қисм ва механизмлари тузилиши ҳамда вазифалари.



Қувурли асос тушириш халқаси билан

➤ **асос** қувури ва туширилувчи халқаси билан ва қувур ўқнинг учишига йўналиш бериш учун хизмат қилади;

Ўқлагич

➤ **Ўқлагич** патрондонга ўқдондан патронни етказиб бериш, отишда қувур каналини ёпиш, гильзани ушлаб туриш (чиқариб олиш) ва тепкини жанговар ҳолат (взвод)га қўйиш учун хизмат қилади;



Туртқич

➤ **туртқич**-пистонни чақиш учун хизмат қилади ва унинг олдинги қисми-ўткир ургичдан, орқа қисми-сақлагич учун қирқимдан, яъни турткични ўқлагич каналида ушлаб турувчи ботикдан иборатдир;

➤ **улоқтиргич** қайтаргич билан учрашгунча гильзани ўқлагич косачасида ушлаб туриш учун хизмат қилади;

Сақлагич

➤ **сақлагич** пистон билан муомала қилишда хавфсизликни таъминлайди;



Қайтарувчи пружина

➤ **қайтарувчи пружина** отишдан кейин ўқлагични олдинги ҳолатига қайтариш учун хизмат қилади;



Зарбдор - тепки механизми: тепки халқаси, тепки халқасининг тортқичи взвод дастаги билан, тепки, жанговар пружина, жанговар пружинанинг сурғичи, жанговар пружина сурғичи ва пружинали хамак

- **тепки** тортқичига зарба бериш учун хизмат қилади;
- **хамак** тепкини жанговар ва сақлагич ҳолат (взвод)ида ушлаб туриш учун хизмат қилади;
- **тепки тортқичи** взвод дастаги билан тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва тепки халқасига босилганда тепкини жанговар ҳолатга келтириш учун хизмат қилади;
- **жанговар пружина** тепкини ва тепки тортқичини ҳаракатга келтириш учун хизмат қилади;
- **ўқлагич тутқичи**-ўқдонда ҳамма патронлар ишлатиб бўлинганидан кейин ўқлагични орқа ҳолатда ушлаб қолади.

Ўқдон бурама миҳи билан

Ўқлагич тутқичи



Ўқдон

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. АКМ нинг тактик-техник хусусиятини ёдлаш.
2. МПни асосий қисм ва механизмларини такроран ўрганиш.

8.3.1-МАВЗУ: МАХСУС ВОСИТАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАКТИК-ТЕХНИК ТАВСИФИ. МАХСУС ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (ИИО тўғрисидаги қонуннинг 21, 23 моддалари).

Режа:

1-савол. Махсус воситаларни қўллашда ҳуқуқий асослар.

2-савол. Махсус воситаларнинг турлари.

3-савол. Махсус воситаларнинг тактик-техник тавсифи, қўллаш тартиби ва уларни ишлатиш вақтида хавфсизлик чоралари.

АСОСИЙ ҚИСМИ

1-савол. Махсус воситаларни қўллашда ҳуқуқий асослар.

Махсус воситаларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари деганда, Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-407, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги “Ички ишлар органларида электрошок қурилмалари муомиласини тартибга солишга доир чора тадбирлар тўғрисида”ги 29-сонли буйрғи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 15 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ отар қуролни қўллаш тартиби тўғрисида”ги 55-сонли буйрғи, Ўзбекистон Республикаси ЖК 37, 38, 39 моддалари, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 17,18,19 моддаларини тушуниш лозим.

Махсус воситаларни қўллаш шартлари

Ички ишлар органи ходими томонидан махсус воситаларни фақат қонунда белгилаб берилган ҳолларда ва тартибда олиб юриш, сақлаш ва қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Махсус воситаларни махсус тайёргарликдан ва касбий яроқчилиги ҳақида текширувдан ўтган ҳамда сертификатга эга бўлган ички ишлар органлари ходими қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситалар қўлланилишидан аввал ходим уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган ҳолда огоҳлантиради, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши зарур.

Махсус воситалар қўлланилганлигининг ҳар бир ҳолати тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт. Агар махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида фуқароларга тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, шунингдек уларнинг мол-мулкига зарар етказилса ҳар бир ҳолат тўғрисида прокурорга дарҳол хабар берилади, ходим дарҳол ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни қўради, махсус воситалар қонунда белгиланган асослар бўйича ва белгиланган тартибда қўлланилган бўлса ички ишлар органи ходими етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимига қаршилиқ кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;

қуролли қаршилиқ кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

Ички ишлар органи ходими қуйидаги махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

резина таёқлар, кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли, шикастлантирувчи қурол, қўлкишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари, махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар, электрошок қурилмалари, хизмат ҳайвонлари, чалғитма таъсир кўрсатувчи нуртовуш мосламалари, транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш мосламалари,

тинчлантириш кўйлаги, сув билан зарба берувчи машиналар, муҳофаза қилинадиган объектларни (худудларни) ҳимоя қилиш, ғайриқонуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиш воситалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар,

Ички ишлар органи ходими қонунда айтилган ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

Махсус воситалар ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, бундан уларнинг қуролли қаршилиқ кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно, шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади.

Махсус воситаларни қўллашда қуйидагилар тақиқланади:

одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш;

ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича ноль даражадан паст бўлганида сув билан зарба берувчи машиналарни қўллаш.

Сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг оғзаки ёки ёзма қарори асосида қўлланилади, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга дарҳол хабар берилади.

Ички ишлар органи таъминотида бўладиган махсус воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ички ишлар органи ходими махсус воситаларни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиқса қонун олдида жавобгар бўлади.

2-савол. Махсус воситаларнинг турлари

“Оғзаки баён”. Махсус воситалар қуйдаги уч турга бўлинади.

1. Шахсий ҳимоя воситалари.
2. Фаол мудофаа воситалари.
3. Махсус операцияларни таъминлаш воситалари.

Шахсий ҳимоя воситалари ҳарбий хизматчиларни, ички ишлар органи ва ҳамкорликда ҳаракатланувчи ходимларни бош, кўкрак, бўйин, бел, оёқ ва қўлларини мина, гранаталарнинг кичик заррачаларидан, пистолет, револьвер, ов қуролларнинг ўқларидан, совуқ қуроллардан, шунингдек тош, металл симлар, таёқ зарбаларидан ҳимоялайди.

Шахсий ҳимоя воситалари қуйидагилардан иборат: пўлатдан ясалган ҳарбий дубулға, титандан ясалган “Сфера” дубулғаси, шаффоф юз ҳимояли дубулғаси, Зирҳли совут ва ўқдан ҳимояловчи курткалар (ЖЗЛ-74, ЖЗТ-71М, ”Грант”(Украина), БЗТ-М01 ”Мираж” курткаси, “Кафолат-4”, “Кафолат-6”, яширинча кийиб юрадиган совут КОРА), Зирҳли ва зарбага қарши қалқонлар(“Витраж”, БЗТ-75, БЩ – 82, ”Девор”).

Фаол мудофаа воситалари қонунбузарларни қайтариш ёки уларни бўйсунмасликларини, жисмоний қаршилиқ кўрсатишларини олдини олишда тўқридан-тўғри ҳаракатларини сусайтириш учун ишлатилади

Фаол мудофаа воситалари қуйидагилардан иборат: махсус резина таёқ ПР-73, қўл кишани (БР,БР-С), газли қўл гранаталари (“Черёмуха-1”, “Черёмуха-6”, “Сирень-12”), газ гранатали патронлар (“Черёмуха-4”, “Черёмуха-7”), Аэрозол пуркаш мосламаси (“Черёмуха-

10”, “Резеда-10М”, “Сирень-10”), махсус карабин (КС-23), электр шокли мослама (ЭШУ), Қувирсиз ўлимга олиб келмайдиган пистолет ПБ-4СП, шпагин сигнал пистолети СПШ – 2, СП – 81

Махсус операцияларни таъминлаш воситалари тартиббузарларни тарқатиб юборишда, қуролланган жинойтчиларни қўлга олишда, гаровга олинган фуқораларни озод этишда ва турлихил операцияларни амалга оширишда ёрдам берувчи воситалар.

Махсус операцияларни таъминлаш воситалари куйидагилардан иборат рансли аппаратлар (“Облако”), ёритувчи, қаттиқ, шовқинли гранаталар ва мосламалари “Заря”, “Пламя”. 3. Кичик хажмдаги портловчи мосламалар (“Ключ”, “Импульс”), ўт ўчириш автоцистернаси (АЦ-40/375Н), зирхли техника (БТР, БМД, БРДМ, БМП), автотранспортни мажбуран тўхтатиш мосламаси “ЁЖ-М”, ёшлантирувчи газли “Модель-5”, қўл газли граната МОДЕЛЬ-303, бир мартали қўл газли граната МОДЕЛЬ-708, тутун чиқарувчи шашка ДМ-11.

3-савол. Махсус воситаларнинг тактик-техник тавсифи, қўллаш тартиби ва уларни ишлатиш вақтида эҳтиёт чоралари

Шахсий ҳимоя воситаларининг тактик-техник тавсифи ва уларни қўллаш тартиби

Титандан ясалган ”Сфера” дубулғаси. Қўлланиши: пистолет ва револьверларнинг ўқларидан яраланишдан, мина ва гранаталарнинг кичик заррачаларидан, шунингдек таёқларнинг зарбаларидан, металл симлар зарбаларидан, тош зарраларидан ҳимоялайди. ТТТ: оғирлиги — 2,6 кг. Ҳимоялаш юзаси - 10 кв.дм. Доимий кийиб юриш вақти 4 соатгача.

Пўлатдан ясалган ҳарбий дубулға. Қўлланиши: Мина ва гранаталарнинг кичик заррачаларидан яраланишдан, таёқлар зарбаларидан, тош зарраларидан, металл симлар зарбаларидан ҳимоялайди. ТТТ: оғирлиги - 1,4 кг. Ҳимоялаш юзаси - 8 кв.дм. Доимий кийиб юриш вақти 8 соатгача.

Никоб-2 дубулғаси оғирлиги 1,3 кг, ҳимоя майдони 13 дм², узлуксиз кийиб юриш вақти 8 соат.

Қалқон” 2(4) даражали ҳимояловчи зирхли совут оғирлиги 5 (8,7) кг (турига кўра), ҳимоя майдони 45,5 дм² (умумий), 15 дм² (асосий), узлуксиз кийиб юриш вақти 8 соат.

Ўқдан ҳимояловчи куртка «Мираж» оғирлиги – 12 кг. ҳимоялаш юзаси – 60 кв. дм. доимий кийиб юриш вақти - 4 соатгача.

“Кора-1” енгил ҳимоя совут оғирлиги 2,5 кг, ҳимоя майдони 46 дм², узлуксиз кийиб юриш вақти 8 соат.

Зарбага қарши қалқон "Витраж". Қўлланиши: улоқтирилувчи предметлар, таёқлар, металл симлар зарбидан ҳимоялайди. ТТТ: оғирлиги - 3 кг. Ҳимоялаш юзаси – 60 кв. дм. Доимий кўтариб юриш вақти - 8 соатгача.

Зирхли жилет БЗТ-75. Қўлланиши: Пистолет, револьвер ва силлиқ қувурли ва ов қуролларининг ўқларидан яраланишдан ҳимоялайди. ТТТ: оғирлиги — 4,5 кг. Ҳимоялаш юзаси — 25 кв. дм. Тақиб юриш вақти - 4 соатгача.

Зирхли қалқон “Девор” (Забор). Қўлланиши: Махсус тадбир ўтказилаётганда ҳужумлар гуруҳларга қарши мўлжалланган. Пистолет, револьвер, қурол, АК-74, АКМ автоматларнинг, М16 винтовка(АҚШ), ўқларидан яраланишдан ҳимоялайди. ТТТ: оғирлиги - 27 кг. Хажми - 900x500 мм. Ҳимоя майдони - 80 дм². Доимий кўтариб юриш вақти 1 соатгача.

Фаол мудофаа воситаларининг тактик-техник тавсифи ва уларни қўллаш тартиби

Махсус резина таёқ ПР-73. Қўлланиши: Қонунбузарларни қайтариш ёки уларни бўйсунмасликларини олдини олиш учун ишлатилади. ТТТ: оғирлиги - 730 гр., узунлиги - 65 см, айланаси — 32 мм. Ишлатилаётган пайтда бошга ва бўйинга зарба бермаслик керак.

Қўл кишанлари БР. Қўлланиши: Қонунбузарларни жисмоний қаршилик кўрсатишларини олдини олиш мақсадида ишлатишга мўлжалланган. ТТТ: оғирлиги - 400 гр., узилиш кучи - 150 кг., Ишлаш микдори - 5000 мартаба, Ишлатилаётган пайтда 2 соат ичида камида бир мартаба қулфлар ҳолати текширилади.

«Черёмуха-1» газли кўл гранатаси. *Қўлланиши:* Очиқ жойларда кўзни ёшлантирувчи воситанинг тоқат қилиб бўлмайдиган концентрацияси билан тутунли газ булутини ҳосил қилиш учун мўлжалланган. ТТТ: оғирлиги - 200 гр., узунлиги - 135 мм, айланаси - 47 мм, газ ажратиш вақти - 40 сек. Булутнинг фронт бўйича ўлчами – 25 метргача, чуқурлиги бўйича - 250 метргача. Ёнғиндан хавфли.

"Черёмуха-6" газли кўл гранатаси. *Қўлланиши:* Очиқ жойларда 60 куб. метр хажмли кўзни ёшлантирувчи воситанинг тоқат қилиб бўлмайдиган концентрацияси билан тутунли газ булутини ҳосил қилиш учун мўлжалланган. ТТТ: оғирлиги - 70 гр., узунлиги - 88 мм, айланаси - 34 мм, секинлашиш вақти — 4 сек., газ ажратиш вақти - 4-7 сек. Ёнғиндан хавфсиз.

"Черёмуха-4" газ гранатали патрони. *Қўлланиши:* 50 куб. метр хажмли қилиб бўлмайдиган концентрацияси билан тутунлигаз булутини ҳосил қилиш мақсадида сигнал пистолетидан; отиш учун мўлжалланган. ТТТ: калибри - 26 мм., Оғирлиги - 49 гр., максимал учиш узоқлиги -165 м., Оммага қарата ва қонунбузарларни мўлжалга олиб ўт очиш тақиқланади

"Черёмуха-7" газ гранатали патрони. *Қўлланиши:* Хонада 30 куб. метр хажмли кўзни ёшлантирувчи воситанинг тоқат қилиб бўлмайдиган концентрацияси билан тутунли газ булутини ҳосил қилиш мақсадида карабиндан отиш учун мўлжалланган. ТТТ: калибри - 23 мм, граната оғирлиги - 38,5 гр., газ ажратиш вақти -5-7 сек.

"Черёмуха-10» аэрозолли пуркаш қоплама. *Қўлланиши:* Қонунбузарларга тўғридан-тўғри таркибида аэрозол бўлган кўзни ёшлантирувчи воситани таъсир қилиши учун мўлжалланган. Тартиб бузарнинг кўкрак қисмига 40-70 см масофада қўлланилади. Тартиб бузарга 15-30 минут давомида тасир қилади.

ТТТ: оғирлиги - 125 гр., қўлланишнинг диапазон температураси минус 0,5° дан плус +50° гача, фаол таркибни ташлаш узоқлиги 4 м., узунлиги – 135 мм. Айланаси 35 мм., фронт бўйича тарқалиши 0,7 м., аэрозолни отиш узоқлиги -90 метиргача., аэрозолни очиқ олов олдида, ишлатиш тақиқланади.

“Резеда-10М” *Қўлланиши:* Қонунбузарларга тўғридан-тўғри таркибида аэрозол бўлган кўзни ёшлантирувчи воситани таъсир қилиши учун мўлжалланган. ТТТ: оғирлиги – 7,5 гр., қўлланишнинг диапазон температураси

минус -10° дан плус +50° гача, фаол таркибни ташлаш узоқлиги 100 дан 200 см гача, қонунбузарга таъсир қилиш вақти 5 сек. Аэрозолни очиқ олов олдида, ишлатиш тақиқланади

Махсус карабин КС-23. *Қўлланиши:* Мўлжалга олиб «Черёмуха-7" гранатасини ва "Волна-Р" резина ўқларини отиш учун мўлжалланган. ТТТ: мўлжалга олиш масофаси - 100 м, калибр - 23 мм, магазин сиғими - 5 патрон, қувури кесимли, оғирлиги-4 кг. дан ошиқ эмас. Гранатанинг максимал учиш узоқлиги - 650 м, 450 м гача масофадан граната отилганда 2-та дераза ойнасини тешади, 40-50 м масофадан 30 мм қалинликдаги тахтали тўсиқни ёки 1 мм қалинликдаги пўлат листни тешади.

СПШ-2 сигнал пистолети. *Қўлланиши:* "Черёмуха-4" газли патрони ва ёритувчи сигнал берувчи патронларни отиш учун мўлжалланган. ТТТ: гранатанинг максимал учиш узоқлиги - 165 м. Калибри - 26 мм. Тез отиш - дақиқасига - 10-12 патрон. Оғирлиги - 900 гр.

Қувурсиз ўлимга олиб келмайдиган пистолет ПБ-4СП *Қўлланиши:* ИИО ходимлари томонидан қисқа масофада шахсий химояланиш учун қўллашга мўлжалланган. ТТТ: калибри- 18,5 мм. оғирлиги-0,5кг., қувур сони-4 та., капсюлини таркиби электорли. отиш узоқлиги- 1м.дан 40 м.гача.

Электрзарбли мослама (ЭШУ). *Қўлланиши:* Юқори қувватли электр заряднинг таъсири билан қонунбузарларни, ҳайвонларни кўрқитиш ва уларни хужумидан химояланиш учун мўлжалланган. Химояланиш ҳаракатларини амалга ошириладиганда индикаторнинг қопқоғини ечиш керак. Тугмани босиб, электродларни хужум қилаётганнинг қўлининг муқулли жойига ёки танасига теққазиб керак. Электродлар хужум қилаётганнинг танасига теққанда, хужум қилаётганда юқори қувватли электр заряди таъсир қилади. Қисқа вақтли (1 сониягача) таъсир кўрқитиб оғриқ ҳиссиётларини келтириб чиқаради, узоқроқ таъсир (5 с) хужум қилаётганни

хушидан кетказади. Ишлатаётган одам мосламадан ўзи зарар кўрмаслиги учун ёмғирли ҳавода, мосламанинг асоси ва қўллар нам бўлганда тақиқланади.

Махсус операцияларни таъминлаш воситаларининг тактик-техник тавсифи ва уларни қўллаш тартиби

"Облако" рансли аппарати. Қўлланиши: Очиқ ҳудудда кукунсимон ёки суюқ кўзни ёшлантирувчи препаратларни сепиш учун мўлжалланган. ТТТ: ишлаш вақти — 1,5 дақиқагача, резервуар сиғими — 15 л, оғирлиги - 8 кг., ишлов бериш майдони - 15000 м².

"Заря" ёритувчи қатик шовқинли гранатаси. Қўлланиши: онунбузарларга кучли ёруғлик ва акустик импульси билан психофизиологик таъсир ўтказиш учун мўлжалланган. ТТТ: айланаси - 64 мм, оғирлиги - 0,15 кг, ёруғлик кучи -30x10 кд, 10 м - масофада овоз босимининг даражаси - 172 дб, секинлашиш вақти - 3,5 сек., самарали таъсир радиуси - 10 м, ишлатилаётган вақтдаги хавфсизлик масофаси - 2 м.

"Пламя" ёритувчи, қатик шовқинли. Қўлланиши: Қонунбузарларга кучли ёруғлик ва акустик импульси билан психофизиологик таъсир ўтказиш учун мўлжалланган. ТТТ: айланаси -75 мм оғирлиги -180 гр., ёруғлик кучи -60x10 кд, 15 м-масофада овоз босимининг даражаси-170 дб, самарали таъсир радиуси-5м ишлатилаётган вақтдаги хавфсиз масофаси-2м.

"Модель-5" ёшлантирувчи газли. Қўлланиши: Курулмали ҳудудларда тўпланган қонун бузарларни, жазони ижро этиш муассасаларида исён кўтарган маҳкумларни тарқатиш ва террорчилардан гаровга олинганларни озод этиш учун мўлжалланган отиш узўлиги -12-15 м., шамол йўқ ҳудудда тасир этиш радиус -60 м. Оғирлиги -5 кг. Захарловчи молласини оғирлиги - 1300 гр Кўмирли кислота газ оғирлиги -700 гр

Қўл газли граната МОДЕЛЬ-303. Қўлланиши: Очиқ ҳудудларда газли булут хостл қилади ва ёшлантирувчи моддалрини тарқатади. Ризиналиайланаси-80 мм, баландлиги-123 мм, оғирлиги 325 гр.газ чиқариш вақти -15сек Секинлашиш вақти -3сек Саф олд томони -20 метиргача, чуқурлиги -500 м-ча.

Бир мартали қўл газли граната МОДЕЛЬ-708. Қўлланиши: Очиқ ҳудудларда газли булут хостл қилади ва ёшлантирувчи моддалрини тарқатади. ТТТ: Картонли айланаси - 69 мм, Баландлиги - 114 мм, Оғирлиги - 310 гр. Секинлашиш вақти -3сек

"Импульс" кичик хажмдаги портловчи мосламаси. Қўлланиши: Чидамлилиги қалинлиги 8 мм гача бўлган пўлат листларга (пўлат 3) тўғри келадиган транспорт воситаларида ёки бошқа тўсиқларда зарур тешиқлар ҳосил қилиш учун мўлжалланган. ТТТ: мосламанинг максимал узунлиги-25 см. Гаровга олинганлар жойлашган биноларда ишлатиш тақиқланади.

"Ключ" кичик хажмдаги портловчи мосламаси. Қўлланиши: Чидамлилиги қалинлиги 60 мм гача бўлган Тахтали тўсиқларга тўғри келадиган эшиқларда ёки бошқа тўсиқларда айланаси 180 ммли зарур тешиқлар ҳосил қилиш учун мўлжалланган. ТТТ: гаровга олинганлар жойлашган биноларда ишлатиш тақиқланади.

Зирхли транспортёр БТР-80 ПБ саккиз ғилдиракли, ғилдираклари хаммаси тортувчи сузувчи машина. Қўлланиши: Мудофаланган, куроланган жиноятчиларни қўлга олиш ва уларни бартараф қилишда, оммавий тартиб бузар тўдаларни тарқатишда қўлланилади. 10-киишини ташиш учун мўлжалланган. ТТТ: шоссели йўл бўйича ҳаракатланиш тезлиги

-80км/соат., сувда - 9-10 км/соат., кумли ерларда - 20-40 км/соат.,Хажм ўлчамлари: узунлиги - 7 м 65 см, эни - 2м 90 см, бўйи - 2 м 50 см. Қуролланиши: КПВТ, ПКТ пулемётлари, радиостанция ўрнатилган.

Кўшинларнинг жанговар машинаси БМП-2 – гусеничали машина. Қўлланиши: Тоғли ва нотекис ҳудудларда террорчи гуруҳларни қўлга олишда ёки йўқ қилиш, таркибида 10-та бўлган ходимни ташиш учун мўлжалланган.

ТТТ: шоссели Йўл бўйича ҳаракатланиш тезлиги – 61 км/соат. Хажм ўлчамлари: узунлиги - 6 м 20 см, эни - 2 м 63 см, бўйи - 2 м 20 см. Қуролланиши: - 30 мм автоматик орудия ва ПКТ пулемёти. Радиостанция ўрнатилган. Башнясига "ПТУР" мосламаси ўрнатилган.

«ЁЖ-М» Автотранспорт воситаларини мажбуран тўхтатиш мосламаси.

Қўлланиши: Ҳаво билан шиширилган шинали ҳар ҳил турдаги кичик ва ўрта юк қўтарувчи автотранспортларни тўхтатиш учун мўлжалланган. ТТТ: оғирлиги - 13 кг, узунлиги - 7 м, эни - 0,131 м. Бу махсус воситаларни қўллаш бошлиқ рухсати билан ишлатилади: ИИО ходимлари, ҳарбийлар яқка ҳолда ҳаракат қилинганда шароитга қараб ходимнинг ўзи ҳал қилади. Махсус воситаларни қуйидагиларга ишлатиш мумкин эмас: Балоғат ёшига тмаганларга, хомиладор аёлларга ва болали аёлларга, ногиронларга, касалларга, қарияларга агар улар хужум қилмаган тактирда.

Зирхли техника алоҳида ҳолатларда, яъни омавий тартиббузарликларни амалга ошириладиётган бир гуруҳ ҳуқуқбузарларни мавжуд ҳаракат йўлларини тўсиш, йўлларда тўсиқларни бартараф этиш, шахсий таркибни бориши қийин бўлган жойларга олиб бориш, ушлаш, гуруҳнинг ҳаракатини таъминлаш, қуролли жиноятчиларни қўлга тушириш бўйича операциялар ўтказилганда қўлланилади.

Махсус воситаларни қўллаётган вақтдаги хавфсизлик чоралари

Карабин КС-23, сигнал пистолетини ишлатиш бўйича буйруқ олингандан аввал ўқлашни амалга ошириш керак. Тутунли газ булути таъсир қилаётган ҳудудга тушиб қолган махсус операция иштирокчилари, зарарли ҳудудни дарҳол тарк этишлари зарур. Тутунли булутдан зарарланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун нашатир спирти (нафас олиш учун) ва 2 фоизли истеъмол қилинадиган сода эритмаси ёки борли кислота (кўзни ювиш учун) ишлатилади. Тутунли газ булути ҳудудида ишлар шахсий ҳимоя воситаларида олиб борилади.

“Черёмуха” махсус воситаси билан ишлаётганда қатъиян тақиқланади:

- “Черёмуха-1”ни қисмларга ажратиш ва ундаги носозликларни бартараф этиш, ҳалтадан ташқарида олиб юриш (белбоғга осилган);
- ҳажми 60 куб.м кам бўлган биноларга “Черёмуха-6” гранатасини икки маротаба ташлаш;
- сигнал пистолетидан отиш учун мўлжалланган ҳар ҳил турдаги 26 мм қоғозли гильзага ўқланган ўқ-дориларни, сигнал берувчи ва ёритувчи ўқ-дориларни, шунингдек «Черёмуха-4” газ гранатасини карабин КС-23 дан отиш учун ишлатиш;
- “Черёмуха-7” гранатасини отиш учун, карабин КС-23 ташқари, бошқа ҳар ҳил қуролни ишлатиш;
- “Черёмуха-4ва7” гранаталар патронини қисмларга ажратиш.

Кичик ҳажмдаги портловчи мосламалар, ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталар ва мосламалардан фойдаланилганда, қўрқитиш воситалари портлаш мосламасидан ажратиб олиб юриш керак.

Қўрқитиш воситаларига электр занжирни улашдан аввал унда электр қуввати йўқлигига амин бўлиш керак.

Ўчиб қолган олов ўтказгич тизимчани қайтадан ишлатиш учун ёқиш қатъиян тақиқланади. Ишламай қолган «Пламя», “Ключ”, “Импульс” мосламаларига, “Заря” гранатасига 10 дақиқа ичида яқинлашиш тақиқланади.

Электр токи билан ишлайдиган мосламалар “Ключ”, “Импульс”, “пламя” ларни ишлатаётганда электр занжирини ишлаётганига амин бўлиш керак ва қайтадан 10 дақиқа ўтгандан сўнг (ишламай қолса) ишлатиш керак воситаларини ишламай қолган мосламалардан узиш керак ва ишламай қолиши сабабаини аниқлаш мақсадида доимий сақлаш жойларига элтиш керак. Устки қисмида ёки асосида камчиликлари (ёриғлар, ишқаланишлар ва бошқалар) бўлган кичик ҳажмдаги портлатиш мосламаларини ва ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталарни қўллаш тақиқланади.

Қуйидагиларга нисбатан “ЁЖ-М” мосламасини қўллаш қатъиян тақиқланади:

- одамларни ташишни ташкиллаштирадиган аҳоли автотранспорти ва юк ташиш автомобиллари;

- чет эл фуқароларига тегишли ёки улар томонидан ижарага олинган автотранспортлар;

- мотоциклар, мотоколяскалар, мотороллерлар, мотопедлар;

- тоғли йўлларда ёки текланган кўринишли йўл участкаларида;

- темир йўл билан кесишган йўлларда, туннелларда, кўприкларда, эстакадаларда.

ЭШҚ мосламасини индикаторига ҳимоя қалпоқларини кийдириб сақлаш, ёқилган ҳолатида электродларига тегмаслик ва қўлларни ҳам унга яқинлаштирмаслик, болаларнинг қўлига тушиб қолишига йўл қўймаслик керак.

ИИО ходимларни резина таёқ ва қалқон ёрдамида ҳаракатларини бажаришга сифатли тайёрланишини таъминловчи аниқ ҳаракатлар. Бунда ИИО ходимлари ёки харбий хизматчилар машқ ва операцияларни бажаришга киришишдан олдин махсус воситаларни жангга яроқлилигини текшириб, йўриқномаларга асосланган ҳолда фойдаланишлари лозим.

Махсус воситаларни қуйидагиларга ишлатиш мумкин эмас: балоғат ёшига етмаганларга, хомиласи кўриниб турган ва болали аёлларга, ногиронларга, қарияларга агар улар хужум қилмаган тактирда.

Фаол мудофа воситаларни қўллашда ва махсус операцияларни ўтказишда ўзини тута билиш зарур. Ички ишлар органларининг ҳатти –ҳаракати белгиланиши топшириққа тўла мос келиши ва фуқароларнинг соғлигига имкон борича шикаст етказмаслик керак.

Фаол мудофаа воситаларини қўллаш ва махсус операциялар ўтказиш махсус воситалар қўлланилиши лозим бўлган шахсларга, бу ҳақида давлат тилида аввалдан огоҳлантириш орқали амалга оширилади. Улар товуш орқали огоҳлантирилиши зарур ҳолларда агар улар орасидаги масофа узоқ бўлса ёки маълум кишилар гуруҳига мурожаат қилганда товуш қайтаргич орқали бир неча марта огоҳлантирилиши улардан жавоб олиш учун маълум вақт берилиши керак. Ҳуқуқбузарлар қатъий қаршилиқ кўрсатганларида ушбу воситалар огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин.

Хулоса: Режанинг учинчи саволи бўйича махсус воситаларнинг тактик-техник тавсифи, қўллаш тартиби ва уларни ишлатиш вақтида эҳтиёт чоралари бўйича назарий билим ва тушунчаларга эга бўлдингиз.

Мустақил иш учун топшириқ:

Махсус воситалар билан жанг олиб бориш вақтида бериладиган командаларини ўрганиш.

8.3.2-МАВЗУ: МАХСУС ВОСИТАЛАР БИЛАН ЖАНГ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ.

Режа:

1-савол. Махсус воситалар билан сафда туриш ва жойида бурилиш қалқонларни тушириш ва махсус воситаларни қўйиш тартиби.

2-савол. Махсус воситалар билан сафда юриш ва югуриш тартиби.

3-савол. 1,2,3 шеренга бўлиб сафланиш ва жанговар ҳолатни қабул қилиш тартиби.

4-савол. Махсус резина таёқ билан зарбаларни бериш.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-савол. Махсус воситалар билан сафда туриш ва жойида бурилиш қалқонларни тушириш ва махсус воситаларни қўйиш тартиби.

Тайёргарлик ҳолатлар деб - машқлар ёки усуллар бажараётганда инсон танасини ўзининг оғирлик маркази ва таянч хажмига нисбатан ўзаро қисмларга тақсимланиши тушунилади. Оғирлик маркази ва таянч ҳажми жангни бошлаш ва кейинги ҳаракатлар учун қулайроқ шароит яратиб бериш мақсадида қабул қилинади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ва Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчиларига резина таёқ ва қалқон ёрдамида ҳаракатларни сифатли бажаришга тайёрланишни таъминловчи аниқ ҳаракатлардир. Бунда ички ишлар ходимлари ёки ҳарбий хизматчилар машқ ва операцияларни бажаришга киришишидан олдин махсус воситаларини жангга яроқлилигини текшириб, йўриқномага асосланган ҳолда фойдаланишлари лозим.

а) “Қалқон оёқка” командаси бўйича сафда туриш. Бу буйруқ бўйича қалқон тик ҳолатда оёқларнинг олдига вертикал ҳолатда ерга туширилади, резина таёқ қалқон тепасига қўйилади ва икки қўл билан ушлаб турилади.

б) “Қалқон қўлга”, “Сафлан” командаси бўйича сафда туриш. Бу буйруқ бўйича қалқон чап қўлда тик ҳолатда кўтарилади, ундан кейин қалқон горизонтал ҳолатга келтиради, резина таёқ тасмаси ўнг қўл билагига илиб қўйилади.

“Ўнг-га”, “Чап-га”, “Орқа-га” буйруқлари бўйича бурулишлар.

Тўхтаб турган жойда бурилишлар худди оддий саф усуллари каби бажарилади, лекин бир аломати билан ажралиб туради. Бошланғич буйруқ, “Ўнг-“ бўйича қалқон бошланғич ҳолатдан тик ҳолатга ўтказилади, бажарилувчи буйруқ “-га” бўйича эса кўрсатилган томонга бурилиб, қалқон горизонтал ҳолатга ўтказилади. “Чап-га”, “Орқа-га” буйруқлари бўйича ҳам шундай ҳаракатлар қилинади, резина таёқ бошланғич ҳолатда туради.

ХУЛОСА: Биринчи ўқув саволига яқун ясаб тушунарсиз бўлган жойларини яна бир бор қайтариб ўтилади ва иккинчи ўқув саволини ёритишга киришилади.

2-савол. Махсус воситалар билан сафда юриш ва югуриш тартиби

Махсус воситалар билан сафда юриш ва югуриш тартиби.

Сафда юриш ва югуриш усуллари махсус воситалар билан бажариш, саф усуллари каби ўз методикасига эга.

Махсус воситалар билан сафда юриш ўзлаштирилиши бўйича энг мураккаб ва қийин усуллардан бири бўлиб, ўргатиш жараёни анча қийин кечади. Ушбу усул уни бажараётганлардан аниқлик, хотиржамлик, қўл ва оёқлар ҳаракати уйғунлигини талаб қилади. Махсус воситалар билан юриш машғулотларига киришишдан олдин ўқитувчи гуруҳга уни қаерда қўлланишини тушунтиради ва махсус воситалар билан юришга ўргатишда ҳам, ҳар бир янги усул каби, намунали кўрсатиш ва тушунтириш ишлари олиб борилади.

Бу усулни ўқитувчи томонидан тўлиқ кейин элементларга бўлиб кўрсатилади.

Сафда юриш учун қадам бос буйруғи берилади бунда Бошланғич буйруқ, “Қадам-“ бўйича қалқон бошланғич ҳолатдан тик ҳолатга ўтказилади, бажарилувчи буйруқ “-бос” бўйича эса кўрсатилган томонга бурилиб, қалқон горизонтал ҳолатга ўтказилади. “Чап-га”, “Орқа-га” буйруқлари бўйича ҳам шундай ҳаракатлар қилинади, резина таёқ бошланғич ҳолатда туради.

“Жойда кадам-БОС” командасида оёқлар ердан 15–20 сантиметр кўтарилиб, ерга тўлиқ оёқ кафти билан тушади қалқон горизонтал ҳолатга резина таёқ бошланғич ҳолатда туради.

Шаҳдам кадам билан юриш ҳаракатига дастлаб дақиқасига 60–70 кадам, кейин эса унинг суръатини ошириб, дақиқасига 110–120 кадам билан ўргатишга киришилади.

Раҳбар машғулот пайтида бирор-бир хатони сезса, гуруҳни тўхтатиб ўз томонига буради ва қандай бажариш кераклигини кўрсатиб, машқни давом эттиради. Ўрганувчилардан биттаси кўпол хато қилган бўлса, уни бир кадам четга чиқариб, хатоларини кўрсатган ҳолда тўғрилаб боради.

Махсус воситалар билан сафда югиришни ўргатиш усули бажариш учун уйғунлигини талаб қилади. Махсус воситалар билан югириш машғулотларига киришишдан олдин ўқитувчи гуруҳга уни қаерда қўлланишини тушунтиради ва махсус воситалар билан югуришга ўргатишда ҳам, ҳар бир янги усул каби, намунали кўрсатиш ва тушунтириш ишлари олиб борилади.

Саф билан югириш учун югириб кадам бос буйруғи берилади бунда бошланғич буйруқ, “Югуриб кадам-“ бўйича қалқон бошланғич ҳолатдан тик ҳолатга ўтказилади, бажарилувчи буйруқ “-бос” бўйича эса кўрсатилган томонга бурилиб, қалқон горизонтал ҳолатга ўтказилади, резина таёқ қалқонни ички томонида ўнг тепа қисмига урилади ва резина таёқ урилиши билан биргаликда чап оёқ ерга қўйилади. **“Жойда югуриб кадам-БОС”** командасида қалқон горизонтал ҳолатда бўлиб резина таёқ қалқонни ички томонида чап тепа қисмига урилиши билан биргаликда чап оёқ ерга қўйилади.

3-савол. 1,2,3 шеренга бўлиб сафланиш ва жанговар ҳолатни қабул қилиш тартиби

Бир - икки - уч - шеренгали сафга сафланиши.

Қуйидаги буйруқлар бўйича махсус воситалар билан умумий саф усуллари бажарилади: “Қалқон қўлга”, “Қалқон саф юришига”, “Сафлан”. Шундай қилиб, бир қаторга сафланиб қўл билан резина таёқни ушлаб ён томонга чўзиб оралиқ масофа олинади. Шахсий таркибни бир шеренгали сафдан икки шеренгали сафга сафлаш учун қуйдагиларни бажариш зарур:

- “1 ва 2 рақамлилар саналсин” деб буйруқ берилади;
- биринчи рақамлилар икки кадам олдинга “Қадам бос” деб буйруқ берилади.

Бу буйруқлар бўйича биринчи рақамлилар икки кадам олдинга кадам босадилар ва шу ҳолатда турадилар, шундай қилиб икки шеренгали жанговар тартиб “Шахмат” деб номланувчи саф ҳосил қилинади.

Шахсий таркибни уч шеренгали сафга сафлантириш учун ҳам худди шунда ҳаракатлар амалга оширилади, бунда «Шахмат» тартибини сақлаган ҳолда учинчи рақамлилар икки кадам орқага кадам ташлайдилар. Зарурят туғилганда юзага келган оғир вазиятда бўлинма командири ўз бўлинмаларини эркин бошқара олиши ва сафлантириши учун ҳар бир ходим жанговар тартибда ўзининг ўрнини аниқ ва пухта билиши керак.

Махсус воситалар билан жанговар ҳолатни қабул қилиши

Жангга тайёрланиш бу ички ишлар идоралари ходимларни ва қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчиларни тартиббузарларга хужум қилиши ёки ўзини химоя қилиш учун “Жангга” командаси бўйича жанговар ҳолати.

- а) Қалқонни тикка кўтариш, туйниклари кўз рўпарасида.
- б) Қалқонни ўнг оёқ билан суриш орқали бирга кадам орқага сурилади, ўнг оёқни товони танага нисбатан 45⁰ бурилади.
- в) Чап оёқни товони олдига қараб жойлашган.
- г) Тана оғирлиги ўнг оёққа туширилади, оёқлар тиззага ўтирилади.
- д) Қалқон танага қўл билан жойлаштирилади, бу ҳолатда қалқон учта нуқтага таянган бўлиши керак: тиззага, елкага, каскага.

е) Махсус резина билан ўнг тепа томонига урилади (товуш) ва елка кейинги зарбани уриш учун қўйилади.

ё) Тана тўғри туради туйниклар орқали холат кузатиб борилади.

ХУЛОСА: учунчи ўқув саволига якун ясаб тушунарсиз бўлган жойларини яна бир бор қайтариб ўтилади.

4-савол. Махсус резина таёқ билан зарба бериш.

«УР» буйруғи бўйича махсус резина таёқ билан уриб бажарилади, бу усул тартиббузар билан тўқнашганда ва тўқнашишга ҳаракат пайтида ҳамда чекинганда ишлатилади. Ҳамма уруш ҳаракатлари товуш билан бажарилади.

Махсус резина билан уруш асосий тўрта тартиби мавжуд:

а) Юқоридан зарба бериш қуйдаги холатда бажарилади:

«ЖАНГОВАР» холатида турилади. Ўнг қўл тирсаги кўтарилган, махсус резина таёқ ўнг елкага қўйилади. «УР» буйруғи бўйича имконият яратилиши билан қалқон очилади куч орқали махсус резина таёқ билан мўлжалланган объектга урилади. Бир вақитда чап оёқ билан бир қадам олдинга ташлаш керак. Тана қўл ҳаракат билан қайриб қаттиқ урилади. Кейин қўл орқага қайтиш пайтида қалқонни орқага қайтаради.

б) Тўғрига зарба бериш қуйдаги холатда бажарилади:

«ЖАНГОВАР» холатида турилади. Қўл кўкрак устида тирсаги букилган ҳолда, махсус резина таёқни олдинга қаратилган ҳолда ушлаб туриши керак. «УР» буйруғи бўйича чап оёқ бир қадам олдинга босилади. Қалқон ёнга очилиб нуқтили уриш тез ва чақон ҳаракат билан бажарилади. Сўнг тез олдинги ҳолат қабул қилинади.

в) Ён бошдан зарба бериш қуйдаги холатда бажарилади:

«ЖАНГОВАР» холатида турилади. Ўнг қўл тирсаги кўтарилган, махсус резина таёқ ўнг елкага қўйилади. «УР» буйруғи бўйича қалқон ёнга очилиб махсус резина таёқ билан ўнгдан чапга тез ва чақон ҳаракат билан мўлжалланган объектга урилади, бир вақитда чап оёқ билан бир қадам олдинга ташлаб, ўнг оёқ чўзилади. Тана қўл ҳаракат билан қайрилиб қаттиқ урилади. Қўл орқага қайтиш пайтида олдинги ҳолат қабул қилинади қалқон орқага қайтарилади.

г) Оёқларга зарба бериш қуйдаги холатда бажарилади:

“Пастдан-УР” командасига асосан жанговар ҳолатдан (ПР-елкада) амалга оширилади; зарбанинг техникаси ён томондан бериладиган зарба техникасига ўхшаш бўлиб, фақат зарба ўтирган берилади. Зарба берилганда гавдани максимал даражада ҳимоялашини таъминлаш учун қалқон вертикал ҳолатда юқорига кўтарилади зарба берилгандан сўнг олдинги ҳолат қабул қилинади.

Ўқитувчи ҳар бир тингловчини назоратга олиб бажараётган машиқларини текширади ва камчиликларга ҳамда хатоликларга йўл қўйган тингловчиларни хато ва камчиликларини тўғирлаб, тушунтириб тингловчиларнинг кўникмаларни шакилтириш учун машиқ қилдиришни давом эттиради.

Тингловчиларга машқни мустақил ўрганишларига рухсат берилиши мумкин. раҳбарлик қобилияти ва машғулот ўтказиш методик кўникмаларини ривожланиши учун уларни навбатма-навбат ўқитувчи қилиб тайинлаш мақсадга мувофиқдир.

Келгуси машғулот учун топшириқ:

Махсус воситаларни қўлашни тақиқлайдиган ҳолатлар.

2-амалий машғулот

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ РЕЖАСИ:

1-савол. Ўтилган амалий машғулотда махсус восита резина таёқ билан жойда турган ҳолда уриш усулларини.

2-савол. Махсус восита қалқон билан жойида турган ҳолда уриш, резина таёқ, қалқон ва ИИО ходимлари кийимидан ушлаб тортишлардан қутилиш усулларини бажариш техникаси.

3-савол. Махсус воситалари билан олдинга, орқага ҳаракатланиш ва жипсланиш техникаси.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-савол. Ўтилган амалий машғулотда махсус воситалар билан сафда туриш ва жойида бурилиш, юриш, югуриш, 1,2,3 шеренгаларга сафланиш ва жанговар ҳолатни қабул қилиш усуллари.

Ўтилган биринчи амалий машғулот қиман такрорланнади.

2-савол. Махсус восита қалқон билан жойида турган ҳолда уриш, резина таёқ, қалқон ва ИИО ходимлари кийимидан ушлаб тортишлардан қутилиш усуллари бажариш техникаси.

Махсус қалқон (Витраж) билан жанг қилиш усуллари

Қалқон билан бериладиган ушбу зарбалар бўлими иложсиз ҳолларда оғир оқибатларга олиб келувчи турга таалукли ва фақат иложсиз ҳолларда қўлланилади.

Махсус қалқон жиноятчи билан яқин тўқнашган пайтда қўлланилади. Қалқон ёрдамида ҳимояланади ва зарбалар берилади.

Қалқон билан бериладиган зарбалар

Қалқоннинг олди томони билан бериладиган зарба. Қалқоннинг олди томони билан бериладиган зарба “Жангга” ҳолатидан бошлаб бажарилади. Ушбу зарбани душман билан яқин масофада юзлаш-ганда амалга оширилади, тана бирлиги чап оёққа ўтказилади, бунда тана озгина олдинга ҳам сурилади, қўл қалқон билан олдинга чиқарилади ва қалқоннинг умумий ёпқич юзаси билан зарба берилади. Усулни бажариб бўлгандан сўнг бошланғич ҳолатга қайтилади.

Қалқоннинг ён томони билан бериладиган зарба. Қалқоннинг ён томони билан бериладиган зарба “Жангга” ҳолатидан бошлаб бажарилади. Зарбани юбориш учун тана оғирлиги чап оёққа ўтказилади ва танани буриб қўлни қалқон билан чўзиб зарба берилади, қалқоннинг ён томони билан зарба шундай берилиши керакки, қалқоннинг ён томон юзаси нишонга тўлиқ тегиши керак. Қалқоннинг пастки қисми билан бериладиган зарба. Қалқоннинг пастки қисми билан бериладиган зарба ҳам “Жангга” ҳолатидан бошлаб бажарилади. Ушбу ҳаракатни бажариш учун тана оғирлигини чап оёққа ўтказиб, қалқон очилади ва чап томонга бурилади, пастки қисмини бироз тепага кўтариб, пастдан тез кесиб ташлайдиган зарба берилади.

Таёқ билан тепадан берилаётган зарбадан ҳимояланиш

“Бир” – душман таёқ билан зарба бераётган вақтда чап оёқ билан олдинга қадам босиб қалқон билан зарбадан ҳимояланади. Сўнгра резина таёқ билан душман оёғининг тиззасига зарба берилади.

“Икки” – чап оёқда чапга бурилиб, бир вақтнинг ўзида қалқон билан душманнинг қўллари четга сурилади. Ўнг оёқ билан олдинга қадам ташлаб резина таёқ билан душман қўллари зарба берилади.

“Уч” – ўнг оёқ билан душманнинг кўкрагига, қорнига икки оёғининг орасига тепилади.

Таёқ билан оёққа берилаётган зарбадан ҳимояланиш

“Бир” – ўнг оёқ билан орқага қисқа қадам ташлаб, бир вақтининг ўзида қалқонни ва чап оёқни ерга қўйиб (чап тиззани қалқоннинг пастки қисмига тираб), резина таёқ билан душман оёғининг тизза қисмига зарба берилади.

“Икки” – чап оёқда ердан кўтарилиб, гавдани чапга бурилади, резина таёқ билан душманнинг қўллари зарба берилади.

“Уч” – чап оёқни олдинга ташлаб қалқон билан душманга зарба берилади.

Юқорида келтирилиб ўтилган зарба усуллари алоҳида берилган зарбалар тўплами кўриниши ва ҳимоя ҳаракатларининг мажмуидир.

Ҳақиқий шароитдан келиб чиққан ҳолда бу каби усуллар (уланишлар)ни кўплаб яратиш мумкин.

Ушлашлар (захват)дан қутилиши

Тажрибалар шуни кўрсатадики безори элементлар томонидан гуруҳ бўлиб жамоат тартиби бузилганда ёки омавий тартиббузарликлар содир этилганда тартиб бузарлар томонидан махсус резина таёқдан, қалқондан ҳамда ички ишлар ходимларининг, харбий хизматчиларнинг кийимларидан тортиш, ушлаш олиб қўйиш ҳолатлари кузатилган.

Бундай ҳолатларда қуйидагилар амалга оширилади:

- тартиббузар томонидан қалқондан ушлаб тортиш ҳолатларида махсус резина таёқ билан тартиббузарни қўлига урилади ва қалқон билан итариб юборилади;
- тартиббузар томонидан махсус резина таёқдан ушлаб тортиш ҳолатларида тартиббузарни белидан пастки қисми (пах)га оёқ билан зарба берилади ёки қалқон тепа қисми билан бошига урилади;
- тартиббузар томонидан ички ишлар ходимларининг, харбий хизматчиларнинг кийимларидан ушлаб тортиш ҳолатларида махсус резина таёқ ёки қалқон билан тартиббузарни қўлига урилади.

3-савол. Махсус воситалари билан олдинга, орқага ҳаракатланиш ва жипсланиш техникаси.

Ҳаракатланишлар қадам босиб, сапчиб ва югуриб бажарилади. Қадам босиш ҳаракатланиш йўналишига яқин турган оёқдан бошланади. Бошқа оёқ тананинг тик турган ҳолатини сақлашга имкон берадиган масофага қўйилади. Сапчиб ҳаракатланиш тартиббузар билан яқинлашиш ёки ундан тез узоклашишда фойдали усулдир. Буйруқ бўйича ҳаракатланиш

а) “Қадам бос “ буйруғи бўйича олдинга ҳаракатланиш бошланади. Буйруқ “Жангга” ҳолатидан бошлаб бажарилади.

Бу буйруқ бўйича оёқлар орасида $\frac{3}{4}$ қисм масофа узокликда чап оёқ бир қадам олдинга ташланади. Чап оёқ ерга қўйилиши билан ўнг оёқ ҳам шунча масофага ташланади.

Резина таёқнинг дастаги ёрдамида қалқоннинг ўнг тепа бурчагига овоз билан зарба берилади (резина таёқ елкада туради).

Эслатма: резина таёқнинг дастаги, шунингдек ишчи (зарба берадиган) қисми билан зарба бериш мумкин.

б) “Орқага қадам бос” буйруғи бўйича ҳаракатланиш тескари тартибда бажарилади.

Махсус воситалар билан олдинга ва орқага ҳаракатланиш одий ҳолада ва жанга ҳолатидан амалга оширилади. Одий ҳолат қалқон ён бошда яни қўллар туширилган ҳолда ёки қалқон билан олд қисми ёпилган ҳолда кузатув туйниклар орқали олиб борилади. Орқага ҳаракат амалга оширилганда олдинда турган тартиббузарлар кузатилади. Машғулот давомида олдинга ёки орқага “Қадам бос” командаси билан ҳаракат бошланади, ҳаракатланаётган вақтда секция, отрядларнинг фронт бўйича текслиги сақланиб қолади. Олдинга ёки орқага қадам бос командаси “3 қадам орқага” ёки “3 қадам олинга” деб берилади, қадам сони командир (раҳбар) вазиятдан келиб чиқан ҳолда беради.

Келгуси машғулот учун топшириқ:

Махсус воситаларни тактик-таҳник тавсифларини конспектлаштириш.

8.3.3-МАНВЗУ “АИР М-140”, “СКОРПИОН” ВА “СКАЛА” РУСУМЛИ ЭЛЕКТРОШОК ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ТАКТИК-ТЕХНИК ТАСНИФИ, ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ.

Режа:

1-савол. АИР “М-140” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник тавсифи.

2-савол. “СКОРПИОН” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник тавсифи.

3-савол. «Скала» русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник тавсифи.

АСОСИЙ ҚИСМ

1–Савол. АИР “М-140” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник тавсифи.

АИР «М-140» русумли электрошок ҳақида.

Мазкур, «М-140» русумли электрошок қурилмаси қурол кўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу кўриниш тартиббузарга қўшимча психологик таъсир кўрсатади. Ушбу электрошок ўзи ва қўшимча картриджи билан ҳам ихчам ва кийимда яширин равишда олиб юриш учун қулай. Электрошок қурилмасини бириктирилган табел қуроли каби елкага осиб олинадиган қурол ғилофида ёки камардаги қурол ғилофида олиб юриш мумкин.

Қурол ғилофи ёки камардаги ғилоф

Камарда электрошок қурилмасини қўшимча картридж билан ҳам олиб юрса бўлади. Қурилмани ишга тушурганда, ундаги лазер ва чироқ автоматик тарзда ёқилади. Бу эса сутканинг тунги вақтларида фойдаланиш учун жуда қулайдир.

Электрошокнинг барча функционал қисмлари, ишга тушириш тугмаси, сақлагич одатий ва қулай тарзда жойлаштирилган. Ушбу турдаги электрошоклар ИИВ тизими ходимлари учун мўлжалланган.

АИР «М-140» русумли электрошок қурилмаси.

Электрошоклардан фойдаланиш учун махсус мураккаб кўникмалар талаб қилинмайди. Уларнинг қўлланилишини ҳар қандай ходим осонликча ўзлаштириб олади. Қуйида, электрошок техник қурилмаси, уни қувватлаш жараёни, қўллашга тайёргарлик кўриш ва қўшимча аксессуарларни ўрнатиш ҳақида ҳикоя қилинади. **Мазкур, қурол кўринишидаги «М-140» русумли электрошок автоматик тарзда ёқиладиган лазер ва тунги чироқлар, ахборот берувчи лед дисплейи ва бошқа имкониятлари ҳақида тушунчалар бериб ўтилади.** Электрошокни масофадан туриб ишлатиш учун иккита турдаги картриждан фойдаланиш мумкин.

Нур-шовқинли картридж ўрнатилиш тартиби.

Электрошокни созламаларини тўғрилаш учун унинг дастасидаги лед дисплейдан фойдаланилади.

Электрошокни ишга туширилганда, дисплейда қуйидаги маълумотлар кўринади.

- аккумулятор қувватининг даражаси;
- маҳаллий вақт, соат ва дақиқа;
- электрошокдан неча маротаба фойдаланилганлиги;
- электрошокнинг дастурий таъминот версияси;
- ишлаб чиқарувчининг номи;

Электрошок менюсига кириш учун, унинг сақлагич ҳолатига қўйиб дастакдаги сервис тугмасини ингичка жисм ёрдамида 10 сония давомида босиб турилади. Экрани менюси фаол ҳолатига ўтади, бироқ бу вақтда яъни меню ёниқ вақтда электрошокдан нофаол ҳолатда бўлади, яъни ундан фойдаланиб бўлмайди. Менюда юқорида таъкидланганидек 3 та асосий маълумотлар кўринади.

- маҳаллий вақт, соат ва дақиқа;
- вақтни сошлаш;
- электрошокдан неча маротаба фойдаланилганлиги кўриш;
- менюда акс этган бирон бир функцияга кириш учун уни танлаб яна дастакдаги сервис тугмасини босиш керак.

Менюда маълумотларнинг кўриниши.

Керакли созламаларни амалга оширгандан сўнг уни хотирада сақлаш ёки ўзгартиришсиз қолдириш учун электрошокнинг ҳаракатга келтириш тепкиси босилади.

- маҳаллий вақт, соат ва дақиқаларни созлаш (установка часов)

Бунинг учун;

-биринчи менюдан соат созламасини танланади. Бунда танланган ёзув алоҳида ранг билан ажралиб туради ва электрошокнинг ҳаракатга келтириш тепкиси босилади.

-иккинчи соат ва сана созламалари кўринади. Дастлаб соат ва дақиқалар аниқ вақт режимида, ундан кейин йил, ой ва кун календар бўйича соланади.

Менюдаги йил, кун ва соат тизимини созлаш.

- электрошокдан неча маротаба фойдаланганликни кўриш (просмотр протокола) менюси;

Фойдаланилганлиги ҳақида маълумот.

Бунинг учун,

-биринчи менюдан “просмотр протокола” созламасини танланади. Бунда танланган ёзув алоҳида ранг билан ажралиб туради ва электрошокнинг ҳаракатга келтириш тепкиси босилади.

Фойдаланилганлиги ҳақида маълумот.

-иккинчи бу жараёнда электрошокдан фойдаланганлик тартиби, фойдаланилган санаси ва вақти кўринади.

Электрошок чироғини ёқиш учун қуйидаги амаллар кетма-кетликда бажарилади.

Электрошок чироғини ёқиш.

- электрошокнинг ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва сақлагич ёқиб тепки қўйиб юборилади.

электрошок фонари ҳамда лазер нуруни бир вақтда ёқиб туриш учун эса қуйидагилар бажарилади.

- электрошокнинг ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва тепки қўйиб юбормаган ҳолда ушлаб турилади. Орадан 3 сония вақт ўтгач ўзингизга қулай бўлган режимни танлаб оласиз ва тепкини қўйиб юборасиз. Электрошок аккумуляторини қувватлантириш учун аккумулятор дастакдан ажратиб олинади. Ундан сўнг аккумуляторни қувватлантириш учун 220 вольт кучланишга эга электр тармоғига уланади.

Электрошок аккумуляторини қувватлантириш.

Қувватлантириш жараёни амалга оширилаётганда қувват берувчи қурилманинг қизил чироғи ёниб турган бўлса аккумулятор қувватининг пастлигидан ва яшил чироқни ёниб турганлиги аккумуляторнинг тўлиқ қувватланганидан далолат беради.

Электрошок дастагини ўрнатиш.

Бу турдаги электрошокга қўшимча "пикатини" қурилмасини ўрнатиш мумкин. Бу эса электрошокга яна бошқа мосламаларни ўрнатиш имконини беради. Махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар, ҳайдовчиси ходимнинг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда, жинойтлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда, муҳофаза қилинадига объектларни химоя қилишда ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларнинг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда фойдаланилади.

АИР “М-140” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник тавсифи.

Техник тавсифнинг номланиши	Тавсифнинг мазмуни
• Оғирлик кучи 1 кОм, Вт бўлганда ўртача таъсир қуввати	7,0-10,0
• Учқун разрядининг кучланиши	70,0-120,0

<ul style="list-style-type: none"> Ишлаш ҳароратининг диапазони, °С 	–15дан +50гача
<ul style="list-style-type: none"> Ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0,98 бўлганда ўртача ишлаш миқдори, қувватланиш элементлари тугашини ҳисобга олмаган ҳолда, ёқиб-ўчириш сони 	3000
<ul style="list-style-type: none"> Габарит ўлчамлари,мм – узунлиги – баландлиги – кенглиги 	154±2 114±2 42±2
<ul style="list-style-type: none"> Оғирлиги, кг 	0,25±0,03

Корпуснинг ўрта қисмида қуйидагилар жойлашган



- * – корпуснинг чап томонида лазерли мўлжалга олувчи (ЛМО) (6)
- * – корпуснинг ўнг томонида ёритгичнинг ёруғлик диодли фонари жойлашган қабариқ қисми (7) (LED фонари)

* Пистолет дастагида қуйидагилар жойлашган

- Аккумулятор батареяси ечиладиган орқа қопқоғи (8);
- Ечиладиган аккумуляторли батареяси (9) АКБ;
- Маҳсулотнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи OLED дисплейи (10);
- Қўшимча учлик (насадка)ларни маҳкамлаш учун қурилма (11);
- ЭШҚнинг беҳосдан ўчиб қолишини олдини олувчи сақлагич (12);
- Сервис тугмаси (13) (чўқурни ичида) ЭШҚнинг сервис функцияларини танлашга мўлжалланган.



2-ўқув саволи. «Скорпион» русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник таснифи.

Электрошоклардан фойдаланиш учун махсус мураккаб кўникмалар талаб қилинмайди. Уларнинг қўлланилишини ҳар қандай ходим тезда ўзлаштириб олади. Қуйидаги электрошок техник қурилмаси, уни қувватлаш жараёни, қўллашга тайёргарлик кўриш ва қўшимча аксессуарларни ўрнатиш ҳақида ҳикоя қилинади.

“Скорпион” русумли электрошок

Мазкур электрошок, жиддий синовдан ўтган, кучли зарбга ва юқори чидамли корпусга эга.

“Скорпион” русумли электрошок қурилмаси. Бу турдаги электрошокни кучли химоя тизимига эга бўлиб, тартиббузарлар томонидан тортиб олишига имкон бермайди. Юқорида таъкидланганидек бу турдаги электрошокерга масофадан туриб фойдаланиш ва нур-шовқин чиқарувчи картриджлар ўрнатилиши мумкин.

“Скорпион” русумли электрошок қурилмаси.

Юқорида, бу турдаги электрошокга қўшимча ўрнатиладиган кучли ёритувчи фонар ҳамда 120 децибелга тенг кучли овоз чиқарувчи «Сирена» қурилмаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаб ўтилди.

Сирена қурилмаси.

Бу электрошокга фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилма осонлик билан ўрнатилади ва ечиб олинади. Бунинг учун электрошокни дастак қисмини ҳимоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми бўшатилиб, унинг ўрнига қурилмани ўрнатиш кифоя бўлади. Фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилмани электрошокнинг қувватлантириш орқали ток манбаига эга бўлади. Лекин, фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилмани электрошокдан олмаган ҳолатда ҳам қувватлантириш мумкин.

«Скорпион» электрошок қурилмасини қувватлантириш.

Электрошокга қўшимча қурилма ўрнатиладиган тақдирда ҳам унинг барча аввалги функциялари йўқолмайди. Бу вақтда ҳам электрошокдан инсон танасига теккизган ҳолда ҳамда масофадан туриб фойдаланиш мумкин. Электрошокни тўғри ва самарали ишлаши учун уни мунтазам равишда электр манбаи билан қувватлантириб туриш керак. Қувватлантириш жараёни оддий, кўп вақт ва ҳаракат талаб қилмайди. Қувватлантириш қурилмасини улаш учун электрошокни дастак қисмидаги ҳимоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми очилади ва қувватлаш қурилмаси уланади.

Қувватлантириш тартиби.

Ундан сўнг аккумуляторни қувватлантириш учун 220 вольт кучланишга эга электр тармоғига уланади. Қувватлантириш жараёни амалга оширилаётганда аккумуляторнинг яшил чироғи ёрқинроқ ёнади бу эса аккумуляторнинг қувватланаётганлигидан далолат беради.

Қувватлантириш тартиби.

Электрошокни 8 соат давомида қувватлантирилганидан сўнг уни ишлашини текшириб кўриш мумкин. Айрим ҳолларда, электрошокнинг аккумуляторини зудлик билан алмаштириш зарурияти юзага келиши мумкин.

Электрошок аккумуляторини алмаштириш

Бунга ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам ечим топилган. «Скорпион» русумли электрошокларнинг барча моделлари учун қўшимча аккумуляторлар манбаалари ишлаб чиқарилади. Бундай вазиятларда ходим мустақил равишда оддий қўл фонарини батареяқасини ўзгартириш каби электрошокни қувват манбаини алмаштириб олиш мумкин.

Аккумулятор, зарур ҳолатлар юзага келишини, тунги вақтни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган, уни манфий ёки мусбат томонини ажратиш талаб этилмайди, аккумулятор ҳар қандай усулда электрошокга жойлаштирилиши мумкин. Электрошок қурилмасига ўрнатиладиган нур-шовқинли картридждан фойдаланилганда у ўзидан ёруғлик чакнаши ва 135 децибелга тенг шовқин чиқариши натижасида тартиббузарнинг кўриш қобилияти вақтинча чекланиб, мувозанати йўқолади.

Нур-шовқинли картриджни ўрнатиш.

Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартиббузар ўртасидаги оралик масофа 1 метрдан кам бўлмаслигини ёдда тутиш лозим, акс ҳолда картридж қўлланилган шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

Ходим картриджни қўллаётганда қон босими кўтарилганда кулоқ битиб қолишини олдини олиш учун **албатта** ён томонга бурилиб, **оғзини катта очиб туриш тавсия этилади.**

Бундан ташқари, нур-шовқинли картридждан фойдаланиб бўлгандан кейин электрошокдан фойдаланишни давом эттириш мумкин.

«Скорпион» русумли электрошок қурилмасининг қўллаш тартиби

"Скорпион" русумли электрошок қурилмалари бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган резина таёқ, яъни дубинкага ўхшаш шаклда ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан нафақат электрошок сифатида, заруратга қараб дубинка сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

"Скорпион" электрошок резина таёк сифатида қўллаш.

Бу турдаги ЭШҚ мустаҳкам шишатолали материалдан тайёрланган. Унинг тутқичи сирғанмайдиган материалдан бўлиб, кафтда ушлаб туриш учун қулай ва қўлдан тушиб кетишини ёки тартиббузарлар томонидан олиб қўйилишини олдини олиш мақсадида билакка ўтказиб олинadиган махсус лента мавжуд.

Сақлагич, бош бармоқ остида "Пуск" тугмачасининг ёнида жойлашган бўлиб, бу эса қисқа сонияларда электрошокни осонлик билан жанговар ҳолатига тушириш имконини беради. Бу турдаги электрошок қурилмасини ҳам (шу жумладан, олдиндан ўрнатилган қўшимча картридж билан) камарга осиладиган махсус ғилофда олиб юриш мумкин. "Скорпион" оиласига кирувчи "Малвина" русумли электрошок ҳам мавжуд бўлиб, бу турдаги электрошоклар бошқаларидан фарқли ўлароқ янада ихчамлиги билан фарқланади.

Ундан ташқари бу турдаги электрошокларни аёллар томонидан фойдаланилиши ҳамда уларнинг сумкаларида олиб юришлари учун ҳам қулай ҳисобланади. Барча электрошоклар тўғри ва узок вақт давомида хизмат қилиши учун бир нечта умумий қоидалар мавжуд:

биринчидан, электрошокни мунтазам равишда қувватлаб туриш зарур. Агар электрошок узок вақт ишламай турган тақдирда ҳам камида бир йилда бир марта қувватлантириш талаб этилади.

Электрошокдан фойдаланилган бўлса уни қувватлантириш тавсия этилади;

- **иккинчидан**, электрошокга сув ёки бошқа намлик тушганда, уни юмшоқ мато билан артиб қуриштириш лозим;

- **учинчидан**, электрошокни ишлатиш жараёнида носозликлар ёки бошқа муаммолар юзага келса, камчиликни бартараф этиш учун электрошокни хизмат кўрсатиш марказларига топшириш талаб этилади ва уни мустақил равишда демонтаж қилиш қатъиян ман этилади!

"ЭШҚ"НИНГ ТЕХНИК ТАВСИФИ

Техник тавсифининг номланиши	Тавсифининг мазмуни
Оғирлик кучи 1 кОм. Вт бўлганда ўртача таъсир қуввати	7,0-10,0
Учкун разрядининг кучланиши кВ	70,0-120,0
Ишлаш ҳароратининг диапазони, °С	-20дан +50гача

"ЭШҚ"НИНГ ГАБАРИТ ЎЛЧАМЛАРИ ВА МОДЕЛИНИНГ ОҒИРЛИГИ

ЎЛЧАМЛАР	250-А/250-АЦ	350-А/350-АЦ	500-А
Узунлиги, мм	268±2	339±1	550±5
Диаметри, мм	52.5±1	52.5±1	52.5±1
Оғирлиги, гр	480±20	580±20	750±20

3-ўқув саволи. «Скала» русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник таснифи.

Ушбу «Скала» русумли электрошок қалқони. Мазкур электрошок қалқони тўғридан - тўғри механик таъсирдан, яъни таёк, темир жисм, тош ёки оёқ билан зарба берилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳимояланиш учун мўлжалланган.

«Скала» русумли электрошок қурилмаси

Ушбу қалқоннинг корпуси енгил ва бардошли қуйма поликарбонатдан тайёрланган бўлиб, бу нафақат зарбадан ҳимоя қилишда ишончли, балки олиб юриш учун ҳам қулайдир. Қалқон эргономик тутқичга эга бўлиб, унинг ёнида сақлагичдан олиш тугмаси ва «ишга тушириш» тугмаси мавжуд.

«Скала» русумли электрошок қалқони

Ушбу қалқон юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, корпуси енгил ва бардошли қуйма поликарбонатдан тайёрланган бўлиб, бу нафақат зарбадан ҳимоя қилишда ишончли, балки олиб юриш учун ҳам қулайдир. Электрошок қалқони бир вақтда электрошок вазифасини ҳам бажаради. Қалқоннинг ички қисмидаги юқори тутқичга электрошок ўрнатилади ва электр оқими эса унинг ташқи юзасидан узатилади.

Электрошок қалқони

Электрошок қалқони қуйидаги қисмлардан иборат:

қалқоннинг зарбга чидамли қисми, ташқи юзасида электр ўтказиш симлари жойлаштирилган;

- юқори ҳамда пастки тутқичлар;
- бошқарув элементлари билан юқори тутқичга ўрнатилган электршокер қурилмаси;
- сақлагич ва ишга тушириш тугмаси (пуск);
- қалқонни қўшимча ишончли ушлаб туриш учун тутқичлар.

Электрошок қалқонига ўрнатиш.

Ходим, қалқонни электр токи зарбасидан фойдаланиш учун электршок сақлагич тугмасини ишга тушуради, тартиббузар унга энг яқин масофада яқинлашганда ишга тушириш яъни “пуск” тугмасини босади, шунда электрошок қалқони тартиббузарга ваҳима уйғотувчи психологик таъсир кўрсатади.

Тартиббузар ҳаракатини давом эттириб, қалқонга тегиши натижасида қалқоннинг юзасидаги электр оқимида айланаётган электр токи унга нисбатан кучли таъсир кўрсатади.

Қалқоннинг ўзига ўрнатилганлигини ва ундан самарали фойдаланилишини таъминлаш учун қалқоннинг электрошокнинг вақти-вақти билан электр токи ёрдамида қувватлантириб турилиши лозим.

Қалқоннинг электрошокини ҳаракатга келтирувчи электр токи манбаининг тугаб бораётганини қандай билиш мумкин? Аввало электрошок аккумуляторини ечиб олиш учун унинг сақлагичини ечганингизда аккумулятордаги ток қувватини кўрсатиб турувчи шаффоф лед чирокли тугмада яшил ёки қизил чироқ ёниб ўча бошлайди.

Электрошок аккумуляторининг қувват чироқи.

Лед чироқ яшил рангда ёниб ўчаётган бўлса, аккумуляторда етарли ток манбаининг мавжудлиги, қизил рангда ўчиб ёнаётган бўлса ток манбаининг тугаётганлигидан далолат беради. Электрошокга ток манбаини етказиб берувчи аккумуляторни қувватлаш учун дастлаб, қалқон дастагига маҳкамлаб турувчи қалитни бураб аккумулятор ечиб олинади. Ундан сўнг аккумуляторни қувватлантириш учун, 220 вольт кучланишга эга электр тармоғига уланади.

Қувватлантириш жараёни амалга оширилаётганда аккумуляторнинг яшил ва қизил чироғи навбати билан ёниб ўчади. Аккумуляторнинг яшил чироғи ёниб қолиши аккумуляторнинг тўлиқ қувватланганидан далолат беради.

Электрошок аккумуляторининг қувватлантириш.

Аккумулятор тўлиқ қувватлантирилганидан сўнг, қалқон дастагига жойланади ва ушлаб турувчи қалитни бураб аккумулятор маҳкамланади. Шундан сўнг қалқон фойдаланиш учун тайёр ҳисобланади.

Электрошок қурилмасини ўрнатиш ва ечиб олиш мумкин бўлган ҚАЛҚОН

Мазкур электрошок қалқони аввалги қалқондан асосий фарқи шундаки, бу қалқонга оддий ёнда олиб юриш мумкин бўлган ва биз юқорида тарифлаганимиз "Скорпион" русумли электрошокни ўрнатиш зарурияти бўлмаган ҳолда ечиб олишимиз мумкин.

"Скорпион" русумли электрошок қалқони.

Бу турдаги қалқон қуйидаги қисмлардан иборат:

қалқоннинг зарбга чидамли қисми, ташқи юзасида электр токи тез ва осон ўтказиш хусусиятига эга фалга билан қопланган;

- электрошок қурилмасини ўрнатиш жойи;
- қалқонни ишончли ушлаб туриш учун тутқич;

-юкори ҳамда пастки тутқичлар;
-пастки тутқичнинг ёнида электрошокни сақлагичи ва ишга тушириш тугмаси жойлашади.

Қалқондан электрошок сифатида фойдаланиш учун электрошок қурилмасини пастки тутқичининг ёнига ўрнатилади.

Қалқонни электр токи зарбасидан фойдаланиш учун электрошок сақлагичини ечиши керак бўлади, ходим тартиббузар ўзига нисбатан энг яқин масофага келганда ишга тушириш яъни “пуск” тугмасини босиши лозим.

Бундай вазиятда электрошок қалқони тартиббузарга ваҳима уйғотувчи психологик таъсир кўрсатиб, унга электр зарба беради.

Зарурият юзага келганда қалқонга ўрнатилган электршокни осонлик билан ечиб олиб ундан электрошок ёки дубинка сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу каби электрошок қалқондан ечиб олган ҳолда қувватлантирилади.

Электрошок қурилмаларини қўллаш тартиби ва хавфсизлик чоралари.

Электрошок қурилмаси амалиётда қандай қўлланилиши, унга қўшимча қурилмаларни ўрнатиш ва ундан фойдаланиш тартиби қандай бўлади. Ушбу саволларга мазкур қисмда жавоб топамиз.

Электршок қурилмасига ўрнатиладиган нур-шовқинли картридждан фойдаланилганда у ўзидан ёруғлик чакнаши ва 135 децибелга тенг шовқин чиқариши натижасида тартиббузарнинг кўриш қобилияти вақтинча чекланиб, мувозанати йўқолади.

Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартиббузар ўртасидаги оралиқ масофа 1 метрдан кам бўлмаслигини ёдда тутиш лозим, акс ҳолда картридж қўлланилган шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

Ходим картриджни қўллаётганда қон босими кўтарилганда қулоқ битиб қолишини олдини олиш учун **албатта** ён томонга бурилиб, **оғзини катта очиб туриш тавсия этилади.**

Бундан ташқари, нур-шовқинли картридждан фойдаланиб бўлгандан кейин электрошокдан фойдаланишни давом эттириш мумкин. Тасаввур қилинг хавфсизлик учун масъул ходим объектда патрулликни амалга оширади ва патрулликдаврида у тартиббузар ёки шубҳали шахсларга дуч келди. Бундай ҳолларда биринчи навбатда тартиббузарни зарарсизлантириш учун ходим электрошок қурилмасига ўрнатилган картридждан фойдаланган ҳолда масофадан туриб қўллаши мумкин. Картриджни қўллаш учун масофа 4,5 метрдан узоқ ва 1 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар тартиббузарлар икки киши бўлса, биринчи тартиббузарга фойдаланган картрижни ечмаган ҳолда, иккинчи тартиббузарга нисбатан электршокерни асосидан фойдаланиши мумкин. Эътибор беринг, суратда кўриқчи электрошок қурилмасини тартиббузарнинг қорин қисмини пастига қўллапти. Бу энг самарали таъсир нуқталаридан бири ҳисобланади.

Инсон танасининг болдир (яъни, сон қисми), бел, кўкрак қафаси яна бир самарали таъсир нуқталари ҳисобланса, аммо киндикнинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак жойлашган томони бундан истисно тутилади.

Электрошок қурилмаларини қўллаш шартлари.

1. Ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллаш ҳуқуқини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда махсус тайёргарликдан ўтади ва ушбу тайёргарлик натижаларига кўра унга тегишли сертификат берилади.

2. ЭШҚни қўллаш учун куч ишлатилмайдиган усуллар ва жисмоний куч ишлатилиши ички ишлар органлари ходимларининг зиммасига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жинойтлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш ва уларни фож этиш бўйича юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаган шароитлар асос ҳисобланади.

3. Ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллашдан аввал улар қўлланилиши назарда тутилаётган шахсларга у ички ишлар органи ходими эканлигини айтиши, уларга нисбатан ЭШҚни қўллаш нияти ҳақида огоҳлантириши ва ушбу шахсларга ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажариш учун имкон ва вақт бериши шарт. Агар ЭШҚ бўлинма (гуруҳ) таркибида қўлланилса, бундай огоҳлантириш ушбу бўлинма (гуруҳ) таркибига кирувчи ходимлардан бири томонидан берилади.

4. Агар ЭШҚнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирса ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллаш нияти ҳақида огоҳлантирмаслик ҳуқуқига эга.

5. Ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллашда юзага келган вазиятни, ЭШҚ қўлланилиши назарда тутилаётган шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусияти ва хавфлилик даражасини, шу жумладан кўрсатилаётган қаршиликнинг хусусияти ва кучини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилади. Бунда ходим ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

6. Ички ишлар органи ходими ЭШҚ қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқарога биринчи ёрдам кўрсатишга, шунингдек унга имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга мажбурдир.

7. ЭШҚ қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органи ходими бевосита бошлиғи (командири)га дарҳол ахборот бериши ва ЭШҚ қўлланилган пайдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида тегишли билдирги тақдим этиши керак. Ички ишлар органи ходимига фаол қаршилик кўрсатган ҳуқуқбузарга нисбатан ЭШҚ қўлланилган ҳолларда билдирги нусхаси прокурорга ҳам тақдим этилади.

8. Ички ишлар органи ЭШҚ қўлланилганлиги натижасида: фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, бу ҳақда имкон қадар қисқа, лекин йигирма тўрт соатдан ошмайдиган вақт ичида ушбу фуқаронинг қариндошларига ёки яқин шахсларига; шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида прокурорга дарҳол хабар беради.

9. Ички ишлар органи ходими томонидан ЭШҚ қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

10. Ички ишлар органи ходими томонидан ЭШҚ қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилган ёхуд у ҳалок бўлган ҳолатлар юзасидан ўрнатилган тартибда хизмат текшируви ўтказилади.

Электрошок қурилмалари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари ходимларининг махсус воситалари ҳисобланади ва ҳуқуқбузарнинг тажовузкорлигини тўхтатиш, у томонидан кўрсатилаётган қаршиликни тугатиш ва ҳужумни қайтариш учун мўлжалланган. Ходимлар томонидан электрошок қурилмасини амалиётда тўғри қўллашларини таъминлаш бўйича махсус амалий машғулотларни олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга.

Электрошок қурилмасини таъсир кўрсатиш оралиғи имкон қадар инсоннинг катта мушакларига яқин бўлиши зарур. Юқорида таъкидлаганимиздек, электрошокнинг таъсир нуқталари инсон танасининг болдир қисми, бел, кўкрак қафаси ҳисобланади. Электрошок қўлланилаётганда имкон қадар инсон танасига маҳкам босиш лозим бўлади ва шундагина электрошокнинг таъсир кучи етарли даражада бўлиши. Электрошер тўғри қўлланилганда ва электр токи туташув овози эшитилмайди.

Яна бир бор эътибор қилиш лозим !

Электрошок қурилмасини бош, бўйин, қориннинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак қисмига қўллаш қатъиян тақиқланади. Электрошок қурилмасини уч сониядан ортик вақт давомида қўллаш тавсия этилмайди, чунки бу вақт максимал таъсирга эришиш учун етарли ҳисобланади. Аммо, электрошок қурилмасини бир сониядан кам вақт давомида қўллаш электрошокни етарли таъсир кўрсатмаслиги билан бир қаторда тартиббузарни газаблантириб юбориши мумкин.

Ҳар доим электрошок қурилмасини кутилмаган ҳолатда қўллаш яхши самара бериб, электрошокни таъсир кучини ошириши кузатилган. Электрошок таъсирида инсон танаси биринчи сонияда оғриқ зарбасини бошдан кечирса, иккинчи сонияда мушакларни бўшашиши ва мувозанатни йўқолишига олиб келади.

Ёдда тутинг !

-кекса ёшдагилар;

-ногиронлиги аниқ кўриниб турган шахслар;

-ёш болалар;

-ҳомилдор аёлларга нисбатан электрошокни **қўллаш тақиқланади.**

Ишлаб чиқарувчи томонидан қуйидагилар тавсия этилади.

Электрошокдан фойдаланишда аввало хотиржамлик ва тинч вазиятда такрорий амалий ўқув машқларни амалга ошириш орқали тажрибани ошириб бориш тавсия этилади. шунда, ходим фавқулодда вазиятларда электрошокдан тез ва самарали фойдалана олади.

Нотўғри тушунчалар

Айрим фойдаланувчилар томонидан электрошокни фойдаланиш бўйича нотўғри ва асоссиз тушунчалар мавжудлиги сабабли бошқа ҳимоя воситаларини танлаш билан боғлиқ нотўғри фикрлар юритилади.

Биринчи нотўғри тушунча:

Электрошокни ёмғирда ишлатиш мумкин эмас...

Бу нотўғри, аслида, эл

лектрошок қурилмасини ҳар қандай об-ҳаво шароитида қўллаш мумкин бўлиб, шунчаки тартиббузарнинг баданига қурилмани қаттиқроқ босиш талаб этилади.

Иккинчи нотўғри тушунча:

Электрошок қўлланилаётганда тартиббузарга тегиш мумкин эмас, чунки электр оқими ундан фойдаланаётган ходимга ҳам таъсир қилади...

Бу ҳам тўғри эмас. Бундай вазиятда электрошокдан юборилаётган электр оқими электродлар орқали энг қисқа йўлдан тартиббузарнинг танасига ўтади ва фақат тартиббузарнинг зарба берилган жойига таъсир кўрсатади.

Учинчи нотўғри тушунча:

Электрошок ўлимга олиб келади.

Йўқ бундай эмас! Инсон ҳаётига, ҳатто юракқон томири билан оғриган шахсларга ҳам зарар етказмайди. Электрошок қурилмасининг таъсир кучи тартиббузарнинг шок ҳолатига тушиши ва мувозанатини йўқотиш учун етарли бўлади. Олиб борилган кўплаб тиббий синовлар натижаларига кўра электрошок тўғри қўлланилганда инсон саломатлигига зарар етказмайди. Ишлаб чиқарувчилар, электрошокларни тегишли тиббий синовлардан ўтказган.

Тўртинчи нотўғри тушунча:

Электрошокни фақат инсон танасига теккизган ҳолда қўллаш мумкин.

Бу нотўғри тушунча бўлиб, агар электрошокда кўшимча картридж мавжуд бўлса, ундан масофадан туриб ҳам фойдаланиш мумкин. Картридж электродлари 4,5 метрдан 7,5 метргача бўлган масофага етиб боради. Масофавий электрошок илк марта 2006 йилда Россиянинг биз ҳикоя қилаётган ишлаб чиқарувчиси ("*Март ГРУУП*" компанияси) томонидан ишлаб чиқарила бошланган ва бу компаниянинг барча электрошокларини яқин ва узоқ масофадан қўллаш мумкин.

Бешинчи нотўғри тушунча:

Электрошок қалин, қишки кийимлар орқали таъсир қилмайди.

Бу ҳам нотўғри тушунча. Электрошоклар совуқ иқлим шароитларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, жемфер, пальто ва бошқа қалин кийимларни устидан ҳам таъсир этади. Йилнинг совуқ даврида, қалин кийим кийган тартиббузарларга қарши қўллашда таъсир худудини кўпайтириш учун электрошокни иложи борида инсон танасига босиброқ қўллаш лозим бўлади ҳолос.

Электрошок қурилмаларини олиб юриш ва қўллашнинг қулайлиги.

Ҳимоя воситалари кўпинча ҳаёт ва соғлиқ учун хавф туғдирадиган ҳолатларда қўлланилганлиги сабабли, уларни танлашда муҳим омиллардан бири, унинг олиб юриш ва фойдаланиш учун қулайлигига эътибор қаратиш лозим.

Ички ишлар органларида фақат синовдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус-техник комиссиясининг ижобий техник хулосаси берилган ЭШҚдан фойдаланишга рухсат берилади.

ЭШҚ ички ишлар органлари навбатчилик қисмларининг қуруқ муҳитга эга бўлган (нам, зах бўлмаган) хоналарида алоҳида жавонлар, сейфлар ёки махсус ажратилган жойларда сақланади.

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида ЭШҚни сақлаш, ҳисобини юритиш, тарқатиш ва қабул қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли ички идоравий ҳужжатига мувофиқ тартибга солинади

Қуйидаги хавфсизлик чораларини кўриш зарур:

- ЭШҚни бегона шахсларнинг қўли етадиган жойда сақламанг;
- ЭШҚ ишлаб турган вақтда электродларга қўлингизни теккизманг;
- корпусни ушлаган қўлингизни электродларга яқин олиб борманг;
- ЭШҚни ёнғин чиқиш ёки портлаш хавфи мавжуд бўлган жойларда ёқманг- ёқилғи қуйиш шахобчалари ва бошқаларда. Ички ишлар фаолиятида қўлланиладиган электрошок қурилмаси шахсий хавфсизликни химоя қилган ҳолда амалга оширирилиши тақоза этилади.

Электрошок қурилмаси ёрдамида ички ишлар органларида тартиб-бузарларга қарши курашиш содир этилган жиноятларни очишда ҳамда тезкор қидирув тадбирларида, жиноятчиларни кузатиш ва уларни ушлаш чораларини кўриш мақсадида фойдаланилади. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш фуқоролар хавфсизлигини сақлаш жиноятчилиқни олдини олиш асосий вазифалардир.

ИИО ходимлари жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамият ва давлат манфаатларини турли кўринишдаги жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш бўйича хизматлари жараёнида махсус воситалардан фойдаланиш, тажовузга нисбатан махсус воситаларни қўллаши мумкин. Бунда қонун билан белгиланган чегаралар доирасидан четга чиқмаслик асосий шарт бўлиб, ушбу чегарадан четга чиқиш ҳолатлари юзасидан, ходимга нисбатан жазо қўлланилиши мумкин.

Хизмат бурчини ўтаётган ходим вазият тақозоси билан электрошок қурилмасидан фойдаланиши ёки самбо усуллари ишлатишидан қатъий назар энг аввало зарар етказилган шахсга шахсий хавфсизлик чораларига риоя этган ҳолда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши шарт.

ИИО ходимлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини бажариш-лари учун самбо усуллари қўллаш, электрошок қурилмалардан фойдаланиш бўйича назарий ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлишлари зарур. Бундан ташқари ҳуқуқий билимларини ҳам доимий равишда ошириб боришлари муҳимдир. ИИОлари ходимлари ҳар қандай вазият вужудга келишидан қатъий назар қонун доирасидан чиқмасликлари шарт.

Мустақил иш учун топширик:

Ички ишлар органлари хизмати фаолиятида қўлланиладиган электрошок воситаларининг тактик хусусиятларини ўқиб ўрганиб келиш.

2- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Режа:

1-савол. АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник тавсифи.

2-савол. “СКОРПИОН” русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник тавсифи.

3-савол. «Скала» русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник тавсифи.

АСОСИЙ ҚИСМ

1–Савол. АИР “М-140” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник тавсифи.

АИР «М-140» русумли электрошок ҳақида.

Мазкур, «М-140» русумли электрошок қурилмаси қурол кўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу кўриниш тартиббузарга кўшимча психологик таъсир кўрсатади. Ушбу электрошок ўзи ва кўшимча картриджи билан ҳам ихчам ва кийимда яширин равишда олиб юриш учун қулай. Электрошок қурилмасини бириктирилган табел қуроли каби елкага осиб олинadиган қурол ғилофида ёки камардаги қурол ғилофида олиб юриш мумкин.

Камарда электрошок қурилмасини кўшимча картридж билан ҳам олиб юрса бўлади. Қурилмани ишга тушурганда, ундаги лазер ва чироқ автоматик тарзда ёқилади. Бу эса сутканинг тунги вақтларида фойдаланиш учун жуда қулайдир.

Электрошокнинг барча функционал қисмлари, ишга тушириш тугмаси, сақлагич одатий ва қулай тарзда жойлаштирилган. Ушбу турдаги электрошоклар ИИБ тизими ходимлари учун мўлжалланган.

Нур-шовқинли картридж ўрнатилиш тартиби.

Электрошокни созуламаларини тўғрилаш учун унинг дастасидаги лед дисплейдан фойдаланилади.

Электрошокни ишга туширилганда, дисплейда қуйидаги маълумотлар кўринади.

- аккумулятор қувватининг даражаси;
- маҳаллий вақт, соат ва дақиқа;
- электрошокдан неча маротаба фойдаланилганлиги;
- электрошокнинг дастурий таъминот версияси;
- ишлаб чиқарувчининг номи;

Электрошок менюсига кириш учун, унинг сақлагич ҳолатига қўйиб дастакдаги сервис тугмасини ингичка жисм ёрдамида 10 сония давомида босиб турилади. Экрани менюси фаол ҳолатига ўтади, бироқ бу вақтда яъни меню ёниқ вақтда электрошокдан нофаол ҳолатда бўлади, яъни ундан фойдаланиб бўлмайди. Менюда юқорида таъкидланганидек 3 та асосий маълумотлар кўринади.

- маҳаллий вақт, соат ва дақиқа;
- вақтни созлаш;
- электрошокдан неча маротаба фойдаланилганлиги кўриш;
- менюда акс этган бирон бир функцияга кириш учун уни танлаб яна дастакдаги сервис тугмасини босиш керак.

Электрошок чироғини ёқиш.

- электрошокнинг ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва сақлагич ёқиб тепки қўйиб юборилади.

электрошок фонари ҳамда лазер нуруни бир вақтда ёқиб туриш учун эса қуйидагилар бажарилади.

- электрошокнинг ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва тепки қўйиб юбормаган ҳолда ушлаб турилади. Орадан 3 сония вақт ўтгач ўзингизга қулай бўлган режимни танлаб

оласиз ва тепкини қўйиб юборасиз. Электрошок аккумуляторини қувватлантириш учун аккумулятор дастакдан ажратиб олинади.

Электрошок аккумуляторини қувватлантириш.

Қувватлантириш жараёни амалга ошириладиганда қувват берувчи қурилманинг қизил чироғи ёниб турган бўлса аккумулятор қувватининг пастлигидан ва яшил чироқни ёниб турганлиги аккумуляторнинг тўлиқ қувватланганидан далолат беради.

АИР “М-140” русумли электрошок қурилмаларининг тактик-техник тавсифи.

Техник тавсифнинг номланиши	Тавсифнинг мазмуни
• Оғирлик кучи 1 кОм, Вт бўлганда ўртача таъсир қуввати	7,0-10,0
• Учкун разрядининг кучланиши	70,0-120,0
• Ишлаш ҳароратининг диапазони, °С	-15дан +50гача
• Ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0,98 бўлганда ўртача ишлаш миқдори, қувватланиш элементлари тугашини ҳисобга олмаган ҳолда, ёқиб-ўчириш сони	3000
• Габарит ўлчамлари, мм – узунлиги – баландлиги – кенглиги	154±2 114±2 42±2
• Оғирлиги, кг	0,25±0,03

Корпуснинг ўрта қисмида қуйидагилар жойлашган



- * – корпуснинг чап томонида лазерли мўлжалга олувчи (ЛМО) (6)
- * – корпуснинг ўнг томонида ёритгичнинг ёруғлик диодли фонари жойлашган қабариқ қисми (7) (LED фонари)

* Пистолет дастагида қуйидагилар жойлашган

- Аккумулятор батареяси ечиладиган орқа қопқоғи (8);
- Ечиладиган аккумуляторли батареяси (9) АКБ;
- Маҳсулотнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи OLED дисплеи (10);
- Қўшимча учлик (насадка)ларни маҳкамлаш учун қурилма (11);
- ЭШҚнинг беҳосдан ўчиб қолишини олдини олувчи сақлагич (12);
- Сервис тугмаси (13) (чўқурни ичида) ЭШҚнинг сервис функцияларини танлашга мўлжалланган.



2-ўқув саволи. «Скорпион» русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник таснифи.

Электрошоклардан фойдаланиш учун махсус мураккаб кўникмалар талаб қилинмайди. Уларнинг қўлланилишини ҳар қандай ходим тезда ўзлаштириб олади.

Қуйидаги электрошок техник қурилмаси, уни қувватлаш жараёни, қўллашга тайёргарлик қўриш ва қўшимча аксессуарларни ўрнатиш ҳақида ҳикоя қилинади.

“Скорпион” русумли электрошок

Мазкур электрошок, жиддий синовдан ўтган, кучли зарбга ва юқори чидамли корпусга эга.

“Скорпион” русумли электрошок қурилмаси. Бу турдаги электрошокни кучли химоя тизимига эга бўлиб, тартиббузарлар томонидан тортиб олишига имкон бермайди. Юқорида таъкидланганидек бу турдаги электрошокерга масофадан туриб фойдаланиш ва нур-шовқин чиқарувчи картриджлар ўрнатилиши мумкин.

“Скорпион” русумли электрошок қурилмаси.

Юқорида, бу турдаги электрошокга қўшимча ўрнатиладиган кучли ёритувчи фонар ҳамда 120 децибелга тенг кучли овоз чиқарувчи «Сирена» қурилмаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаб ўтилди.

Сирена қурилмаси.

Бу электрошокга фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилма осонлик билан ўрнатилади ва ечиб олинади. Бунинг учун электрошокни дастак қисмини химоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми бўшатилиб, унинг ўрнига қурилмани ўрнатиш кифоя бўлади. Фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилмани электрошокнинг қувватлантириш орқали ток манбаига эга бўлади. Лекин, фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилмани электрошокдан олмаган ҳолатда ҳам қувватлантириш мумкин.

“Скорпион” электрошок қурилмасини қувватлантириш.

Электрошокга қўшимча қурилма ўрнатиладиган тақдирда ҳам унинг барча аввалги функциялари йўқолмайди. Бу вақтда ҳам электрошокдан инсон танасига теккизган ҳолда ҳамда масофадан туриб фойдаланиш мумкин. Электрошокни тўғри ва самарали ишлаши учун уни мунтазам равишда электр манбаи билан қувватлантириб туриш керак.

Қувватлантириш тартиби.

Ундан сўнг аккумуляторни қувватлантириш учун 220 вольт кучланишга эга электр тармоғига уланади. Қувватлантириш жараёни амалга оширилаётганда аккумуляторнинг яшил чироғи ёркинроқ ёнади бу эса аккумуляторнинг қувватланаётганлигидан далолат беради.

Электрошок аккумуляторини алмаштириш

Бунга ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам ечим топилган. “Скорпион” русумли электрошокларнинг барча моделлари учун қўшимча аккумуляторлар манбаалари ишлаб чиқарилади. Электрошок қурилмасига ўрнатиладиган нур-шовқинли картридждан фойдаланилганда у ўзидан ёруғлик чакнаши ва 135 децибелга тенг шовқин чиқариши натижасида тартиббузарнинг қўриш қобилияти вақтинча чекланиб, мувозанати йўқолади.

Нур-шовқинли картриджни ўрнатиш.

Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартиббузар ўртасидаги оралиқ масофа 1 метрдан кам бўлмаслигини ёдда тутиш лозим, акс ҳолда картридж қўлланилган шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

«Скорпион» русумли электрошок қурилмасининг қўллаш тартиби

"Скорпион" русумли электрошок қурилмалари бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган резина таёқ, яъни дубинкага ўхшаш шаклда ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан нафақат электрошок сифатида, заруратга қараб дубинка сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

"Скорпион" электрошок резина таёқ сифатида қўллаш.

Бу турдаги электрошок қурилмаси мустаҳкам шишатолали материалдан тайёрланган. Унинг тутқичи сирғанмайдиган материалдан бўлиб, кафтда ушлаб туриш учун қулай ва қўлдан тушиб кетишини ёки тартиббузарлар томонидан олиб қўйилишини олдини олиш мақсадида билакка ўтказиб олинадиган махсус лента мавжуд. Сақлагич, бош бармоқ остида **"Пуск"** тугмачасининг ёнида жойлашган бўлиб, бу эса қисқа сонияларда электрошокни осонлик билан жанговар ҳолатига тушириш имконини беради. **“Скорпион”** оиласига

кирувчи “Малвина” русумли электрошок ҳам мавжуд бўлиб, бу турдаги электрошоклар бошқаларидан фаркли ўлароқ янада ихчамлиги билан фарқланади.

Барча электрошоклар тўғри ва узоқ вақт давомида хизмат қилиши учун бир нечта умумий қоидалар мавжуд:

биринчидан, электрошокни мунтазам равишда қувватлаб туриш зарур. Агар электрошок узоқ вақт ишламай турган тақдирда ҳам камида бир йилда бир марта қувватлантириш талаб этилади.

Электрошокдан фойдаланилган бўлса уни қувватлантириш тавсия этилади;

- **иккинчидан**, электрошокга сув ёки бошқа намлик тушганда, уни юмшоқ мато билан артиб қуриштириш лозим;

- **учинчидан**, электрошокни ишлатиш жараёнида носозликлар ёки бошқа муаммолар юзага келса, камчиликни бартараф этиш учун электрошокни хизмат кўрсатиш марказларига топшириш талаб этилади ва уни мустақил равишда демонтаж қилиш қатъиян ман этилади!

“ЭШҚ”НИНГ ТЕХНИК ТАВСИФИ

Техник тавсифининг номланиши	Тавсифининг мазмуни
Оғирлик кучи 1 кОм, Вт бўлганда ўртача таъсир қуввати	7,0-10,0
Учқун разрядининг кучланиши кВ	70,0-120,0
Ишлаш ҳароратининг диапазони, °С	-20дан +50гача

“ЭШҚ”НИНГ ГАБАРИТ ЎЛЧАМЛАРИ ВА МОДЕЛИНИНГ ОҒИРЛИГИ

ЎЛЧАМЛАР	250-А/250-АЦ	350-А/350-АЦ	500-А
Узунлиги, мм	268±2	339±1	550±5
Диаметри, мм	52.5±1	52.5±1	52.5±1
Оғирлиги, гр	480±20	580±20	750±20

3-ўқув саволи. «Скала» русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник таснифи.

Ушбу «Скала» русумли электрошок қалқони. Мазкур электрошок қалқони тўғридан - тўғри механик таъсирдан, яъни таёк, темир жисм, тош ёки оёқ билан зарба берилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳимояланиш учун мўлжалланган.

«Скала» русумли электрошок қурилмаси

Ушбу қалқоннинг корпуси енгил ва бардошли қуйма поликарбонатдан тайёрланган бўлиб, бу нафақат зарбадан ҳимоя қилишда ишончли, балки олиб юриш учун ҳам қулайдир. Қалқон эргономик тутқичга эга бўлиб, унинг ёнида сақлагичдан олиш тугмаси ва «ишга тушириш» тугмаси мавжуд.

«Скала» русумли электрошок қалқони

Ушбу қалқон юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, корпуси енгил ва бардошли қуйма поликарбонатдан тайёрланган бўлиб, бу нафақат зарбадан ҳимоя қилишда ишончли, балки олиб юриш учун ҳам қулайдир.

Электрошок қалқони

Электрошок қалқони қуйидаги қисмлардан иборат:

қалқоннинг зарбга чидамли қисми, ташқи юзасида электр ўтказиш симлари жойлаштирилган;

-юқори ҳамда пастки тутқичлар;

-бошқарув элементлари билан юқори тутқичга ўрнатилган электршокер қурилмаси;

-сақлагич ва ишга тушириш тугмаси (пуск);

-қалқонни қўшимча ишончли ушлаб туриш учун тутқичлар.

Электрошок қалқонига ўрнатиш.

Ходим, қалқонни электр токи зарбасидан фойдаланиш учун электрошок сақлагич тугмасини ишга тушуради, тартиббузар унга энг яқин масофада яқинлашганда ишга тушириш яъни “пуск” тугмасини босади, шунда электрошок қалқони тартиббузарга ваҳима уйғотувчи психологик таъсир кўрсатади. Қалқоннинг ўзига ўрнатилганлигини ва ундан самарали фойдаланилишини таъминлаш учун қалқоннинг электрошокнинг вақти-вақти билан электр токи ёрдамида қувватлантириб турилиши лозим. Қалқоннинг электрошокни ҳаракатга келтирувчи электр токи манбаининг тугаб бораётганини қандай билиш мумкин?.

Электрошок аккумуляторининг қувват чироқи.

Лед чироқ яшил рангда ёниб ўчаётган бўлса, аккумуляторда етарли ток манбаининг мавжудлиги, қизил рангда ўчиб ёнаётган бўлса ток манбаининг тугаётганлигидан далолат беради. Электрошокга ток манбаини етказиб берувчи аккумуляторни қувватлаш учун дастлаб, қалқон дастагига маҳкамлаб турувчи калитни бураб аккумулятор ечиб олинади. Қувватлантириш жараёни амалга оширилаётганда аккумуляторнинг яшил ва қизил чироғи навбати билан ёниб ўчади. Аккумуляторнинг яшил чироғи ёниб қолиши аккумуляторнинг тўлиқ қувватланганидан далолат беради.

Электрошок аккумуляторининг қувватлантириш.

Аккумулятор тўлиқ қувватлантирилганидан сўнг, қалқон дастагига жойланади ва ушлаб турувчи калитни бураб аккумулятор маҳкамланади. Шундан сўнг қалқон фойдаланиш учун тайёр ҳисобланади.

Электрошок қурилмасини ўрнатиш ва ечиб олиш мумкин бўлган ҚАЛҚОН

Мазкур электрошок қалқони аввалги қалқондан асосий фарқи шундаки, бу қалқонга оддий ёнда олиб юриш мумкин бўлган ва биз юқорида тарифлаганимиз "Скорпион" русумли электрошокни ўрнатиш зарурияти бўлмаган ҳолда ечиб олишимиз мумкин.

"Скорпион" русумли электрошок қалқони.

Бу турдаги қалқон қуйидаги қисмлардан иборат:

қалқоннинг зарбга чидамли қисми, ташқи юзаси электр токини тез ва осон ўтказиш хусусиятига эга фалга билан қопланган;

- электрошок қурилмасини ўрнатиш жойи;
- қалқонни ишончли ушлаб туриш учун тутқич;
- юқори ҳамда пастки тутқичлар;

-пастки тутқичнинг ёнида электрошокни сақлагичи ва ишга тушириш тугмаси жойлашади.

Қалқондан электрошок сифатида фойдаланиш учун электрошок қурилмасини пастки тутқичининг ёнига ўрнатилади. Қалқонни электр токи зарбасидан фойдаланиш учун электрошок сақлагичини ечиши керак бўлади, ходим тартиббузар ўзига нисбатан энг яқин масофага келганда ишга тушириш яъни “пуск” тугмасини босиши лозим. Бундай вазиятда электрошок қалқони тартиббузарга ваҳима уйғотувчи психологик таъсир кўрсатиб, унга электр зарба беради. Зарурият юзага келганда қалқонга ўрнатилган электрошокни осонлик билан ечиб олиб ундан электрошок ёки дубинка сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу каби электрошок қалқондан ечиб олган ҳолда қувватлантирилади.

Электрошок қурилмаларини қўллаш тартиби ва хавфсизлик чоралари.

Электрошок қурилмаси амалиётда қандай қўлланилиши, унга қўшимча қурилмаларни ўрнатиш ва ундан фойдаланиш тартиби қандай бўлади. Ушбу саволларга мазкур қисмда жавоб топамиз.

Электрошок қурилмасига ўрнатиладиган нур-шовқинли картридждан фойдаланилганда у ўзидан ёруғлик чақнаши ва 135 децибелга тенг шовқин чиқариши натижасида тартиббузарнинг кўриш қобилияти вақтинча чекланиб, мувозанати йўқолади.

Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартиббузар ўртасидаги оралиқ масофа 1 метрдан кам бўлмаслигини ёдда тутиш лозим, акс ҳолда картридж қўлланилган шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

Ходим картриджни қўллаётганда қон босими кўтарилганда қулоқ битиб қолишини олдини олиш учун **албатта** ён томонга бурилиб, **оғзини катта очиб туриш тавсия этилади.**

Бундан ташқари, нур-шовқинли картридждан фойдаланиб бўлгандан кейин электрошокдан фойдаланишни давом эттириш мумкин. Бундай ҳолларда биринчи навбатда тартиббузарни зарарсизлантириш учун ходим электрошок қурилмасига ўрнатилган картридждан фойдаланган ҳолда масофадан туриб қўллаши мумкин.

Картриджни қўллаш учун масофа 4,5 метрдан узоқ ва 1 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Агар тартиббузарлар икки киши бўлса, биринчи тартиббузарга фойдаланган картрижни ечмаган ҳолда, иккинчи тартиббузарга нисбатан элетрошокерни асосидан фойдаланиши мумкин.

Электрошок қурилмаларини қўллаш шартлари.

1. Ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллаш ҳуқуқини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда махсус тайёргарликдан ўтади ва ушбу тайёргарлик натижаларига кўра унга тегишли сертификат берилади.

2. ЭШҚни қўллаш учун куч ишлатилмайдиган усуллар ва жисмоний куч ишлатилиши ички ишлар органлари ходимларининг зиммасига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибini сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш ва уларни фож этиш бўйича юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаган шароитлар асос ҳисобланади.

3. Ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллашдан аввал улар қўлланилиши назарда тутилаётган шахсларга у ички ишлар органи ходими эканлигини айтиши, уларга нисбатан ЭШҚни қўллаш нияти ҳақида огоҳлантириши ва ушбу шахсларга ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажариш учун имкон ва вақт бериши шарт.

4. Агар ЭШҚнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирса ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллаш нияти ҳақида огоҳлантирмаслик ҳуқуқига эга.

5. Ички ишлар органи ходими ЭШҚни қўллашда юзага келган вазиятни, ЭШҚ қўлланилиши назарда тутилаётган шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусияти ва хавфлилик даражасини, шу жумладан кўрсатилаётган қаршиликнинг хусусияти ва кучини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилади. Бунда ходим ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

6. Ички ишлар органи ходими ЭШҚ қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқарога биринчи ёрдам кўрсатишга, шунингдек унга имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга мажбурдир.

7. ЭШҚ қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органи ходими бевосита бошлиғи (командири)га дарҳол ахборот бериши ва ЭШҚ қўлланилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида тегишли билдирги тақдим этиши керак. Ички ишлар органи ходимига фаол қаршилик кўрсатган ҳуқуқбузарга нисбатан ЭШҚ қўлланилган ҳолларда билдирги нусхаси прокурорга ҳам тақдим этилади.

8. Ички ишлар органи ЭШҚ қўлланилганлиги натижасида: фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, бу ҳақда имкон қадар қисқа, лекин йигирма тўрт соатдан ошмайдиган вақт ичида ушбу фуқаронинг қариндошларига ёки яқин шахсларига; шахсининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида прокурорга дарҳол хабар беради.

9. Ички ишлар органи ходими томонидан ЭШҚ қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

10. Ички ишлар органи ходими томонидан ЭШҚ қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилган ёхуд у ҳалок бўлган ҳолатлар юзасидан ўрнатилган тартибда хизмат текшируви ўтказилади. Электрошок қурилмалари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари ходимларининг махсус воситалари ҳисобланади ва ҳуқуқбузарнинг тажовузкорлигини тўхтатиш, у томонидан кўрсатилаётган қаршиликни тугатиш ва ҳужумни қайтариш учун мўлжалланган.

Электрошок қурилмасини бош, бўйин, қориннинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак қисмига қўллаш қатъиян тақиқланади. Электрошок қурилмасини уч сониядан ортиқ вақт давомида қўллаш тавсия этилмайди, чунки бу вақт максимал таъсирга эришиш учун етарли ҳисобланади.

Аммо, электрошок қурилмасини бир сониядан кам вақт давомида қўллаш электрошокни етарли таъсир кўрсатмаслиги билан бир қаторда тартиббузарни ғазаблантириб юбориши мумкин.

Ҳар доим электрошок қурилмасини кутилмаган ҳолатда қўллаш яхши самара бериб, электрошокни таъсир кучини ошириши кузатилган.

Электрошок таъсирида инсон танаси биринчи сонияда оғриқ зарбасини бошдан кечирса, иккинчи сонияда мушакларни бўшашиши ва мувозанатни йўқолишига олиб келади.

Ёдда тутинг !

-кекса ёшдагилар;

-ногиронлиги аниқ кўриниб турган шахслар;

-ёш болалар;

-ҳомилдор аёлларга нисбатан электрошокни **қўллаш тақиқланади.**

Ишлаб чиқарувчи томонидан қуйидагилар тавсия этилади.

Электрошокдан фойдаланишда аввало хотиржамлик ва тинч вазиятда такрорий амалий ўқув машқларни амалга ошириш орқали тажрибани ошириб бориш тавсия этилади. шунда, ходим фавқулодда вазиятларда электрошокдан тез ва самарали фойдалана олади.

Нотўғри тушунчалар

Айрим фойдаланувчилар томонидан электрошокни фойдаланиш бўйича нотўғри ва асоссиз тушунчалар мавжудлиги сабабли бошқа ҳимоя воситаларини танлаш билан боғлиқ нотўғри фикрлар юритилади.

Биринчи нотўғри тушунча:

Электрошокни ёмғирда ишлатиш мумкин эмас...

Бу нотўғри, аслида, эл

лектрошок қурилмасини ҳар қандай об-ҳаво шароитида қўллаш мумкин бўлиб, шунчаки тартиббузарнинг баданига қурилмани қаттиқроқ босиш талаб этилади.

Иккинчи нотўғри тушунча:

Электрошок қўлланилаётганда тартиббузарга тегиш мумкин эмас, чунки электр оқими ундан фойдаланаётган ходимга ҳам таъсир қилади...

Бу ҳам тўғри эмас. Бундай вазиятда электрошокдан юборилаётган электр оқими электродлар орқали энг қисқа йўлдан тартиббузарнинг танасига ўтади ва фақат тартиббузарнинг зарба берилган жойига таъсир кўрсатади.

Учинчи нотўғри тушунча:

Электрошок ўлимга олиб келади.

Йўқ бундай эмас! Инсон ҳаётига, ҳатто юракқон томири билан оғриган шахсларга ҳам зарар етказмайди. Электрошок қурилмасининг таъсир кучи тартиббузарнинг шок ҳолатига тушиши ва мувозанатини йўқотиш учун етарли бўлади. Олиб борилган кўплаб тиббий

синовлар натижаларига кўра электрошок тўғри қўлланилганда инсон саломатлигига зарар етказмайди. Ишлаб чиқарувчилар, электрошокларни тегишли тиббий синовлардан ўтказган.

Тўртинчи нотўғри тушунча:

Электрошокни фақат инсон танасига теккизган ҳолда қўллаш мумкин.

Бу нотўғри тушунча бўлиб, агар электрошокда қўшимча картридж мавжуд бўлса, ундан масофадан туриб ҳам фойдаланиш мумкин. Картридж электродлари 4,5 метрдан 7,5 метргача бўлган масофага етиб боради. Масофавий электрошок илк марта 2006 йилда Россиянинг биз ҳикоя қилаётган ишлаб чиқарувчиси ("*Март ГРУУП*" компанияси) томонидан ишлаб чиқарила бошланган ва бу компаниянинг барча электрошокларини яқин ва узоқ масофадан қўллаш мумкин.

Бешинчи нотўғри тушунча:

Электрошок қалин, қишқи кийимлар орқали таъсир қилмайди.

Бу ҳам нотўғри тушунча. Электрошоклар совуқ иқлим шароитларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, жемфер, пальто ва бошқа қалин кийимларни устидан ҳам таъсир этади. Йилнинг совуқ даврида, қалин кийим кийган тартиббузарларга қарши қўллашда таъсир худудини кўпайтириш учун электрошокни иложи борида инсон танасига босиброқ қўллаш лозим бўлади ҳолос.

Қуйидаги хавфсизлик чораларини кўриш зарур:

- ЭШҚни бегона шахсларнинг қўли етадиган жойда сақламанг;
- ЭШҚ ишлаб турган вақтда электродларга қўлингизни теккизманг;
- корпусни ушлаган қўлингизни электродларга яқин олиб борманг;
- ЭШҚни ёнғин чиқиш ёки портлаш хавфи мавжуд бўлган жойларда ёқманг- ёқилғи қуйиш шахобчалари ва бошқаларда. Ички ишлар фаолиятида қўлланиладиган электрошок қурилмаси шахсий хавфсизликни химоя қилган ҳолда амалга оширилиши тақоза этилади.

Электрошок қурилмаси ёрдамида ички ишлар органларида тартиб-бузарларга қарши курашиш содир этилган жиноятларни очишда ҳамда тезкор қидирув тадбирларида, жиноятчиларни кузатиш ва уларни ушлаш чораларини кўриш мақсадида фойдаланилади. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш фуқоролар хавфсизлигини сақлаш жиноятчилиқни олдини олиш асосий вазифалардир.

ИИО ходимлари жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамият ва давлат манфаатларини турли кўринишдаги жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш бўйича хизматлари жараёнида махсус воситалардан фойдаланиш, тажовузга нисбатан махсус воситаларни қўллаши мумкин. Бунда қонун билан белгиланган чегаралар доирасидан четга чиқмаслик асосий шарт бўлиб, ушбу чегарадан четга чиқиш ҳолатлари юзасидан, ходимга нисбатан жазо қўлланилиши мумкин.

Хизмат бурчини ўтаётган ходим вазият тақозоси билан электрошок қурилмасидан фойдаланиши ёки самбо усуллари ишлатишидан қатъий назар энг аввало зарар етказилган шахсга шахсий хавфсизлик чораларига риоя этган ҳолда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши шарт.

ИИО ходимлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини бажаришлари учун самбо усуллари қўллаш, электрошок қурилмалардан фойдаланиш бўйича назарий ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлишлари зарур. Бундан ташқари ҳуқуқий билимларини ҳам доимий равишда ошириб боришлари муҳимдир. ИИОлари ходимлари ҳар қандай вазият вужудга келишидан қатъий назар қонун доирасидан чиқмасликлари шарт.

Мустақил иш учун топшириқ:

Ички ишлар органлари хизмати фаолиятида қўлланиладиган электрошок воситаларининг тактик хусусиятларини ўқиб ўрганиб келиш.

8.3.4-МАВЗУ: МАХСУС ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ВА ЖАНГ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ.

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Режа:

1. Бўлинма таркибида махсус воситалар билан ҳаракатланиш.
2. «Вал билан олға», «Жипслан», «Тошлар», «Девор» командаларини бажариш техникаси.

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-савол. Бўлинма таркибида махсус воситалар билан ҳаракатланиш

Омавий тартиббузарларни тарқатиб юборишда махсус операцияни мувоффақиятли бажариш учун шахсий таркиб махсус ҳимоя ва фаол муҳофаа воситалари билан жанг қилиш усулларини ҳамда ҳаракатланишларини, бир текисликда бажарилишини машқ қилишлари керак.

Бунда ўзаро ҳамкорликда бир-бирини қўллаб қуватлашларига, аниқлилигига ва бир вақтда тез ҳаракатланишларига алоҳида этибор қаратилиши лозим.

Шахсий таркибнинг “Жипслан”, буйруғи бўйича (занжир тузилади) олиб борадиган ҳаракатлари.

Ушбу буйруқ кучайтирилган занжир тузиб омавий қонунбузарларни майдонлардан кўчалардан тарқатиб юбориш учун хизмат қилади.

Ушбу буйруқни бажариш учун шеренганинг ўртаси аниқланади. Аниқланган ўртадаги ходим, ўнг ва чап томон флангаларда турган ходимларга кўриниши учун қўлни резина таёк билан биргаликда тепага кўтаради ва пастга тушуради. Қолган ҳамма ҳаракатлар жангговар ҳолатидан бошланади ва бажарилади, “Жипслан” буйруғини бажариш учун тана оғирлиги олдинга ўтказилади ва икки оёққа бир хил бўлинади, оёқлар елка кенглигида текис ҳолатда туради. Сўнгра тана фронт бўйича бурилади, қалқон ҳолати эса ўзгартирилмай фронт олдига қараб туради. Кузатув қалқоннинг туйнукларидан олиб борилади. Қисқа қадам ташлаб, қалқон ҳолатини ўзгартирмай ва танани бурмасдан кўрсатилган ўртага қараб тезда ҳаракатланиш керак.

Бу ерда шуни айтиш керакки қалқонларнинг ички текислигида иккита вертикал ариқчалари бўлиб, уларни қалқонларни ёнма-ён қўяётганда бир-бирини устига мослаштириб тушуриш керак. Шундан сўнг, қалқонлар юзасини умумий текислиги вужудга келади. Шуни таъкидлаш керакки қалқонлар ёнма-ён қўйилаётганда ҳар бир қалқон олдинда турган қалқоннинг устига қўйилади.

Қўлни жароҳат олишдан сақлаш учун резина таёкни олдиндаги қалқоннинг бурчагига қўйилади ва уни озгина олдинга итарилади. Ундан кейин резина таёкни ўз қалқонининг бурчагига тираб қалқоннинг ҳолатини текислайди. Шундан сўнг тана фронт олдида бурилиб қалқон тўғрисида туради ва оёқ елка кенглигида очилади.

“Кенгай” буйруғи бўйича олиб бориладиган ҳаракатлар тескари тартибда бажарилади.

Занжир таркибида ҳаракатланиш.

Ҳаракатланиш “Олдинга (орқага) қадам бос” буйруғи бўйича бажарилади. Бу буйруқ бўйича чап оёқ оёқлар орасида $\frac{3}{4}$ қисм масофа олиб олдинга ташланади. Сўнгра чап оёқни ерга қўйиб, ўнг оёқ олдинга сурилади.

Ҳаракатланиш шу тартибда давом этади.

Шахсий таркибнинг “Тошлар” буйруғи бўйича олиб борадиган ҳаракатлари гуруҳ таркибида, шунингдек яқка тартибда вазиятдан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Ҳаракатлар жангговар ҳолатидан бошлаб бажарилади. Бунинг учун ўнг оёққа ўтириб, қалқонни бутун пастки қисми билан ерга тушурилади, товонлар тана томонга бурилиб қалқон жойлашиши учун қулай жой беради ва қалқонни пастки қисми оёқ билан тиралади (ўнг оёқнинг тиззасини ерга қўйиш мумкин). Сўнгра қалқон танага яқинлаштирилади. Резина таёк қалқоннинг ўнг тепа бурчагига тиралади. Гавдани тўғри тутиб, қалқоннинг туйникларидан кузатув олиб борилади. Шундай қилиб, учта асосий таянч нуқталари вужудга келади: оёқ товони, резина таёк, елка.

2-савол. «Вал билан олға», «Жипслан», «Тошлар», «Девор» командаларини бажариш техникаси.

“Девор” буйруқ икки ёки уч шеренгали саф таркибида «Жангга” ҳолатидан бошлаб бажарилади. Ҳамма ҳаракатлар тез бажарилади. Аввал “Жипслан” буйруғи бажарилиб, иккита шеренга ўзининг ўртасига сурилиб жипсланади. Иккала шеренганинг охириги қалқонлари занжирга қўшилгандан сўнг, “Девор қўйилсин” деб буйруқ берилади. Бу буйруқ бўйича биринчи шеренга “Тошлар” буйруғини бажариб, пастга ўтиради, бундай ҳолатда турганда занжирнинг орасида очик қолган жойлар бўлиши керак эмас. Иккинчи шеренга резина таёқни қалқоннинг тагига қўяди ва икки қадам олдинга ташлаб қалқоннинг таг қисмини тепага кўтариб, биринчи шеренга қалқонларининг устига қўяди. Биринчи шеренга қалқонларнинг туйнугидан вазиятни кузатиб туриши учун иккинчи шеренга қалқонлари тепароққа кўтарилади. Сўнгра резина таёқлар тепага бошланғич ҳолатга қўйилади. Тана фронтга нисбатан ён тарафга бурилади. Қалқонни танага тортиб елкага қўйилади ва отилган тошлар, таёқлар, совуқ қуроллар йўналишини ўзгартириши учун умумий қияли майдон ҳосил қилинади. Чап оёқ билан биринчи шеренгада турган ходимга суяниб туриш мумкин. Агар иккинчи шеренгада турган ходимлар сони кўп бўлса, бўш турган ходим олдинга ўтади ва биринчи шеренгада жойни эгаллайди.

Эслатма: иккинчи шеренга қалқонлари биринчи шеренга қалқонларининг устига ҳар доим тўғри мос тушиб, ёнида ҳеч қандай очик жойлар қолмаслиги учун, амалий машғулотлар вақтида иккинчи шеренга қалқонларининг туриш ҳолатини кўпроқ ўргатиш керак.

Биринчи ва иккинчи шеренга «Девор” ясагандан кейин учинчи шеренга шахсий таркиби резина таёқларини қалқоннинг пастки қисмига тираб, қалқонни бошларининг устига кўтарадилар ва иккинчи шеренга қалқонларининг устига худди том каби қўядилар. Сўнгра резина таёқни қалқоннинг тепа бурчагига тираб, уни текислайдилар.

Эслатма: учинчи шеренга шахсий таркибининг қалқонлари шундай қўйилиши керакки, улар иккинчи шеренга қалқонларининг устига чиқиб туриши керак.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Режа:

1. Бўлинма таркибида махсус воситалар билан клин ҳолатида ҳаракатланиш усулларини бажариш техникаси.

2. Бўлинма таркибида махсус воситалар билан бўлакларга бўлиш ва ўраб олиш, суғуриб олиш, тинтиш, канвойлаш усулларини бажариш техникаси.

АСОСИЙ ҚИСМ

1-савол. Бўлинма таркибида махсус воситалар билан клин ҳолатида ҳаракатланиш усулларини бажариш техникаси.

Шахсий таркибнинг “Клин” буйруғи бўйича олиб борадиган ҳаракатлари.

а) Бир шеренгали жанговар сафдан.

Шахсий таркиб бир шеренгага сафланади, шеренганинг ўртасидаги ходим кўрсатилади. Сўнгра олдинга «Қадам бос” буйруғи бўйича шахсий таркиб бир текисда қонунбузарлар билан юзлашиш учун олдинга ҳаракатлана бошлайди.

“Клин” буйруғи бўйича шеренга тўхтайти, лекин шеренганинг ўртасидаги ходим тўғри қараб ҳаракатлана бошлайди. Икки қадам ташлагандан сўнг, ёнида турганлар унинг кетидан ўнг ва чапдан биргаликда олдинга қадам босиб бир-бирига яқинлашиб жуфтлик ҳосил қилади. Икки қадам ташлагандан кейин иккинчи жуфтлик ҳаракатлана бошлайди, бу тартибда ҳаракатланиш шеренга сафлангунча давом этади. Шеренга клинга сафлангандан кейин, бир-бирига халакит бермасдан ва оралик масофани узоклаштирмасдан резина таёқни қўллашга шароит яратиш тўғрига қараб ҳаракатлана бошлайди.

“Клин” оламонни ичига киргандан сўнг қанотлар “Қадам бос” буйруғи берилади. Бу буйруқ бўйича клиннинг олдида ҳаракатланаётган ходим тўхтайти, клиннинг ўнг ва чап қанотлари эса ўнг ва чапга бурилиб бир шеренга ҳосил қилиш учун фронт олдига қараб

тезлашган ҳолда ҳаракатланадилар, ҳаракатланиш бир шеренга бўлиб сафланганда тўхтатилади.

б) Икки шеренгали жанговар сафдан.

Бу ерда ҳам худди “а” вариант каби ҳаракатланади, лекин иккинчи шеренга шахсий таркиби биринчи шеренга шахсий таркибининг орқасида жойлашади ва ходимлар орасида оралиқ масофа олинади. Биринчи шеренганинг ўртасида турган ходим иккинчи шеренганинг ўртасида турган ходим билан бир жуфт бўлиб ҳаракатланади.

“Клин” буйруғи бўйича олиб борадиган ҳаракатлари уч шеренгали жанговар сафдан ҳам бажарилиши мумкин.

ХУЛОСА: учинчи ўқув саволига яқун ясаб тушунарсиз бўлган жойларини яна бир бор қайтариб ўтилади.

2-савол. Бўлинма таркибида махсус воситалар билан бўлақларга бўлиш ва ўраб олиш, суғуриб олиш, тинтиш, канвойлаш усулларини бажариш техникаси.

“Ханжар (клин)”

“ханжар(клин)” жанговар тартиби оммавий тартибсизликлар иштирокчиларини тарқатиш ва келгусида сиқиб чиқариш учун мўлжалланган. “ханжар” жанговар тартибининг сафланиши “гуруҳ “ханжар(клин)”-жанг-га” командасига асосан амалга оширилади.

ушбу командага кўра шахсий таркиб командирининг олди томонига икки, зарурият туғилганда, 3,4,5 ва ҳоказо шеренгаларда бурчак остида жойлашадилар ва “вал” жанговар тартибини қабул қиладилар. “ханжар”нинг олдинги сафига жисмонан кучли ва яхши тайёрланган ходим (ҳарбий хизматчи)лар жойлашадилар.

бу тартибда ҳаракатланиш “ханжар (клин) билан-олға бос” командаси берилганидан сўнг амалга оширилади, шахсий таркиб “ханжар(клин)” жанговар тартибини сақлаган ҳолда “вал билан-олға бос” жанговар тартибига ўхшаш ҳаракатларни амалга оширадилар.

“Халқа”

агарда яқин орада тўсиқлар бўлмаса ва шароит тақозо этса, оммавий тартибсизликларнинг фаол иштирокчиларини ажратиш учун “халқа” жанговар тартиби қўлланилиши мумкин.

“вал” жанговар тартиби жипс доирадан иборат. қалқонларнинг ҳимоя юзаси ва бўлинмалар шахсий таркиби халқанинг ичига қаратилган (расмга қаранг). сафланиш “гуруҳ, “халқа”-жанг-га” ёки “халқа” командасига асосан амалга оширилади. шахсий таркиб кўрсатилган ҳуқуқбузарлар гуруҳини қуршаб олади ва уларнинг халқа чегарасидан чиқиб кетишларини олдини олади.

“Доира”

доира” жанговар тартиби бўлинма шахсий таркибини ёрдам кучини кутиш ва келгусида дастлабки позицияларга чекиниш учун оммавий тартибсизликларнинг кучли иштирокчиларидан ҳимоя қилишга мўлжалланган. “вал” жанговар тартибига ўхшаш зич доира шаклидан иборат. қалқонлар ҳимоя юзалари билан ташқи томонга йўналтирилган. “доира” жанговар тартибининг сафланиши “гуруҳ, “доира”-жанг-га” ёки “доира” командаларига асосан амалга оширилади. Доиранинг ичида олиб қўйиш гуруҳи, штатдан ташқари ёнғинни ўчириш мутахассиси ва гуруҳ бошқаруви ва уларнинг зич доирани сақлашларини қатъий назорат қилаётган бўлинма командири жойлашишлари мумкин (расмга қаранг).

Оммавий тартибсизликларнинг фаол иштирокчиларини ажратиш учун “Халқа” жанговар тартиби қўлланилгандан сўнг фаол иштрокчилар суғуриб олинади. Суғуриб олишда халқада турган ходим елкасига урилади ва ходим халқани очади, суғуриб олиш гуруҳи халқани ичидан энг яқин турган тартиббузарни олиб чиқади уни тинтади ва канвой гуруҳига топширади. Тинтов тартиббузарни деволга қаратб тик турган ҳолда ёки юзи билан ерга қарати ётқизилган ҳолда ўтказилади. канвой пиёда ёки махсус транспортда амалга оширилади.

Келгуси машғулот учун топширик:

Махсус воситаларни қўллашда хавфсизлик чораларини такрорлаб ўзлаштириб олиш.

8.3.5-Мавзу: “ИИО фаолиятида алоқа воситалари (“Ҳайтера, Моторола, Посбон қўлда олиб юрилувчи ҳамда Кадан стационар радиоалоқа станцияси”)нинг тактик-техник таснифи, фойдаланиш тартиби.

Режа:

1-савол. Алоқа воситаларининг тушунчаси ва радиоалоқа воситаларининг вазифаси ва турлари.

2- савол. Алоқа воситаларидан фойдаланиш ва эфирга чиқиш, қабул қилиш тартиби.

3- савол. “Ҳайтера”, “Моторола”, “Посбон” қўлда олиб юрилувчи ҳамда “Кадан” стационар радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.

АСОСИЙ ҚИСМ

1-савол. Алоқа воситаларининг тушунчаси радиоалоқа воситаларининг вазифаси ва турлари.

Алоқа назарияси мустақил фан сифатида ХХаср бошларида вужудга келган. Унинг пайдо бўлиши, биринчидан, махсус техника воситалари умумий ҳажмининг кўпайиши ва алоқа соҳасида эришилган ютуқлар ва амалиётдаги тажрибаларнинг ошиб бориши, иккинчидан, алоқа восита-ларининг ривожланиши ва улардан кенг фойдаланиш билан боғлиқ.

Алоқа - уни юборувчидан қабул қилувчига ахборот, хабар узатиш демакдир.

Алоқа ҳар қандай бошқарув даражасида алоқа тури ва тармоғига бўлинади. Алоқа тури деб, одатда ахборот узатиш учун мўлжалланган ва уни қабул қилиш шаклига эга бўлган техник алоқа воситалари йиғиндисига айтилади. ИИОда оғзаки ахборот узатиш учун радио, телефон алоқаси ўз ичига овоз кучайтирувчи мосламани оладиган баланд товушли алоқа қўлланилади. «Алоқа тури» кенг тушунча бўлиб, агар алоҳида мустақил тизимларга бўлинган бўлса, муайян ахборот олиш жараёнларининг математик тавсифи учун асос сифатида қабул қилиш мумкин. Амалиётда бундай ҳол кам учрайди, чунки ички ишлар органларининг қуйи тузилмаларида алоқа турлари қуйи тизими деб номланадиган бир неча маҳаллий комплекс алоқа турларидан фойдаланадилар.

Алоқа электромагнит тўлқинлари кўринишида симли ёки симсиз узатиладиган электрсигналлари орқали амалга оширилади.

Кундалик турмушда «хабар» ва «ахборот» тушунчаларини бир-бирига ўхшатишади. Бироқ алоқа назариясида «ахборот» тушунчаси орқали маълумот олувчи учун муҳим хабарнинг қисми яъни, хабар деганда ахборотнинг моддий ташувчиси тушунилади. Хабар деганда яна алоқа каналлари орқали ўтадиган ва баъзи маълумот олувчилар томонидан алоқа охирида қабул қилинадиган чексиз, маъносиз турли товушлар тушунилади. Ушбу ҳолда «хабар» тушунчаси мавжуд ахборот олувчининг ўзини англатади. Узлуксиз ахборот манбаига товушни янада такомиллаштирувчи, товушни электр сигналига айлантирувчи, вақт бўйича узлуксиз ишловчи микрофон мисол була олади.

Шундай қилиб, ахборот кишилар тарқатадиган ёки қабул қиладиган бирон-бир ходиса, воқеа ҳақидаги маълумот бўлиб, маълум маънода хабар демакдир. Бошқача айтганда, ахборот алоқа тизимида узатиш (қабул қилиш) учун мўлжалланган ҳамма нарса (жонли мулоқот, телеграмма матни, телевизион кўрсатув, жадваллар, чизма, расм ва бошқа) бўла олади.

Ахборот алоқа мосламасига товуш орқали киритилиши ва овоз чиқариб қабул қилиниши мумкин телефон алоқаси (радиоалоқа, товушни баландлаштирувчи алоқа) ва шартли белгилар, сон ёки ҳарфлар шаклида ахборотни ёзиб олувчи ва қайта намоиш этувчи мослама телеграф алоқаси орқали ҳам узатилиши ёки қабул қилиниши мумкин. Фоторасмлар, расмлар, чизмаларни узатишда фототелеграфалоқа (факсимилия)си ишлатилади. Телевизион тасвир ва товуш видеотелефон орқали, яъни видеотелефон алоқа орқали узатилади.

Корреспондентлар ва абонент (телефоналоқа) орасидаги алоқа қуйидагича амалга оширилади. Ахборот жўнатувчи узатувчи мосламага маълумот юборади. Бу мослама унинг ахборотини акс эттирувчи электр сигналга айлантиради. Сигнал ахборотнинг моддий узатувчиси ҳисобланади.

Қабул сўнгида сигнал мустақил ҳолда айнан маълумотга айланадиган ахборотнинг моддий ташувчиси ҳисобланади. Шундай қилиб, махсус техник алоқа воситасининг моддий ташувчисига айланган ахборотни айнан ифода этувчи маълумот электрсигнали деб аталади. Сигнал маълум маънода жўнатиш (транспортировка қилиш) объекти ҳисобланади, алоқа воситалари эса сигнални транспортировка қилиш воситаси ҳисобланади. Корреспондент (абонент)лар мосламалари ўзаро бир-икки сим ёки қандайдир чекланган ҳудуд доирасини ифодалайдиган алоқа орқали боғланган. Электромагнит тўлқинлар симсиз узатувчи ва қабул қилувчи алоқа билан тарқалади.

Демак, маълумотнинг сигналга айланиши жараёни мустақил ёки ўзгарувчан уч элементли операциядан иборат. Булар ўзгартириш (бир шаклдан иккинчисига ўтиш), кодлаштирувчи ва модуляция мосламаларидир.

Маълумотни тайёрлаб бўлгандан сўнг уни алоқа канали орқали транспортировка қилиш амалга оширилади. Сўнгра кодни очиш ва товушга айлантириш, яъни қабул қилиш ва тескари модуляция жараёни амалга оширилади.

Радиоалоқа воситалари кашф этилган вақтданок олимлар алоқа йўли орқали ўтувчи маълумотларнинг сифатини яхшилашга интиланганлар. Шу ердан алоқа канали ва алоқа тармоғи деган тушунча келиб чиққан.

Алоқа канали деганда, муайян хабарнинг мустақил узатилишини таъминлаб берувчи техник алоқалар йиғиндиси тушунилади.

Алоқа тармоғида эса бир вақтда ёки кетма-кетлик асосида ахборот алмашишни ва абонентларнинг бир вақтда алоқа алмашувини амалга оширадиган, алоқа каналлари ишини таъминлайдиган иншоотлар йиғиндиси тушунилади. Бошқача айтганда, алоқа йўли деганда қабул қилувчи ёки узатувчи орасида маълумотнинг ўтишини таъминлайдиган мослама ёки каналлар йиғиндиси тушунилади. Канал ва сигнал маълумот алмашиш йўли сифат ва миқдор кўрсаткичлари билан ҳарактерланади. Бу эса алоқада техник мосламанинг параметри, атроф тузилиши ва ташқи таъсирга боғлиқ бўлади. Алоқа каналига қуйида чуқурроқ кўриб ўтиш керак бўлган маълум талаблар юклатилган. Ҳозир эса уларни санаб ўтиш билангина кифояланамиз. Булар яширинлик, ўтказиш қобилияти, ишончлилик, аниқлилик ва шовқинларга бардошлиликдир.

ИИВ тизимининг турли бўлинмалари учун яхши йўлга қўйилган алоқа тармоғи комплекслари зарур. Алоқа тармоғи деб, ахборотдан фойдаланув-чилар ўртасида берилган манзил доирасида муайян манзил ва бир типли алоқа каналлари бўйича фақат бир қабул қилиш шаклига эга бўлган ахборотни етказишни таъминлайдиган, нисбатан мустақил бўлган алоқа комплексига айтилади. Улар вақтинча ёки доимий бўлиб, бир-биридан алоқа тузилмаси уланиш йўли ва методи билан фарқ қилади. Бу мамлакатимиз ва унинг чегарасидан ташқаридаги турли нуқталар билан ахборот алмашишни амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда алоқа нафақат ахборот алмашиш, кучларни бошқариш воситаси, балки ахборот «қурол»и ва сиёсий куч воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. У ҳақиқатни ўзгартириб кўрсатадиган ёлғон ахборотни ташиш билан боғлиқ азалий тарихга эга. Бу айрим ҳолларда душманнинг ҳаракати ва режасини ўзгартириш ва вайрон қилувчи оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, замонавий ахборот тизимлари ҳақида сўз юритганда компьютерларни дастур билан таъминлашда вирусли «секин ҳаракатга келувчи чипли бомба»лар ҳақида эсламасликнинг иложи йўқ. Ахборот қуроли реал вақт миқёсида ахборотни ўғирлаш ёки йўқ қилиш, ҳимоя тизимиини издан чиқариш, телекоммуникация ва давлат бошқарув тизимларини ишдан чиқариш учун ниҳоятда хавфлидир.

Алоқа воситалари ёрдамида ички ишлар органларида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мумкин:

- 1) оператив бошқарув, куч ҳамда воситаларни узлуксиз бошқариш;
- 2) содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақида махфий ходимлар ва фуқаролардан маълумотлар олиш;
- 3) махбусларни кўриқлаш ва сақлаш тартибларини ташкил этиш;
- 4) оператив ҳолатлар кескинлашган вазиятларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда жамоат тартибини сақлашни ташкил қилиш;
- 5) пиёдалар ва транспорт ҳаракатини ташкил қилишни таъминлаш;
- 6) халқ хўжалиги объектларини кўриқлашни ташкил қилиш;
- 7) бедарак йўқолган шахслар ва қидирувда бўлган жиноятчиларни қидириб топиш ҳамда жиноятчиларни иссиқ изидан қидирувини ташкил этиш, жиноятни тўхтатиш ва очиш бўйича оператив ва тергов аппаратларининг алоҳида масалаларини ҳал қилишда алоқа воситаларидан фойдаланиш.

Қадим замонларданоқ ёруғлик ва товуш кишиларга ахборотни узоқ масофаларгача етказиш учун хизмат қилган. Бироқ ўша замонда қўлланилган ахборот ташувчи воситалар — дўмбира, товуш, машъала ёки олов қисқа масофада хабар бериш воситаси ҳисобланган ва бу ўз фойдасини берган. Замонавий алоқа воситаларига 1789 йил Францияда ишлаб чиқарилган оптик телеграф яқинроқ ҳисобланади.

1876 йилда телефон, 1895 йилда радио каби алоқа воситалари вужудга келди. Симсиз алоқадан фойдаланиш масаласи узоқ вақт ўз ечимини топмади, бу эса, ўз навбатида, энг кўп ишлатиладиган алоқа воситаси радионинг яратилишига олиб келди ва бу борада сифат ўзгаришларига эришилди.

Ҳозирги шароитда мавжуд техник воситалардан самарали ва малакали фойдаланиш билангина жиноятчиликка қарши курашда яхши натижаларга эришиш мумкин. Уларнинг қўлланилиши жиноятчи ва унинг жинойий қилмиши ҳақида ахборот бериб, баъзи ҳолларда жиноятнинг олдини олиш ва тўсатдан фош этишда ёрдам беради. «Алоқа» тушунчаси кенг бўлиб, ўз ичига кўп йўналишларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси тўғрисида НИЗОМ.

Алоқа хизмати ҳар қайси даврда ҳам тинч-осойишталикни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек, юртни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этган. Қадимда чопарлар, кабутарлар орқали мазкур хизмат йўлга қўйилган бўлса, даврлар ўтгани сайин бу соҳа ҳам замон талаблари асосида ўзгариб, такомиллашиб келмоқда. Айниқса, техника ривожланган ҳозирги замонда ҳаётимизни алоқа тизимисиз тасаввур қилишимсиз жуда қийин. Мамлакатимизда тинч-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни тезкорлик билан фош этишда алоқа хизматининг ўрни бекиёс. ИИВ Алоқа бўлими негизида ташкил этилган Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасида ҳам сўнгги вақтларда кўплаб ўзгаришлар юз бермоқда. Замон талаблари асосида янгиланишлар, таркибига янги тузилмалар киритилиши икки ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар, осойишталик поспонлари олдига қўйилаётган талабларнинг бажарилишида муҳим ўрин тутмоқда.

Бошқарма ходимларининг асосий вазифаси ички ишлар органларига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимларини тезкор алоқа ва видеоконференцаалоқа тизимлари билан таъминлаш, ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини ривожлантиришдан иборатдир.

Шунингдек, улар замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, асосли таклифлар киритади. Ҳозирда бошқарма таркибида 7 та тузилма, яъни 5 та бўлим, 1 та гуруҳ фаолият юритаяпти. Марказда барча маълумотлар умумлаштирилиб, ягона базада сақланади. Зарур маълумотлар тегишли жойга тезкорлик билан узатилиб, ортиқча сарсонгарчиликнинг олди олинади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг мустақил бўлимаси ҳисобланади.

Бошқарма бевосита Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари-молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси бошлиғига бўйсунди ва ҳисобот беради.

Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқ ва фармойишлари, шунингдек ушбу Низомга асосан амалга оширади.

Бошқарма ўз фаолиятига доир масалалар бўйича ўрнатилган тартибда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ички ишлар органлари ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш хизмати тизимига қуйидагилар қиради:

ИИВ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси;

ИИВ бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим ва таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа йўналиши бўйича бўлинмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармалари ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлинмалари.

Бошқарма Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг тўлиқ номи ёзилган муҳри, штамп ва бланкасига эга.

маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва татбиқ қилиш чораларини амалга ошириш, коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий воситаларини татбиқ қилиш;

ички ишлар органларининг радио ва симли алоқасини ташкил-лаштириш ва таъминлаш ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

ички ишлар органларида радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослашувини таъминлаш, радиотехник назорат, частоталарни ҳудудий режалаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва олиб бориш;

Ахборот-коммуникация технологиялари алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникалари ҳамда ахборотни ҳимоялаш техникалари воситаларидан фойдаланиш, техник эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва ҳисобдан чиқариш бўйича тадбирларни ўтказиш.

Бошқарма зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ички ишлар органларида Ахборот-коммуникация технологиялари алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникаларини жорий қилиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборотни ҳимоялаш ва рақамли электрон имзони қўллаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни олиб бориш соҳасида:

ички ишлар органларининг ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлинмалари фаолиятини белгиловчи норматив ҳужжатлар, йўриқномалар ва низомлар ишлаб чиқади;

Ахборот-коммуникация технологиялари алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникаларига, ахборот хавфсизлиги ва ахборотни ҳимоялаш техникаларига белгиланган меъёрларни ишлаб чиқади;

ички ишлар органларининг Ахборот-коммуникация технологиялари алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникалари ҳамда ахборотни ҳимоялаш техникаларига бўлган эҳтиёжини ўрганеди, аниқлайди ва ўрнатилган тартибда буюртмалар тайёрлайди;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона сиёсатга мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоялаш бўйича тадбирларни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

ички ишлар органларида электрон рақамли имзонинг калитларини рўйхатга олиш марказини шакллантиради;

ички ишлар органларининг фаолиятига Ахборот-коммуникация технологиялари алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникалари ҳамда ахборотни ҳимоялаш техникаларини ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича илғор тажрибаларни татбиқ қилади;

ички ишлар органларининг Ахборот-коммуникация технологиялари алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникалари ҳамда ахборотни ҳимоялаш бўйича техник воситалар билан таъминланганлик ҳолатини ўрганади.

б) жисмоний ва юридик шахсларга интерактив давлат хизматларини кўрсатиш учун ахборот тизимлари, ресурсларини яратиш ва интеграция қилиш, «Электрон ҳукумат» тизими билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек идоравий инфратузилмани ривожлантириш ва шакллантириш соҳасида:

ахборот тизимлари ва ресурслари бўйича идоралараро ҳамкорликни таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларга интерактив давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ички ишлар органларидаги ахборот тизимларни «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар базалари билан интеграция қилади;

«Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда интерактив давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида давлат ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини таъминлайди ҳамда натижаларини таҳлил қилади;

ички ишлар органлари фаолиятига Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизими лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини мақсадли кўрсаткичларига эришиш даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун NIS.UZ идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизими маълумотларни тақдим этади;

ички ишлар органларининг ахборот тизимлари ва ресурслари рўйхатини юритади;

ички ишлар органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатишни таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

в) маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш соҳасида:

дастурий маҳсулотлар, маълумотларни қайта ишловчи ва узатувчи воситаларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ички ишлар органларида давлат хизматларини кўрсатишда маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштиради ва уларни интерактив кўринишга ўтказиш учун ахборотлаштириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича чоралар кўради;

интерактив давлат хизматларини ҳамда фойдаланилаётган шакл ва бланкларни инвентаризация қилиш, уларни электрон давлат хизматлари ягона реестрига киритиш ҳамда давлат хизматларининг регламентларини ишлаб чиқади;

функционал ва операцион жараёнларни мақбуллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, шунингдек Интернет тармоғида очиқ маълумотлар базасини шакллантириш бўйича тизимни яратиш ҳамда улардан эркин ва фаол фойдаланиш сиёсатини татбиқ этади;

г) ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва татбиқ қилиш чораларини амалга ошириш, коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишининг замонавий воситаларини татбиқ қилиш соҳасида:

ахборот хавфсизлигига замонавий таҳдидлар бўйича маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, жамлаш, ахборот тизимлари ва ресурсларига ноқонуний кириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда ташкилий ва дастурий-техник ечимлар қабул қилинишининг самаралилигини назорат қилади;

ички ишлар органларини ахборот хавфсизлигига бўлган таҳдидлар бўйича хабардор қилади;

ахборотни ҳимояловчи воситаларнинг ҳамда қабул қилинган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолайди ва назорат қилади;

вазирликлар, идоралар ва халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва таҳдидларнинг олдини олиш масалалари бўйича биргаликдаги ишларни ташкил қилади;

телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ва иншоотларига рухсатсиз кириш мумкин бўлган жойларни ҳимоя ва блокировка қилиш ишларини амалга оширади;

техник каналлар бўйича ахборотларнинг чиқиб кетиши мумкин бўлган жойларини аниқлайди, лозим бўлган ҳимоя чораларини белгилайди.

д) ички ишлар органларининг радио ва симли алоқасини ташкиллаштириши ва таъминлаш ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

тинч ва ҳарбий даврларда, тезкор, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказилганда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини бошқаришни таъминлаш учун радио ва симли алоқа тизимини ташкиллаштиради, ривожлантиради, такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни режалаштиради ва ишлаб чиқади;

чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимида фойдаланишда бўлган замонавий алоқа воситалари, тизимлари ва технологияларини ўрганади, танлайди;

харид қилиниши режалаштирилган маҳаллий ва хорижий алоқа воситалари, тизимлари ва технологияларини синовдан ўтказиши ва техник хулосалар тайёрлайди;

алоқа воситалари, тизимлари ва технологияларига техник топшириқлар, хулосалар тайёрлайди;

тинч ва ҳарбий даврларда ички ишлар органларининг ҳаракатдаги алоқа тармоқларидан фойдаланган ҳолда алоқани ташкиллаштиради;

ички ишлар органларининг ҳаракатдаги алоқа тармоқларини замонавий алоқа воситалари ва тизимлари билан модернизация қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ички ишлар органларида йўлдош алоқа воситаларидан фойдаланишни ташкил этади;

қуролли тузилмалар, бошқа вазирликлар, идоралар, шошинч ва авариявий хизматлар билан ҳамкорликни ташкил этади;

е) ички ишлар органларида радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослашувини таъминлаш, радиотехник назорат, частота-ларни ҳудудий режалаштириши бўйича ишларни ташкиллаштириши ва олиб бориши соҳасида:

радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослашувини таъминлаш мақсадида улардан ўрнатилган тартибда фойдаланишни таъминлаш бўйича тадбирларни режалаштиради ва амалга оширади;

ички ишлар органларининг радиомаълумотларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларга риоя этилишини назорат қилади;

ички ишлар органлари радиочастота спектрларининг радиотехник назоратини амалга ошириш бўйича тадбирларни ўтказиши;

ноқонуний фаолият кўрсатувчи радиоузатгичлар ва радио алоқа воситаларини, радиоҳалақит манбаларини аниқлаш ва баргараф этиш масалаларида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

ички ишлар органларига радиоҳалақит манбаларини аниқлаш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

ж) Ахборот-коммуникация технологиялари, алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникалари ҳамда ахборотни ҳимоялаш воситалари-дан фойдаланиши, техник

эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва ҳисобдан чиқариш бўйича тадбирларни ўтказиш соҳасида:

Ахборот-коммуникация технологиялари ахборот тизимлари, алоқа, махсус ва компьютер воситаларини техник эксплуатация қилиш тадбирларини ташкиллаштиради ва амалга оширади;

Ахборот-коммуникация технологиялари ахборот тизимлари, алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникаларида муддатидан олдин носозликлар келиб чиқишининг сабабларини ўрганади, аниқланган носозликларни бартараф қилиш чораларини кўради;

ички ишлар органларига қабул қилинаётган Ахборот-коммуникация технологиялари ускуналари, тизимлар, алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникалари бўйича рекламация ишларини ўтказиши;

ички ишлар органларининг ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлинмаларига алоқа воситалари, махсус ва компьютер ҳамда ахборотни ҳимояловчи техникаларни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш масалаларида амалий ёрдам кўрсатади;

ИИВ марказий аппаратининг Ахборот-коммуникация технологиялари ускуналари, алоқа воситалари, махсус ва компьютер техникаларини ҳисобдан чиқариш ва утилизация қилишни ташкиллаштиради. ИИВга келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш ва хизматда фойдаланади.

Радиоалоқа воситаларининг вазифаси ва турлари.

Радиоалоқа ички ишлар органлари фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳаракатдаги объект билан жойдан туриб алоқа қилишнинг ягона туридир. Радиоалоқа воситалари ёрдамида маълумот йиғиш, оператив мушкул ҳолатларда, табиий фалкоатларнинг оқибатларини бартараф қилишда куч ва воситаларни бошқариш, оператив қидирув фаолиятини ташкил қилиш, жинойтчиларни ушлаш ва бошқа ишларда фойдаланилади.

Радиоалоқа маълумотларни масофадан туриб узатиш ва қабул қилишдир. У ички ишлар органлари бошқарувида муҳим аҳамиятга эга, чунки алоқанинг йўқолиши бошқарувнинг йўқолишига олиб келади.

Қадим замонларда маълумот юбориш ёки айтиш учун чопар юборилар, алоқа ва сигналлар шартли белгилар, олов ёки машғаллар ёрдамида амалга оширилар эди. Кейинчалик маълумотлар хат орқали юборила бошланди ва алоқа почта хизматида асос бўлди. Саноатнинг ривожланиши алоқа ўрнатишнинг янги усулларини яратиш талабини кучайтирди ва XVIII асрда илк бор оптик телеграф ихтиро қилинди. Ниҳоят, 1895 йил 7 май куни А. С. Попов симсиз алоқа — радиоалоқани ихтиро қилди.

Ички ишлар органлари фаолиятида қўлланиладиган, УҚТ диапазонида ишлайдиган радиоалоқа воситалар ўзининг конструктив тузилишига, тактик-техник бирликларига ва мақсадига кўра стационар, ихчам (мобил), қўлда олиб юриладиган радиоалоқа воситаларга бўлинади.

Стационар радиоалоқа воситалар — навбатчи қисмларда, назорат-текширув пунктларида, режимли идора ва қўриқланаётган объектларда доимий равишда кеча-кундуз ишлаб туриш учун ўрнатилади. Улар 20–40 км масофагача икки томонлама ишончли симплексли алоқани таъминлайди. Узлуксиз равишда 220/12 вольт кучланишли электр манбаи (блоки) орқали ишлайди. Унинг частотаси 50 Гц, узатгичининг чиқариш қуввати 8–12 Вт, радиоалоқа воситаларнинг тон сигналли чақирув частотаси 1100–2100 Гц, қабул қурилмасининг сезгирлиги 1–1,5 мкВ, умумий оғирлиги — 1,3 кг.

Ихчам (мобил) радиоалоқа воситалар — ҳаракатланадиган техник воситалар, масалан, автомобил, мотоцикл, вертолёт, моторли қайиқларга ўрнатилади. Бу радио алоқа воситасилар 7–18 км масофагача алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлиб, жадвал бўйича иш олиб боради. Ҳаракатланаётган воситанинг аккумулятори электр манбаи сифатида хизмат қилади. Чиқиш қуввати 8–12 Вт, қабул қурилмасининг сезгирлиги 1–1,5 мкВ, оғирлиги — 1,3 кг бўлади. Узлуксиз алоқа ўрнатиш вақти 15 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Кўлда олиб юриладиган радиоалоқа воситалар юқорида кўрсатилган радиоалоқа воситаларга нисбатан енгил ва кичик ўлчамлари билан фарқ қилади. Автоном электр манбаининг кучланиши 7,5–12 В, олиб юриш қулай бўлиши учун тасма билан таъминланган. Алоқа масофаси жойнинг рельефи ва антеннанинг турига кўра 3 км дан 5 км гача. Чиқиш қуввати радио алоқа воситасининг типига кўра 0,5 Вт гача. Қабул қурилмасининг сезгирлиги 1–1,5 мкВ. Узлуксиз ишлаш вақти 8 соат. Оғирлиги 355,5 гр ни ташкил этади.

Замонавий радиоалоқа воситалари кўп жиҳатлари билан ажралиб туради ва шунинг учун ҳам бир неча синфларга ажратилган. Булар радиотўлқинли, радиолокация, телевидение, радиореле, уяли алоқалардан ташкил топган.

Ҳозирги кунда ер юзаси радиотўлқинлар тармоғи ва радиотрансляция тугунлари билан қуюқ копланган бўлиб, уларнинг сони бир неча ўн миллиондан ошиб кетган. Бугунги кунда ҳаётимизни, шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятини алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш қийин.

Алоқа воситалари ёрдамида ички ишлар органларида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мумкин:

- 1) оператив бошқарув, куч ҳамда воситаларни узлуксиз бошқариш;
- 2) маҳбусларни қўриқлаш ва сақлаш тартибларини ташкил этиш;
- 3) оператив ҳолатлар кескинлашган вазиятларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда жамоат тартибини сақлашни ташкил қилиш;
- 4) пиёдалар ва транспорт ҳаракатини ташкил қилишни таъминлаш;
- 5) халқ хўжалиги объектларини қўриқлашни ташкил қилиш;
- 6) бедарак йўқолган шахслар ва қидирувда бўлган жиноятчиларни қидириб топиш ҳамда жиноятчиларни иссиқ изидан қидирувини ташкил этиш, жиноятни тўхтатиш ва очиш бўйича оператив ва тергов аппаратларининг алоҳида масалаларини ҳал қилишда алоқа воситаларидан фойдаланиш.

Бажарадиган вазифасига, восита ва кучлар ҳамда тезкор ҳолатга кўра радиоалоқани ташкил қилиш усуллари радиойўналиш ва радиотармоққа бўлинади. Улар вақтинча ёки доимий бўлиши мумкин.

3- савол. “Ҳайтера”, “Моторола”, “Посбон” кўлда олиб юрилувчи ҳамда “Кадан” стационар радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.

“Кадан” ТТТ

Ишчи диапазон частотатси	1.6-30 МГц (узатма), 250 кГц – 30 МГц (қабул)
Каналлар сони	600 канал, 20 тармоқ
Сканерлаш	1 сонияда 8 тагача канал
Частота барқарорлиги	±0.5 ppm (–30 до +60°С)
Таъминот манбаи	12 V DC (Ишчи кучланиш 10.8–15 V)
Ишчи ҳарорат оралиғи	–30 дан +60°С
Ўлчамлари	Қабул қилувчи 245 х 250 х 92 мм, аккумулятор билан 245 х 350 х 92 мм
Оғирлиги	Қабул қилувчи 2.5 кг (4.6 кг NiMH аккумулятор билан 8 Ач)
ўлчамлари: эни: бўйи:	245 mm 250 mm
қалинлиги	92 mm
АКБ билан эни:	245 mm
бўйи:	350 mm
қалинлиги	92 mm

“Моторола ДП 1400” ТТТ

Частота диапазони- 136-174 МГц
частота сеткеси 12,5/20/25 кГц
каналлар сони- 16 та
аккумуляторни қайта зарядлаш - 7,5 В
ўлчамлари: 37 x 57,5 x 37,5
оғирлиги 420 гр
металл никел аккумулятор билан 500 гр
никель-кадмий аккумулятор билан 450 гр
аккумуляторнинг ўртача ишлаш муддати 8-11 соат
металл никел аккумулятор билан 11-14 соат
никель-кадмий аккумулятор билан 9-12 соат



“Ҳайтера” ТТТ

Нутера – бу ҳам рақамли стандартларга ҳам аналог интеграциялашган ҳолда ҳам алоқа тизимини ташкил қилиш учун мўлжалланган.

Частота диапазони 400-470 МГц
Каналлар сони 1024 та
Частота қадами 12,5-20-25 кГц

Ишчи кучланиши 7,4 В
Аккумулятор 2400 мА/соат
Антенна қаршилиги 50 Ом
Ўлчамлари: баландлиги 125 мм
Эни 55 мм
Қалинлиги 43 мм
Оғирлиги 369 гр
Ишчи ҳарорати -30° дан +55° С
Сақлаш ҳарорати -40° дан +85° С



2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Режа:

1-савол: “Ҳайтера” русумли қўлда олиб юрилувчи радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.

2-савол: “Моторола” русумли қўлда олиб юрилувчи радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.

3-савол: “Кадан” русумли стационар радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.

АСАСИЙ ҚИСМ:

1-савол: “Ҳайтера” русумли қўлда олиб юрилувчи радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.

Радиоалоқа маълумотларни масофадан туриб узатиш ва қабул қилишдир. У ички ишлар органлари бошқарувида муҳим аҳамиятга эга, чунки алоқанинг йўқолиши бошқарувнинг йўқолишига олиб келади.

Қадим замонларда маълумот юбориш ёки айтиш учун чопар юборилар, алоқа ва сигналлар шартли белгилар, олов ёки машъаллар ёрдамида амалга оширилар эди. Кейинчалик маълумотлар хат орқали юборила бошланди ва алоқа почта хизматига асос бўлди. Саноатнинг ривожланиши алоқа ўрнатишнинг янги усулларини яратиш талабини кучайтирди ва XVIII асрда илк бор оптик телеграф ихтиро қилинди. Ниҳоят, 1895 йил 7 май кун А. С. Попов симсиз алоқа — радиоалоқани ихтиро қилди.

Ички ишлар органлари фаолиятида қўлланиладиган, УҚТ диапазонида ишлайдиган радиоалоқа воситалар ўзининг конструктив тузилишига, тактик-техник бирликларига ва мақсадига кўра стационар, ихчам (мобил), қўлда олиб юриладиган радиоалоқа воситаларга бўлинади.

Стационар радиоалоқа воситалар — навбатчи қисмларда, назорат-текширув пунктларида, режимли идора ва қўриқланаётган объектларда доимий равишда кеча-кундуз ишлаб туриш учун ўрнатилади. Улар 20–40 км масофагача икки томонлама ишончли симплексли алоқани таъминлайди. Узлуксиз равишда 220/12 вольт кучланишли электр манбаи (блоки) орқали ишлайди. Унинг частотаси 50 Гц, узатгичининг чиқариш қуввати 8–12 Вт, радиоалоқа воситаларнинг тон сигналли чақирув частотаси 1100–2100 Гц, қабул қурилмасининг сезгирлиги 1–1,5 мкВ, умумий оғирлиги — 1,3 кг.

Ихчам (мобил) радиоалоқа воситалар — ҳаракатланадиган техник воситалар, масалан, автомобил, мотоцикл, вертолёт, моторли қайиқларга ўрнатилади. Бу радио алоқа воситасилар 7–18 км масофагача алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлиб, жадвал бўйича иш олиб боради. Ҳаракатланаётган воситанинг аккумулятори электр манбаи сифатида хизмат қилади. Чиқиш қуввати 8–12 Вт, қабул қурилмасининг сезгирлиги 1–1,5 мкВ, оғирлиги — 1,3 кг бўлади. Узлуксиз алоқа ўрнатиш вақти 15 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Қўлда олиб юриладиган радиоалоқа воситалар юқорида кўрсатилган радиоалоқа воситаларга нисбатан енгил ва кичик ўлчамлари билан фарқ қилади. Автоном электр манбаининг кучланиши 7,5–12 В, олиб юриш қулай бўлиши учун тасма билан таъминланган. Алоқа масофаси жойнинг рельефи ва антеннанинг турига кўра 3 км дан 5 км гача. Чиқиш қуввати радио алоқа воситасининг типига кўра 0,5 Вт гача. Қабул қурилмасининг сезгирлиги 1–1,5 мкВ. Узлуксиз ишлаш вақти 8 соат. Оғирлиги 355,5 гр ни ташкил этади.

Замонавий радиоалоқа воситалари кўп жиҳатлари билан ажралиб туради ва шунинг учун ҳам бир неча синфларга ажратилган. Булар радиотўлқинли, радиолокация, телевидение, радиореле, уяли алоқалардан ташкил топган.

Ҳозирги кунда ер юзаси радиотўлқинлар тармоғи ва радиотрансляция тугунлари билан қуюқ копланган бўлиб, уларнинг сони бир неча ўн миллиондан ошиб кетган. Бугунги кунда ҳаётимизни, шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятини алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Алоқа воситалари ёрдамида ички ишлар органларида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мумкин:

- 1) оператив бошқарув, куч ҳамда воситаларни узлуксиз бошқариш;
- 2) маҳбусларни қўриқлаш ва сақлаш тартибларини ташкил этиш;
- 3) оператив ҳолатлар кескинлашган вазиятларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда жамоат тартибини сақлашни ташкил қилиш;
- 4) пиёдалар ва транспорт ҳаракатини ташкил қилишни таъминлаш;
- 5) халқ хўжалиги объектларини қўриқлашни ташкил қилиш;
- 6) бедарак йўқолган шахслар ва қидирувда бўлган жиноятчиларни қидириб топиш ҳамда жиноятчиларни иссиқ изидан қидирувини ташкил этиш, жиноятни тўхтатиш ва очиш бўйича оператив ва тергов аппаратларининг алоҳида масалаларини ҳал қилишда алоқа воситаларидан фойдаланиш.

Бажарадиган вазифасига, восита ва кучлар ҳамда тезкор ҳолатга кўра радиоалоқани ташкил қилиш усуллари радиойўналиш ва радиотармоқга бўлинади. Улар вақтинча ёки доимий бўлиши мумкин.

“Ҳайтера” ТТТ

Нутера – бу ҳам рақамли стандартларга ҳам аналог интеграциялашган ҳолда ҳам алоқа тизимини ташкил қилиш учун мўлжалланган.

Частота диапазони 400-470 МГц

Каналлар сони 1024 та

Частота қадами 12,5-20-25 кГц

Ишчи кучланиши 7,4 В

Аккумулятор 2400 мА/соат

Антенна қаршилиги 50 Ом
Ўлчамлари: баландлиги 125 мм
Эни 55 мм
Қалинлиги 43 мм
Оғирлиги 369 гр
Ишчи ҳарорати -30° дан +55° С
Сақлаш ҳарорати -40° дан +85° С



2- савол. “Моторола” русумли қўлда олиб юрилувчи радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.

“Моторола ДП 1400” ТТТ

Частота диапазони- 136-174 МГц
частота сеткаси 12,5/20/25 кГц
каналлар сони- 16 та
аккумуляторни қайта зарядлаш - 7,5 В
ўлчамлари: 37 x 57,5 x 37,5
оғирлиги 420 гр
металл никел аккумулятор билан 500 гр
никель-кадмий аккумулятор билан 450 гр
аккумуляторнинг ўртача ишлаш муддати 8-11 соат
металл никел аккумулятор билан 11-14 соат
никель-кадмий аккумулятор билан 9-12 соат



**3- савол. “Кадан” стационар радиоалоқа станциясининг тактик-техник таснифи.
“Кадан” ТТТ**

Ишчи диапазон частотаси	1.6-30 МГц (узатма), 250 кГц – 30 МГц (қабул)
Каналлар сони	600 канал, 20 тармоқ
Сканерлаш	1 сонияда 8 тагача канал
Частота барқарорлиги	±0.5 ppm (–30 до +60°C)
Таъминот манбаи	12 V DC (Ишчи кучланиш 10.8–15 V)
Ишчи ҳарорат оралиғи	–30 дан +60°C
Ўлчамлари	Қабул қилувчи 245 x 250 x 92 мм, аккумулятор билан 245 x 350 x 92 мм
Оғирлиги	Қабул қилувчи 2.5 кг (4.6 кг NiMH аккумулятор билан 8 Ач)
ўлчамлари: эни:	245 мм

бўйи:	250 мм
қалинлиги	92 мм
АКБ билан: эни:	245 мм
бўйи:	350 мм
қалинлиги	92 мм



Келгуси машғулот учун топшириқ:

Алоқа воситаларидан фойдаланиш ва алоқага чиқиш тартибини ўрганиб мавзуни мустахкамлаш.

МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

8.1.1-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг саф Низоми қачон ва ким томонидан тасдиқланган?
2. Саф деб нимага айтилади?
3. Шеренга деб нимага айтилади?
4. Колонна деб нимага айтилади?
5. Ёнма-ён тизилган саф деб нимага айтилади?
6. Қадам ташлаш ҳаракати қандай тезликда амалга оширилади?
7. Қадамнинг узунлиги қандай бўлиши керак?
8. Саф қадам билан юришда оёқни ердан қандай баландликка кўтариш зарур?
9. Дистанция тушунчаларига таъриф беринг?
10. Интервал деб нимага айтилади?

8.1.2-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Саф тушунчага таъриф беринг?
2. Шеренга тушунчага таъриф беринг?
3. Қанот тушунчасига таъриф беринг?
4. Фронт тушунчасига таъриф беринг?
5. Колонна тушунчасига таъриф беринг?
6. Ёнма-ён тизилган саф тушунчасига таъриф беринг?
7. Юриш сафи тушунчасига таъриф беринг?
8. Етакчи тушунчасига таъриф беринг?
9. Дастлабки команда тушунчасига таъриф беринг?
10. Саф бошқариш тушунчасига таъриф беринг?

8.2.1-мавзу бўйича назорат саволлари

1. “ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар куролни қўллаш тартиби тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи қачон ва ким томондан тасдиқланган?
2. Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар курол қўллаш талабларига риоя этилиши ким томонидан назорат қилинади?
3. Қўл кишани ишлаётган вақтда қанча вақт ичида кулфлар ҳолати текширилиши лозим?
4. Титандан ясалган “Сфера” дубулғасининг оғирлиги қанча?
5. Пўлатдан ясалган ҳарбий дубулғанинг оғирлиги қанча?
6. Ўқдан ҳимояловчи куртка “Мираж”нинг оғирлиги қанча?
7. Зирхли қалқон “Девор”(Забор)нинг оғирлиги қанча?
8. Махсус карабин КС-23нинг оғирлиги қанча?
9. Махсус резина таёқ ПР-73нинг оғирлиги қанча?
10. Қўл кишанлари (БР, БРС)нинг оғирлиги қанча?

8.2.2-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Махсус операция тушунчасига таъриф беринг?
2. Махсус операцияларни олиб боришда қандай шароитлар инобатга олинади ва уларни айтиб беринг?
3. Махсус операция неча босқичдан иборат бўлади?
4. Махсус операциянинг биринчи босқичини айтиб беринг?

5. Махсус операциянинг иккинчи босқичини айтиб беринг?
6. Махсус операциянинг учинчи босқичини айтиб беринг?
7. Қуролланган жиноятчиларни излаш ва қўлга олиш бўйича махсус операцияни олиб боришда усулларнинг кетма-кетлигини айтиб беринг?
8. Қуролланган жиноятчиларни яширинган жойини аниқлашда Республикамизнинг очиқ ҳудудларида қайси излаш усули қўлланилади?
9. Қуролланган жиноятчиларни яширинган жойини аниқлашда Республикамизнинг тоғли ҳудудларида қайси излаш усули қўлланилади?
10. Оммавий тартибсизликларни бартараф этишда қандай усуллардан фойдаланилади?

8.2.3-мавзу бўйича назорат саволлари.

1. Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлик машғулотларини ташкиллаштириш тўғрисида” ги буйруғнинг сони ва ва санаси нечи?
2. Отиш курсининг асосий мақсади нима?
3. Нишон деб нимага айтилади?
4. Қанақа ҳолатларда авария командаси берилади?
5. Отиш машғулотига раҳбарлик қилиш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, отиш мобайнида хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида, отиш машғулотларига кемлар масъул бўлади?
6. Отиш машғулотлари бошланиши (ўтказилиши)дан камида неча кун олдин ички ишлар органи бошлиғи раҳбари полигон бошлиғига нишонлар майдонини тегишли машқ шартларига мувофиқ тайёрлаш бўйича талабнома тақдим этади?
7. Кичик калибрли (пневматик) қуролдан отиш учун мўлжалланган алоҳида ўқув жойини (одатда) каерларда тайёрлашга рухсат берилади?
8. Ўт очиш машқининг асосий қисми ўқув жойларида ўтказилиши ва машқ учун ажратилган вақтнинг нечи фоизини эгаллаши шарт?
9. Қайси ҳолларда яқсон қилинган нишонлар сонидан қатъий назар, отиш машғулотини “Қониқарсиз” деб баҳоланади?
10. Бошлинғич отиш машқи кемлар томонидан бажарилади?

8.2.4-мавзу бўйича назорат саволлари.

1. Макаров пистолетининг патронларсиз ва патрони билан оғирлиги қанча?
2. Макаров пистолети ўқининг оғирлиги қанча?
3. Макаров пистолетининг узунлиги ва баландлиги қанча?
4. Макаров пистолети қайси йили қуролланишга киритилган?
5. Макаров пистолетидан мўлжалга олиш ва жароҳат етказиш масофаси қанча?
6. АК-74 автоматининг калибри ва узунлиги қанчага тенг?
7. Калашников автоматининг 1 дақиқада жанговар отиш тезлиги (якка ва автоматик тарзда) ҳисоби қанча?
8. АКМ автоматининг отиш тезлиги қанча?
9. АКМ автомати ўқининг бошланғич тезлиги қанча?
10. Калашников автоматидан мўлжалга олиш масофаси қанча?

ГЛОССАРИЙ

Саф – ҳарбий хизматчилар, бўлинма ва ҳарбий қисмларнинг пиёда ва машиналарда биргаликда юриш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда жойлашуви.

Шеренга – ҳарбий хизматчилар бир чизикда, белгиланган интервалга амал қилган ҳолда ёнма-ён турган саф.

Машиналар чизиғи – машиналар бир чизикда ёнма-ён жойлашган саф.

Қанот – сафнинг ўнг (чап) томони. Саф бурилганда, қанот номи ўзгармайди.

Фронт – сафнинг ҳарбий хизматчилар юзланиб турган (машиналар олд томони билан қаратилган) томони.

Саф орти – сафнинг фронтга қарама-қарши томони.

Интервал – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги фронт бўйлаб масофа.

Дистанция – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги саф узунлиги бўйича масофа.

Саф эни – қанотлар ўртасидаги масофа.

Саф узунлиги – биринчи шеренга билан охириги шеренга (олдинда турган ҳарбий хизматчи билан ортда турган ҳарбий хизматчи) ўртасидаги масофа. Ҳаракат машиналар воситасида бажарилаётган бўлса, биринчи машиналар чизиғи билан охириги машиналар чизиғи (олдинда турган машина билан охирида турган машина) ўртасидаги масофа.

Икки шеренгали саф – биринчи ва иккинчи шеренга деб номланадиган иккинчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар биринчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар ортида, бир қадамга тенг дистанция қолдирган ҳолда (олдинда турган ҳарбий хизматчининг елкасига қафти қўйилиб узатилган қўл масофасида) турган саф. Саф бурилганида шеренга номи ўзгармайди.

Қатор – икки шеренгали сафда кетма-кет турган икки нафар ҳарбий хизматчи. Агар биринчи шеренгада турган ҳарбий хизматчи ортида ҳарбий хизматчи бўлмаса, бундай қатор тўлмаган қатор, деб номланади.

Икки шеренгали саф ортга бурилса, тўлмаган қатордаги ҳарбий хизматчи олдинги шеренгага ўтади.

Бир ёки икки шеренгали сафнинг ораси жипс ёхуд очик бўлиши мумкин.

Ораси жипс саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича ёнма-ён, тирсақлар орасида бир қафт энига тенг интервал қолдириб жойлашади.

Ораси очик саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича бир-биридан бир қадамга ёки командир томонидан тайинланган масофага тенг интервал қолдирган ҳолда жойлашади.

Колонна – ҳарбий хизматчилар ва бўлинмалар (машиналар) бир-бирининг ортида, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Бир, икки, уч, тўрт колонна ва ундан ортиқ колонна саф бўлиши мумкин.

Бўлинма ва ҳарбий қисмлар юриш сафида ҳаракатланиши ёки ёнма-ён тизилиши учун колонна қўлланилади.

Ёнма-ён тизилган саф – бўлинмалар бир ёки икки шеренгали сафга (машиналар чизиғига) фронт бўйлаб бир чизикда тизилган ёхуд колонналар чизиғига, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган интервал қолдирган ҳолда тизилган саф.

Ёнма-ён тизилган саф йўқлама, санок, кўрик, парад ўтказиш учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

Юриш сафи – бўлинма колоннага тизилган ёки колоннага тизилган бўлинмалар кетма-кет, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Юриш сафи бўлинмалар марш давомида ҳаракатланиши, тантанали юриши, саф кўшиғи билан ўтиши учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

Етакчи – тайинланган йўналишда бош бўлиб бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина). Қолган ҳарбий хизматчилар (бўлинма ёки машиналар) ўз ҳаракатини етакчига қараб мослаштиради.

Охирида борувчи – колоннанинг охирида бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина).

Саф бошқариш амаллари оғзаки, сигнал воситасида ёки командир томонидан шахсан кўрсатиб бериладиган, шунингдек, техник ва ҳаракатчан воситалар орқали узатиладиган команда ва буйруқлар орқали бажарилади.

Шахсий ҳимоя воситалари – ички ишлар органлари ходимларини бош, кўкрак, бўйин, бел, оёқ ва қўлларини мина, гранаталарнинг кичик заррачаларидан, пистолет, револьвер, ов қуролларнинг ўқларидан, совуқ қуроллардан, шунингдек тош, металл симлар, таёк зарбаларидан ҳимоялайди.

Дубулға (каска)лар – металл, лакланган тери, пластмасса ва бошқа ашёлардан тайёрланган, бошни урилишдан ёки зарбадан сақловчи махсус бош кийим.

Совут (бронижелет)лар – матодан тайёрланган бўлиб ичи металл билан жиҳозланган инсоннинг ҳаётига зарур органларини ўқлардан, портловчи қурилмаларнинг заррачаларидан, урилишдан ёки зарбадан сақловчи махсус кийим.

Қалқон (шит)лар – темирли, пласмассали ва шаффоф бўлиб кўтариб юрадиган ҳимоя воситаси ўқлардан, портловчи қурилмаларнинг заррачаларидан, урилишдан ёки зарбадан сақловчи махсус восита.

Фаол мудофаа воситалари – қонунбузарларни қайтариш ёки уларни бўйсунмасликларини, жисмоний қаршилик кўрсатишларини олдини олишда тўғридан-тўғри ҳаракатларини сусайтириш учун мўлжалланган.

Махсус операцияларни таъминлаш воситалари – қонунбузарларни чалғитиш ва операцияларни олиб боришда шароитларни яратиш учун мўлжалланган.

Электрошок қурилмалари – инсон организмига йўл қўйиладиган шикаст етказувчи таъсир нормаларига эга бўлган, электр импульсларини ҳосил қилиш асосида контактли ва масофа-контактли электр таъсир ўтказиш қурилмалари

Масофавий электрошок қурилмалари – масофадан электро импульсларни юборадиган картридждан фойдаланиш.

Оммавий тартиббузарлик – фуқароларни тўпланиши, улар томондан амалга ошириладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлари.

Қуролланган жиноятчи – қуролланган фуқаронинг қуролли жиноят содир этиши.

Ўқ – қуролга мўлжалланган жанговар патроннинг бош қисми. Оддий ва махсус турларга бўлинади.

Оддий ўқлар очик жойда ёки енгил тўсиқ ортида, шунингдек, зирҳланган техника ичида жойлашиб олган жонли кучни йўқ қилиш учун қўлланилади.

Махсус ўқлар ёришадиган из қолдириб учиш, зирҳни тешиб ўтиш, нишонни ёндириш каби вазифалар учун мўлжалланган.

Ўқдон – муайян русумга мансуб патронларни жойлаштириш ва қурол патрондонига юборишдан аввал, патронларни узатиш чизиғига кетма-кет силжитиш учун мўлжалланган мослама, ҳажм.

Ўқдонлар:

қурол билан бирикиш жойига кўра – ствол ости, қурол ўртаси ва қўндоғидаги;

шаклига кўра – қутисимон, дисксимон, барабансимон;

қурол билан бирикиб туришига кўра – алмашувчи, алмашмайдиган, мажмуий;

патронларнинг жойлашишига кўра – бир қаторли ва кўп қаторли турларга бўлинади.

Ўқдонлар автоматик ва автоматлаштирилмаган ўқотар қурол ҳамда кичик калибрли зенит автоматик тўпларда кенг қўлланилади.

Ўқ-дори ва аслаҳа таъминоти пункти – ўқ-дори ва аслаҳа захирасини сақлаб туриш ва бўлинмаларни таъминлаш учун мўлжалланган, жанговар ҳаракатлар даврида батальонда

ёки взводда ташкил этиладиган пункт. Мазкур пункт таркиби, ташкил этиш вақти, жойи ва кўчиб ўтиш тартиби батальон ёки взвод командири томонидан белгиланади.

Ўқ-дори ва аслаҳа таъминоти пункти, умумкўшин полигони ва ўт очиш майдонида, жанговар ҳамда ўқув-жанговар ўт очиш машки ўтказилганда ҳам ташкил этилади.

Ўқ-дорилар – қурол-аслаҳанинг таркибий қисми бўлиб, жонли куч ва техникани йўқ қилиш, иншоотларни вайрон этиш ва махсус вазифаларни бажариш мобайнида қўллаш учун мўлжалланган.

Ўқ-дорилар туркумига қуйидагилар мансуб, яъни артиллерия снарядлари, реактив снарядлар, ракеталарнинг жанговар қисмлари, авиация ва чуқурлик бомбалари, ўқотар қуролларнинг патронлари, қўл ва қурол гранаталари, ер усти ва денгиз миналари, фугаслар, ядровий ва бошқа ўқ-дорилар. Улар оддий, ядровий, кимёвий ва бактериологик турларга бўлинади.

Ўқотар қурол тегиши – пистолет, милтиқ, автомат, пулемёт, артиллерия қуроли каби ўқотар қурол стволнинг тубига ўт очилган фурсатда ҳосил бўлган порох газлари босими кучининг ўтказадиган таъсири.

Ўқотар қурол тегиши қурол русумига кўра қуйидагича рўй беради:

яхлит қурол ёки қурол қисмларининг ўт очилган йўналишга қарши томон ғилдираши ёки тисарилиши;

қурол сапчиши;

ўт очган шахс елкаси ёки қўлига туртки бериши.

Тегиш оқибатларини, яъни қуролнинг ғилдираб кетиши, расчётнинг толиқиши, қуролни йўналтирувчи ўрнатмаларнинг ўзгариб кетиши, ўқларнинг нишонга ғуж тушмаслиги ва отиш тезлигининг пасайиши каби оқибатларни турли воситалар: ғилдиратмайдиган пона, тепки сўндиргич, амортизатор, тегишга қарши мосламалар билан нисбатан камайтиришга эришилади. Автоматик қуролда тепки кучидан қуролни қайта ўқлаш учун фойдаланади, бу эса ўз навбатида ўт очиш суратини оширади.

Автомат (юн. *автоматос* – ўзи ҳаракатланувчи):

1) автоматик ўқотар шахсий қўл қуроли бўлиб, душманнинг жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган. Автомат механизмларининг автоматик ҳаракатлари порох газлари энергиясидан фойдаланишга асосланган. Илк бор Россияда В.Г. Фёдоров томонидан 1916 йилда ихтиро қилинган. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари қурол-аслаҳаси таркибига, асосан ўқли қуролларнинг асосий турларидан бири бўлиб қолган М.Т. Калашников тизимига мансуб автомат қабул қилинган;

2) бевосита одам қатнашмай, берилган дастур бўйича энергия, ашёлар ёки ахборотни олиш, узатиш ва ишлатиш жараёнларидаги барча вазифаларни бажарувчи қуролма.

Пистолет:

шахсий ўқотар қурол. Душманнинг 50-70 м.гача масофадаги жонли кучини шикастлантиришга мўлжалланган. Ундан бир қўл билан отиш мумкин. Пистолет билан офицерлар, шунингдек, айрим ихтисосликларга мансуб сержант ва аскарлар қуроллантирилади.

Затвор – патронни, артиллерия снарядини патрондонга юбориш, ствол канални ёпиш, ўт очиш, канални очиш ва каналдаги гильзани ёки патронни стволнинг ортки учи орқали чиқариб улоқтириш учун мўлжалланган қуролдаги мослама. Затворлар тузилишига кўра артиллерияда – поршенли, понали; ўқотар қуролларда эса – сирпанувчан, чайқалувчан, кўндаланг ҳаракатланувчан турларга; ишлаш тамойилларига кўра – автоматик, ярим автоматик, автоматлаштирилмаган турларга бўлинади.

Патрон (франц. *патрон*) – ўқли қурол ва кичик калибрли, яъни 75 мм. гача замбарак ўқ-дориси. Унда ўқ ва снаряд, порох заряди ва ёндирувчи восита гильза ёрдамида бир бутун мужассамлаштирилган. Бундай патрон – яхлит, яъни унитар патрон деб аталади.

Жанговар патрон – душманнинг жонли кучи ва ҳарбий техникасини йўқ қилиш учун мўлжалланган;

Кўмакчи – пахтавон, ўқув ва қуролни синаш учун мўлжалланган патронларга

бўлинади.

Дастлаб қоғоз гильзали унитар патрон XIX асрнинг 40-йилларида, металл гильзали унитар патрон эса XIX асрнинг 60-йилларида вужудга келди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида оралиқ патрон, урушдан сўнгги йилларда эса кичик импульсли унитар патронлар ишлаб чиқилди. Бугунги кунда гильзасиз патронлар яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Патрондон – ўқотар қурол стволи каналининг отиш учун узатилган патрон гильзаси жойлашадиган қисми. Артиллерия қуролларида ствол каналининг ушбу қисми *ўқлаш камораси* деб аталади. Револьверларда ва авиация тўпларининг айримларида айланувчан барабанда жойлашган бир нечта патрондонлар мавжуд.

Калибр – ствол ичидаги кесимларнинг орасидаги масофа.

ЗИП – қўшимча ускуна ва мосламалари (запасные инструменты и приспособления).

ПСО – мерганнинг оптик мўлжалга олиш мосламаси нишонни катталаштириб берувчи ва яқинлаштириб берувчи мослама.

Нишон – жанговар отиш (очик ёки ёпик) тири ва дала ўқув майдонларида машғулот ҳамда мусобақаларда фойдаланилувчи сунъий мўлжал.

Отиш марраси – отиш машқини бошлаш ва бажариш учун ажратилган шартли жой (қизил рангли чизик ёхуд қизил рангли байроқ билан белгиланади, тунги вақтларда эса қизил фонардан фойдаланиш мумкин).

Дастлабки марра – отишга тайёргарлик кўриш ва отиш маррасига ҳаракатланиш учун белгиланган жой (оқ рангли чизик ёхуд оқ рангли байроқ билан белгиланади, тунги вақтларда эса оқ фонардан фойдаланиш мумкин);

Команда – ўқ отувчига отишни бошлаш, тугатиш ва отиш давомидаги ҳаракатларини бошқариш юзасидан овоз, елкасига уриш ва хуштак орқали бериладиган ишора (буйрук).

Авария – патронлар тугаганда, қурол носоз ҳолатга келганда ёки ўқдонни алмаштиришда зарурат юзага келганида бериладиган команда.

Отиш – порох зарядини ёниши жараёнида ҳосил бўлувчи газларнинг энергияси таъсирида ствол каналидан ўқ (граната)ни отилиб чиқиши.

Отиш вақти – отиш машқни бажариш учун белгиланган вақт.

Нишонгача бўлган масофа – отиш маррасидан нишонгача бўлган масофа.

Отиш ҳолати – ўқ отувчининг отиш вақтидаги эгаллаган ҳолати.

Отиш майдони – отиш машқларини ўтказиш ёки қурол-яроғлардан ўт очиш ҳамда қуролларни синовдан ўтказиш учун мўлжалланган ҳудуд.

Отиш шахарчаси – ходимларнинг ўқ отиш бўйича бошланғич билимларини ўзлаштириши ва шакллантириб бориш учун мўлжалланган моддий-техник базаси.

АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2023.
2. 2017 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. 5-боб 21,23-моддалари.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. -№6. 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижтимоий-сиёсий ва оммавий маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2081 сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сон Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

1. ИИВнинг 2018 йил 17-январь кундаги “Ички ишлар органларида хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлик машғулотларини ўтказиш қоидалари тўғрисида”ги 17-сонли буйруғи.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 15 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Саф Низоми. Т - 1996
4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф Низоми. Т - 2013

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 2003.
2. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

1. Тангирбердиев С.К, Закиров Р.С, Шерматов А.Ф. Ҳарбий топография: Ўқув қўлланма. ИИВ Институти. Т - 2005. 10-24 б.
2. Коваленко А.Н. Топографическая подготовка подразделения: Учебное пособие. – М.: Воениздат, 1984. 40-60 стр.
3. М.В. Коваленко, А.М. Говорухин, А.М. Куприн Справочник по военной топографии. М-1980. 198-202 стр.

4. А.А. Псарёв, А.Н. Коваленко, А.М. Куприн, Б.И. Пирнак. Военная топография – М-1986. 34-40 стр.

VI. Интернет сайтлари

1. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Институтси)
2. <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
3. <http://eduportal.uz> (Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази)
4. <http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи)
5. <http://www.academy.uz> (Ўзбекистон Республикаси Курслар институтси)
6. <http://www.ziyonet.uz> (Ахборот таълим тармоғи)
7. <http://www.uzscience.uz> (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Курс ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси).

НУРМАХАН ЗОИРЖАНОВИЧ ТАСИМОВ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ САФДОРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАР БИЛАН БОШЛАНҒИЧ КАСБИЙ
ТАЙЁРЛАШ КУРСИНИНГ “ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК”
МОДУЛИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Босишга рухсат этилди _____ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табағи _____
Адади _____ нусха. Буюртма № _____. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.